

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

А.Н. РАҲМОНОВ

**ТАДБИРКОРЛИК
ХУҚУҚИ**

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
хузуридаги Мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан бакалавриат
таълим йўналишиларида таҳсил олаётган талабалар учун
ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган*



ТОШКЕНТ – «IQTISODIYOT» – 2020

КИРИШ СЎЗИ

Ишбилармонлик мухитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун энг қулай шарт-шароитларни яратиш, корхоналарнинг фаолияти билан боғлик тартиб-таомилларнинг барча турларини қискартириш, соддалаштириш ва шаффоффлик даражасини ошириш, бизнесни юритиш шарт-шароитларини баҳолаш мезонларининг жаҳон амалиётида ҳамма томонидан қабул қилинган тизимини кенг жорий этиш ва шу асосда юртимизда ишбилармонлик ва инвестиция мухити даражасининг халқаро рейтингини янада ошириш мақсадида изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар самараси тадбиркорлар фаолиятини эркинлаштиришда, уларга кенг йўл очиб берган ҳолда назорат қилувчи органларнинг ваколатларини кескин камайтириш ва аник-равшан белгилаб олишда ва, албатта, тадбиркорлик субъектлари хукукларининг ҳимоясини амалда таъминлашда кўринмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган муҳим ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий ва бошқа соҳалардаги ислоҳотларнинг туб заминида ҳалқимизнинг янада фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш, мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш ва Ўзбекистон деб аталмиш муқаддас заминда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган фуқаролик жамиятини ва хукукий демократик давлатни барпо этишдан иборат. Ўзбекистон ўз раҳбари раҳномолигида буюк келажакни яратишнинг асосий принципларини, дунёга “тараққиётнинг ўзбек модели” сифатида донг тараттган, ўзгалар учун намунага айланиб бораётган тараққиёт моделининг асосини ишлаб чиқаётган вактда бу моделнинг ўзагини ташкил этадиган беш принципдан биттаси – бу мамлакатимизда ислоҳотларни эволюцион, яъни тадрижий йўл билан, изчил суратда босқичма-босқич амалга ошириш эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Бу йўлда эса тадбиркорлик фаолиятининг тўғри йўлга қўйилиши, унинг ривожланиши ва тараққий этиши учун қонуний барча асосларнинг яратилиши ўта муҳим вазифалардан бири саналади. Масалага шу жиҳатдан қаралганда, ушбу ўринда тадбиркорлик фаолиятини юиритишнинг хукукий асосларини ёритиш ва тадбиркорлик

фаолиятини юритаётган субъектларнинг хукукий ҳолатини таҳлил этиш мақсадга мувоғиқ эканлиги аён бўлади.

Мамлакатимизда тадбиркорларга эътибор масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев таъкидлаганидек, “кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, улар фаолиятига ноконуний аралашувни тубдан қисқартириш сиёсатимизнинг устувор йўналиши ва давлат органларининг биринчи даражали вазифаси этиб белгиланди”¹.

“Тадбиркорлик хукуки” фанидан тайёрланган мазкур ўкув қўлланма бозор муносабатларини ривожлантиришда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг хукукий асослари яратилиб, такомиллашиб бораётганилиги, тадбиркорларга кенг имкониятлар, имтиёз ва преференциялар берилаетганилининг мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ билишга ҳамда уларни таҳлил қилишга қаратилган.

1-мавзу. Тадбиркорлик хукуки тушунчаси ва манбалари

1. Тадбиркорлик хукуки тушунчаси, предмети ва унинг бошқа хукукий фанлардан фарқи.
2. Бозор иктисодиёти шаклланиши шароитида тадбиркорлик хукуқининг роли.
3. Тадбиркорлик хукуки манбалари.

1. Тадбиркорлик хукуки тушунчаси, предмети ва унинг бошқа хукукий фанлардан фарқи

Ҳар қандай фанни ўрганишда унинг тушунчаси ва предметини тўғри англаб олиш зарур. Ўз-ўзидан тушунарлики, тадбиркорлик хукуқини ўрганиш ҳам унинг тушунчасини тушуниб олишдан бошланади. Маълумки, хукуқ ижтимоий муносабатларни тартибига солади. Хукуқ маълум тармоқларга бўлинади. Масалан, оила хукуки, жиноят хукуки ва ш.к. Тадбиркорлик хукуки ана шундай хукуқ тармоқларидан биридир. Хукуқ тармоқлари бир-биридан, аввало, хукукий бошқарув предмети ва усули билан фарқ қиласди. Ҳар бир хукуқ тармоғи маълум ижтимоий муносабатларни тартибига солади. Ижтимоий муносабатлар ранг-барангдир: оиласидаги муносабатлар, меҳнат соҳасидаги

муносабатлар ва бошқалар. Булар ижтимоий муносабатларнинг кирраларидир. Ҳар бир кирра битта ижтимоий муносабатни ифодалайди. Бундай кирралар кўп ва бири иккинчисига ўхшамайди. Ўзбекистон Республикаси хукуқ тизимининг конституциявий, фуқаролик, жиноят бошқа мустакил тармоқларидан бири сифатида тадбиркорлик хукуки ҳам ижтимоий муносабатларни тартибига солади. Лекин қандай ижтимоий муносабатларни тартибига солади? Тадбиркорлик хукуки тушунчаси мазкур хукуқ соҳасига доир хукукий нормалар орқали тартибига солинадиган ижтимоий муносабатлардан ташкил топган. Тадбиркорлик хукуки корхона, бирлашма, ташкилот ва муассасалар ўргасида ва уларнинг бўйимлари

¹ Мирзиёев Ш. Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, баркарор ривожланишини таъминлаш – ҳалкимиз учун муносиб ҳаёт даражасини яратишнинг кафолатидир. – Миллий тараққиёт йўлимизни қатъяят билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 70-бет.

билин бўладиган тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнига раҳбарлик қилишда ташкил топадиган муносабатларни тартибга соладиган хукуқнинг алоҳида тармоғидир².

“Тадбиркорлик ҳукуқи” тушунчасининг мазмунини англаб олишдан аввал “тадбиркорлик” тушунчасининг мазмунини билиб олиш керак. Хўш, ТАДБИРКОРЛИКнинг ўзи нима? Буни билиш учун қонун хужжатларига мурожаат қилиш керак. ЎзРнинг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни (2000.25.05.) бу саволга қуйидагича **жавоб** беради (3-модда):

“ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ (ТАДБИРКОРЛИК) —

тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун хужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолият”.

Эътибор беринг. Қонунда берилган таърифнинг мазмунида учрайдиган асосий элементлар қуйидагилар:

- ➔ тадбиркорлик **рўйхатга олинган субъектлар томонидан** амалга оширилади;
- ➔ тадбиркорлик **қонун хужжатларига мувофиқ** амалга оширилади;
- ➔ тадбиркорлик **таваккал қилиб** юритиладиган фаолият;
- ➔ тадбиркорлик **мулкий жавобгарлик остида** амалга оширилади;
- ➔ тадбиркорлик **даромад олишга қаратилган** фаолиятдир;
- ➔ тадбиркорлик шахснинг **ўз ташаббуси асосида** юритиладиган фаолият;
- ➔ “тадбиркорлик” ва “тадбиркорлик фаолияти” тушунчалари **бир маъниони бирдиради.**

² Юридик энциклопедия. Юридик фанлари доктори, профессор У.Таджихановнинг умумий таҳрири остида. – Т.: «Шарқ», 2001, 529-бет.

Тадбиркорлик ҳукуқи ҳукуқ тармоги сифатида тадбиркорлик ва иқтисодиёт соҳасидаги фаолиятни тартибга солувчи нормалар йигиндисидан иборат. «Иқтисод» сўзининг ўзи ҳам аслида грекча «экономос» сўзидан олинган бўлиб, «хўжалик» деган маънони англатади.

Хўжалик юритиш билан боғлик фаолият З асосий босқични камраб олади:

1. Ишлаб чиқаришгача (эксплуатациягача) бўлган босқич. Бунда асосан рўйхатдан ўтказиш, лицензиялаш, рухсатнома олиш каби фаолиятлар амалга оширилади.
2. Ишлаб чиқариш (эксплуатация) босқичи. Бу босқичда товарларни ишлаб чиқариш, уларни топшириш, ишларни бажариш, хизмат кўрсатиш каби фаолиятлар амалга оширилади.
3. Ишлаб чиқаришдан (эксплуатациядан) кейинги босқич. Бу солик хизмати, статистика органлари олдидағи мажбуриятларнинг вужудга келиши хамда бажарилиши ва шу кабилардан иборат.

Кўриниб турибдики, хўжалик фаолияти факат товар ишлаб чиқариш билан боғлик муносабатларнингина эмас, балки ишлаб чиқаришни бошлаш учун тегишли хатти-ҳаракатларни амалга ошириш (бино сотиб олиш ёки уни қуриш, жой хозирлаш, ёқилги, хом ашё, асбоб-ускуналарга эга бўлиш ва шу кабилар) ва шу билан боғлик муносабатларни ҳам қамраб олади. Ана шуларнинг барчаси тадбиркорлик хукукининг предметини ташкил этувчи муносабатлардир. Булар бевосита даромад (фойда) олишга қаратилмаган бошқа мақсадлар билан ҳам боғлик бўлади. Даромад (фойда) олишга қаратилмаган мақсадлар жумласига мулкни бошқариш, идора қилиш, корхонани ташкил этиш ёки уни тугатиш бўйича ташкилий характердаги фаолиятларни киритишимиз мумкин. Демак, тадбиркорлик муносабатлари бевосита фойда олиш билан боғлик бўлмаган ҳолда ҳам юзага келади. Ана шу муносабатлар ҳам бевосита тадбиркорлик хукуки қоидалари билан тартибга солинади.

Тадбиркорлик муносабатларининг асосий қисмини хўжалик субъектларининг ўзаро вертикал ва горизонтал муносабатлари ташкил этади. Тадбиркорлик ҳукуки фанида хўжалик муносабатлари асосан уч гурухга

бўлинади:

1. Хўжалик фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ муносабатлар.

Хўжалик муносабатларининг мазкур гурухи бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ хўжалик фаолиятидир. Маълумки, собиқ Иттифоқ даврида, яъни режали иқтисодиёт хукмрон бўлган шароитда хўжалик муносабатлари факат корхоналар ҳамда уларнинг бўлимлари ўргасида вужудга келар эди. Хўжалик фаолиятини алоҳида фуқаро эмас, балки фуқароларнинг жамоаси олиб борар эди. Фуқаро эса хўжалик фаолиятини юритиш жараёнида ташкилот жамоаси таркибида иштирок этар эди. Унинг бу муносабатлари эса меҳнат хукуки билан тартибга солинар эди. Ҳозирги пайтда, яъни бозор иқтисодиёти муносабатларига босқичма-босқич ўтилиб, демократик хукукий давлат қурилаётган вақтда якка шахс – тадбиркорнинг хўжалик фаолияти тадбиркорлик хукуқининг предметини ташкил этади.

Республикамизда бозор иқтисодиётига ўтиш мулкнинг давлат тасарруфидан чиқарилиши ва хусусий мулкнинг шакллантирилишидан бошланди. Алоҳида фуқаронинг хусусий мулк эгаси сифатида эътироф этилиши унинг тадбиркорлик фаолияти билан ўтгуланиши учун имконият яратди. Фуқаронинг бу фаолияти учун етарли хукукий асослар яратилди. Эндиликда алоҳида фуқаро даромад (фойда) олиш мақсадида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган вақтдан эътиборан тадбиркор макомига эга бўлгач, хўжалик фаолияти билан шугулланиш хукуқига эга бўлди. Бунда унинг хўжалик юритувчи бошқа субъектлар билан хукуқининг тенглиги кафолатланган. Республикаимизнинг бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиб бориши жараёнида тадбиркорлик фаолияти иштирокчиларининг ҳам аҳамияти тобора ошиб бормокда. Бу фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш, тадбиркорликни рўйхатга олиш, хисоб-китоб олиб бориш, солик тўлаш, бозорга товар, иш ва хизмат билан чиқиш тартиб-коидаларини белгилаш, бошқа корхона ва ташкилотлар билан бўладиган ўзаро муносабатлар ва шу кабиларни хукукий бошқарища намоён бўлади.

Демак, корхоналар ва тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлари бир бутун ҳолда тадбиркорлик хукуқига оид қонун-коидалар билан тартибга солинадиган хўжалик муносабатларининг биринчи гурухини ташкил этади.

2. Хўжаликка раҳбарлик қилишдан келиб чиқадиган муносабатлар.

Хўжалик муносабатларининг иккинчи гурухи хўжалик фаолиятига раҳбарлик қилиш, яъни хўжаликни бошқариш билан бевосита боғлиқ бўлади. Хўжалик субъектлари маҳаллий ҳокимият органлари билан тегишли хўжалик фаолиятини ташкил этиш ва мулкни бошқаришда иштирок этади. Бундай хўжалик муносабатлари, гарчи фойда олиш билан боғлиқ бўлса-да, хўжалик бошқарувини ўз ичига олади. Давлат бюджетидаги муассасалар, хайрия жамғармалари ва хўжалик муносабатларига киришадиган бошқа муассасалар фаолияти фойда олиш билан боғлиқ бўлмаган фаолият жумласига киради. Бу муносабатлар тадбиркорлик фаолияти билан жуда яқин бўлиб, шакли жиҳатдан уни амалга оширишдан деярли фарқланмайди ва шу туфайли тадбиркорлик хукуки билан боғлиқ бўлади. Бу хўжалик муносабатларининг иккинчи гурухини ташкил этади.

3. Ички хўжалик муносабатлари. Бу ҳар бир корхонанинг, бирлашманинг ишлаб чиқариш тузилмалари ўргасидаги ички муносабатлари кўринишида намоён бўлади.

Юкорида кўрсатиб ўтилган хўжалик муносабатларининг уч асосий гурухи бозор иқтисодиётига оид бўлган ва давлат томонидан тартибга солинадиган хўжалик субъектларининг кўп қиррали фаолиятини ўзида мужассамлаштиради. Давлат жамият манфаатини хисобга олган ҳолда хўжалик юритувчи субъектларга иқтисодий таъсир этади, унинг фаолиятини назорат қиласиди.

Хўжалик (тадбиркорлик) хукуқининг ўзига хос хусусиятлари унинг субъектлари билан ҳам боғлиқдир.

Тадбиркорлик хукуки хукуқнинг мустақил тармоғи сифатида *бошига хукукий фанлардан ўзига хос хусусиятлари билан фарқ қиласиди*. Тадбиркорлик

хукуқини хукуқнинг бир тармоги деб ҳисоблашга унинг фуқаролик хукуки ва бошқа хукуклардан фарқи асос бўлади. Унинг ўзига хос хусусиятлари куйидагилардан иборат.

Маълумки, тадбиркорлик хукуки хукуқнинг алоҳида тармоги бўлган **фуқаролик ҳуқуқига** жуда яқин бўлса-да, у энг аввало тушунчаси, предмети, субъектлари билан ундан фарқ қиласди. Бу икки фаннинг тушунчасидаги фарқни олиб кўрайлик. Фуқаролик хукуқининг предмети тарафларнинг teng хукуклилигига асосланган мулкий муносабатлардан иборат. Тадбиркорлик хукуқида хам мулк билан боғлиқ муносабатлар салмоқли ўрин тутади. Лекин тадбиркорлик хукуқида мулкий муносабатлар шу муносабат иштирокчиларининг teng хукуклилиги билан бир қаторда бири иккинчисига итоат этиши, давлатнинг иқтисодга раҳбарлик қилиши орқали хам келиб чиқади. Фуқаролик хукуқининг субъектлари бўлиб барча фуқаролар хисобланади. Фуқаролар тадбиркорлик хукуқининг хам субъекти бўла олади, лекин бунда факат тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган фуқароларгина субъект сифатида қаралади. Юридик шахслар иккала ҳуқук соҳасининг хам субъекти ҳисобланади. Аммо юридик шахснинг ташкил этилиши, улар томонидан тадбиркорлик фаолиятининг амалга оширилиши ва уларга раҳбарлик қилиш жараёнлари фарқ қиласди. Фуқаролик хукукий муносабатларда давлат иккинчи тараф билан teng хукукли бўлиб катнашса, тадбиркорлик хукуқида эса у иқтисодиётга раҳбарликни амалга оширувчи субъект сифатида иштирок этади. Фуқаролик хукуки билан тартибида солинувчи шартномавий муносабатлар асосан истеъмолчиларнинг моддий эҳтиёжини таъминлашга қаратилади. Агар шартномавий муносабатлар товарни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаса, бундай муносабатлар тадбиркорлик хукуқининг нормалари билан тартибида солинади. Ана шу жиҳатлари билан тадбиркорлик хукуки **мехнат ҳуқуқига** жуда яқин туради. Аммо бу икки хукук соҳаси хам бир-биридан фарқланади. Тадбиркорлик хукуки субъектлар ўртасидаги тадбиркорлик муносабатларини тартибида солса, меҳнат ҳукуки эса иш берувчи билан ходимларнинг меҳнат шартномаси асосида рўёбга чиқадиган

муносабатларини, меҳнат жамоасидаги ички тартиб-қоидаларни, иш режимини ва шунга ўхшаш меҳнат шартномаси билан боғлиқ бошқа муносабатларни тартибида солади. Тадбиркорлик муносабатларини амалга оширишда тадбиркор ёлланма меҳнатдан фойдаланиши ҳам мумкин. Лекин бу муносабатга меҳнат қонунчилиги тадбиқ этилади. Меҳнат қонунлари, меҳнат шартномалари, жамоа шартномалари, меҳнат жамоаси фаолиятини, унинг кенгashi фаолиятини тартибида солишида тадбиқ этилади.



Тадбиркорлик хукуқининг **маъмурӣ ҳукук** фани билан алоқадорлигини кўриб чиқайлик. Маъмурӣ ҳукуқнинг предметини маъмуриятнинг буйруқ хамда ижро фаолияти билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ташкил этади. Бундай муносабатлар итоат этувчи органларга ва мансабдор шахсларга ўз кўрсатмалари орқали таъсир этиш, идора этиш каби ҳокимиятни амалга ошириш билан изоҳланади. Тадбиркорлик муносабатларида эса буйруқбозлик фаолиятлари деярли йўқ. Мавжудлари хам бозор муносабатларига тобора ўтиб борилаётган бир шароитда барҳам топиб бормоқда. **Маъмурӣ ҳукук** тадбиркорлик хукуқидан деярли бутунлай фарқ қиласди. Чунки маъмурӣ ҳукук томонидан тартибида солинадиган муносабатлар ижро фармойиши билан боғлиқ бўлиб, тадбиркорликдан бирмунча узоқроқда турадиган муносабатдир.

Тадбиркорлик хукуки **конституциявий ҳукук**, **экология ҳукуки** ва **қишлоқ хўжалиги ҳукуки** билан хам ўзига хос хусусиятлари орқали фарқланади.

Тадбиркорлик хукуки турдош хукуклар — хўжалик, фуқаролик, маъмурӣ ва бошқа хукуклардан ўзига хос хусусиятлари билан фарқланади.

Тадбиркорлик хуқуқининг моҳияти мулкчилик субъектларининг товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш билан фойда ёки даромад олишга қаратилган фаолиятидан иборат. *Хўжалик* хуқуқининг моҳияти ҳам товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолияти билан боғлиқ, аммо бу фаолият доимо фойда олишга қаратилмайди. Тадбиркорлик соҳасидаги фаолият аксарият мустақил бўлиб, тадбиркорнинг ўз хоҳиши, истаги билан аниқланади. Тадбиркорлик хуқуқи билан хўжалик хуқуки томонидан тартибга солинадиган муносабатлар гўё бир хилдек кўринади, аммо улар бир-биридан фарқланади. Тадбиркорлик қоидалари билан тартибга солинадиган муносабатлар хўжалик хуқуки қоидалари билан тартибга солинадиган муносабатлардан фарқ киласди. Хўжалик хуқуқига доир фаолият давлат ёки жамоа ташкилоти томонидан белгиланган фаолият ҳисобланади, унинг иштирокчилари фақат ўз вазифасини бажарган бўлса бас, ундан қанча фойда ва даромад келиш-келмаслиги уларни кизиқтирумайди.


2. Бозор иқтисодиёти шаклланиши шароитида тадбиркорлик хуқуқининг роли

Режали иқтисодиёт вақтида барча муносабатлар, шу жумладан товар ишлаб чиқариш юқоридан бериладиган буйруклар, топшириклар ва қарорлар асосида амалга оширилар эди. Бунинг оқибатида республикамизда ҳалқ хўжалигининг фақат бир соҳаси, яъни хом ашё етказиб бериш тузилмасигина ривожланган эди. Маъмурий буйрукбозлилкка асосланган хўжалик хуқуки тизими мукаддам фақат давлатга тегишли бўлган корхона, ташкилотларга доир хўжалик муносабатларига, шунингдек кооператив ва бошқа ташкилотлар билан боғлиқ хўжалик муносабатларига хизмат қилган эди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг ўз иқтисодиётимиз асосларини жуда ноқулай шароитда бошлашга тўғри келди. Бунда энг асосий масала ички иқтисодий сиёсатни инсон манбаатларига қаратиш, меҳнатни рағбатлантириш, аҳолининг ижтимоий ночор қатламларини давлат йўли билан ҳимоя қилишга қаратилган бозор иқтисодиётини қуришдан иборат бўлди.

Бозор иқтисодиёти шароитида режага асосланган ҳамма учун мажбурий тартиб ўз кучини йўқотди. Аммо режа фақат алоҳида олинган ҳолатларга, яъни давлат эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган топширикларни бажаришга тадбиқ этиладиган бўлди.

Тадбиркорлик фаолияти – иқтисодий фаолиятнинг таркибий қисмидир.



Мамлакатимиз иқтисодиётида бозор муносабатларининг тобора илдиз отиб бориши тадбиркорлик хуқуқининг ҳам ривожланишига сабаб бўлмоқда. Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш хўжалик муносабатлари тўғрисидаги ва тегишли хўжалик хуқуки предмети ҳакидаги тушунчанинг ҳам ўзгаришига олиб келмоқда. Ҳозирги кунда хилма-хил шаклдаги мулк, фуқаро мулкларининг кичик корхона шаклида, дехкон хўжалиги, хусусий тадбиркорлик фаолияти шаклида ишлаб чиқаришга жалб этилиши хўжалик муносабатларининг шакли, ҳажми, характеристи ва мазмунини ўзgartирмоқда.

Бозор муносабатлари корхоналарнинг³ ўзаро шартномавий муносабатлари билан ўзвий боғлиқдир. Бозор муносабатлари даврида товар ишлаб чиқариш ва уни истеъмолчиларга етказиб бериш билан боғлиқ жараёнлар республикамизнинг бир қатор қонунлари, жумладан, Фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида», «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида», «Дехкон хўжалиги тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги каби қонунлар билан хуқуқий тартибга солинди. Ана шу ва шунга ўхшаш бошқа қонунлар бозор муносабатларини тартибга солувчи мухим хуқуқий ҳужжатлар бўлиб ҳисобланади. Тадбиркорлик хуқуки эса ушбу қонунларга таяниб

³ Корхона, муассаса, ташкилот, бирлашма ва шу кабиларни бир сўз билан «корхона» деб агадик.

ривожланди ва ривожланиб бормоқда, бозор иқтисодиётининг шаклланиш ва ривожланиш жараёнида муҳим хуқуқий восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида хўжалик муносабатларини хуқуқий тартибга солиш бозор учун товар ишлаб чиқаришга (ишларни бажаришга, хизматлар кўрсатишга) ихтисослашган фаолияти билан боғлик бўлади. Шу сабабли ҳар қандай субъект ўзига тегишили мулк юзасидан ишлаб чиқариш фаолиятига киришади ва уни амалга ошириш жараёни хўжалик (тадбиркорлик) хуқуки билан тартибга солинади.

Хўжалик хуқуки давлатнинг ишлаб чиқариш фаолиятига таъсир этиши бўйича келиб чикадиган муносабатларига ҳам тадбиқ этилади. Бу давлат билан бошқа субъектларнинг ўзаро вертикал бўйича хўжалик юритиши муносабатларидир.

Юртимизда тадбиркорларга борган сари кенг имкониятлар ва имтиёзлар яратилмоқда. Тадбиркорларга яратилаётган кенг имкониятлар борасида 2015 йилда қонунчилигимизда амалга оширилган ўзгартишларга ҳам эътиборни қаратиш муҳимдир. Бунда амалга оширилган ўзгартишларнинг куйидаги ўринларига эътибор берайлик.

Биринчидан, назорат органларининг режали текширишлари масаласида. “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли химоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсикларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ЎзР Президентининг 2015 йил 15 майдаги ПФ-4725-сонли фармони асосида барча назорат органлари учун режали текширишлар даврийлиги бирхиллаштирилди. Бу қоида битта тадбиркорлик субъектида кетма-кет, яъни 1 йилда 2-3 бор текширишлар ўтказишга чек қўйди. **Назорат органларининг режали текширишлари** битта тадбиркорлик субъектида ҳар йили ёки 2 йилда 1 марта ўтказиларди. Бу ҳол корхона фаолиятига салбий таъсир этмай қолмасди. Мазкур фармон масалага ойдинлик киритди. 2015 йилнинг 1 июлидан эътиборан, микрофирма, кичик корхона ва фермер хўжаликлари фаолияти билан боғлик барча режали текширишлар кўпли билан 4 йилда 1 марта, бошқа тадбиркорлик субъектлари

учун эса 3 йилда 1 марта, хусусий банклар учун 5 йилда 1 марта қилиб белгиланди. Яна бир муҳим жиҳат шундаки, энди назорат қилувчи органлар режали текширишлар ўтказиш тўғрисида 30 календарь кун аввал тадбиркорлик субъектига ёзма хабар бериш орқали маълум қиласди. Бунда текшириш ўтказиш муддати 30 календарь кундан кўп бўлиши мумкин эмас. Молия-хўжалик фаолиятини текшириш ДСХ органлари томонидан ўтказилади. Агар текширувда солиқ ва валотага оид жиноятлар аломатлари аниқланса, текширув ЎзР Бош прокуратурасининг махсус департаменти томонидан ўтказилади. Президентимиз фармонида белгиланган нормалар 2000 йил 25 майда қабул қилинган “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Конунда ҳам ўз ифодасини топди. Айтилганларга кўра, давлатимиз раҳбарининг мазкур фармони тадбиркорликни янада кенг тараккий этишида муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қиласди.

Иккинчидан, ЎзРнинг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига киритилган ўзгартишга кўра, биринчи марта хукуқбузарликни содир этган шахс ноқонуний тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадни давлатга ихтиёрий равишда тўласа, шунингдек тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилган такдирда, хукуқбузарлик ашёлари мусодара килинмасдан тадбиркор жавобгарликдан озод қилинади. ЎзРнинг Жиноят кодексига киритилган ўзгартиш(184-м.)га кўра, агар шахс биринчи марта жиноят содир этган бўлса, ДСХ органининг қарорини олган кундан эътиборан 30 кун ичida соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар, пенялар, бошқа молиявий санкциялар тарзида давлатга етказилган зарарнинг ўрнини тўлиқ копласа, жавобгарликдан озод қилинади.

Учинчидан, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Конунга киритилган ўзгартишга кўра, тадбиркорлик субъектига нисбатан қўзғатилган жиноят иши бўйича текширувларда адвокатлар албатта иштирок этадилар. Тадбиркорга адвокатни ишга жалб этиш хукуки берилди. Тадбиркор бу хукукни рад этишга ҳақли. Текширувни амалга оширувчи мансабдор шахс тадбиркорга адвокатни ёллаш ёки уни рад этиш

хукуки борлигини ёзма равишда тушунтиради. Агар тадбиркор адвокатни рад этса, бу унинг адвокатни исталган вақтда ёллаш хукуқига молелик қилмайди.

Тўртминчидан, хусусий тадбиркорларга Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 31 июлдаги 219-сонли қарорига асосан 1 нафардан 3 нафаргача миқдорда ходимларни ёллаш хукуки берилди. Тадбиркор ва ходимлар ўртасидаги муносабатлар меҳнат қонунчилиги билан тартибга солинади. Бунда ёзма меҳнат шартномаси тузилади. Мехнат шартномасида хусусий тадбиркорнинг имзоси муҳр билан тасдиқланиши шарт эмас. Ишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ расмийлаштирилмайди. Меҳнат дафтарчаси юритилмайди. Ходимнинг меҳнат стажини ҳисоблаш тўланган сугурта бадаллари асосида амалга оширилади. Бунда Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг маълумоти асос ҳисобланади.

3. Тадбиркорлик хукуки манбалари

«Манба» сўзи араб тилидан кириб келган сўз бўлиб, илмий тадқиқот ишлари учун асос бўлган асар, хужжат ва шу кабиларни англатади⁴. *Хукуқ манбаи* деганда, хукукий нормаларнинг мустаҳкамланиш, яъни ташки ифодаланиш шакли тушунилади.

ЎзРдаги хукуқ тизимининг манбаи – бу ваколатли органлар томонидан белгиланган тартибда қабул қилинадиган қонунлар ва чиқариладиган хукукий хужжатлардир⁵. Ҳар бир хукукий фан учун ана шу қонунлар ва хукукий хужжатларнинг қайси бири ёки унинг қайси хукукий нормаси манба эканлигини ажратиб олиш керак бўлади. Бу масала, айниқса, тадбиркорлик хукуки учун муҳимдир. Чунки тадбиркорлик хукукий нормаларини ягона тизимга солувчи алоҳида хукукий хужжат ҳозирча мавжуд эмас. Лекин шундай бўлса-да, республиканинг ваколатли органлари томонидан қабул қилинган қатор қонунлар ва хукукий хужжатлар борки, уларнинг деярли катта қисми

⁴ Қаранг: *Ўзбек тилининг изоҳли лугати*. З.М. Маъруфов таҳрири остида. – М.: «Русский язык» нашриёти, 1981, 1-жилд, 445-бет.

⁵ Норматив ҳужжатларнинг турлари бўйича қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-хукукий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни. – www.lex.uz.

бевосита тадбиркорлик хукуқининг манбаи бўла олади. Улардан ташқари, олдинги йилларда амалда бўлган ва хўжалик-процессуал ҳаракатларни хукукий тартибга солишда катта роль ўйнаган «ЎзРнинг Хўжалик процессуал кодекси»ни ҳам таъкидлаб ўтиш лозим⁶.

Тадбиркорлик ҳукуки манбаи деб, хўжалик субъектлари ўртасида келиб чиқадиган хўжалик фаолиятига доир муносабатларни хукукий тартибга солувчи қонун нормаларининг йигиндисига айтилади.

ЎзР Конституцияси хукуқнинг барча соҳаларида бўлгани каби хўжалик хукуқининг ҳам асосий манбаидир. Конституциянинг 36-моддасида белгиланганидек, «*ҳар бир шахс мулкдор бўлишига ҳақли. Банка қўйилган омонатлар сир тутилиши ва мерос ҳукуқи қонун билан кафолатланади*».

Ўз ичига учта моддани (53, 54 ва 55-моддалар) қамраб олган Конституциянинг XII боби «*Жамиятнинг иқтисодий негизлари*» деб номланган. Бу бобда, хусусан бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши, давлат истеъмолчилар хукуқининг устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг хукуқлилигини ва хукукий жихатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлаши, мулқдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиши ва шу кабилар белгиланган.

Конституциядан ташқари тадбиркорлик хукуқининг манбаи бўлиб ЎзР Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган қонунлар, парламент палаталари томонидан қабул қилинган қарорлар, Президент фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда тегишли ваколатга

⁶ Хўжалик процессуал кодекси 1993 йилнинг 2 сентябрида қабул қилинган эди. 1997 йилнинг 30 августида ЎзР Олий Мажлиси томонидан янги таҳрирдаги «Хўжалик процессуал кодекси» қабул қилинди ва у 1998 йилнинг 1 январидан эътиборан амалга киритилди. Кейинги йилларда мазкур кодексга бир қатор тузатиш ва кўшимчалар киритилди. Бирор 2018 йил 24 январда Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси тасдиқланиши ва 2018 йил 1 апрелдан эътиборан кучга киритилиши муносабати билан Хўжалик процессуал кодекси ўз кучини йўқотди.

эга бўлган маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинган норматив-хуқуқий хужжатлар ҳисобланади.

Тадбирлаш учун саволлар

1. Тадбиркорлик ҳуқуқи тушунчасига таъриф беринг.
2. Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик ҳуқуқи қандай аҳамиятга эга?
3. Тадбиркорлик ҳуқуқининг предметини нима ташкил этади?
4. Тадбиркорлик ҳуқуқи бошқа ҳуқуқий фанлардан нимаси билан фарқ қиласди?
5. Тадбиркорлик ҳуқуқининг манбалари нималардан иборат?
6. Тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи қандай норматив-хуқуқий хужжастларни биласиз?

Тавсия этилаётган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси: Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: “Адолат”, 2018 й. – 376 б.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – “Халқ сўзи” газетаси, 2018 йил 29 декабрь, № 271-272 (7229-7230).

3. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми қарорлари тўплами. – Т.: Ўзбекистон, 2012.

4. Азизов Х.Т., Ширинов Ж., Бакаев Ш. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини фуқаролик-хуқуқий тартибга солиш. Ўқув қўлланма. – Т.: Akademiya, 2013. – 114 б.

5. Ибраторов Б.И. Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуки. – Тошкент: Молия, 2001. – 218 б.

6. Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабоп лугат // Муаллифлар: М.Абдуллаев, М.Абдуллаева, Ф.Абдуллаева, Г.Абдураззокова ва бошк.;

Р.Рўзиев ва Қ.Хоназаров умумий таҳририда. Тўлдирилган учинчи нашри / - Т.: «Шарқ», 2006.

7. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Умумий қисм. Дарслик. Таҳрир ҳайъати: X.Раҳмонкулов, Ш. М.Ниёзов ва бошк. Масъул муҳаррир: Ш.Рўзиназаров. — Т.: 2002.

2-мавзу. Тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатлар

1. Тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатлар тушунчаси ва белгилари.
2. Тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатларнинг тузилиши ва таркибий кисмлари.
3. Тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиш асослари.
4. Тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатларнинг турлари.

1. Тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатлар тушунчаси ва белгилари

Ҳуқуқий муносабатлар – бу унинг иштирокчилари ўртасидаги ҳакиқий ҳуқуқий алоқалар бўлиб, уларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларида намоён бўлади. Ҳар қандай ҳуқуқий муносабат ўз тузилишига кўра объект, субъект ва мазмун каби элементлардан иборат бўлади. Ўз навбатида тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатларнинг элементлари ҳам шу муносабатларнинг субъектлари, объектлари ва уларнинг мазмунидан иборат бўлади.

Ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчилари, яъни ҳуқуқ ва мажбурият эгалари ушбу ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари ҳисобланади. Демак, тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари бўлиб ана шу муносабатлarda катнашувчи шахслар тушунилади. Булар, аввало, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган ва юридик шахс мақомига эта бўлган корхоналар, шунингдек уларнинг бўлинмалари ҳисобланади.

Ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятлари ушбу ҳуқуқий муносабатларнинг обьекти ҳисобланади. Демак, тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатларнинг обьекти деб, тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатлarda катнашувчи шахсларнинг субъектив ҳукуклари ва мажбуриятларига айтилади.

Тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатлар деганда, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида ва тижорат ҳамда нотижорат тусдаги хўжалик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш борасида хўжалик юритувчи субъектлар иштироқида юзага келадиган муносабатлар тушунилади.

Тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатларнинг хусусиятлари қуидагилардан иборат:

1. Тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатлар ижтимоий тусдаги муносабатлардир.
2. Хўжалик ҳуқуқий муносабатлар хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғланган алоқалариdir.
3. Тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатлар иродавий характерга эга.
4. Тадбиркорлик ҳуқуқи нормаларида давлат иродаси ва манфаатлари акс этганлиги учун давлат уларнинг бажарилишини назорат қилади ва қўриклияди.

Хўжалик ҳуқуқий муносабат иштирокчилари аксарият ҳолларда ўзларига тегишли мулкка эгалик қилиш, мулқдан фойдаланиш, уни тасарруф этишда муайян мустакиликка эгадирлар. Улар бир-бирларига нисбатан тенг ҳукуклар шахслар ҳисобланадилар. Бундан ташқари, хўжалик ҳуқуқий муносабатларда катнашувчи шахсларнинг ҳукуклари бузилган тақдирда, бу ҳукуклар одатда суд орқали ҳимоя қилинади.

2. Тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатларнинг тузилиши ва таркибий кисмлари

Хўжалик ҳуқуки фанида хўжалик муносабатлари асосан уч гурухга бўлинади:

1. Хўжалик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ муносабатлар.
2. Хўжаликка раҳбарлик қилишдан келиб чиқадиган муносабатлар.
3. Ички хўжалик муносабатлари.



Хўжалик фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ муносабатлар. Хўжалик муносабатларининг мазкур гурухи бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ хўжалик фаолиятидир. Маълумки, собиқ Иттифоқ даврида, яъни режали иқтисодиёт хукмон бўлган шароитда хўжалик муносабатлари факат корхоналар ҳамда уларнинг бўлимлари ўртасида вужудга келар эди. Хўжалик фаолиятини алоҳида фуқаро эмас, балки фуқароларнинг жамоаси олиш борар эди. Фуқаро эса хўжалик фаолиятини юритиш жараёнида ташкилот жамоаси таркибида иштирок этар эди. Унинг бу муносабатлари эса меҳнат хуқуки билан тартибга солинар эди. Ҳозирги пайтда, яъни бозор иқтисодиёти муносабатларига босқичма-босқич ўтилиб, демократик хуқукий давлат қурилаётган вақтда якка шахс – тадбиркорнинг хўжалик фаолияти хўжалик хукуқининг предметини ташкил этади. Эндилиқда алоҳида фуқаро даромад (фойда) олиш мақсадида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган вақтдан эътиборан тадбиркор мақомига эга бўлгач, тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш хукуқига эга бўлди. Бунда унинг хўжалик юритувчи бошқа субъектлар билан хукукининг тенглиги кафолатланган. Корхоналар ва тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлари бир бутун ҳолда хўжалик хукуқига оид қонун-қоидалар билан тартибга солинадиган хўжалик

муносабатларининг биринчи гурухини ташкил этади.

Хўжаликка раҳбарлик қилишдан келиб чиқадиган муносабатлар. Хўжалик муносабатларининг иккинчи гурухи хўжалик фаолиятига раҳбарлик қилиш, яъни хўжаликни бошқариш билан бевосита боғлиқ бўлади. Хўжалик субъектлари маҳаллий ҳокимият органлари билан тегишли хўжалик фаолиятини ташкил этиш ва мулкни бошқаришда иштирок этади. Бундай хўжалик муносабатлари, гарчи фойда олиш билан боғлиқ бўлса-да, хўжалик бошқарувини ўз ичига олади. Давлат бюджетидаги муассасалар, хайрия жамғармалари ва хўжалик муносабатларига киришадиган бошқа муассасалар фаолияти фойда олиш билан боғлиқ бўлмаган фаолият жумласига киради. Бу муносабатлар тадбиркорлик фаолияти билан жуда яқин бўлиб, шакли жиҳатдан уни амалга оширишдан деярли фарқланмайди ва шу туфайли хўжалик хуқуки билан боғлиқ бўлади. Бу хўжалик муносабатларининг иккинчи гурухини ташкил этади.

Ички хўжалик муносабатлари. Бу ҳар бир корхонанинг, бирлашманинг ишлаб чиқариш тузилмалари ўртасидаги ички муносабатлари кўринишида намоён бўлади. Хўжалик муносабатларининг асосий қисми:

- хўжалик субъектларининг ўзаро вертикал муносабатлари;
- хўжалик субъектларининг ўзаро горизонтал муносабатлари.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган хўжалик фаолияти турли мулкчиликка асосланган субъектлар ўртасида юзага келмоқда. Бундай хўжалик муносабатлари ўз ичига нафакат мулкий ёки шахсий муносабатларни, балки корхоналар ҳамда уларнинг бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш каби муҳим жиҳатларни ҳам қамраб олади. Бу эса хўжалик фаолиятини амалга оширишда вужудга келадиган горизонтал хўжалик муносабатлари билан бирга хўжалик фаолиятини бошқаришда юзага келадиган вертикал хўжалик муносабатларига ҳам тааллукли бўлади.

Хўжалик хуқуқий муносабатларнинг обьектлари:

Ашёлар, пул ва кимматли қоғозлар, ўзга мол-мулклар	Субъектнинг содир этиши шарт бўлган ҳаракатлари	Хўжалик фаолиятида фойдаланиладиган номулкий неъматлар (фирма номи, товар белгиси, тижорат сири ва бошқалар)	Хуқуқ субъектининг фаолияти
--	---	--	-----------------------------

Куйидагилар хўжалик хуқуқий муносабатларнинг обьекти бўлади:

1. Ашёлар, пул ва қимматли қоғозлар, ўзга мол-мулклар. Тадбиркорлик хукуки билан тартибга солинадиган ашёвий муносабатлар товарлар ишлаб чиқариш, уларни айирбошлиш ва тақсимлаш ҳамда истеъмол килиш билан бевосита боғлиқдир. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган, шахсий эҳтиёжларни қондиришга хизмат қиласидан ашёлар хўжалик хуқуқий ашёвий муносабатларнинг обьекти бўла олмайди.

2. Субъектнинг содир этиши шарт бўлган ҳаракатлари. Субъектнинг содир этиши шарт бўлган ҳаракатлари ҳам тадбиркорлик хукуки билан тартибга солинадиган хуқуқий муносабатларнинг обьекти ҳисобланади. Талаб қилиш хуқуқига эга бўлган фуқаро ёки корхонанинг талаблари ўз зиммасига мажбурият олган шахс ёки шахсларнинг хатти-ҳаракатлари билан қаноатлантирилади. Масалан, маҳсулот етказиб бериш шартномаси бўйича маҳсулот етказиб бериш билан боғлиқ хатти-ҳаракатнинг амалга оширилиши ва бошқалар.

3. Хуқуқ субъектининг фаолияти. Тадбиркорлик хукукий муносабатларнинг обьекти доирасида субъектнинг фаолияти алоҳида ўрин тутади. Субъектнинг фаолиятини шундай тушунмоқ лозимки, хўжалик субъектлари ўз хўжалик фаолиятини қонунга мувофиқ юритишлари лозим ва бошқа шахслар унинг хўжалик фаолиятини юритишига тўсқинлик қилишга ҳақли эмаслар.

4. Хўжалик фаолиятида фойдаланиладиган номулкий неъматлар (фирма номи, товар белгиси, тижорат сири ва бошқалар). Бундай

неъматлардан субъектларнинг иродасидан ташқари ҳеч бир шахс фойдаланишга, товар номини ўзгартиришга, тижорат сири хусусида ахборот олишга ҳақли эмас.

3. Тадбиркорлик хуқуқий муносабатларнинг вужудга келиш асослари

Тадбиркорлик хуқуқий муносабатларнинг хусусиятлари қуидагилардан иборат:

- Тадбиркорлик хуқуқий муносабатлар хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзаро хуқуқ ва мажбуриятлар билан боғланган алоқаларидир.
- Тадбиркорлик хуқуқий муносабатлар иродавий ҳарактерга эга.
- Тадбиркорлик хуқуқи нормаларида давлат иродаси ва манфаатлари акс этганилиги учун давлат уларнинг бажарилишини назорат қилади ва қўриқлайди.

Хуқуқий муносабатларнинг мазмунини субъектларнинг ўз хуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш бўйича ҳақиқий ҳаракатлари ташкил этади. Тадбиркорлик хуқуқий муносабатларнинг мазмунини эса ушбу муносабатда иштирок этувчиларнинг субъектив хуқуқлари ва мажбуриятлари ташкил этади.

Субъектив ҳуқуқ деганда, муайян хуқуқий муносабатда катнашувчи шахсга тегишли бўлган хуқуқ тушунилади. Субъектив хуқуқ обьектив ҳуқуқ нормалари, яъни давлат томонидан ўрнатилган тартиб-коидалар асосида вужудга келади ва уларга мувофиқ равишда амалга оширилади. Субъектив хуқуқ шахсга ўз хоҳиши-иродасини эркин амалга ошириш имкониятини беради. Субъектив хуқуқ шахснинг бошқалардан ўз хуқуқларини бузилмаслигини талаб қилиш имкониятини назарда тутади. Масалан, мулк эгасининг субъектив хуқуқи бир томондан, ўз мулкини эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш билан боғлиқ хуқуқларни назарда тутса, иккинчи томондан, у субъектив хуқуқ эгаси сифатида ўз хуқуқларининг бузилмаслигини хар қандай шахсдан талаб қила олади. Тадбиркорлик хуқуқий муносабатларнинг мазмунини хуқуқлар билан бир қаторда мажбуриятлар ҳам ташкил этади.

Тадбиркорлик хуқукий муносабатларнинг вужудга келишида *юридик фактлар* муҳим роль ўйнайди. Юридик фактлар деганда, фуқаролик хуқуки ва мажбуриятларнинг вужудга келиши, ўзгариши ва бекор бўлишига олиб келадиган ҳаракатлар тушунилади. Шундай экан, бошқа хуқук нормалари сингари тадбиркорлик хуқуки нормалари ҳам ўз-ўзидан тадбиркорлик хуқукий муносабатларни вужудга келтирмайди. Тадбиркорлик хуқукий муносабатларнинг вужудга келиши, ўзгариши ёки бекор бўлиши маълум ҳолатлар билан боғлиқдир. ЎзР ФКнинг 8-моддасида фуқаролик хуқук ва бурчларнинг вужудга келиш асослари белгиланган. Булар бевосита тадбиркорлик хуқуки ва мажбуриятларининг вужудга келиши учун ҳам асос ҳисобланади. ФКда кўрсатилганидек, фуқаролик хуқук ва бурчлари конун хужжатларида назарда тутилган асослардан, шунингдек фуқаролар ва юридик шахсларнинг, гарчи конун хужжатларида назарда тутилган бўлмаса-да, лекин фуқаролик қонун хужжатларининг умумий негизлари ва мазмунига қўра фуқаролик хуқук ҳамда бурчларни келтириб чиқардиган ҳаракатларидан вужудга келади (ЎзР ФК, 8-модда, 1-кисм).

Юридик хатти-ҳаракатлар деганда, муайян хуқукий оқибатни юзага келтиришга каратилган хатти-ҳаракатлар тушунилади ёки оқибатлари конун хужжатларида назарда тутилган маълум хатти-ҳаракатлар ҳам юридик маънодаги хатти-ҳаракатлар ҳисобланади. *Ходисалар* деб, тадбиркорлик хуқукий муносабат субъектларининг эркларидан ташқари содир бўладиган фактларга айтилади. *Ходисалар* инсоннинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда вужудга келади. *Ходисалар* фақат қонунда назарда тутилган холлардагина хуқук ва мажбуриятларни вужудга келтиради. Масалан, табиий оғат юз бериб, ёнгин бўлган тақдирда, сугурта органи жабр кўрган шахс зарарини сугурта ҳақидаги хуқукий қоидаларга биноан тўлашга мажбур бўлади. Инсоннинг вафот этиши мероснинг очилишига сабаб бўлади. *Ҳаракатлар* деб, тадбиркорлик хуқукий муносабатларда катнашувчи шахсларнинг иродаси бўйича вужудга келадиган юридик фактларга айтилади. Бу тарздаги фактлар, яъни ҳаракатлар ўз навбатида икки турга бўлинади:

1. *Хуқуқ йўл қўйган ҳаракатлар* (конуний ҳаракатлар, хуқукий ҳаракатлар).

2. *Хуқуқ йўл қўймайдиган ҳаракатлар* (ноқонуний ҳаракатлар, хуқуқка зид ҳаракатлар, хуқуқка хилоф хатти-ҳаракат).

Хуқуқ йўл қўйган ҳаракатлар жумласига қонун билан тақиқланмаган битимлар тузилишини мисол қилиб келтириш мумкин. Битимлар ташкилот ва фуқароларнинг тадбиркорлик хуқуқларини ёки бурчларини белгилаш, ўзгартириш ва бекор килишга каратилган ҳаракатлар бўлиб, муайян оқибатларни туғдиришга каратилади. Хуқукий ҳаракатлар ҳам ўз навбатида *юридик ҳаракатлар* (юридик оқибатларни келтириб чиқариш максадида содир этиладиган ҳаракатлар) ва *юридик қўлмишиларга* (шахс хоҳишидан қатъи назар юридик оқибатга олиб келувчи ҳаракат) бўлинади. *Хуқуқ йўл қўймайдиган ҳаракатлар* – қонун билан тақиқланган ҳаракатлар бўлиб, булар икки кўринишида намоён бўлади:

1. Бошқа субъектларга зарар етказиш.
2. Мулкни асоссиз олиш ёки асоссиз тежаш.

Зарар етказиш туфайли вужудга келадиган мажбуриятларга биноан зарар кўрган тадбиркорлик зарар етказган тадбиркорликдан ўзининг аввалги ҳолатининг тикланиши ёки кўрилган зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақли. Мазкур мажбурият субъекти бошқа хўжалик субъектига зарар етказган шахсdir (жавобгар шахс). Бундай шахслар хўжалик хуқукий муносабат субъектлари бўлиб, улар турли мулк шаклига асосланиб фаолият кўрсатаётган корхоналар бўлиши мумкин.

4. Тадбиркорлик хуқукий муносабатларнинг турлари

Тадбиркорлик хуқукий муносабатларни мазмуни ва обьектига қараб бир неча турларга ажратиш мумкин. Булар:

1. *Мутлақ ашёвий хуқукий муносабатлар*. Мутлақ ашёвий хуқукий муносабатнинг обьекти – ашёдир. Бу хилдаги муносабатлар учун характерли хусусият шундан иборатки, субъект қонун йўл қўйган асосларда ўзининг

мулкка бўлган хукукини, яъни мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш бўйича хулк-атворини белгиловчи ҳаракатни амалга оширади⁷. Тадбиркорлик хукуки билан тартибга солинадиган ашёвий муносабатлар ишлаб чиқариш, товар айирбошлиш, таксимот ва истеъмол билан чамбарчас боғлиқдир. Ишлаб чиқаришдан ташқаридаги, шахсий эҳтиёжларни қондиришга хизмат қиласидиган предметлар хўжалик хукукий ашёвий муносабатлар обьекти бўла олмайди. Бу хақда юкорида ҳам сўз борди.

2. *Мутлақ нисбий ашёвий ҳукукий муносабатлар*. Мутлақ нисбий ашёвий хукукий муносабатлар жумласига хўжалик юритиш, оператив бошкарув, умрбод мерос килиб қолдириладиган мулк, хўжалик фаолиятини юргизиш учун ижара ва бошқа тартибда мулкка эга бўлишлик муносабатларини киритиш мумкин. Бунда мулкдорлар муносабати мутлақ нисбийдир. Чунки бу муносабат субъектлари ўзларининг мулкий хукукларини ўзгаларнинг эркисиз амалга ошира олмайди, улар мулк эгаси билан нисбий хукукий муносабатда бўлиб, тегишли мулкни эгаллайди, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади.

3. *Ўз хўжалик фаолиятини юритиши бўйича мутлақ ҳукукий муносабатлар*. Бу муносабатлар субъект ўз фаолиятини эркин амалга оширишда вужудга келади. Ўз хўжалик фаолиятини юритиш хукукий муносабатлар обьекти бўлади. Бунда хўжалик фаолияти юритишни конун хужжатларида кўзда тутилган тарзда амалга оширадиган шахснинг фаолиятига бошқа шахслар тўсқинлик қилмасликлари лозим. Ўз хўжалик фаолиятини юритаётган шахс томонидан ишлаб чиқарилётган маҳсулотнинг баҳосини белгилаши, таннархини шакллантириши, белгиланган норматив хужжатларга биноан санитария, гигиена, экологик ва ёнгинга қарши талаблар бўйича ва ўзга фаолиятларни амалга оширишда вужудга келадиган мутлақ хукукий муносабатларни мисол тарикасида келтириш мумкин. Агар хўжалик юритувчи шахс ўрнатилган тартиб-коидага зид иш тутса, ваколатли давлат органи йўл

кўйилган хукуқбузарликни бартараф этиш билан боғлиқ хатти-ҳаракатни хукуқбузар шахс томонидан амалга оширишни, заарларни коплашини талаб қилиши мумкин. Бундай ҳолда вужудга келадиган муносабатлар, албатта нисбий ҳарактерда бўлади.

4. *Номулкий ҳукукий муносабатлар*. Бу хўжалик фаолиятини юритувчи субъектларнинг ўз фаолиятларида номоддий неъматлар, хусусан, фирма номи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси, товар ишлаб чиқарилган жой номи, тижорат сиридан фойдаланишдаги, шунингдек ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш каби жараёнларда вужудга келадиган муносабатлардан иборат. Бундай номулкий хукукларни амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган хукукий муносабатлар мутлақ хукуқ хисобланади, чунки бундай неъматларга нисбатан хўжалик юритувчи субъектнинг мутлақ хукуки қонун билан эътироф этилган. Шунинг учун ҳам бундай мутлақ хукуқ обьекти бўлган интеллектуал фаолият натижаларидан бошқа шахслар мутлақ хукуқ эгасининг розилиги билангина фойдаланишлари мумкин.

5. *Нисбий ҳукукий муносабатлар*. Бу муносабатлар аввало, мажбуриятда намоён бўлади. Бундай муносабатларда икки ёки ундан ортиқ шахслар ўзаро хукуқ ва мажбурият соҳиблари бўлади. Бироқ ҳар доим ҳам нисбий хукукий муносабатлар мажбурият хукукий муносабатлари шаклида бўлмаслиги мумкин. Масалан, бир неча шахслар иштирокидаги биргаликда хўжалик фаолияти юритиш тўғрисидаги келишувларда, ширкатга бирлашиш тўғрисидаги битимларда, чет эл инвестори билан кўшма корхона тузиш ва капитални сарфлаш тўғрисидаги битимларда кредитор ва қарздор иштирок этмаслиги мумкин. Бу ерда шахсларнинг ўзаро куч ва маблағларини сарф қилиш асосида умумий хўжалик юритиш мақсадида бирикиш муносабатлари кўринади. Шу боис нисбий хукукий муносабатлар факат мажбурият хукукий муносабатларнига эмас, балки ундан ҳам кенгроқ муносабатларни қамраб олади. Шартномага асосланган барча муносабатлар нисбий хукуклар жумласига киради.

Фуқаролик хукукий муносабатлар ҳажми хўжалик хукукий муносабатлар

⁷ Тадбиркорлик ҳукуки. Умумий кисм. Дарслик. Тахрир хайъати: Х.Рахмонкулов, Ш. М.Ниёзов ва бошк. Масъул муҳаррир: Ш.Рўзиназаров. — Т.: 2002, 47-бет.

ҳажмидан бирмунча кенгроқдир, аникроғи фуқаролик ҳуқуки тартибга соладиган мулкий ва номулкий муносабатлар тадбиркорлик ҳуқуки тартибга соладиган мулкий ва номулкий муносабатлар доирасини ҳам қамраб олади.

Тадбиркорлик ҳуқуки субъектлари бир вақтнинг ўзида фуқаролик ҳуқуқининг субъекти бўлиши мумкин, аммо фуқаролик ҳуқуқининг субъекти тадбиркорлик ҳуқуқининг субъекти ҳисобланмаслиги мумкин. Масалан, жисмоний шахс якка тартибдаги тадбиркор мақомини олган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини юритиш мақсадида товар сотиб олар экан, бир вақтнинг ўзида у фуқаролик ҳуқукий муносабатларнинг ҳам, тадбиркорлик ҳуқукий муносабатларнинг ҳам иштирокчиси бўлади.

Тадбиркорлик ҳуқукий муносабатлар доираси тадбиркорлик ҳуқукий муносабатлар доирасидан анчайин кенгроқдир. Ҳар қандай тадбиркорлик ҳуқукий муносабатлар иштирокчиси тадбиркорлик ҳуқукий муносабатлар иштирокчиси ҳисобланса-да, аммо бунинг акси бўлмаслиги мумкин, чунки тадбиркорлик муносабатларида субъект ҳар доим таваккал қилиб, ўз мулкий жавобгарлиги асосида даромад (фойда) олишни мақсад қилиб иш юритади. Тадбиркорлик ҳуқукий муносабатлар иштирокчиларининг фаолияти эса ҳар доим ҳам даромад (фойда) олишга қаратилган бўлмаслиги мумкин.

Тадбиркорлик ҳуқукий муносабатларда субъект сифатида давлат, маъмурий-худудий тузилмалар, корхоналар ва уларнинг бўлинмалари, юридик шахс тузмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи тадбиркор фуқаролар иштирок этишлари мумкин. Улар барча ишлаб чиқариш жараёнларида (моддий ишлаб чиқариш, айирбошлиш, таксимот) фаол иштирок этиб муносабатга киришадилар.

Такрорлаш учун саволлар

1. Тадбиркорлик ҳуқукий муносабатлар деганда нимани тушунасиз?
2. Тадбиркорлик ҳуқукий муносабатлар кимлар ўртасида вужудга келади?

3. Тадбиркорлик ҳуқукий муносабатларнинг субъекти ва объектларига таъриф беринг.

4. Мулкий тадбиркорлик муносабатлари деганда нимани тушунасиз?
5. Номулкий ҳўжалик ҳуқукий муносабатлар нима?
6. Тадбиркорлик ҳуқукий муносабатларнинг мазмуни нималардан иборат?
7. Ҳўжалик ҳуқукий муносабатларнинг вужудга келиши асослари қандай?
8. Мутлақ ашёвий ҳуқукий муносабатлар деганда нимани тушунасиз?
9. Мутлақ нисбий ашёвий ҳуқукий муносабатлар деганда нимани тушунасиз?
10. Нисбий ҳуқукий муносабатлар нима?

Тавсия этилаётган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси: Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: “Адолат”, 2018 й. – 376 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – “Халқ сўзи” газетаси, 2018 йил 29 декабрь, № 271-272 (7229-7230).
3. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленуми карорлари тўплами. – Т.: Ўзбекистон, 2012.
4. Азизов Х.Т., Ширинов Ж., Бакаев Ш. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини фуқаролик-ҳуқукий тартибга солиш. Ўкув кўлланма. – Т.: Akademiya, 2013. – 114 б.
5. Ибратов Б.И. Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуки. – Тошкент: Молия, 2001. – 218 б.
6. Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабоп лугат // Муаллифлар: М.Абдуллаев, М.Абдуллаева, Ф.Абдуллаева, Г.Абдураззоқова ва бошк.; Р.Рўзиев ва Қ.Хоназаров умумий таҳририда. Тўлдирилган учинчи нашри / - Т.:

«Шарқ», 2006.

7. Тадбиркорлик хукуки. Умумий қисм. Дарслик. Таҳрир ҳайъати:
Х.Рахмонқұлов, Ш. М.Ниёзов ва бошқ. Масъул мухаррир: Ш.Рұзиназаров. —
Т.: 2002.

3-мавзу. Тадбиркорлик хукуки субъектлари

1. Хукуқ субъекти тушунчаси ва тадбиркорлик хукуки субъектлари.
2. Тадбиркорлик хукуки субъектларининг турлари ва таснифи.
3. Тадбиркорлик хукуки субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш.
4. Тадбиркорлик хукуки субъектларининг ҳукукий ҳолати.

1. Хукуқ субъекти тушунчаси ва тадбиркорлик хукуки субъектлари

Тадбиркорлик хукуқининг субъектлари – бу тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга ваколатли бўлган шахслардир. Тадбиркорлик хукуқининг субъектига қўйидагича таъриф бериш мумкин:

Тадбиркорлик хукуқининг субъекти – бу тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи, ўзининг мулкига, тадбиркорлик хукуқ ва мажбуриятларига эга бўлган, ўз фаолияти юзасидан мустақил даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ва ўзининг хукуқларини химоя килиш учун судга мурожаат кила оладиган (юридик шахс мақомини олган) корхоналар ва уларнинг тузилмалари ҳамда якка тадбиркор мақомига эга бўлган фуқаролардир.

Тадбиркорлик хукуқининг субъектлари тушунчасидаги ўзига хос белгилар қўйидагилар:

1. Тадбиркорлик хукуки субъектиning ўз мол-мулкига эга бўлиши. Ўз мол-мулкига эга бўлишнинг хукукий шакли – мулк хукувидир. Баъзи хўжалик юритувчи субъектлар (масалан, унитар корхоналар, давлат корхоналари) ўз мол-мулкига эга бўлмасдан ашёвий хукуқ асосида (хўжалик юритиши, оператив бошқариш хукуки) ўзига бириктириб кўйилган мол-мулкка эга бўлишлари мумкин.

2. Тадбиркорлик хукуки субъектларининг давлат рўйхатидан ўтиши ҳамда қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда муайян фаолият тури билан шугулланишлари учун руҳсатномага (лицензияга) эга бўлиши.

3. Тадбиркорлик хукуки субъектларининг хўжалик хукук ва мажбуриятларига эга бўлишлiği. Бундай хукуқ ва мажбуриятларнинг доираси

ЎзР қонунлари ҳамда уларга мувофиқ қабул қилинган мазкур хўжалик юритувчи субъектларнинг таъсис ҳужжатлари билан белгиланади.

4. Тадбиркорлик хукуки субъектларининг ўз фаолиятлари учун мустақил жавобгар хисобланиши. Жавобгарлик субъектнинг ўз мол-мулки доирасида амалга оширилади.

5. Тадбиркорлик хукуки субъектларининг ўз хукуклари ва қонуний манфаатлари бузилишининг суд орқали тикланиш имкониятига эгалиги. Бу тўғрисидаги коидалар қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган.


Тадбиркорлик хукуки субъектлари барча соҳалардаги ўз хўжалик фаолиятларини амалга оширишда бошка субъектлар билан муносабатларини шартномавий мажбурият асосида қурадилар. Субъектнинг давлат эҳтиёжлари учун ишларни бажараётган ва маҳсулотни етказиб берадигандаги муносабатлари ҳам шартнома асосида белгиланади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган ўз ваколатларига мувофиқ тарзда корхонага тегишли кўрсатмалар беришлари мумкин. Давлат идоралари ўз ваколатларига кирмайдиган ёки бошка шахсларнинг хукуқ ва қонуний манфаатларига хилоф ҳужжатларни қабул қилган тақдирда корхона бундай ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топишни талаб килиб, судга мурожаат этишга ҳақлидир. Корхона хукукини бузган давлат идораси ёки уларнинг мансабдор шахсларининг кўрсатмаларини бажариш натижасида, бундай идоралар ёки уларнинг мансабдор шахслари корхонага нисбатан қонунда кўзда тутилган мажбуриятларни тегишлича амалга оширганларни оқибатида корхонага етказилган зарарни тегишли давлат идораси ёки мансабдор шахс тўлайди. Зарарни тўлаш тўғрисидаги низоларни суд ёки иктисадий суд ўз ваколатлари доирасида ҳал қиласди.

NOTA BENE:

Тадбиркорлик субъекти

=

Тадбиркорлик фаолияти субъекти



2. Тадбиркорлик хукуки субъектларининг турлари ва таснифи

Тадбиркорлик хукукининг субъектлари орасида корхона муҳим ўрин тутади. У ўз фаолиятини мустақил ташкиллаштиради ва хом ашё ресурслари ҳамда материалларнинг мавжудлиги ҳамда ишлаб чиқарилаётган товарга (ишга, хизматга) бўлган талабларни хисобга олиб, ўз истиқболини мустақил белгилайди. Шу билан бирга у давлат эҳтиёжлари учун шартнома асосида товар (иш, хизмат) етказиб беради.

Юқорида айтилганидек, ички хўжалик мажбуриятлари бевосита ишлаб чиқариш доирасида вужудга келади. Бундай муносабатлар корхоналар ва бошка хўжалик субъектлари ичida пайдо бўлади. Корхонанинг ички бўлинмалари ва тузилмалари бундай муносабатларнинг иштирокчилари хисобланадилар. Улар ўзаро ва бошка хўжалик субъекти билан биргаликда хўжалик фаолиятини юритиш ва уни бошқариш жараёнида ички хўжалик муносабатларига киришадилар. Хўжалик фаолиятини юритувчи субъект ичida горизонтал муносабатлар ҳам, вертикал муносабатлар ҳам вужудга келади.

Ички хўжалик мажбуриятлари бевосита ишлаб чиқариш доирасида

вужудга келади. Бундай муносабатлар корхоналар ва бошқа хўжалик субъектлари ичидаги пайдо бўлади. Корхонанинг ички бўлинмалари ва тузилмалари бундай муносабатларнинг иштирокчилари хисобланадилар. Улар ўзаро ва бошқа хўжалик субъекти билан биргаликда хўжалик фаолиятини юритиш ва уни бошқариш жараёнида ички хўжалик муносабатларига киришадилар. Хўжалик фаолиятини юритувчи субъект ичидаги горизонтал муносабатлар ҳам, вертикал муносабатлар ҳам вужудга келади.

Давлат хўжалик хукуки субъектларига хос бўлган хусусиятларга эга. Булар:

1. Давлат ўз мулкига эга.
2. Давлат хўжалик фаолиятини бошқаради.
3. Давлат бевосита хўжалик ваколатларига эга.
4. Давлат хўжалик муносабатларидаги бошқа иштирокчилар билан шартномавий муносабатларга киришади.

Хўжалик хукукининг субъекти сифатида давлат айни вақтда хўжалик хукукининг бошқа субъектларидан фарқ қиласди. Бу давлатнинг фаолиятида хўжалик фаолияти устидан раҳбарликни амалга ошириш анча устунроқ туришида ифодаланади. Давлат иқтисодий муносабатларга киришар экан, бошқа субъектлар сингари ўз фаолиятини амалга ошириши учун унинг рухсатномага эга бўлиши (рухсатнома олиши) талаб этилмайди. Шу билан бир каторда норматив хужжатлар асосида иқтисодиётга раҳбарлик килишнинг амалга оширилиши ҳам давлатта хос бўлган хусусиятлардан бириди.

Давлатнинг ўз мулкига эга эканлиги тўғрисида шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз мустақилликка эришган йилдан олдинроқ Ўзбекистон ўзининг «Мулкчилик тўғрисида»ги Қонунини қабул қилди (1990) ва ушбу қонунга мувофиқ Ўзбекистон давлати мулк эгаси сифатида тан олинди. 1978 йилги Ўзбекистон Конституциясида жамиятнинг иқтисодий негизини асосан социалистик мулкнинг икки хил шакли, яъни давлат ва колхоз-кооператив мулки ташкил этиши белгиланган эди. Эндиликда мулк оммавий мулк ва хусусий мулк шакларида мавжуд бўлишлиги қонуний мустахкамланди (ЎзР

ФК, 167-модда). Мулкнинг кимга тегишли бўлишидан қатъи назар, баб-баравар хукукий муҳофаза қилиниш қоидалари қонунларда ўз ифодасини топди (ЎзРнинг Конституцияси, 53-модда).

Давлат хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан ўзининг қонун чиқарувчи органи орқали умумий асосларда ўз таъсирини кўрсатади⁸. Бунда у давлат вазифаларининг моҳиятидан келиб чиқиб хўжалик муносабатларida иштирок этади. Давлатнинг хўжалик субъекти сифатидаги фаолияти, айниқса унинг ўз эҳтиёжларидан келиб чиқиб моддий-техника таъминоти, инвестициялаш каби масалаларни ҳал қилишда яққол намоён бўлади.

Давлат томонидан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини назорат килиш турли йўллар билан, хусусан текшириш, шу жумладан тафтиш, муқобил текшириш, назорат тартибида текшириш, статистика ахборотларини ва бошқа ахборотларни таҳлил қилиш, идора қарамогидаги органларни текширишдан ўтказиш тарзида амалга оширилади.

Давлат томонидан хўжалик фаолиятини тартибга солишнинг қўйидаги шаклларини кўрсатиш мумкин:

- 1) норматив хукукий хужжатлар чиқариш (бундай хужжатлар хукукининг вужудга келтиради, ўзгартиради ёки бекор қиласди);
- 2) давлат буюртмалари;
- 3) давлат контракти;
- 4) давлат томонидан тартибга солишини белгиловчи хужжатлар.

Якка тартибдаги тадбиркор хўжалик хукукининг субъекти сифатида. «Тадбиркор» ва «тадбиркорлик» сўзларининг лугавий маъноси қандай? Буни билиш учун «Ўзбек тилининг изоҳли лугати»га мурожаат қиласлий. Унда шундай дейилади:

«Тадбиркор» - бу араб ва форс-тоҷик тилларидан кириб келган ясама сўз

⁸ Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат килиш билан боғлиқ муносабатларни ЎзРнинг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат килиш тўғрисида»ги Қонуни тартибга солади. Каранг: Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 21-сон. – Т.: «Адолат», 1999.

бўлиб, тадбир билан, пухта ўйлаб иш қиласидир⁹. «Тадбиркорлик» - бу пухта ўйлаб тузилган, ишлаб чиқилган амалий чоралар асосида иш тутмок демакдир¹⁰.

ЎзРнинг Олий Мажлиси томонидан 2000 йилнинг 25 майида қабул қилинган ва матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан кучга киритилган «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасида тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: «Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) – тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун хужжатларига мувофик амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолият».

Тадбиркор – бу бозор иқтисодиётида хўжалик юритишнинг асосий субъектидир. Тадбиркорликни ривожлантириш эса бозор иқтисодиёти шаклланишининг асосий мезонларидандир. Тадбиркор якка шахс сифатида ҳам, ишлаб чиқариш омилларини бирлаштирувчи кишилар гурухи сифатида ҳам намоён бўлиши мумкинки, бу кишилар ўзлари ихтиёрида бўлган ишлаб чиқариш воситаларини иш кучи билан, бу иш кучини сотиб олиш ва хўжалик фаолиятида ундан фойдаланиш ёрдамида бирлаштирадилар¹¹. Иқтисодиётга «тадбиркор» атамаси XVIII асрда кириб келган ва дастлабки вақтларда у кўп маънога эга бўлган¹².

Кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари

(«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун асосида)

Кичик тадбиркорлик субъектлари		
Якка тартибдаги тадбиркорлар	Ишлаб чиқариш тармоқларида	Ходимларнинг ўртача йиллик сони кўпи билан 10 киши

⁹ Каранг: Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 2-жилд. – М.: «Рус тили», 1981, 106-бет.

¹⁰ Уша жойда.

¹¹ Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари: 100 савол ва жавоб. – Т.: «Мехнат», 2000, 9-бет.

¹² Уша жойда, 18-бет.

Микрофирмалар	Савдо, хизмат кўрсатиш ва ноишлаб чиқариш соҳасининг бошқа тармоқларида	Ходимларнинг ўртача йиллик сони кўпи билан 5 киши
Кичик корхоналар	Саноат соҳасида	Ходимларнинг ўртача йиллик сони кўпи билан 40 киши
	Курилиш, кишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқларида	Ходимларнинг ўртача йиллик сони кўпи билан 20 киши
	Фан, илмий хизмат кўрсатиш, чакана савдо ва ноишлаб чиқариш соҳасининг бошқа тармоқларида	Ходимларнинг ўртача йиллик сони кўпи билан 10 киши
Ўрта тадбиркорлик субъектлари		
Ўрта корхоналар	Саноатда	Ходимларнинг ўртача йиллик сони ками билан 41 киши ва кўпи билан 100 киши
	Курилишда	Ходимларнинг ўртача йиллик сони ками билан 21 киши ва кўпи билан 50 киши
	Кишлоқ хўжалиги, бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари, улгуржи савдо, умумий овқатланиш тармоқларида	Ходимларнинг ўртача йиллик сони ками билан 21 киши ва кўпи билан 30 киши
	Чакана савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва ноишлаб чиқариш соҳасининг бошқа тармоқларида	Ходимларнинг ўртача йиллик сони ками билан 11 киши ва кўпи билан 20 киши

Энди «якка тартибдаги тадбиркор» тушунчасига тўхталайлик. Якка тартибдаги тадбиркорликни амалга ошириш – бу тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг энг оддий шаклидир. Уни ташкил этиш тартиби ЎзР Вазирлар Махкамасининг 1995 йил 14 февралдаги карори билан тасдиқланган «ЎзРда хусусий тадбиркорлик тўғрисида Низом»да белгилаб берилган. Мазкур Низомга мувофик, ёлланма меҳнатдан фойдаланмайдиган якка тадбиркор ўз фаолиятини юридик шахс ташкил этмасдан туриб амалга ошириши мумкин. Бундай якка тартибдаги фаолиятни амалга оширишда факат хусусий тадбиркорнинг меҳнати кўзда тутилган ҳоллардагина оила аъзоларнинг меҳнатини мазкур фаолиятга жалб этиш мумкин.

Якка тартибдаги тадбиркорлик ва хусусий тадбиркорлик тушунчалари

айнан бир нарса эмас. Хусусий тадбиркорлик – бу алохыда фуқаро ёки фуқаролар томонидан уларнинг таваккалчиликлари ва мулкий жавобгарликлари остида, шахсий даромад (фойда) олиш мақсадида қонунчилик доирасида амалга ошириладиган ташаббускор хўжалик фаолиятидир.

Хусусий тадбиркорлик фаолиятини юритувчилар ўз фаолиятини ёлланма ишчи кучи ёрдамида олиб борадилар, якка тартибдаги тадбиркорлар эса ўз фаолиятларини факат ўз меҳнатлари билан (кейинги ўзгартишлар бўйича ёлланма меҳнатдан фойдаланган ҳолда ҳам) амалга оширадилар. Хусусий тадбиркорлар юридик шахсни ташкил этган ҳолда ва ўз корхонасини давлат рўйхатидан ўтказган ҳолда фаолият юритсалар, якка тартибдаги тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан туриб фаолият юритадилар.

Хусусий тадбиркорлар (якка тартибдаги тадбиркорлар) юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари шартли равишда 4 гурухга ажратилади. Масалан, биринчиси – чакана савдо, иккинчиси – хунармандчилик, учинчиси – майший хизматлар (31 турдаги), тўртинчиси – фаолиятнинг бошқа турлари (39 турдаги) билан якка тартибдаги тадбиркорлар шуғулланишади. Умуман, якка тартибдаги тадбиркорлар 75 дан ортиқ фаолият тури билан шуғулланиши мумкин.

Хусусий корханалар ўзларининг мустакил балансларига, муҳрига, хисобкитоб варагига эга бўладилар. Улар ўзлари жойлашган жойдаги туман (шахар) ҳокимлигига тегишли тарзда рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб юридик шахс мақомини оладилар. Юридик шахс мақомини олмасдан туриб якка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланиш учун туман (шахар) ҳокимияти томонидан рухсатнома олинади. Давлат солиқ идоралари бундай шахсларга улар рўйхатдан ўтказилганлиги ва юридик шахс мақомини олмасдан туриб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш хуқуки берилганлиги тўғрисида ЎзР Молия вазирлиги белгилаган шаклдаги гувоҳномани тақдим этадилар.

Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ва юридик шахс ташкил этмасдан туриб, масалан, автомобилларга транспорт хизмати кўрсатиш, сураткашлик, курилиш, уйларни таъмирлаш ва ободонлаштириш, тўйлар ва турли тантаналар

вақтида санъаткорлик ва мусиқий хизмат кўрсатиш, мулкни (бинолар, уйлар, хоналар ва автомобиллардан ташқари) ижарага бериш ва шу каби тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш хуқуки борлиги тўғрисидаги гувоҳнома тегишли фуқаронинг белгиланган миқдордаги соликни тўлаганидан сўнггина берилади.

Хусусий тадбиркорликнинг қўйидаги турлари мавжуд:

1. Юридик шахсни ташкил қилган ҳолда хусусий тадбиркорлик фаолияти;
2. Юридик шахсни ташкил қилмаган ҳолдаги хусусий тадбиркорлик фаолияти.

Якка тартибдаги тадбиркорликнинг қўйидаги турлари мавжуд:

1. Шахсий тадбиркорлик;
2. Биргаликдаги тадбиркорлик.

ЎзР Конституцияси жисмоний шахсларга тадбиркорлик мақомига эга бўлишлик имкониятини берди ва шу тариқа улар ҳам тадбиркорлик хуқуқининг субъектлари доирасига киритилди.


ЎзР Олий суди Пленуми ва ЎзР Олий хўжалик суди Пленумининг «Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ қонунчиликни қўллаш суд амалиёти тўғрисида»ги 2000 йил 28 апрелдаги карорида¹³ фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши ва манфаатдорлиги учун шарт-шароит яратиш, уларнинг ишчанлик фаоллигини ошириш, тадбиркорлик субъектларининг хукуклари ва конуний манфаатларини ҳимоя қилиш, бу соҳада қонунчиликни тўғри тадбиқ этиш ва уларга қатъий риоя қилишнинг таъминланиши лозимлиги қайд этилган.

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунда тадбиркорлик фаолияти субъектлари доираси кенгайтирилиб, юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар кичик ва ўрта тадбиркорлик субъекти сифатида мустаҳкамланди.

Қонунга кўра, ҳар қандай фуқаро тадбиркор шахс хисобланмайди, балки

¹³ «Хўжалик ва хуқуқ» - «Хозяйство и право», 2000, № 8, 14-бет.

факат белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтиб, тадбиркор мақомини олган фуқарогина тадбиркор деб эътироф этилади.



Конун айрим тоифадаги фуқароларни тадбиркор мақомини олишларига монелик қиласди. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ходимлари ва уларнинг мансабдор шахслари, судьялар, прокуратура ходимлари, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шугулланишлари қонун хужжатларида ман этилган бошқа шахслар тадбиркор мақомини олишга ҳақли эмаслар.

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги конунда жисмоний шахсларнинг юридик шахс ташкил этмаган ҳолда биргаликдаги тадбиркорлик фаолияти шакллари мустахкамланган. Унга кўра,


- а) эр хотиннинг умумий мол-мулки негизида улар томонидан амалга ошириладиган оиласи тадбиркорлик;
- б) оддий ширкат;
- в) юридик шахс ташкил этмаган ҳолда дэхкон хўжалиги шаклида амалга ошириладиган фаолият.

Юридик шахс ташкил этмасдан якка тартибда амалга ошириладиган тадбиркорликни тадбиркорлик фаолиятини юридик шахс ташкил этиб амалга оширадиган субъектлардан фарқлаб олиш лозим. Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркор ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида, шунингдек мол-мулкка эгалик қилиш ва фойдаланишга йўл қўядиган ўзга ашёвий хукуқ орқали мустақил равишда (ўз фаолиятида ходимларни ёллаш хукуки билан) амалга оширади. Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш (давлат рўйхатидан ўтиши) учун шаҳе 18 ёшга тўлган бўлиши лозим.


Энди кичик ва ўрта тадбиркорликнинг субъектлари хусусида тўхталамиз. Кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари масаласи «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Конунда ёритилган.

Фаолиятнинг бир неча турини амалга оширувчи (кўп тармоқли) юридик ва жисмоний шахслар йиллик оборот ҳажмида энг кўп бўлган фаолият тури мезонлари бўйича кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари жумласига киритилади.

Конунчиликда амалга оширилган энг сўнгги ўзгартиш ва қўшимчаларга кўра, якка тартибдаги тадбиркор ўз меҳнат фаолиятининг хусусиятига қараб З нафаргача шахсни ишга олишга ҳақли. Хусусий тадбиркорларга Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 31 июлдаги 219-сонли қарорига асосан 1 нафардан 3 нафаргача миқдорда ходимларни ёллаш хукуки берилди. Тадбиркор ва ходимлар ўртасидаги муносабатлар меҳнат қонунчилиги билан тартибга солинади. Бунда ёзма меҳнат шартномаси тузилади. Меҳнат шартномасида хусусий тадбиркорнинг имзоси муҳр билан тасдиqlаниши шарт эмас. Ишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ расмийлаштирилмайди. Меҳнат дафтарчasi юритилмайди. Ходимнинг меҳнат стажини ҳисоблаш тўланган суғурта бадаллари асосида амалга оширилади. Бунда Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг маълумоти асос ҳисобланади.



Тадбиркорлик субъектларини “*бир йўла*” принципи бўйича давлат рўйхатидан ўтказилиши ва хисобга кўйиш жорий этилди. 2003 йилдан тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш билан бир пайтда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун рухсат берувчи хужжатларни расмийлаштириш тизими йўлга кўйилди. 2006 йилда рўйхатдан ўтказишнинг хабардор қилиши тартиби жорий этилди.



2011 йил мамлакатимизда Биринчи Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси билан “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилинди. ЎзР Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1474-сон қарори билан “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури тасдиқланди.

Рўйхатдан ўтказишдан мақсад нима? Мақсад куйидагилардан иборат: хўжалик муносабатида алоҳида шахс фаолият кўрсатаётганлигининг қонунийлигини тасдиқлаши;

тадбиркорлик субъектларини *ҳисобга олиши*;

тадбиркорлик субъектлари *реестрини юритиши*;

тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий, мулкий ва таикилий ҳолати тўгерисидаги маълумотларни жамлаши.

Фуқаролик кодексининг 44-моддасида юридик шахслар қонун хужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши, давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги маълумотлар эса барчанинг танишиб чиқиши учун очик бўлган юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилиши белгиланган.

Юридик шахсни ташкил этишнинг қонунда белгилаб кўйилган тартибини бузиш ёки унинг таъсис хужжатлари қонунга мос келмаслиги юридик шахсни

давлат рўйхатидан ўтказишнинг рад этилишига сабаб бўлади. Давлат рўйхатидан ўтказишнинг хабардор қилиш тартиби белгиланган юридик шахсларни рўйхатдан ўтказишни рад этиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Юридик шахсни ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас деган важ билан уни рўйхатдан ўтказишни рад этишга йўл кўйилмайди. Давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш, шунингдек рўйхатдан ўтказиш муддатини бузиш устидан судга шикоят қилиниши мумкин. Юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб ташкил этилган ҳисобланади. Юридик шахс қонунда белгиланган холлардагина қайта рўйхатдан ўтказилиши лозим. Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, расмийлаштиришнинг босқичма-босқич рўйхатдан ўтказиш принципига ўтиш ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 авгуустдаги “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги 357-сон қарори қабул қилиниб шу қарор билан “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида Низом” тасдиқланди. Мазкур қарор асосида тадбиркорлик фаолияти субъектларини расмийлаштириш ва давлат рўйхатидан ўтказишида биринчидан, розилик берувчи ташкилотлар сони кескин кискартирилиши, иккинчидан, барча келишиб олиш тартиботлари тадбиркорлик субъектларини амалдаги қонун ҳужжатларига риоя қилган ҳолда рўйхатдан ўтказадиган фақат битта ташкилот доирасида амалга оширилиши таъминланиши белгиланди. Туман (шахар) ҳокимларни хузурида **Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари** ташкил этилди. Бундан ташқари, тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш учун маъмурӣ сарф-харажатларни камайтириш, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишдаги бюрократик тўсиқлар ва ғовларни бартараф этиш йўли билан янада қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг

2006 йил 24 майдаги “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ-357-сон қарори қабул қилиниб “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низом” тасдиқланди. Мазкур қарорда асосан 2006 йилнинг 1 сентябридан бошлаб **тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олишнинг хабардор қилиши тартиби ўрнатилиб**, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш, тегишли равишда, юстиция органлари ёки туман (шахар)лар ҳокимларни хузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари томонидан бир вактнинг ўзида уларни солик ва статистика органларида ҳисобга қўйган ҳолда амалга оширилиши, ариза — хабарномани берган пайтдан бошлаб тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатига олиб, унга давлат рўйхатига олинганлик тўғрисидаги гувоҳномани беришгача ўтадиган муддат кўпи билан икки иш қонуни ташкил этиши белгиланди. Шу билан бирга, бу борадаги ишлар мунтазам равишда такомиллаштириб борилди. Масалан, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурига мувофиқ ҳамда тадбиркорлик фаолиятини кенг ривожлантириш учун қўшимча қулай шарт-шароитлар яратиш, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш ва харажатларини камайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 12 майдаги “Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1529-сон қарорини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Бундан ташқари, қатор қонун ҳужжатларидаги ҳам тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олишнинг ўзига хос хусусиятлари кўрсатиб ўтилган. Масалан, “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги, “Хусусий корхона тўғрисида”ги, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукукларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги ва бошқа қонунлар шулар жумласидандир.

Хусусий корханалар ўзларининг мустақил балансларига, муҳрига, ҳисоб-

китоб варагига эга бўладилар. Улар ўзлари жойлашган жойдаги туман (шахар) ҳокимлигига тегишли тарзда рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб юридик шахс мақомини оладилар. Юридик шахс мақомини олмасдан туриб якка тартибдаги тадбиркорлик билан шугулланиш учун туман (шахар) ҳокимияти томонидан рухсатнома олинади. Давлат солик идоралари бундай шахсларга улар рўйхатдан ўтказилганлиги ва юридик шахс мақомини олмасдан туриб тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш хуқуки берилганлиги тўғрисида ЎзР Молия вазирлиги белгилаган шаклдаги гувоҳномани тақдим этадилар.

Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ва юридик шахс ташкил этмасдан туриб, масалан, автомобилларга транспорт хизмати кўрсатиш, сураткашлик, қурилиш, уйларни таъмирлаш ва ободонлаштириш, тўйлар ва турли тантаналар вақтида санъаткорлик ва мусиқий хизмат кўрсатиш, мулкни (бинолар, уйлар, хоналар ва автомобиллардан ташқари) ижарага бериш ва шу каби тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш хуқуки борлиги тўғрисидаги гувоҳнома тегишли фуқаронинг белгиланган миқдордаги соликни тўлаганидан сўнгина берилади.

Фуқаролик кодексидан маълумки, юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб ташкил этилган ҳисобланади. Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш уни ташкил этишдаги сўнгти боскичdir. Лекин бунга қадар хўжалик юритувчи субъектлар ташкил этилишида бир қанча боскичлар босиб ўтилиши лозим.

Дастлаб муассислар ўзларининг умумий йиғилишларига тўпланадилар. Ана шу йиғилишда улар ўзларининг мулкларини бирлаштириш асосида аниқ мақсадларга эришиш йўлидаги барча ҳаракатлар доирасини белгилаб оладилар, таъсис хужжатларини ишлаб чишиб, уларни имзолайдилар ва қарор қабул киладилар. Хўжалик хуқуки субъектини ташкил этиш – бу ташкилот ва шартномавий бирлашмаларга хуқукий мақом бериш учун юридик аҳамиятга молик бўлган барча хужжатларни қабул килишга қаратилган ҳаракатлар мажмуудир.

Хўжалик хуқуки субъектларини ташкил килиш таъсис-фармойиш, таъсис ва шартномавий-таъсис усувларига бўлинади.

Таъсис-фармойиш усул билан асосан давлат мулкига асосланган корхоналар ташкил қилинади.

Таъсис этиши усули билан битта шахс иштироқидаги ташкилот тузилиши мумкин. Унинг фаолияти хусусий мулкка асосланган бўлади.

Шартномавий-таъсис усулни билан икки ёки ундан ортиқ таъсисчилар томонидан ўзларининг мулкий улушларини бирлаштириш асосида таъсис шартномасини тузиш йўли билан хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг йўналишлари белгиланади ва тузилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўлади ва бу юридик факт хуқукий муносабатни белгиловчи аҳамиятга эгадир. Хўжалик юритувчи субъектларни юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш учун қуидаги хужжатлар талаб этилади:

1. *Ариза.* Дастреб тегишли шахс ариза тақдим этади. Аризада ташкил этилаётган хўжалик юритувчи субъект тўғрисидаги асосий маълумотлар (хўжалик юритувчи субъектнинг номи, юридик манзили, раҳбарнинг исми, шарифи, низом жамғармасининг миқдори, муассислар, уларнинг низом жамғармасидаги улушлари, давлат рўйхатидан ўтказишни сўраб мурожаат этган шахснинг исми-шарифи) келтирилади. Ариза билан таъсисчининг ўзи мурожаат этиши шарт эмас, балки унинг номидан нотариал тасдиқланган ишончнома асосида вакил килинган шахс ҳам мурожаат қилиши мумкин.

2. *Таъсис ҳужжатларининг нотариал тасдиқланган икки асл нусхаси.* Давлат корхоналари негизида ташкил этилган акциядорлик жамиятларини рўйхатдан ўтказиш учун нотариал тасдиқланган таъсис ҳужжатлари талаб этилмайди. Таъсис ҳужжатларининг асл нусхалари давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризага илова қилинади.

3. *Хўжалик юритувчи субъектнинг почта манзилини тасдиқловчи ҳужжат.* Фермер, дехкон хўжаликлари, давлат корхоналари негизида ташкил этиладиган акциядорлик жамиятлари бундан мустасно.

4. *Давлат бозининг ёки рўйхатдан ўтказиш ишгимининг белгиланган*

миқдори тұлғанғанлиги тұғрисидаги банк тұлов хүжжаты. Дегон хұжаликлари, давлат корхоналари негизида ташкил этиладиган акциядорлик жамиятлари бундан мустасно.

5. Белгиланған тартибда шахсга ҳокимликнинг ваколатлы органлари томонидан берилған *фирма номи тұғрисидаги гувоҳнома, мұхр ва штамп эскизлари* (3 нұсқада).

Якка тартибдаги тадбиркорлик (ЯТТ) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 январдаги 6-сонли қарори билан тасдиқланған «Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мүмкін бўлған фаолият турлари рўйхати» ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 мартағи ПФ-3588-сонли Фармони билан тасдиқланған «Халқ бадиий хунармандчиликлари ва амалий-безак санъати буюмлари асосий турларининг янгиланған рўйхати» бўйича белгиланған фаолият турларини амалга ошириши мүмкін.

Якка тадбиркор қатый белгиланған солиқ ва сугурта бадалларини тўлайди. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 375-моддасига асосан, якка тадбиркор календарь ойида ишлаган кунлари сонидан қатъи назар, қатый белгиланған солиқ тадбиркорлик фаолиятининг тури ва солиқ тўловчининг фаолияти амалга ошириш жойига қараб белгиланған ставкалар бўйича тўланади. Демак, ЯТТ учун давлат хизматлари агентлигига ариза (агентлик томонидан берилади), 3x4 ҳажмли 2 та сурат, давлат божи тўлғанғанлиги тұғрисида хужжат (давлат божи энг кам иш ҳақининг бир баробари міқдорида), паспорт нұсқасини тақдим этиш керак.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тегишли давлат органи томонидан *“бир дарча”* принципи бўйича ва, коида тарикасида, хабардор қилиш асосида, конун хужжатларида белгиланған тартибда амалга оширилади (“Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тұғрисида”ги янги таҳрирдаги қонуннинг 13-моддаси).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва хисобга қўйишнинг

хабардор қилиш тартибини жорий этиш тұғрисида”ги ПҚ-357-сон қарорига мувофиқ, тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш учун маъмурий сарф-харажатларни камайтириш, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва хисобга қўйишдаги бюрократик тўсиқлар ва ғовларни бартараф этиш йўли билан янада кулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида 2006 йилнинг 1 сентябридан бошлаб тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олишининг *хабардор қилиши тартиби* ўрнатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Интерактив давлат хизматлари кўрсатиши хисобга олган ҳолда Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тұғрисида”ги 2012 йил 30 декабрдаги 378-сон қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали тұғрисидаги низом тасдиқланған бўлиб, интернет тармоғида <https://my.gov.uz> манзилида Ягона портал давлат органлари томонидан кўрсатиладиган, шу жумладан пулли асосда кўрсатиладиган интерактив давлат хизматларидан эркин фойдаланишнинг ягона нұктаси жорий этилди. Бугунги кунга келиб, ушбу Ягона портал орқали интерактив давлат хизматлари кўрсатиш қаторига юридик шахс, жисмоний шахслар учун тадбиркорлик субъектлари ташкил этиш учун онлайн тарзда ариза юбориш орқали рўйхатдан ўтиш тартиби ва хизматлари кенг йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тұғрисида» 2015 йил 15 майдаги ПФ-4725-сонли фармонининг изжросини таъминлаш ва тадбиркорлик тузилмаларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланған ҳолда давлат хизматларини кўрсатиш сифати ҳамда улардан фойдаланиш имкониятларини тубдан ошириш ва шаффоғлигини таъминлаш мақсадида 2015 йил 28 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамоили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2412-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарорнинг асосий мақсади 2003 йилдан бўён фаолиятини юритиб келаётган туман (шахар) ҳокимликлари хузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари негизида «ягона дарча» тамойили бўйича тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш ягона марказлари фаолиятини ташкил этиш вазифаси қўйилди. «Ягона дарча» марказлари 16 та давлат хизматларини кўрсатиши ва аризачиларга информацион ёрдам кўрсатиш, шунингдек давлат хизматларини кўрсатиш тартиби ва муддатлари тўғрисида бепул консультация бериш кўрсатиб ўтилди. Агарда хориж тажрибасига карайдиган бўлсак, бу каби «ягона дарча» марказлари бошқа давлатларда ҳам фаолияти йўлга кўйилганлигига гувоҳ бўламиз. Масалан, АҚШнинг Индиана, Делавер, Юта каби штатларида бу каби фаолият билан шугууланувчи “One stop centre” ёки “One stop business registration” каби органлар мавжуд. Лекин улар бизнинг “ягона дарча” марказлар каби 16 та эмас, балки 5-6 та давлат хизматларини кўрсатишади. Масалан, Юта штатидаги “One stop business registration” 5 та давлат хизмати, жумладан, солик, меҳнат, савдо, ишчи кучи ва атроф-муҳит масалалари бўйича давлат хизматлари кўрсатилади¹⁴. Делавер штатида эса солик органи, ишсизлик суғуртаси ва ишчилар компенсацияси масалалари бўйича давлат хизматлари кўрсатилади¹⁵. Мамлакатимизда Президентимизнинг 357-сонли 2006 йилги қарори ва Вазирлар Махкамасининг 2003 йилдаги 357-сонли қарори асосида тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказганлик ва ҳисобга кўйганлик учун факат энг кам ойлик иш ҳақининг 1 баробари миқдорида давлат божи ундирилади ва фирма номлари Давлат статистика қўмитасидаги ягона логин ва парол билан 60 кунгача бепул банд бўлиб турилиши кўзда тутилган. АҚШнинг Индиана штатида фаолият юритувчи “One stop centre” тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олганлиги учун 90 АҚШ доллари

миқдорида тўлов¹⁶ ҳамда фирма номи 120 кунга банд қилиб туриши учун 20 доллар хизмат ҳақи олишади¹⁷. Фирма номини 120 кунга банд қилиб туриш Делавер штатида 75 долларни ташкил этади¹⁸. Бундан ташқари, ушбу тадбиркорлик субъектлари муайян “One stop centre” ёки “One stop business registration” маълумотлар базасида рўйхатда турганликлари учун маълум миқдорда тўловларни амалга оширишлари лозим. Масалан, тижорат ташкилотлари хар 2 йилда ушбу марказлар ҳисоб рақамига 30 доллар, нотижорат ташкилотлар эса хар йили 10 доллардан пул ўтказишлари белгиланган¹⁹.

“Корпорациялар учун жаннат” (*Heaven for corporations*) деган номга сазовор бўлган Делавер штатида эса ушбу тўлов миқдори ташкилот устав фонди ва пул айланмалари миқдоридан келиб чиқиб, 175 доллардан 180000 долларгача ташкил этади²⁰. Шу билан биргаликда, АҚШнинг турли штатларида аёллар ва миноритар этник шахслар, агарда тадбиркорлик фаолияти билан шугууланиши истасалар, улар учун алоҳида имтиёзлар белгилангани ва “One stop centre” ёки “One stop business registration” органларида маълум чегирмалар ва айрим тўловлардан озод этилиши ҳам кўрсатиб ўтилган. Ушбу тоифадаги тадбиркорлар билан шугууланувчи алоҳида бўлинмалар, яъни “Minority and Women’s Business Enterprises Division” (MWBED) фаолияти мавжуд бўлиб, улар учун алоҳида www.in.gov/idoa/2352.htm, www.irs.gov, www.sba.gov (*Small Business Administration*) ва шу каби сайтлар ташкил этилган²¹.

Шуни таъкидлаш жоизки, туман (шахар) ҳокимликлари хузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари негизида «ягона дарча» тамойили бўйича тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш ягона марказлари фаолиятини ташкил этиш ва уларда тадбиркорлар учун 16 та давлат хизматини кўрсатиш, ва қолган мавжуд давлат

¹⁴ <https://secure.utah.gov/account/login.html> - Utah's OneStop Business Registration System

¹⁵ <https://onestop.delaware.gov/osbrlpublic/>

¹⁶ <http://www.isbdc.org> (Indiana Small Business Development)

¹⁷ https://secure.in.gov/sos/online_corps/name_search.aspx

¹⁸ <https://icis.corp.delaware.gov/Ecorp/EntitySearch/NameSearch.aspx>.

¹⁹ <https://onestop.delaware.gov/osbrlpublic/>

²⁰ <https://corp.delaware.gov/howtoform.shtml>,

²¹ www.in.gov/idoa/2352.htm, www.irs.gov, www.sba.gov

хизматлари бепул консультациялар бериш кўпчилик ривожланган давлатлар тажрибасида ҳам ҳали учрамаганлигига гувоҳ бўламиз. Шу сабабдан бўлса керак, Жаҳон банки томонидан ҳар йили рейтинг тарзида эълон қилинадиган *Doing Business* (Бизнесни юритиш) Ўзбекистон Республикаси янада юқори поғоналарни эгаллаб бораётгани бунга яққол мисол бўлади. Ва биргина 2014 йил июнь ойидан 2015 йил июнь ойи оралиғида Ўзбекистон Республикасининг тадбиркорларга, инвестиция муҳитига янада енгилликлар ва қулайликлар бериш бўйича олиб борган ислоҳотлари кучли ўнлик давлатлар қаторида Жаҳон банки томонидан алоҳида эътироф этилган²².

4. Тадбиркорлик ҳуқуқи субъектларининг ҳуқуқий ҳолати

Тадбиркорликни эрkin тараққий эттириш ва унинг самарали ривожланишини таъминлаш учун яратиладиган ҳуқуқий асосларнинг дебочасини **Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси**²³ ташкил этади. Чунки Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси олий юридик кучга эга бўлган ва норматив-ҳуқуқий хужжатлар иерархиясида энг юқорида турадиган бирламчи манбадир²⁴. Асосий қонуннинг²⁵ 53-моддасида қўйидаги конституциявий-ҳуқуқий норма белгилаб қўйилган:

“53-модда. Бозор муносабатларини ривожлантиришига қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларининг

[an.doingbusiness.org](http://www.lex.uz), <http://go.worldbank.org/OS6V7NIUD0> пущия» сўзи лотинча (*constitutio*) сўзидан олинган бўлиб, «тузилиш», «деган лугавий маънога эга.

Узоекистон Республикасининг Конституцияси 16-моддасининг 2-кисми мазмунида: “Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мулкни эмас”. Каранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: Ўн иккинчи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул килинган. – Т.: Ўзбекистон, 2018. Ўзбекистон Конституциясига киритилган охири ўзгартишилар билан берилган Конституциянинг сўнгги таҳрири бўйича қаранг: <http://www.lex.uz>

²⁵ Асосий қонун деганда Конституция назарда тутилмоқда. Бирок бу ибора ҳуқуқий норматив хужжатларда учрамайди. Шундай бўлса-да, ҳуқуқий-назарий адабиётларда Конституция тушунчасининг синоними сифатида кенг кўлланади.

ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиши эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқдилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлади.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби даҳлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин”.

Конституциянинг 53-моддасида хилма-хил мулк шаклларига асосланган бозор муносабатларининг ривожланишида тадбиркорлик фаолиятига алоҳида эътибор берилган.

Конституцияда белгилаб қўйилган нормалар мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши учун ҳуқуқий асослар бўлиб хизмат қиласидан тегиши қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатларда кенг ва атрофлича ёритилган. Тадбиркорлик билан боғлик ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи ана шундай норматив-ҳуқуқий хужжатлардан бири – бу **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси**dir. Фуқаролик кодекси тадбиркорларнинг ҳуқуқ лаёқати²⁶ ва муомала лаёқати²⁷, тадбиркорлар ҳуқуқ ва мажбуриятларининг вужудга келиш асослари, тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини химоя қилиш усуслари, тадбиркорлик фаолиятининг субъектлари ва обьектлари, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқий ваколатлари, тадбиркорлик фаолияти обьектларининг турлари ва хусусиятлари, битимларнинг ҳақиқийлиги ва уларнинг ҳақиқий эмаслигидан келиб чиқувчи юридик оқибатлар масалалари, тадбиркорликнинг иқтисодий манбай бўлиб хизмат қиласидан мулкнинг шакллари, тадбиркорларнинг ҳусусий мулкка нисбатан бўлган ҳуқуқлари, шартномалар ва уларнинг турлари, мажбуриятлар бўйича жавобгарлик ва бошқа масалаларни тартибга солади.

²⁶ Фуқаролик кодексининг 17-моддасига кўра, барча фуқароларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларига эга бўлиш лаёқати (ҳуқуқ лаёқати) тенг равишда эътироф этилади. Фуқаронинг ҳуқуқ лаёқати у туғилган пайтдан эътиборан вужудга келади ва вафот этиши билан тутгайди.

²⁷ Фуқаролик кодекси 22-моддасининг 1-кисмига кўра, фуқаронинг ўз ҳаракатлари билан фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиш ва уларни амалга ошириш, ўзи учун фуқаролик бурчларини вужудга келтириш ва уларни бажариш лаёқати (муомала лаёқати) у вояга етгач, яъни 18 ёшга тўлғач тўла ҳажмда вужудга келади.

Масалан, Фуқаролик кодекси 2-моддасининг 2 ва 3-кисмларини кўрайлил. Уларда қўйидаги хукуқий нормалар белгиланган:

“Фуқаролар, юридик шахслар ва давлат фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатларнинг иштирокчилари бўладилар” (2-кисм).

“Агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, фуқаролик қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган қоидалар чет эллик фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳамда чет эллик юридик шахслар иштирокидаги муносабатларга қўлланилади” (3-кисм).

Демак, аён бўлмоқдаки, нафқат Ўзбекистон давлати, унинг жисмоний шахслари²⁸ ва юридик шахслари²⁹, балки чет эл фуқаролари ва корхоналари (чет эл жисмоний ва юридик шахслари), фуқаролиги бўлмаган шахслар³⁰ ҳам тадбиркорлик муносабатларининг иштирокчилари бўлишлари мумкин.

Ўзбекистон давлат мустақиллигининг дастлабки йилларида қабул килинган қонунлар орасида “Тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонун ҳам бор эди. Мазкур Қонун 1991 йилнинг 15 февраляда қабул қилинган эди.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тегишли давлат органи томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширилади³¹.

²⁸ Фуқаролик кодексининг 16-моддасида “фуқаро (жисмоний шахс)” тушунчasi берилган. Унга кўра, фуқаролар, яъни жисмоний шахслар деганда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар тушунилади.

²⁹ Фуқаролик кодекси 39-моддасининг 1-кисмida “юридик шахс”нинг таърифи берилган: “Ўз мулкida, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувеуда алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбuriятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўзномидан мулкий ёки шахсий номулкий ҳукуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбuriятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади”.

³⁰ Фуқаролиги бўлмаган шахс – одатда апатрид (ватани йўқ шахс) ёки аполидлар деб аталади. Фуқаролиги бўлмаган шахслар муайян давлатда маълум ҳукукларга эга бўладилар. Улар давлат хизматида (давлат хизматчиси) бўла олмайди, сайлаш ва сайданиш ҳукукига, яъни актив ва пассив сайдов ҳукукига эга бўлмайдилар.

³¹ Каранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги ПК-357-сонли карори билан тасдиқланган карори билан тасдиқланган «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва хисобга қўйишнинг хабардор килиш тартибини жорий этиш тўғрисида»ги низом.

Рўйхатдан ўтказувчи органлар ариза берувчига тадбиркорлик фаолияти субъекти тариқасида давлат рўйхатидан ўтказишни уни ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас деган важ билан рад этишга ёки конун ҳужжатларида назарда тутилмаган қўшимча талабларни белгилашга ҳақли эмас.

Ариза берувчини тадбиркорлик фаолияти субъекти тариқасида давлат рўйхатидан ўтказишни рад этганлик, шунингдек рўйхатдан ўтказиш муддатларини бузганлик устидан судга шикоят қилиш мумкин. Рўйхатдан ўтказувчи органнинг карори, шунингдек мазкур орган мансабдор шахсларининг харакатлари (харакатсизлиги) суд томонидан қонунга хилоф деб топилган тақдирда улар ариза берувчига рўйхатдан ўтказишни рад этганлик ёки рўйхатдан ўтказиш муддатини бузганлик туфайли етказилган заарнинг ўрнини қопладилар ва маънавий зарар учун товоң тўлайдилар.

Лицензияланиши лозим бўлган тадбиркорлик фаолиятининг турлари қонунлар билан белгиланади³². Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турларини лицензиялаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан белгиланади.

«Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 50-моддасига мувофиқ, банклар ва кредит уюшмаларини рўйхатга олиш, шунингдек банклар, кредит уюшмалари ва гаровхоналарга лицензиялар бериш Марказий банк томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси «Нотариат тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддасига мувофиқ, нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳукукини берувчи лицензия бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгилаб қўйилади.

Тадбиркорлик фаолияти тадбиркорлик субъектларининг ўз мол-мулки асосида ва/ёки жалб этилган мол-мулк асосида амалга оширилиши мумкин.

³² Каранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдаги 222-II-сон «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги карори.

Тадбиркорлик субъектлари тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишига асос ва восита бўлган мол-мулк, шу жумладан мулкий ҳукуқлар қонун хужжатларида назарда тутилган тартибда ҳукуқларнинг белгиланиши, ўзгартирилиши ва бекор бўлиши билан боғлик олди-сотди, гаров, ижара ва бошқа битимлар обьекти бўлиши мумкин.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларини кредитлаш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Тадбиркорлик фаолияти субъектига кредит берилаётганда банк муассасалари, бошқа кредит ёки суғурта ташкилотлари кафил бўлишлари мумкин. Тўловга қобилиятли юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қонун хужжатларида белгиланган тартибда кафил бўлишлари мумкин³³.

Тадбиркорлик фаолияти субъекти кредит шартномалари бўйича мажбуриятларни таъминлаш тариқасида ўз мол-мулкidan, шу жумладан ашёлари ва мулкий ҳукуқларидан, шунингдек ўзи олган кредитни тўлай олмаслик хавфи суғуртаси тўгрисидаги суғурта полисидан фойдаланиши мумкин.

Тадбиркорлик субъектлари қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда имтиёзли кредитланиш ҳукуқига эга. Тадбиркорлик фаолияти субъектларини суғурта килиш суғурта ташкилотлари томонидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари қўйидагиларга ҳакли:

- қонун хужжатларига мувофиқ ўзига тегишли мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш;
- мустақил равиша ишлаб чиқариш дастурини шакллантириш, маҳсулот етказиб берувчиларни ва ўз маҳсулотининг (ишлари, хизматларининг) истеъмолчиларини танлаш;
- тадбиркорликдан чекланмаган миқдорда даромад (фойда) олиш ва уни ўз ихтиёрига кўра тасарруф этиш, товарлар (ишлар, хизматлар) бозорида устун

мавқени эгаллаб турган тадбиркорлик фаолияти субъектлари бундан мустасно;

- ўз маҳсулотини (ишлари, хизматларини), ишлаб чиқариш чиқиндиларини бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб, мустақил равиша белгиланадиган нархлар ва тарифлар бўйича ёки шартнома асосида реализация килиш, қонун хужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

- бинолар, иншоотлар, ускуналар ва бошқа мол-мулкни олиш ва (ёки) ижарага олиш, шу жумладан лизинг йўли билан;

- белгиланган тартибда ташкилтасиодий фаолияти амалга ошириш.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ҳукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари:

- ўзлари тузган шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажаришлари;

- ёллаш асосида жалб этилган ходимлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишлари;

- ҳавфсизлик, экология, санитария, гигиена ва меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этишлари;

- реализация қилинадиган товарлар учун қонун хужжатларига мувофиқ сертификатларга эга бўлишлари;

- почта манзили ва бошқа реквизитлари ўзгарганлиги тўгрисида тегишли давлат органларини ўз вақтида хабардор қилишлари³⁴;

- бухгалтерия, тезкор ва статистика ҳисобини қонун хужжатлари талабларига мувофиқ юритишлари;

- ўз фаолияtlари тўгрисидаги ҳисботларни тегишли органларга белгиланган тартибда ва муддатларда тақдирда шарт.

³⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги ПК-357-сонли қарори билан тасдиқланган «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўгрисида»ги Низомнинг 36-бандига мувофиқ, тадбиркорлик субъектлари ўз почта манзили ўзгарган тақдирда 10 кун муддатда бу ҳақда рўйхатдан ўтказувчи органларни ёзма равища хабардор қилишлари шарт.

³³ Қўшимча маълумот учунг қаранг: Ўзбекистон Республикаси «Микромолиялаш тўгрисида»ги Қонуннинг 18-моддаси.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг зиммасида конун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Тадбиркорлик субъектлари ўз ҳукуқларини ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш максадларида конунга мувофиқ уюшмалар (иттифоқлар) ва бошқа бирлашмаларга бирлашишлари мумкин.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг бирлашмаларини тузиш, уларнинг фаолият юритиши, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши билан боғлиқ муносабатлар конун хужжатлари билан тартибга солинади.

Тадбиркорлик фаолияти субъектининг ҳукуклари:

- Ўзига тегишли:
 - мол-мулкка ЭГАЛИК ҚИЛИШ,
 - мол-мулкдан ФОЙДАЛАНИШ,
 - мол-мулкни ТАСАРРУФ ЭТИШ.
- *Мустақил равшида:*
 - ишлаб чиқариш дастурини шакллантириш,
 - маҳсулот етказиб берувчиларни танлаш,
 - истеъмолчиларни танлаш:
 - ўз маҳсулотининг,
 - ўз ишларининг,
 - ўз хизматларининг.
- Тадбиркорликдан чекланмаган миқдорда ДАРОМАД (ФОЙДА) ОЛИШ.
- Якка тартибдаги тадбиркор куйидагиларга ҳақли:
 - ШАХСИЙ ИШ ХУЖЖАТЛАРИ БЛАНКАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ,
 - МУҲРДАН ФОЙДАЛАНИШ,
 - ШТАМПЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ.

NOTA BENE:

Юқоридаларнинг матнлари мазкур шахс якка тартибдаги тадбиркор эканлигидан далолат бериши лозим!

- Даромад (фойда)ни ўз ихтиёрига кўра ТАСАРРУФ ЭТИШ.

Истисно:

Товарлар (ишлар, хизматлар) бозорида устун маъқени эгаллаб турган тадбиркорлик фаолияти субъектлари.

- Ўз маҳсулотини (ишлари, хизматларини), ишлаб чиқариш чиқиндиларини реализация қилиш:
 - бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб,
 - мустақил равшида белгиланадиган нархлар бўйича,
 - мустақил равшида белгиланадиган тарифлар бўйича,
 - (ёки) шартнома асосида.

Истисно:

Конун хужжатларида назарда тутилган ҳоллар.

- Бинолар, иншоатлар, ускуналар ва бошқа мол-мулкни:
 - сотиб олиш,
 - ижараға олиш,
 - лизингга олиш.
- **ЮШМАЛАР (ИТТИФОҚЛАР) ВА БОШҚА БИРЛАШМАЛАРГА БИРЛАШИШ.**

Мақсад:

Ўз ҳукукларини ва манфаатларини ҳимоя қилиш!

NOTA BENE:

Куйидагилар конун хужжатлари билан тартибга солинади:

- бирлашмани тузиш,
- бирлашманинг фаолият юритиши,
- бирлашмани қайта ташкил этиш,
- бирлашманинг тугатилиши.

- ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТНИ амалга ошириш:
 - Мустақил тарзда амалга оширади. Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш (+ валютта ҳисобварақтарини очиш) учун АСОС:
 - Давлат рўйхатидан ўтказилганлик!
 - Ташқи иқтисодий алоқалар иштирокчиси сифатида рўйхатдан ўтказилганлик (товарларни импорт килувчи якка тартибдаги тадбиркорлар учун)!
 - БОШҚА ҲУҚУҚЛАР (конун хужжатларига мувофик).
- ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ:**
- Шартномалардан келиб чикадиган МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ;
 - Ходимлар билан ўз вақтида ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ;
 - Ушбулар ТАЛАБЛАРИГА РИОЯ ЭТИШ:
 - хавфсизлик,
 - экология,
 - санитария,
 - гигиена,
 - меҳнатни муҳофаза қилиш.
 - Реализация қилинадиган товарлар учун СЕРТИФИКАТларга эга бўлиш;
 - Почта манзили ва бошқа РЕКВИЗИТЛАРИ ЎЗГАРГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА тегишли давлат органларини ўз вақтида хабардор қилиш;
 - Ушбу ҲИСОБЛАРНИ (конун хужжатларига мувофик) ЮРИТИШ:
 - бухгалтерия ҳисоби,
 - тезкор ҳисоб,
 - статистика ҳисоби.
 - ҲИСОБОТларни (*белгиланган тартибда ва муддатларда*) тақдим этиш (ҳисботни конун хужжатларига мувофик юритади):
 - Белгиланган шаклда: *ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ОРГАНИГА!*

— Белгиланган шаклда: *ДАВЛАТ СОЛИҚ ОРГАНИГА!*

NOTA BENE:

Конун хужжатларида назарда тутилмаган *қўшимча ҳисобот турларини белгиллаш* (давлат бошқарув органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан) *ман этилади*.

- Якка тартибдаги тадбиркор мажбуриятларга эга бўлади ва уларни амалга оширади.

• Бошқа мажбуриятлар.

ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРЛИК:

- Жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор) томонидан амалга оширилади.

• Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда амалга оширилади.

• Ходимларни ёллаш ҳукуқидан фойдаланиш мумкин.

• Мулк ҳукуки асосида амалга оширилади.

• Ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида амалга оширилади.

• Мустақил равишида амалга оширилади.

- Якка тартибдаги тадбиркор ӯз номидан тадбиркорлик билан шуғулланади.

- Якка тартибдаги тадбиркор ҳуқуқларга эга бўлади ва уларни амалга оширади.

- Жисмоний шахс ўзининг тадбиркорлик билан боғлиқ битимларни тузатганида якка тартибдаги тадбиркор тариқасида ҳаракат қилаётганигини кўрсатиши лозим (*агар битимнинг мазмунидан якка тартибдаги тадбиркор иштирок этаётганини аниқ билиниб турса, шарт эмас*).

NOTA BENE:

Бундай эслатманинг бўлмаслиги якка тартибдаги тадбиркорни жавобгарлиқдан озод этмайди.

- Якка тартибдаги тадбиркорликни амалга ошириш учун эр хотиндан бири эр хотиннинг умумий биргаликдаги мол-мулкидан фойдаланадиган

ҳолларда эрнинг (хотиннинг) розилиги талааб қилинади.

Истисно:

- Агар қонунларда бошқача қоида назарда тутилган бўлса!
- Агар никоҳ шартномасида бошқача қоида назарда тутилган бўлса!
- Агар эр-хотин ўргасидаги ўзга келишувда бошқача қоида назарда тутилган бўлса!

Тақоролаш учун саволлар

1. Тадбиркорлик ҳуқуқининг субъекти тушунчасига таъриф беринг.
2. Хусусий тадбиркорлик деганда нимани тушунасиз?
3. Юридик шахс мақомини олмасдан туриб якка тадбиркорлик фаолиятини юритиш деганда нимани тушунасиз?
4. Якка тадбиркорликнинг хусусий тадбиркорликдан фарқи нимада?
5. Қандай шахслар тадбиркорлик фаолияти билан шугулланишига ҳақли эмаслар?
6. Кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари ҳақида нималарни биласиз?
7. Тадбиркорлик ҳуқуқи субъектлари кимлар бўлишилари мумкин ва улар қандай белгиларга эга бўлишилари керак?
8. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга кўйининг умумий тартиби қайси қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади?
9. Якка тартибдаги тадбиркорлик қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан ва қандай тартибда амалга оширилади?
10. Фермер ҳўжаликлари тадбиркорлик субъекти сифатида қандай мақомга эга?
11. Хусусий корхонани ташкил этиши ва фаолият олиб бории тартибининг ўзига хос хусусияти нимада?
12. Кичик тадбиркорлик субъектлари ва микрофирмаларнинг ҳуқуқий мақоми нимага асосан белгиланади?

Тавсия этилаётган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси: Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: “Адолат”, 2018 й. – 376 б.
2. Ибраторов Б.И. Тадбиркорлик ҳуқуки. – Тошкент: Молия, 2001. - 218 б.
3. Тадбиркорлик ҳуқуки. Дарслик. 1-2 том. Ш.Н. Рўзиназаров ва бошқалар. – Тошкент: Консаудитинформ, 2002.
4. Ҳўжалик (тадбиркорлик) ҳуқуки. Муаллифлар жамоаси. Отахонов Ф.Х.нинг умумий таҳрири остида. – Тошкент: Адолат, 2007. – 466 б.
5. Хозяйственное (предпринимательское) право. Учебник. // под ред. Окюлова О. – Т.: ТГЮИ, 2010. – 560 с.


4-мавзу. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қайта ташкил этиш ва тугатиш

1. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қайта ташкил этиш тушунчаси.
2. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қайта ташкил этишда хукукий ворислик.
3. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тугатиш.
4. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тугатиш боскичлари.

1. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қайта ташкил этиш тушунчаси

Юридик шахснинг вужудга келишининг хукукий аҳамияти мухим ҳодиса бўлганилиги туфайли, фуқаролик хукуқида юридик шахс фаолиятининг бекор бўлиши ҳам мухим хукукий аҳамиятга эга бўлган ҳаракатлардан хисобланади. Бунда бир қанча хукуқ ва мажбуриятлар юзага келади. Умумий қоидага кўра, юридик шахснинг фаолияти қайта ташкил этиш ёки тугатиш натижасида бекор бўлади. Қайта ташкил этиш, илгари мавжуд бўлган корхонанинг бекор қилиниши ва янги хукуқ субъекти сифатида тадбиркорлик фаолиятини давом эттирилиши демакдир. Корхона, у ёки бу маънода бошқа хукуқ ва мажбуриятлар олувчиси (янги хукуқ субъекти), янги юридик шахс томонидан амалга оширилади. Тугатишдан фарқли ўлароқ, қайта ташкил этишда мулк сакланади, хўжалик ва мулкий хукуқ ва мажбуриятлар ҳам мавжудлигини йўқотмайди. Ишлаб чиқариш бўлинмалари ҳам кисқарган ёки йириклишган холда фаолиятини давом эттиради. Қайта ташкил этиш ҳар доим хукукий ворислик билан боғлиқ, яъни мулкий ва бошқа хукуқ (мажбурият)ларнинг бекор қилинган (турини ўзгартирган) бир хукуқ субъектидан бошқасига, қайтадан вужудга келтирилган корхонага ўтади. Юридик шахс қайта ташкил этилган тақдирда, унга мулк хукуки асосида тегишли мол-мулк янгидан вужудга келган юридик шахсларга ўтади. Юридик шахсни тугатишдан бунинг

асосий фарқи ҳам шунда ифодаланади. Қайта ташкил этилган юридик шахснинг хукукий ворислари унинг фаолиятини давом эттиради. Шу билан боғлиқ равища охир оқибатда барча хукуқ ва мажбуриятлар тўлиқ ўтиши лозим. Улар қайта ташкил этилган юридик шахснинг универсал хукукий вориси, топшириш ҳужжати, худди шунингдек, таксимлаш балансида қайд қилинган ёки қилинмаган бўлса ҳам, унинг барча хукуқ ва мажбуриятларининг вориси бўлиб қолади.



Қайта ташкил этиш. Хўжалик субъектининг **қайта ташкил этилиши** – хўжалик субъекти хукуқ ва мажбуриятларининг хукукий ворислик асосида бошқа шахсга ўтиши орқали унинг тугатилишидир. Юридик шахснинг хукукий мақомини ўзгартириш қайта ташкил этишнинг мақсади бўлиб ҳисобланади. Тадбиркорлик субъектининг хукуқ ва мажбуриятларини хукукий ворислик асосида бошқа шахсга ўтиши орқали унинг **тугатилиши** тушунилади, қайта ташкил этишнинг мақсади бўлиб, юридик шахснинг хукукий мақомини ўзгартириши бўлиб ҳисобланади.

Қайта ташкил этиш (а) **ихтиёрий** ва (б) **мажбурий** бўлиши мумкин.

а) *Ихтиёрий қайта ташкил* этиш тўғрисидаги карор таъсисчилар ёки унинг таъсис хужжатларида ваколат берилган органлар томонидан қабул қилиниши мумкин.

б) *Мажбурий қайта ташкил* этиш эса таъсисчиларнинг хоҳиш-иродасига карши, яъни ваколатли давлат органи ёки суд томонидан қабул қилинган карорга асосан амалга оширилади. Бундай ҳоллар қонун хужжатларида тўғридан-тўғри белгиланган бўлиши мумкин.

Амалдаги конунларга мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 49-моддаси) юридик шахсларни қайта ташкил этишининг бешта усули мавжуд:

1. Юридик шахсларни қўшиб юбориш (икки ва ундан ортиқ юридик шахслар бир шахсга айланади).

2. Юридик шахсларни қўшиб олиш (бир ёки бир неча юридик шахслар бошкасига қўшилади).

3. Юридик шахсларни бўлиш (юридик шахс ўз фаолиятини тўхтатиб, икки ва ундан ортиқ юридик шахсларга бўлинади).

4. Юридик шахсларни ажратиб чиқариш (юридик шахс таркибидан бир ёки бир неча юридик шахслар ажралади, бунда аввалги юридик шахс ҳам мавжуд бўлиб қолаверади).

5. Юридик шахсларни ўзgartiriш (бир ташкилий-хукукий шаклдаги юридик шахс бошқа шаклдаги юридик шахсга ўзгаради).

ЎзР Фуқаролик кодексининг 50-моддасига мувофиқ қўшиб юбориш, қўшиб олиш ва ўзgartiriшда хукукий ворислик топшириш хужжатида ўз аксини топишлиги, бўлиш ва ажратиб тақсимлаш балансига мувофиқ аниқланиши мустаҳкамланган.

Қонун хужжатларига биноан тақсимлаш, баланс ва топшириш хужжатига куйидаги талаблар қўйилади:

Топшириш хужжати ва тақсимлаш баланси хўжалик субъекти муассислари томонидан ёки хўжаликни қайта ташкил этиш тўғрисида карор қабул қиласига оғизни томонидан тасдиқланади ҳамда таъсис хужжатлари билан

бирга янгидан вужудга келган хўжалик субъектини давлат рўйхатидан ўтказиш ёки мавжуд хўжалик субъектининг таъсис хужжатларига ўзгаришлар кириши учун тақдим этилади.

Таъсис хужжатлари билан бирга тегишли тартибда хужжатини ёки тақсимлаш балансини тақдим этмаслик, шунингдек улардан қайта ташкил этилган юридик шахснинг мажбуриятлари бўйича хукукий ворислик тўғрисидаги қоидаларнинг йўклиги, вужудга келган юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказишнинг рад этилишига сабаб бўлади. Энг аввало хўжалик субъектини қайта ташкил этиш тўғрисида карор қабул қиласига тадбиркорлик субъекти муассислари ёки орган қайта ташкил этилаётган тадбиркорлик субъектининг кредиторларини бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилишлари шарт.

2. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қайта ташкил этишда хукукий ворислик

Хукукий ворислик – субъектив хукукнинг бир шахсдан иккинчи бир шахсга ўтиши. Хукуқ берувчидан хукукий ворис (субъект)га субъектив хукукнинг берилиши натижасида хукукий муносабатларда ўзгаришлар содир бўлади. Хукукий муносабатлар субъекти таркибини ўзгартиришда ҳар доим хукуқ бир шахсдан иккинчи шахсга ўтади. Бунда эски ва янги хукукий муносабатлар ўртасида алоқа ўрнатилади. Хукукий ворислик юридик шахсни қайта ташкил этишда келиб чиқади, қайта ташкил этишда юридик шахс ўзининг хукукий ворислари тимсолида мавжуд бўлади ва ҳаракат қиласиди. Бу қайта ташкил этилган юридик шахс кредиторлари учун биринчи даражали аҳамиятга эга.

Юридик адабиётларда таъкидланганидек, хукукий ворислик умумий (универсал) ва қисман (сингуляр) турларга ажратилади. Универсал хукукий ворислиқда маълум хукуқ ва мажбуриятларнинг жами ўтади. Масалан, бир неча юридик шахслар қўшиб юборилганда, янги ташкил бўлган юридик шахсга универсал ворислик тартибида олдингиларнинг барча хукуқ ва мажбуриятлари

үтади. Универсал хукукий ворисликнинг предметини хукуқни қабул қилиб олувчи (яngи хукуқ субъекти)га ўтадиган хукуқ ва мажбуриятлар йигиндиси ташкил қиласди. Хукукий ворислик ўз ичига муайян хукуқ ва мажбуриятларни камраб олади. Хукукий ворисга маълум хукуқ ва мажбуриятлар мажмуасини бериш билан бирга маълум шахсда мавжуд бўлган хукуқ ва мажбуриятлар йигиндисининг ўтиши, яъни универсал хукукий ворислик муҳим ўрин эгаллайди. У ўзининг туб моҳиятига кўра сингуляр (кисман) хукукий ворислик, яъни хукуқ ва мажбуриятлар бир қисмининг хукукий ворислигидан фарқ қиласди. Универсал хукукий ворисликда шахс хукуқ ва мажбуриятлари йигиндиси сифатида, унга тегишли бўлган мол-мulk хукукий ворисга ёки хукукий ворисларга тўлиқ равишда ўтади. Яъни мол-мulk бир корхонадан иккинчисига ўтганда мулк билан бирга қайта ташкил этилган корхона зиммасидаги хукуқ ва мажбуриятлар юкланди. Айни шундай ҳолатлар универсал хукукий ворислик ҳолатларига тааллуқли бўлиб, бунда хукуқ субъективлигининг тўлиқ ворислиги муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Фуқаролик кодексининг 51-моддасини қўйидагича тартибда ҳам ўшархлаш мумкин: юридик шахс қайта ташкил этилиши натижасида янгидан вужудга келган юридик шахснинг мулкка оид хукуқ ва мажбуриятларини ўтиш вақти унинг муассислари ёки қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилган орган томонидан топшириш хужжати ва тақсимлаш балансида имзоланган ва тасдиқланган сана хисобланади. Топшириш хужжати билан тақсимлаш балансини улар юридик табиити ва мазмунига кўра корхонанинг устави ва низомига tengлаштириш мумкин. Шунинг учун қайта ташкил этишда топшириш хужжати ёки тақсимлаш баланси тузилгунга қадар инвентаризация далолатномаси, бухгалтерия баланси, мустақил аудиторнинг корхона таркиби ва мол-мulk тўғрисидаги хulosасини, шунингдек кредиторлар, улар қўяётган талаблар хусусияти, миқдори ва муддатлари кўрсатилган ҳолда корхона таркибига киритилган барча қарз (мажбурият)лар рўйхатини томонлар тузган ва кўриб чиқсан бўлиши керак. Лекин тақсимлаш баланси ва топшириш хужжатини низосиз хужжат деб бўлмайди. Бундай ҳолатлар юзасидан келиб

чиқсан келишмовчиликлар суд тартибida ҳал этилади.

Кўриб чиқилаётган қайта ташкил этиш ва хукукий ворислик тўғрисидаги нормалар тушунчалари вақтга ва мазмунига чамбарчас боғлиқликда таҳлил қилиниши лозим.

Биринчидан, ҳеч ким топшириш хужжати ва тақсимлаш балансини тасдиқловчи юридик шахс муассиси (иштирокчisi)нинг қайта ташкил этиш хақидаги қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш хукуқини давлат рўйхатидан ўтказиш вақтигача чеклаб қўя олмайди. Муассиснинг бу хукуки қонунга зид бўлмайди ва қайта ташкил этишнинг хукукий табиатига тўлиқ тўғри келади.

Иккинчидан, агар топшириш хужжати ва тақсимлаш балансида юридик шахснинг мажбуриятлари бўйича хукукий ворислик тўғрисидаги қоидалар бўлмаса, янгидан вужудга келган юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилиши мумкин. Шундай қилиб, Фуқаролик кодексида хукукий ворислик объектини аниқлашда қонун чиқарувчини ёндашишига эътиборни қаратиш керак.

Қайта ташкил этилган корхона хукукий ворислари универсал хукукий ворис бўладилар, бу ҳақда топшириш хужжати ва тақсимлаш балансида қайд этилган ёки этилмаган бўлсада, улар хукуқ ва мажбуриятларни ўз зиммаларига оладилар. Демак, ворислик хукуқининг мазмунини мол-мulkни топшириш хужжати ва уни тақсимлаш баланси ташкил этади.

Ҳар бир хукукий ворис мулкдор ёки хўжалик юритиш, оператив бошқариш тарзида ўтuvчи мол-мulk таркиби (мулкий хукуқ ва мажбуриятлар), мулкдор ёки улар томонидан вакил этилган орган томонидан белгиланиб, тақсимлаш баланси ва топшириш хужжати орқали аниқлаштирилади. Худди шундай тартибда мулкий хукуқларнинг ўтиш пайти белгиланади. Бериладиган мол-мulk таркибига кирувчи алоҳида обьектлар юзасидан келиб чиқсан низолар, мулкдорлар томонидан мазкур хужжатлар асосида ҳал этилади. Сингуляр тартибда ворисларга хукуқнинг белгиланган маълум қисми ўтиши мумкин. Сингуляр ворислик юридик шахсни қайта ташкил қилишда истиноси сифатида кўлланиши мумкин.

Хукукий муносабатларда иштирокчиларнинг алмасиниши, айниқса мажбуриятда шахсларнинг ўзгариши, процессуал хукукий ворисликка ёки бошқа процессуал оқибатларга олиб келиши мумкин. Агар судда хўжалик низоларини ҳал килишда бир томоннинг ўрнига бошқа томоннинг процессда иштирок этиши лозим бўлса, яъни низолашаётган тарафни аниқлаб жавобгарлик чораларини қўллашда процессуал хукукий ворислик муҳим ўрин тутади.

Корхона эгаси алмашганда, яъни корхона қайта ташкил этилганда ходимнинг розилиги билан бўлган муносабат давом этади. Иш берувчи томонидан меҳнат шартномасининг тўхтатилиши иш ўринларининг кисқариши натижасида амалга оширилиши мумкин. Корхона таркибида бир ёки бир неча таркибий бўлинмаларнинг барпо этиш йўли билан янги корхона ташкил этилмайди, чунки қайта ташкил этиш жараёнининг субъекти юридик шахс хукуқига эга бўлган корхона саналади. Хусусий тадбиркор – жисмоний шахс ҳам қайта ташкил этилмайди. Шундай килиб, кўрсатиб ўтилган ҳолатларда тадбиркорлик фаолияти тугатиш йўли билан тўхтатилади.

Корхонани қайта ташкил этишдан унинг предмет ва фаолиятини ўзgartиришни фарқлаш зарур. Бунда у корхона мулқдори (тасисчиси) томонидан мавжуд бўлган юридик шахси доирасида амалга оширилади.

Хукукий ворислик умумий (*универсал*) ва қисман (*сингуляр*) турларга ажратилади. Универсал хукукий ворисликда маълум хукук ва мажбуриятларнинг жами, тўлиқ ўтади. Низолашаётган тарафни аниқлаб жавобгарлик чораларини қўллашда процессуал хукукий ворислик муҳим ўрин тутади.

3. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тугатиш

Тугатиш. Тадбиркорлик субъектини тугатиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3-июлдаги 327-сонли “Молиявий-хўжалик фаолиятини амалга ошираган ва қонунчиликда белгиланган муддатга

ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида”ти қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 24 апрелдаги ПҚ-630 сонли “Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ти қарори ва ушбу қарор билан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисида”ти низом билан тартибга солинади.

Хўжалик хукуки субъектининг тугатилиши унинг хукук ва мажбуриятларининг хукукий ворислик тартибида бошқа шахсларга ўтмасдан бекор килинишидир. Хўжалик хукуки субъектининг тугатилиши (а) ихтиёрий ва (б) мажбурий асосда бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида юридик шахсларни икки хил усулда тугатиш белгиланган:

1. Ихтиёрий усул. Бу муассислар (иштирокчилари) ёки таъсис хужжатлари билан тугатишга ваколат берилган юридик шахс органининг қарорига мувофиқ;

юридик шахснинг фаолият юритиш муддатининг тугаши;

уни ташкил этишдан кўзланган мақсадга эшишлганлиги муносабати билан;

юридик шахсни ташкил этиш чоғида қонун хужжатлари бузилишига йўл кўйилганлиги сабабли, агар бу бузилишларни бартараф этиб бўлмаса, суд юридик шахсни рўйхатдан ўтказишни ҳакиқий эмас деб топганда;

муассислар (иштирокчilar) ёки юридик шахс органи томонидан ташкилотни тугатиш учун етарли бўлган бошқа сабабларни тан олиши билан.

2. Мажбурий усул. Бу суд қарори бўйича амалга оширилади:

фаолиятни тегишли рухсатномасиз (лицензиясиз) амалга ошириш;

конун томонидан тақиқлаб кўйилган фаолиятни амалга оширган ёки конун ёки хукукий актларни бир неча марта ва қўпол равишда бузиш ҳолатларида;

Фуқаролик кодексида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Тугатиш учун уни ташкил этишдан кўзланган мақсадга эришилганлиги

ёки хўжалик юритувчи субъектни ташкил қилиш вақтида қонун хужжатлари бузилишига йўл кўйилган бўлса ва буларни бартараф этиб бўлмаса, манфаатдор шахсларнинг аризаларига мувофиқ суд хўжалик субъектини рўйхатдан ўтказиши ҳақиқий эмас деб топиши мумкин.

Қонун айрим тоифадаги фуқароларни тадбиркор макомини олишларига монелик қиласди. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ходимлари ва уларнинг мансабдор шахслари, судьялар, прокуратура ходимлари, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари қонун хужжатларида ман этилган бошқа шахслар тадбиркор макомини олишга ҳақли эмаслар.

Якка тадбиркор фаолиятини ихтиёрий тугатиш тартиби. Якка тартибдаги тадбиркорликни тугатиш – якка тадбиркор фаолиятини бутунлай тўхтатишдан иборат. Тадбиркорлик субъекти – жисмоний шахс фаолиятини ихтиёрий тўхтатиш Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 апрелдаги ПҚ-630-сон қарори билан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисида”ги низомга мувофиқ рўйхатдан ўтказган орган давлат реестрига ариза билан бирга қўшиб берилиши лозим бўлган барча хужжатлар ва давлат солиқ хизмати органининг ҳисоб рақами очилмагани тўғрисидаги тасдиқномаси олингандан кейин бир иш куни мобайнинда тадбиркорлик субъекти – жисмоний шахс фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги ёзувни киритади:

давлат солиқ хизмати органининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзи йўқлиги тўғрисидаги маълумотномаси. Маълумотнома давлат солиқ хизмати органи томонидан тадбиркорлик субъекти – жисмоний шахс мурожаат қилгандан кейин 2 иш кунидан кечиктирмай, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзлар мавжуд бўлганда эса, улар тўланганидан кейин 2 иш кунидан кечиктирмай берилади;

муҳр ва штамплар, агар улар мавжуд бўлса;

барча лицензия (руҳсатнома)ларнинг асл нусхалари, агар улар мавжуд бўлса;

давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувохнома;

банкларда ҳисоб рақамлари очилмаганлиги тўғрисидаги хат ёки, агар мавжуд бўлса, асосий ҳисоб рақами ёпилгани тўғрисидаги банк маълумотномаси.

Агар тадбиркорлик субъекти – жисмоний шахс банкларда ҳисоб рақамлари очилмагани тўғрисида хат тақдим этса, рўйхатдан ўтказган орган хат олингандан сўнг кейинги иш кунидан кечиктирмай тадбиркорлик субъекти – жисмоний шахс давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органига унинг ҳисоб рақами очмаганлигини тасдиқлаш учун сўровнома юборади. Бунда давлат солиқ хизмати органи сўровнома олинган кундан бошлаб икки кун мобайнинда ёзма жавоб юборади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 апрелдаги ПҚ-630-сон қарори билан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисида”ги низомга мувофиқ рўйхатдан ўтказган орган давлат реестрига ариза билан бирга қўшиб берилиши лозим бўлган барча хужжатлар ва давлат солиқ хизмати органининг ҳисоб рақами очилмагани тўғрисидаги тасдиқномаси олингандан кейин бир иш куни мобайнинда тадбиркорлик субъекти – жисмоний шахс фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги ёзувни киритади.

Рўйхатдан ўтказган органининг тадбиркорлик субъекти – жисмоний шахс фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги ёзувни давлат реестрига киритиш ҳакидаги қарори қабул қилингандан сўнг, бир иш куни мобайнинда тадбиркорлик субъекти – жисмоний шахснинг бевосита ўзига берилади ёки унга почта орқали жўнатилади.

Давлат реестрига тадбиркорлик субъекти – жисмоний шахс фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги ёзув киритилгандан кейин рўйхатдан ўтказган орган бир хафта муддатда:

давлат солиқ хизмати органини тадбиркорлик субъекти – жисмоний шахс фаолияти тўхтатилгани тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор киласди;

фаолияти тўхтатилган тадбиркорлик субъекти – жисмоний шахснинг муҳри ва штампларини уларни йўқ қилиш учун (улар мавжуд бўлганда) ички ишлар органига топширади;

лицензия ва руҳсатномаларни (улар мавжуд бўлганда) уларни берган органларга топширади.

Тадбиркорлик субъекти сифатида фаолиятни тўхтатиш кредиторлар олдиаги тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ мажбуриятлардан озод қилмайди.

Юридик шахсни тугатиш ҳакида қарор қабул қилингандан сўнг солик тўловчи 15 кун ичидаги солик органига хисоботлар, солик бўйича хисоб-китобларни тақдим этиши шарт. Даромад (фойда) солиги бўйича хисоботлар, хисоб-китоблар қонун хужжатларида белгиланган шакл ва тартибда тақдим этилади. Шунингдек, корхона тугатилганда соликка тортиш масалалари маълум идоравий йўрикнома асосида ҳал этилиши мумкин. Шу билан бирга, юридик шахсни тугатилиши тўғрисида пенсия фондлари ҳамда сугурта жамғармаларини огоҳлантириб, ўзларининг хисоб рақамларини ёпиш чораларини кўриши лозим.

Тугатишда мазкур юридик шахс фаолияти тўлиқ бекор қилиниб, унинг иши тўхтатилади ва мол-мулки тугатилади. Бундай ҳолда *тугатиш комиссияси* тузилади. Қоидага кўра, амалиётда тугатиш комиссияси таркибига муассислар (иштирокчилар), тугатилаётган ташкилот маъмурияти вакиллари киради. Шунингдек, улар тугатиш комиссияси ёки тутатувчининг асосий вазифаларини аниқлаштириш билан бир вақтда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига мувофиқ тугатиш тартибини ҳамда муддатини белгилаб оладилар. Тугатиш комиссияси матбуот органларида юридик шахснинг тугатилиши ҳамда унинг кредиторлари томонидан талабларни баён этиш тартиби ва муддати ҳакида хабар эълон қилади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 55-моддасига мувофиқ, бу муддат тугатиш ҳакида хабар эълон қилинган пайтдан бошлаб “икки ойдан кам бўлиши мумкин эмас”.

Ундан олдин қабул қилинган қонун хужжатларида эса бу муддат икки ойгача

деб кўрсатилар эди. Лекин амалиётда бир ой кўрсатилиб эълон қилинар эди. Шу билан кредиторлар томонидан ўз талабларини баён қилиш учун зарур бўлган имконият чекланади. “Икки ойдан кам бўлиши мумкин эмас” деб кўрсатилган Кодексда ўрнатилган императив норма кредиторларнинг хукукларини ҳимоя қилиш учун тегишли кафолат яратилган.

Тугатиш комиссияси тасдиқланган кундан бошлаб юридик шахснинг ишларини бошқариш соҳасидаги ваколатлари унинг ихтиёрига ўтади. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, мазкур комиссия тутатувчи мустақил ҳукук субъекти бўлиб хисобланмайди. У факат тугатиш жараёнида кредиторлар, карздорлар, давлат хокимияти органлари ва бошқа шахслар билан муносабатга киришиб, тугатилаётган юридик шахс номидан ҳаракат қиласди.

Тугатиш комиссияси тутатилаётган юридик шахс номидан судда иштирок этади. Тугатиш комиссияси тутатилаётган юридик шахс хисоб варақлари очилган банкка тугатиш комиссиясининг руҳсатисиз хисобдан фойдаланмаслик тўғрисида ариза юборади. Мана шу аризага кўра банк тутатилаётган корхона хисоби бўйича кейинчалик юборилаётган ижро ва бошқа хужжатларни қабул қилишини тўхтатади. Тугатиш комиссияси барча кредиторларни аниқлаш ва дебиторлик карзларини ундириш, шунингдек юридик шахс тутатилаётганилиги ҳакида кредиторларни ёзма хабардор қилиш чораларини кўриш лозим. Дебиторлик карзларини ундириш мақсадида карздорларга талаб кўйишлари зарур. Агар карзларни қайтариш рад қилинса тегишли даъво билан судга мурожаат этиш керак. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия хисоби тўғрисида”ги Конунининг 21-моддасига мувофиқ юридик шахс тутатилаётган тақдирда молиявий хисобот тузилади.

4. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тугатиш босқичлари

Агарда юридик шахс суд тартибда тутатилаётган бўлса, суд унинг муассислари ва иштирокчилари ёки ваколатли органга ўз бурчларини тўғри бажариш масъулиятини юклайди. Уларнинг бурчлари тутатишни суд қарорида белгиланган муддатда ва тартибда амалга ошириши лозим. Лекин суд қарори

тўғри ва лозим даражада бажарилмаган бўлса, суд тугатиш комиссиясини тузади ёки тугатувчини тайинлаб, унга тугатишни амалга ошириш вазифаларини юклайди. Масалан, етказилган зарар зарар етказишни давом эттираётган корхона, иншоотдан фойдаланиш ёхуд бошқа ишлаб чиқариш фаолиятининг оқибати бўлса, суд жавобгарга зарарни қоплашдан ташқари тегиши фаолиятни тўхтатиб туриш ёки тугатиш мажбуриятини юклашга ҳақли (ЎзР ФК, 986-модда, 2-кисм). Бу чора-тадбирлар тугатиш жараёнининг бошлангич, **биринчи босқичини** ташкил этади.

Тугатиш жараёнининг аввалида тугатиш комиссияси (тугатувчи) юридик шахснинг барча кредиторларини аниқлаш ишларини олиб боради. Унинг асосий мазмунини кредиторларнинг мавжуд талабларини аниқлаш ва уларни қондириш ташкил этади. Бунинг учун юридик шахсни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган юридик шахс муассислари (иштирокчилари) ёки ваколатли орган бу ҳақда юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органга дарҳол ёзма хабар бериши лозим. Шунингдек, юридик шахс ўзининг тугатилаётганлиги ҳақида матбуот органлари орқали эълон килиб, унда кредиторлари томонидан талабларини баён қилиш тартиби ва муддатини белгилаб қўяди. Бу муддат тугатиш ҳақида хабар эълон қилинган пайтдан бошлаб **икки ойдан кам бўлиши мумкин эмас**. Юқорида айтиб ўтилган ушбу тадбирлар ҳам аввало кредиторлар манфаатларининг химоясига қаратилган. Чунки юридик шахс тугатилгач, қолган мол-мулк унинг таъсисчилари ва аъзолари ўртасида таксимланиб, уларнинг хусусий мулкига айланиши мумкин.

Кредиторлар талабларини қаноатлантириш тугатишнинг муҳим бир босқичларидан ҳисобланади. Шунинг учун, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 55-моддасида тугатиш комиссиясини вазифаси сифатида **иккинчи босқичда** кредиторларни аниқлаш ва дебиторлик қарзларини олиш чораларини қўриш, шунингдек кредиторларни юридик шахснинг тугатилиши ҳақида ёзма хабардор қилиши кераклиги мустаҳкамланган. Амалиётда қарздорнинг мажбуриятини бажариш муддати бошланмаган бўлса, улар ўртасида муаммо пайдо бўлиши мумкин. Мазкур

ҳолатда тугатилувчи юридик шахс ўзининг тугатилаётганлигини асос қилган ҳолда, қарздорларидан ўз мажбуриятларини бажаришларини талаб қилишга ҳақли эмас. Улар бу мажбуриятни тугатиш муддатини белгилаш чогида ҳисобга олишлари керак эди. Мавжуд вазиятдан кутилишнинг бирдан-бир йўли тугатилувчи юридик шахс қарздори билан келишувга эришиб, унга нисбатан қўйилувчи талабни бошқа шахс ҳисобига бажариши ҳақида келишувга эришиш мумкин.

Кредиторлар томонидан талабларни қўйиш учун белгиланган муддат тамом бўлганидан кейин юридик шахсни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган юридик шахс муассислари ва иштирокчилари ҳамда давлат рўйхатидан ўтказувчи орган билан келишилган ҳолда, тугатиш комиссияси оралиқ тугатиш балансини тузади. Балансда тугатилаётган юридик шахс мол-мулкининг таркиби, кредиторлар қўйган талаблар рўйхати, шунингдек уларни қўриб чиқиш натижалари тўғрисидаги маълумотлар қайд этилади. Оралиқ тугатиш баланси юридик шахсни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган юридик шахс муассислари (иштирокчилари) ёки орган томонидан юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган билан келишган ҳолда тасдиқланади. Давлат рўйхатидан ўтказувчи орган баланснинг тўғрилигини, асослантирилганлигини назорат қилиши зарур. Агар тугатилаётган юридик шахс (муассасалардан ташқари) ихтиёридаги пул маблағлари кредиторларнинг талабларини қондириш учун етарли бўлмаса, тугатиш комиссияси юридик шахснинг мол мулкини ким ошиди савдоси орқали суд қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда сотади ва қарзларини тўлаш учун ишлатади. Яъни қарзларни тўлаш бўйича кредиторлар талаблари енди мазкур юридик шахснинг мол-мулкига қаратилиши мумкин. Бу тугатиш жараёнининг **учинчи босқичига** хос ҳусусиятдир.

Агарда оралиқ балансини белгилаш чогида тугатилувчи корхонанинг мол-мулки етарли эмаслиги аниқланса, бундай юридик шахс фақат банкротлик йўли билан тугатиласи. Банкротлик чора-тадбирлари мажмуаси барча тикорат ва нотижорат ташкилотлари учун тадбик этилиши мумкин. Тугатиш жараёни

олиб борилаётган вақтда ҳам, тугатиш комиссияси ёки тугатувчи томонидан юридик шахснинг начорлиги (банкротлиги) аниқланса, унга нисбатан банкрот бўлганликка доир иш юритишни қўзғатишга асос бўлади. Унинг тугатилиш жараёнида эканлиги иш юритишни қўзғатишга тўсқинлик кила олмайди.

Кейинги **тўртинчи боскичда** тугатиш комиссияси оралиқ тугатиш балансига биноан тўловларни тайёрлайди. Кредиторларни талабларини қондириш навбати Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 56-моддасида белгиланган бўлиб, **биринчи навбатда**, фуқароларнинг меҳнатга оид хукукий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблари қондирилади. Мазкур қоидани белгилашда мамлакатимизда фуқаролар меҳнатини муҳофоза қилиш ва Мехнат кодекси нормалари инобатга олинган. **Иккинчи навбатда** алиментларни ундиришдан ва муаллифлик шартномалари бўйича мукофот тўлаш ҳақидаги талаблар, **учинчи навбатда** эса тугатилаётган юридик шахс жавобгар бўлган фуқароларнинг ҳаётига ва соғлиғига зарар етказилганлиги учун берилган талаблари тегишли вақтбай тўловларни капиталлаштириш йўли билан қаноатлантирилади. Мана шундай ҳаёт ва соғлиққа етказилган зарар учун белгиланган тартибда жавобгар деб топилган юридик шахс тугатилган тақдирида, тегишли тўловлар уларни конун хужжатларида белгиланган қоидаларга кўра жабрланувчига тўлаш учун капиталлаштириши лозим. Тугатилаётган юридик шахснинг мол-мулки йўклиги ёки етарли эмаслиги сабабли тўловларни капиталлаштириш мумкин бўлмаган ҳолларда, белгиланган суммалар жабрланувчига давлат томонидан қонунда назарда тутилган тартибда тўланади (ЎЗР ФК, 1015-м.). Хар бир навбатдаги талаб олдинги навбатдаги талаблар қаноатлантирилгандан сўнг амалга оширилади.

Бошқа кредиторларнинг талаблари конун хужжатларида назарда тутилган тартибда қаноатлантирилади (ЎЗР ФК, 56-мода). Биз юқорида кайд этиб ўтган фуқароларнинг талаблари тўлиқ қондирилгандан кейин, қолган мол-мулк куйидаги тартибда тақсимланади: биринчидан, шу мол-мулк қийматидан суд карорида кимнинг талаби биринчи бўлиб қондирилиши қўрсатилган бўлса, шу кредиторларнинг қарзлари тўланади; иккинчидан, колган мол-мулк қийматидан

талабнома тақдим этиш муддати ўтиб кетгандан сўнг, берилган талаблар қондирилиши мумкин.

Барча кредиторлар билан ҳисоб китоб ишлари ниҳоясига етказилгандан сўнг, **тугатишнинг якунловчи боскичи** бошланади.

Тугатиш комиссияси муассислар ва иштирокчилар билан келишиб, давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан тасдиқланган тугатиш балансини тузади. Юридик шахснинг кредиторлари талаблари қондирилгандан кейин колган мол-мулк унинг шу мол-мулкка ашёвий хукукларга ёки ушбу юридик шахсга нисбатан мажбурий хукукларга эга бўлган муассисларига ва иштирокчиларига топширилади. Шундан сўнг юридик шахснинг тугатилиши ҳақидаги ёзув юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилиб юридик шахсни тугатиш тамомланган, юридик шахснинг маҳсус хукуқ лаёкати эса тугаган ҳисобланади.

Мазкур юридик шахсни тугатиш боскичлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ, бири иккинчисини тўлдириб боради. Биронтасининг тўғри бажарилишига эътибор берилмаса, тугатиш жараёнининг аниқ ва изчил амалга оширилишига салбий таъсир этиши мумкин.

Тақрорлаш учун саволлар

1. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қайта ташкил этиши деганда нимани тушунасиз?
2. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қайта ташкил этиши жараёнида юзага келадиган хукукий ворислик масаласи нима учун муҳим ҳисобланади?
3. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қайта ташкил этиши ва тугатиш тушунчалари ўртасида қандай фарқ мавжуд?
4. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тугатишнинг қандай боскичлари бор?

Тавсия этилаётган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси:
Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: “Адолат”,
2018 й. – 376 б.
2. Ибраторов Б.И. Тадбиркорлик хукуки. – Тошкент: Молия, 2001. - 218 б.
3. Тадбиркорлик хукуки. Дарслик. 1-2 том. Ш.Н. Рўзиназаров ва
бошқалар. – Тошкент: Консаудитинформ, 2002.
4. Хўжалик (тадбиркорлик) хукуки. Муаллифлар жамоаси. Отахонов
Ф.Х.нинг умумий таҳрири остида. – Тошкент: Адолат, 2007. – 466 б.
5. Хозяйственное (предпринимательское) право. Учебник. // под ред.
Окюлова О. – Т.: ТГЮИ, 2010. – 560 с.

5-мавзу. Тадбиркорлик субъектларининг банкротлиги

1. Ўзбекистон Республикасида банкротлик қонунчилигининг ривожланишига умумий тавсиф.
2. Банкротликка оид муносабатларда кредиторлар йигилиши ва уларнинг хукукларини ҳимоя қилиш масалалари.
3. Суд бошқарувчилари ва уларнинг фаолиятини тартибга солишнинг хукукий масалалари.
4. Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича қабул қилинадиган суд хужжатлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.

1. Ўзбекистон Республикасида банкротлик қонунчилигининг ривожланишига умумий тавсиф

Банкротлик институтининг манбалари деганда, банкротликни хукукий тартибга солишга қаратилган, ушбу муносабатларда иштирок этувчи барча иштирокчилар учун мажбурий характерга эга бўлган норматив-хукукий хужжатлар ҳисобланади. Банкротлик институти бозор муносабатлари шароитида эркин рақобати мухитида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва унда муайян иқтисодий қийинчиликларга дучор бўлган норматив-хукукий хужжатлар базасига эга. Бунда, айниқса, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси алоҳида ўринга эга бўлиб, у умумий раҳбарий қоидаларни ўзида мужассам этади. Унинг иқтисодий фаолият олиб бориш, хўжалик юритиш, мулкий муносабатларга оид нормалари асосий хукукий манба сифатида муҳим аҳамиятга эга.

Банкротлик қонунчилигининг мақсади турли давлатларда ҳар хил талқин қилинади. Ўзбекистонда “Банкротлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш” деб белгиланган. Англия қонунчилиги кўпроқ кредиторлар манфаатларига хизмат қилса, АҚШ ва Франция қонунчилиги кўпроқ карздорни

соғломлаштиришга қаратилган нормаларни ўз ичига олади. 1979 йилги Банкротлик ва тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги АҚШ федерал қонуни корпорация, жамият ва жисмоний шахсларнинг банкротлигига нисбатан кўлланилади. Банкротлик тўғрисидаги иш факат кредитор ва қарздорнинг аризасига кўра кўзгатилиши мумкин³⁵.

Банкротлик муносабатларини ҳукукий тартибга солишга қаратилган маҳсус қонун – бу “Банкротлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни хисобланади. “Банкротлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни дастлаб 1994 йил 5 майда қабул қилинди. Ушбу қонунда илк маротаба хўжалик субъектларининг ўз фаолияти натижалари учун энг аввало ўз кредиторлари олдидаги жавобгар эканликлари, самарали иш юритмаганликлари учун биринчи навбатда ўз мол-мулклари билан иқтисодий масъулиятга эга эканликлари мустаҳкамланди. Қонунда банкротлик тушунчасига таъриф бериш билан бирга банкрот деб топишнинг аниқ механизмлари ўрнатилди, банкротликнинг иқтисодий ва ҳукукий оқибатлари белгилаб берилди. Мазкур қонун 35 та моддадан иборат эди. “Банкротлик тўғрисида”ги қонун 1998 йил 28 августда янги таҳрирда қабул қилинди. У мазмунан бойитилиб, янги тартиб-таомилларни белгилаб берди. Мазкур қонун 133 та моддадан ташкил топган эди. Банкротлик тўғрисидаги қонунчилик тизимида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган “Банкротлик тўғрисида”ги Қонунининг янги таҳрири муҳим аҳамиятга эга. Мазкур қонун банкротликка оид муносабатларни тартибга солувчи маҳсус қонун бўлиб, банкротликнинг асосий тартиб-таомилларини белгилаб берувчи норматив-ҳукукий хужжатдир. Ушбу янги таҳрирга қонун 1994 ва 1998 йиллардаги “Банкротлик тўғрисида”ги қонунлардан сезиларли даражада ўзига хос кўшимча ва ўзgartиришлар билан фарқланади. Қонуннинг янги таҳрири 12 та боб, 192 та моддадан иборат бўлиб, ушбу қонунда аввалгиларидан фарқли равишда банкротликнинг асосий белгилари ўзгарди, юридик шахс ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг банкротлиги тушунчалари бир-биридан

фарқланди. Алоҳида тоифадаги субъектлар банкротлигининг қоидалари белгиланди.

Хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан тадбиркорлик субъектларининг банкротлиги билан боғлиқ қоидалар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Иқтисодий процессуал кодекс, Жиноят кодекси, Солиқ кодекси, Маъмурӣ жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва бошқа бир қатор кодексларда, шунингдек тадбиркорлик фаолиятига оид бўлган қатор қонунларда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишларида, Ҳукумат қарорларида мустаҳкамланган.

“Банкротлик тўғрисида”ги қонунга мувофиқ ҳамда корпоратив бошқарув сифатини яхшилаш, хўжалик юритувчи субъектларининг иқтисодий аҳволи барқарорлиги юзасидан уларнинг раҳбарлари ва мулкдорларининг масъулиятини ошириш, шунингдек соҳта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасдан банкротликка олиб келинган ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 августдаги “Соҳта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасдан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 224-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур Қоидалар суд бошқарувчиси ва давлат солиқ инспекциялари ходимлари томонидан қарздорнинг молиявий-хўжалик фаолиятини соҳта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасдан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш юзасидан таҳлил қилиш тартибини белгилайди. Ушбу норматив ҳужжат соҳта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасдан банкротликка олиб келиш каби ҳаракатлар учун масъул шахсларнинг жавобгарликдан қочиб қолишини истисно этишда муҳим аҳамият касб этади.

“Банкротлик тўғрисида”ги Қонунга ва Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 августдаги “Соҳта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасдан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 224-сонли Қарорига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамасининг “Иқтисодий ночор корхоналарнинг суд бошқарувчилари фаолиятини ташкил

³⁵ United States Code. Title 11.

этиси чора-тадбирлари тўғрисида” 2004 йил 23 мартағи 138-сон қарорига ўзгартириши ва қўшимчалар киритили тўғрисида”ги 2013 йил 8 октябрь 277-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга мувофиқ суд бошқарувчиларнинг вазифаларига ва уларни аттестациядан ўтказиш талабларига бир қатор қўшимча ва ўзгартышлар киритилди.

Банкротликка оид масалаларни ҳал этишда норматив-хукукий хужжат саналмаса-да, муҳим аҳамиятга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми ва Раёсати қарорлари ҳам алоҳида ўринга эга. Чунки, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги мулкий муносабатларни тартибга солувчи қонунчиликни такомиллашуви, фуқаролик муносабатларида янги институтларнинг пайдо бўлиши билан вужудга келаётган қийинчиликларнинг ечимини топишида Олий хўжалик суди Пленумининг хўжалик судларига раҳбарий кўрсатмалари (Карорлари)га таянилганида асосли бўлиши мумкин. Шунинг учун Пленум томонидан қонунларни ва бошқа меъёрий хужжатларни кўллаш бўйича ишлаб чиқилган кўрсатмалар нафакат судлар учун, балки иктисодий муносабатлар иштирокчилари учун ҳам муҳимдир. Ўз навбатида ушбу қарорлар низоларни моддий ва процессуал хуқук нормалари асосида адолатли ҳал этиш ва суд амалиётининг бир хилдигини таъминлаш, тегишли норматив хужжатларни тушуниш ва шарҳлашдаги ноаникликларни бартараф этиш, суд хужжатлари сифатини ошириш, тадбиркорлик ва бошқа иктисодий фаолиятда қонунбузарликларнинг олдини олиш ҳамда қонунчиликни мустаҳкамлашга хизмат киласди.

Халқаро муносабатлarda банкротлик билан боғлиқ масалалар хукукий тартибга солишида БМТнинг халқаро савдо хуқуки Комиссияси (ЮНСИТРАЛ) томонидан трансчегаравий ноҷорлик ҳақида Намунивий қонун ишлаб чиқилган. Мазкур қонун давлатларга ўз миллий қонунчилиги тизимиға инкорпорация килиш учун тавсия қилинган (1997 йил 15 декабрдаги БМТ Бош Ассамблеясининг 52/158 резолюцияси).

2. Банкротликка оид муносабатларда кредиторлар йигилиши ва улар хукуқларини ҳимоя қилиш масалалари

“Банкротлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида кредиторлар йигилиши тушунчasi берилмаган.

Кредиторлар йигилишининг бош мақсади – банкрот корхона кредиторларини уюштириш, уларнинг талабларини ўзаро мувофиқлаштириш, ўз хукуқларини ҳимоя қилишлари учун зарур ташкилий ва хукукий механизмларни биргаликда ўзаро келишган ҳолда ишлаб чикиш, амалга ошириш шу асосда банкрот корхонага нисбатан мавжуд талабларни максимал даражада қондирилишига эришишдан иборат. Мазкур қонун 10-моддасининг иккинчи қисмида қарздорга нисбатан содир этиладиган ҳаракатларнинг ҳаммасини барча кредиторлар номидан кредиторлар йигилиши ёки кредиторлар кўмитаси амалга ошириши белгиланган. Ушбу модданинг учинчи қисмiga кўра кредиторлар, мажбурий тўловларга доир талаблар қисми бўйича эса давлат солиқ хизмати органлари ва бошқа ваколатли органлар кредиторлар йигилишининг овоз бериш хукукига эга бўлган иштирокчилариdir. Кредиторлар йигилишида маслаҳат овози хукуки билан қарздор ходимларининг вакили, суд бошқарувчиси, қарздор муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки қарздор мол-мулки эгасининг вакили иштирок этади. Демак, юкоридаги нормаларнинг мазмунидан келиб чиқиб, **кредиторлар йигилиши** – бу барча кредиторлар манфаатларини ҳимоя қилувчи, уларнинг қарздорларга нисбатан содир этиладиган барча ҳаракатларини амалга оширувчи, кредиторлар, тегишли ваколатли органлари ходимлари, суд бошқарувчиси ҳамда қарздорнинг ваколатли вакиллари иштирокидаги органдир.

“Банкротлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 10-моддасида кредиторлар йигилиши ўтказиш асослари, шартлари ва тартиблари белгилаб берилган. Ушбу моддада кредиторлар йигилиши мажлисининг ваколатлари ва асосий вазифалари назарда тутилган. Қонунининг 11-моддаси

кредиторлар йигилиши ўтказилиши тўғрисида манфаатдор шахсларни хабардор қилиш масалалари ёритилган.

Кредиторлар, мажбурий тўловларга доир талаблар қисми бўйича эса давлат солиқ органлари ва бошқа ваколатли органлар кредиторлар йигилишининг овоз бериш хукукига эга бўлган иштирокчилари ҳисобланади.

Банкротлик таомили қўлланилаётганда барча кредиторларнинг манфаатларини конунга мувофиқ ташкил этиладиган кредиторларнинг йигилиши ёки кредиторлар қўмитаси ҳимоя қиласди ва қарздорга нисбатан содир этиладиган харакатларнинг ҳаммасини амалга оширади. Кредиторларнинг биринчи йигилиши иқтисодий суд томонидан аризани кўриб чиқишга қабул қилиш тўғрисидаги ажрим асосида, йигилиш ўтказиладиган жой ва вактни кўрсатган ҳолда, ажрим чиқарилган вактдан эътиборан 10 кун ичida матбуотда эълон қилиш орқали чақирилади. Иқтисодий суд кедиторлар йигилишини ўтказишни кредиторга, қарздога, солиқ идорасига ёки бошқа органларга юклashi мумкин. Хўжалик юритувчи субъектни банкрот деб топишни сўраб ариза билан судга мурожаат қилган шахс банкротлик таомилини қўллашдан бевосита манфаатдор экан, у ушбу корхонага нисбатан банкротлик таомилини қўллашнинг таъминланишига қўмаклашиши лозим. Демак, кредиторлар йигилишини ташкил этиш ва ўтказиш *суд бошқарувчиси* томонидан амалга оширилади. Кредиторлар йигилиши, агар унда қарздорнинг пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлари **умумий суммасининг камидан икки қисми микдорида талаблар билдираётган, овоз бериш хукуки бор кредиторлар** ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади. Кредиторлар йигилишининг мутлақ ваколати доирасида қабул қилинадиган қарорлар, кредиторлар йигилиши баённомасига илова қилиниши лозим бўлган хужжатлар, кредиторлар йигилишини ўтказиш тўғрисида хабардор этиш, уни чақириш, қарор қабул қилиш тартиблари ҳам аниқ белгилаб берилган.

Кредиторлар йигилишда ўз вакиллари орқали иштирок этишлари ҳам мумкин. Кредиторлар йигилишида кворум бўлмаса, 10 кунлик муддат ичida кредиторларнинг такорий йигилиши чақирилади, йигилиш, унинг

ўтказиладиган санаси, вақти ва жойи тўғрисида кредиторлар лозим даражада хабардор этилади. Кредиторлар йигилишида баённома юритилади. Кредиторлар йигилиши баённомаси ҳамда унга илова қилинган хужжатлар кредиторлар йигилиши ўтказилган санадан эътиборан **беш кундан** кечиктирмай хўжалик судига топширилиши керак. Кредиторлар қўмитаси – бу кредиторларнинг маҳсус органибўлиб, банкротлик тўғрисидаги муносабатлarda хукуқ субъекти сифатида фаолият кўрсатади. Конун кредиторлар қўмитасининг иккита муҳим функциясини белгилайди. Биринчидан, кредиторлар қўмитаси кредиторлар манфаатини ёклаб чиқади; иккинчидан, суд бошқарувчilarinинг хатти-харакатлари устидан назоратни амалга оширади. Кредиторлар йигилиши томонидан кредиторлар сони 20 тадан ошиқ бўлса, ташқи бошқарув ва тугатишга доир иш юритиш амалга ошириладиган давр учун **кредиторлар қўмитаси** сайланади. Қўмита ташқи бошқарувчи ва ишончли вакилдан қарздорнинг молиявий аҳволи ва иш юритишнинг бориши тўғрисидаги маълумотларни олиш, уларнинг харакатлари устидан судга мурожаат қилиш ва конунда назарда тутилган бошқа хукукларга эга.

Агарда, банкротлик ҳақида иш бўйича иш юритиш қўзғатилгандан сўнг, иқтисодий судга бошқа кредитор томонидан ўша қарздорни ноҷор деб топиш ҳақида ариза тушса, суд аризани қабул қилишни рад этади ва айни пайтда аризачига кредиторлар йигилишида иштирок этиш хукукини кўрсатади.

Банкротлик тўғрисидаги ишда ягона кредитор иштирок этаётган бўлса, кредиторлар йигилишининг мутлақ ваколатига тааллуқли қарорларни қабул қилишни шу кредиторнинг ўзи амалга оширади.

Реестр – банкротлик жараёнига хос муҳим хужжатлардан биридир. Реестрга киритилган кредиторлар ишда иштирок этувчи шахслар макомига эга бўлади ва реестрда кўрсатилган навбат тартибида ўз талабларини қондириши мумкин.

Кредиторларнинг талаблари реестри **фақат суд бошқарувчиси** томонидан юритилади. Шуни таъкидлаш керакки, ҳар бир кейинги суд бошқарувчиси ундан олдинги банкротлик таомилида тузилган реестрни қабул

қиласи ва келиб чиқадиган ҳолатларга кўра тегишли ўзгаришишлар киритади. Кейинчалик суд бошқарувчиси реестрдаги хато ёки ноаникликларни топганда, тегишли ўзгаришишларни киритади, бу ҳақда талаблари юзасидан ўзгаришишлар киритилган кредиторга хабар қилинади. Бундай ҳолларда мазкур кредитор қонунга асосан, у билан суд бошқарувчиси ўртасида келиб чиқкан келишмовчиликларни ҳал этиш мақсадида иқтисодий судга мурожаат қилишга ҳакли.

Кредиторлар реестри Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида, яъни сўмда юритилади. Агар карздорнинг чет эл валютасидаги карзлари бўлса, кредиторларнинг талаблари реестрига киритиладиган кредиторлар талабларининг ҳажми биринчи йиғилиш ўтказилиши учун қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза қабул қилинган кундаги расмий курс бўйича белгиланади, кейинги таомилларда эса, башарти кредитор ва қарздор ўртасидаги шартномада бошқача тартиб кўрсатилмаган бўлса, тегишли банкротлик таомили ўтказиладиган санадаги расмий курс бўйича белгиланади.

Реестрда хар бир кредитор ҳақида маълумотлар, карздор олдига кўйилган талабларининг аниқланган ҳажми, уларни Қонуннинг тегишли моддалари бўйича кондирилиш навбати кўрсатилади.

Иқтисодий суд томонидан қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилганидан кейинги карздорнинг кредитор олдидаги келиб чиқкан мажбуриятлари ҳамда тегишли банкротлик таомили бошлангандан кейин ижро муддати келган мажбуриятлар жорий деб топилади ва кредиторларнинг талаблари реестрига киритилмайди. Шуни айтиш жоизки, тугатишга доир иш юритишида қоидага кўра, барча кредиторлар унинг талаблари қайси навбатда кондирилишидан қатъи назар реестрга киритилади (навбатдан ташкари тугатишга доир иш юритиш бошлангунга қадар вужудга келган навбатдан ташкарилар ҳам назарда тутилмоқда). Бунинг зарурати суд бошқарувчиси ва кредиторлар қарздор мажбуриятларининг умумий ҳажмини билишларига имконият берishi билан белгиланади.

Кредитор ҳақида маълумотларни реестрга киритиш имкони бўлиши учун, кредитор ўз талабларини баён этганда аризада ўзи ҳақидаги маълумотларни (юридик шахслар учун фирманинг номини, жойлашган ерини; жисмоний шахслар учун исми, фамилияси, отасининг исми, паспортга оид маълумотларини), шунингдек, банк реквизитларини (агар улар бўлса) кўрсатиши шарт. Реестрга киритилган маълумотлар ўз моҳиятига кўра конфиденциал деб ҳисобланмайди, шунинг учун унинг ошкоралиги ва барча учун танишиш имконияти борлиги айни пайтда кредиторлар учун фақат ижобий аҳамиятни қасб этади.

Кредиторларнинг талаблари реестрини тузишида пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловларнинг навбати, таркиби ва микдори билан боғлиқ ҳолда кредитор, қарздор ва суд бошқарувчиси ўртасида юзага келадиган келишмовчиликлар суд томонидан кўриб чиқилади.

3. Суд бошқарувчилари ва улар фаолиятини тартибга солишининг ҳуқуқий масалалари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 марта 138-сонли карори билан тасдиқланган “Суд бошқарувчилари тўғрисида”ги Низомнинг 2-бандига кўра хўжалик суди (хозирги иқтисодий суд) томонидан банкротлик тўғрисидаги аниқ иш бўйича куйидаги турдаги суд бошқарувчилари тайинланади:

кузатиш тартиботи жорий этилганда – муваққат бошқарувчи;
суд санацияси тартиботи ўтказилганда – санация бошқарувчиси;
ташки бошқарув жорий этилганда – ташки бошқарувчи;
тугатишга доир иш бошланганда – тугатиш бошқарувчиси.

Суд бошқарувчилари барча банкротлик таомиларида, муваққат, санация қилувчи, ташки ва тугатиш бошқарувчиси сифатида қатнашади. Ҳар қандай суд бошқарувчиси қилиб тайинланадиган номзод шартли равишда иккига, яъни ижобий (мавжуд бўлиш керак) ва салбий (мавжуд бўлмаслиги керак)га

таснифланадиган муайян талабларга жавоб берishi керак. Ижобий талаблар ОХС Пленумининг 27.01.2006 йилдаги 142-сонли қарорининг 11-банди ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 23.03.2004 йилдаги 138-сонли қарори билан тасдиқланган «Суд бошқарувчиларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида Низомнинг» 7-бандида белгиланган.

Қарздор ёки кредиторга нисбатан манфаатдор шахслар; судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар; банкротлик таомили жорий этилган якка тартибдаги тадбиркорлар; илгари суд бошқарувчisi вазифасини бажараётган пайтда қарздорга, кредиторларга зарар етказиб, бу зарарни қопламаган шахслар; бошқа шахсларнинг ишларини ва (ёки) мол-мулкини бошқариш билан боғлиқ фаолиятни амалга оширишига чеклов белгиланган шахслар (бундай фаолият билан шуғулланишдан маҳрум этилган ёки нолойик деб топилган шахслар) **суд бошқарувчилари этиб тайинланиши мумкин эмас.**

Суд бошқарувчisi суд томонидан вазифага тайинланган санадан эътиборан **ўн кун ичида** банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган шахсларга зарар етказилиши ҳодисаси учун ўз жавобгарлигини конун хужжатларида белгиланадиган тартибда сугурталashi лозим. Конунда ушбу талабларни мустахкамловчи норманинг мавжудлиги мухим аҳамиятга эгадир. Аммо ушбу талаблар банкротликнинг соддалаштирилган таомилини амалга ошираётган суд бошқарувчilariga нисбатан татбиқ этилмайди.

Суд бошқарувчиларининг профессионал бирлашмалари нодавлат нотижорат ташкилотлари бўлиб, мазкур бирлашмалар ўз фаолиятида даромад (фойда) олишни кўзламайди ва олинган даромад (фойда)ни ўз аъзолари ўртасида тақсимламайди. Суд бошқарувчilarinинг профессионал бирлашмалари Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Конуни ва бошқа конунлар асосида ташкил этилади ва фаолият юритади.

Суд бошқарувчisi раҳбар билан бир қаторда ўз номидан ҳам, қарздор номидан ҳам мустакил ҳаракат килиш хукуқига эга. Шу ўринда суд

бошқарувчisi ўз номидан ҳаракат қиласада, хукуқ ва мажбуриятлар бари бир қарздорда юзага келади. Суд бошқарувчisi қарздор ва кредиторларнинг манфаатларини кўзлаб иш олиб боради. Шундан келиб чиқиб, суд бошқарувчisi банкротлик таомилларида белгиланган тадбирларни ўтказиш зарурати билан белгиланган маҳсус макомга эга хукуқ субъекти ҳисобланади. Бу билан суд бошқарувчисининг комплекс хукуқ ва мажбуриятлари белгиланган. **Суд бошқарувчisi** ўз ваколатлари доирасида кредиторлар ийғилишини чақириш, қонунда назарда тутилган ҳолларда кредиторлар қўмитаси чақирилишини талаб килиш, олдиндан давлат божи тўламай туриб, даъво аризалари ва бошқа аризалар билан судга мурожаат этиш, ўз ваколатларини амалга оширишни таъминлаш учун бошқа шахсларни шартнома асосида улар фаолиятига қарздорнинг маблағлари ҳисобидан ҳақ тўлаган ҳолда, жалб этиш, ўз вазифасини бажаришни муддатидан илгари тугатиш тўғрисида судга ариза бериш каби хукукларга эга. Юкорида кўрсатилганидан ташкири, суд бошқарувчisi конун хужжатларига мувофиқ бошқа хукукларга ҳам эга бўлиши мумкин. Хусусан, ҳар бир банкротлик таомилида суд бошқарувчisi фойдаланиши мумкин бўлган хукуклар ҳажми мавжуд. Ўз навбатида **суд бошқарувчisiga** қарздорнинг мол-мулки бут сақланиши юзасидан чоралар кўриши, кредиторларнинг талаблари реестрини юритиши, қарздорнинг молиявий ахволини таҳлил этиши, суд томонидан белгиланган вазифаларни бажариши, зиммасига юклатилган вазифаларни бажармаганда ёки лозим даражада бажармаганда қарздорга, кредиторларга ва учинчи шахсларга зарар етказилган бўлса, уларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаши шарт дейилган мажбуриятлар юкланди.

Суд бошқарувчisi банкротлик таомилларини ўтказаётганда қарздор ва кредиторларнинг манфаатларини кўзлаб, инсоф билан оқилона иш олиб бориши шарт, чунки суд томонидан суд бошқарувчilari кредиторлар ва қарздорнинг хукукларини химоя қилиш учун тайинланади. Айниқса конундаги суд бошқарувчisi банкротлик таомилларини ўтказаётганда қарздор ва

кредиторларнинг манфаатларини кўзлаб инсоф билан ва оқилона иш олиб бориши шарт дейилган норма уларнинг ўз вазифасига масъулиятини оширади.

Суд бошқарувчиси хукуқ ва мажбуриятлари доирасида фаолият юритиши лозим бўлиб, унинг томонидан зиммасига қонунан юклangan вазифаларнинг қарздорга ёки кредиторга зарап етказилишига олиб келган тарзда бажарганда ёки лозим даражада бажармаганда вазифасидан озод этишга асос бўлади. Бунда қарздор, кредиторлар етказилган зарарнинг ўрнини қопланишини талаб қилишга ҳақлидирлар. Ушбу белгиланган мажбуриятлардан ташқари, суд бошқарувчисининг зиммасида конун хужжатларига мувофиқ бошка мажбуриятлар хам бўлиши мумкин. Масалан, “Банкротлик тўғрисида”ги Қонуннинг 52-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган тартибида у банкротлик бўйича эълон қилиниши лозим бўлган маълумотларни махсус белгиланган расмий нашр органига юбориши керак, кредиторлар йигилишини ташкил этиш ва ўтказиш, баённомалар юритилишини таъминлаши, шунингдек юкоридаги Қонуннинг 67, 82, 128-моддаларида кўрсатилган суд бошқарувчилари мажбуриятларини бажариш шарт. Ўз мажбуриятларини бажарышда суд бошқарувчилари мазкур Қонун, шунингдек, “Суд бошқарувчилари тўғрисида”ги Низомда (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 23.03.2004 йилдаги 138-сонли қарорига 1-илова) белгиланган қоидаларга амал киладилар.

Қонунчиликка мувофиқ, суд бошқарувчиси бошка асослар бўйича ҳам озод этилиши мумкин, масалан унинг ўз аризасига биноан, банкротлик ишлари бўйича давлат органининг қарорига асосан (“Банкротлик тўғрисида”ги Қонуннинг 96-моддаси). Кредиторлар йигилиши ва (ёки) банкротлик тўғрисидаги иш бўйича давлат органи судга суд бошқарувчисини озод этиш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат этиши мумкин. Суд аризани кўриб чиқиши натижасида ажрим чиқаради ва ушбу ажрим устидан Қонуннинг 60-моддасида назарда тутилган тартибида шикоят қилиниши мумкин. Суд бошқарувчисининг ўз вазифаларини бажарганлик учун ҳақ олиш хукуки “Банкротлик тўғрисида”ги Қонуннинг 19-моддаси биринчи қисми (умумий

қоидалар), 65-модда (мувакқат бошқарувчи бўйича), 97-модданинг иккинчи қисми (ташқи бошқарувчи бўйича)га мувофиқ белгиланган.

Суд бошқарувчисига ҳақ тўлаш аввало қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан амалга оширилади. Шу ўринда айтиш жоизки, суд бошқарувчисига ўз вазифасини бажарганлик учун ҳақ тўлашнинг микдори ва тартибини белгилаш кредиторлар йигилиши ваколатига, уни тасдиқлаш эса суд ваколатига берилгандир.

Қарздорнинг мол-мулки мавжуд бўлмаган тақдирда, суд бошқарувчисига ҳақ тўлаш тартиби кредиторлар йигилиши томонидан худди шундай тартибида ҳал килинади. Агар кредиторлар йигилиши томонидан ушбу масала тўғрисида аниқ бир келишувга эришилмаса, суд бошқарувчисига ҳақ тўланиш ҳаражатлари аналогия асосида Қонуннинг 52-моддаси олтинчи қисмига мувофиқ, судга қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат килган кредиторга юкланди. Банкротликнинг соддалаштирилган таомилида, коида тарикасида суд бошқарувчisi этиб, суд бошқарувчисининг 4-даражали аттестатига эга бўлган давлат солиқ органларининг хизматчиларидан бири тайинланади, шунга кўра, уларга ҳақ тўланиши белгиланмаган. Кредиторлар йигилишининг қарори билан суд бошқарувчисига унинг фаолият натижаларига қараб тўланадиган қўшимча ҳақ белгиланиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган (ОХС Пленумининг 27.01.2006 йил 142-сонли қарори 15-банди). Шу билан бирга, суд бошқарувчисига қарздорнинг мол-мулкидан қўшимча ҳақ тўланиши қонунда инкор этилмайди ва асосий ҳақ тўланишидан фарқли равишда суд томонидан тасдиқланмайди. Кўшимча ҳақ ҳам кредиторлар билан бошқача келишув белгиланмаган бўлса, қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан амалга оширилади.

4. Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича қабул қилинадиган суд хужжатлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари

Иқтисодий суднинг судьяси “Банкротлик тўғрисида”ги қонун ва Иқтисодий процессуал кодекси нормаларида ўрнатилган талабларга риоя этилган ҳолда берилган қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани

қабул қиласи ва уни кўриб ҳал этади. Судья қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида берилган аризани ўз иш юритишига қабул қиласи. Судья қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани иш юритишига қабул қиласи экан, кузатувни жорий этиш ва муваққат бошқарувчини тайинлаш тўғрисида ажрим чикариши мумкин. Амалиётда суд судъялари қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани иш юритувга қабул қилиш ҳақидаги ажримда банкротлик тўғрисидаги ишни қўзгаш ҳақидаги масалани ҳам ҳал қилиб битта ажрим қабул қиласи. Шу билан бирга баъзида қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани иш юритувга қабул қилиш ҳақидаги ажримда кузатув таомилини қўллаган ҳолда ва муваққат бошқарувчини тайинлаган ҳолда иш қўзғатиш тўғрисида ажрим қабул қилинади. Шунингдек, судлар амалиётида қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани иш юритувга қабул қилишва ишни суд муҳакамасига тайёрлаш ҳақидаги ажрим қабул қилиш учраб туради.

Суднинг қабул қилган қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилиш ва банкротлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш ҳақидаги ажрими суд томонидан давлат солик хизмати органларига ва бошқа ваколатли давлат органларига, қарздор жойлашган ердаги (яшаш жойидаги) МИБга юборилади. Қарздор юридик шахснинг ўзига нисбатан банкротлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги ажримнинг нусхасини ўзининг ваколатхоналари ва филиаллари жойлашган ердаги шундай шахсларга (органларга) юбориш мажбурияти унинг ўзига юклатилади.

“Банкротлик тўғрисида”ги Қонуннинг 39-моддасига мувофиқ кредиторларнинг талаблари бўйича пул мажбуриятларининг миқдори башарти, суднинг қонуний кучга кирган ҳал килув карори билан тасдиқланган бўлса ёки қарздор ушбу мажбуриятларни тан олган хужжатлар мавжуд бўлса, шунингдек, қонунда кўрсатилган бошқа ҳолларда белгиланган деб ҳисобланади. Кредиторнинг судни ҳал килув карори билан ёки қарздорнинг ёзма равишдаги тан олганлиги тасдиқланмаган талабига эътироф билдирилган ҳолларда, пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловларнинг миқдори суд томонидан белгиланади. Қарздорнинг эътиrozлари асослигини кўриш натижалари бўйича

суд томонидан ажрим чикарилади, бунда кредитор, солик ва бошқа ваколатли органларнинг белгиланган тадбирларининг миқдори кўрсатилади. Ажрим кредиторлар йиғилишида муайян кредиторга тегишли бўлган овозлар сонини белгилаш учун асос бўлиб ҳисобланади, шунингдек тугатиш ишларида талабларини қондириш учун асос бўлади.

Банкротлик тўғрисидаги иш суднинг мажлисида қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза иш юритишига қабул қилингандиги ҳақида ажрим чикарилган кундан эътиборан икки ойдан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқилиши лозим. Банкротлик тўғрисидаги ишни кўриш алоҳида ҳолларда икки ойдан ошмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

Банкротлик тўғрисидаги иш бўйича суд хужжатлари, агар қонунда бошқача коида белгиланган бўлмаса, дарҳол ижро этилиши лозим. Банкротлик тўғрисидаги иш бўйича суд хужжатининг кўчирма нусхаси суд томонидан дарҳол қарздорнинг турган жойидаги (яшаш жойидаги) МИБга юборилади.

Суд банкротлик ишларини кўриб чиқишида кўйидаги ажримларни қабул қилиши мумкин:

банкрот деб эътироф этиш ҳақидаги аризани иш юритишига қабул қилиб олиш ҳақида ажрим;

банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишига тайёрлаш ҳақида ажрим;

аризани иш юритишига қабул қилиш ва кўриб чиқишига тайёрлаш тўғрисидаги ажримда кредиторларнинг талабларини қондиришига доир чоратадбирлар ҳам кўрсатиб ўтилиши мумкин. Суд амалиётида бу икки масалани бир ажримда кўрсатиб ўтиш одат тусига кирган. Судья қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани ўз иш юритувига қабул қилаётган вақтда кузатувни жорий этиш ва муваққат бошқарувчини тайинлаш тўғрисида ажрим чикариши мумкин. Банкротлик иши бўйича судья томонидан ҳар бир амалга оширилган тадбирлар тегишли суд хужжати билан мустаҳкамланади.

Банкротлик тўғрисидаги иш бўйича суд хужжатлари, агар қонунда бошқача коида белгиланган бўлмаса, **дарҳол ижро** этилиши лозим.

Суд санациясини, ташки бошқарувни жорий этиш, келишув битимини тасдиқлаш ёки банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш учун асослар бўлмаганда, суднинг қарздор юридик шахсни банкрот деб топиш ҳамда тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарори банкротлик аломатлари аниқланган ҳолларда қабул қилинади.

Суднинг қарздор юридик шахсни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарорида қарздорни банкрот деб топиш ҳамда тугатишга доир иш юритишни бошлаш, тугатиш бошқарувчисини тайинлаш ва унга ҳақ тўлаш ҳақидаги кўрсатма акс эттирилиши лозим.

Суднинг қарздорни банкрот деб топиш ҳамда тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарори устидан шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин. Суд томонидан кузатувни, суд санациясини, ташки бошқарувни жорий этиш, банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш, суд бошқарувчисини тайинлаш, алмаштириш ёки вазифасидан озод қилиш ҳақида чиқарилган ажримлар ҳақидаги, қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарорлар, мазкур хужжатларни ўзgartириш ёки бекор қилиш тўғрисида қарорлар қабул қилинганилиги ҳақидаги маълумотлар расмий нашрда эълон қилинади. Расмий нашрнинг тиражи, даврийлиги ва шундай маълумотларни эълон қилиш муддати, кўрсатиладиган хизматларни молиялаштириш тартиби ҳамда бундай хизматларнинг нархлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан белгиланади ва исталган манфаатдор шахснинг мазкур маълумотлардан эрkin фойдалана олиши учун монелик қилмаслиги лозим. Эълон қилиш учун юборилган суд хужжатлари тўғрисидаги маълумотлари эълон қилиш бу маълумотлар олинган пайтдан эътиборан **ўн кун ичida** амалга оширилади. Маълумотларни эълон қилиш билан боғлиқ ҳаражатларни қоплаш, қарздорнинг пул маблағлари хисобидан амалга оширилади. Қарздорда пул маблағлари бўлмаса, бундай маълумотларни эълон қилиш ҳақини тўлашни суд бошқарувчиси амалга оширади, бу маблағлар кейинчалик қарздорнинг мол-мулки хисобидан қопланади. Қарздорда эълон қилиш ҳаражатларини қоплашга етарли мол-мулк

бўлмаса, ҳаражатларни қоплаш қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат этган кредитор ҳисобидан амалга оширилади. Суд томонидан чиқарилган суд хужжатлари ҳақидаги маълумотлар бошқа оммавий ахборот воситаларида ҳам эълон қилиниши мумкин. Банкротлик таомиллари жараёни ҳақидаги маълумотлар ҳам расмий нашрда эълон қилиниши шарт хисобланади.

Агар қарздорнинг кредиторлари сони эллик кишидан ортиқ бўлса ёки уларнинг сонини аниқлаш мумкин бўлмаса, қарздорга нисбатан қўлланиладиган ҳар бир банкротлик таомили бошланиши ҳақидаги маълумотлар ҳам расмий нашрда эълон қилиниши шарт.

Кредиторлар йигилиши ёки кредиторлар қўмитасининг қарори асосида эълон қилиниши лозим бўлган маълумотлар бошқа оммавий ахборот воситаларида ҳам эълон қилиниши мумкин. Банкротлик таомиллари жараёни ҳақидаги эълон қилинган маълумотларда қўйидагилар бўлиши лозим:

карздорнинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми) ва унинг почта манзили;

суд хужжатини қабул қилган суднинг номи, шу суд хужжати қабул қилинган сана ва жорий қилинган банкротлик таомили номи, шунингдек банкротлик тўғрисидаги ишнинг тартиб рақами;

тайинланган суд бошқарувчисининг фамилияси, исми, отасининг исми ва унинг почта манзили;

банкротлик тўғрисидаги ишни кўриш бўйича кейинги суд мажлисининг суд томонидан белгиланган санаси.

ЯТТ банкротлигига қарзларни узиш режасини бажарганлиги натижасида кредиторларнинг талаблари тўла ҳажмда қаноатлантирилган бўлса, банкротлик тўғрисидаги иш юритиш тугатилади (176-модданинг бешинчи қисми), қарздор барча қарзларни ўзининг аризасига кўра иш кўриб чиқилиши кечикирилган муддатда тўласа (179-модда), суд 54-модданинг биринчи қисмига мувофиқ, қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисида қарор қабул киласди.

Суд қонунга мувофик бошқа ҳолларда ҳам банкротлик түғрисидаги иш юритиши тугатиши мумкин.

Тадбиркорлик субъекттарининг банкротлиги – бу иқтисодий суд томонидан эътироф этилган, қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини тўла ҳажмда қондиришга ва/ёки мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини тўла ҳажмда бажаришга қодир эмаслиги ҳисобланади. Банкротлик италянча *banco rotto* сўзидан олинган бўлиб, аслида *курсининг* (ўриндиқнинг) синиии деган маънени билдиrsa-да, ушбу сўз қарздорнинг ночор ахволга тушиб синиши, инкирози, барбод бўлиши маъносида ишлатилади. Банкротлик институтининг олдига *икки асосий вазифа* қўйилади. Улардан бири – вақтинча тўловга қобилиятсиз, иқтисодий қийинчиликка дучор бўлган хўжалик юритувчи субъектга муайян қоидалар асосида ўзини ўнглаб олиш ва сўнгра ўз мажбуриятларини бажаришга имкон беришдан иборат. *Иккинчиси* эса, агар қарздорнинг ўзини ўнглаб олиш имкони йўқ эканлиги аникланса, у холда уни тугатиш билан боғлиқ жараённи бошлаш ва бу жараёнда кредиторларнинг талаблари энг мақбул даражада таъминланиши назарда тутилади.

Қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қондиришга ва/ёки мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир эмаслиги, агар тегишли мажбуриятлар ва/ёки тўловлар мажбурияти юзага келган кундан эътиборан уч ой давомида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, унинг **банкротлик аломатлари** деб эътироф этилади.

Банкротлик түғрисидаги иш банкротлик аломатлари мавжуд бўлган тақдирда, агар қарздор **юридик шахсга** нисбатан жами талаблар энг кам иш ҳақи миқдорининг камида 500 каррасини ташкил этадиган бўлса, қарздор **якка тартибдаги тадбиркорга** нисбатан эса энг кам иш ҳақи миқдорининг камида 30 каррасини ташкил этадиган бўлса, иқтисодий суд томонидан қўзғатилиши мумкин.

Банкротликка оид қонунчилик тизимида амалдаги Ўзбекистон Республикасининг “Банкротлик түғрисида”ги Қонуни етакчи ўрин тутади.

Мазкур қонун банкротликка оид муносабатларни маҳсус ва батафсил тартибга солувчи хукукий хужжатdir.

Мамлакатимизда банкротликка оид муносабатларни тартибга солишида Президент ва Вазирлар Маҳкамасининг норматив-хукукий хужжатлари муҳим роль ўйнайди. Булар: 1998 йил 4 марта “Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий начорлиги ва шартнома мажбуриятларини бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш түғрисида”ги, 1999 йил 23 июлдаги “Корхоналар банкротлиги ва санацияси механизмини такомиллаштириш түғрисида”ти фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 26 июлдаги “Корхоналарнинг банкротлиги түғрисидаги конунчиликни амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақида”ги 362-сонли қарори ва бошқалар. Шунингдек, ваколатли давлат органлари томонидан қабул қилиниб, тегишли тартибда Адлия вазирлигидан 1997 йил 3 июлда рўйхатдан ўтказилган 352-сонли “Корхоналарни молиявий согломлаштириш ва тўлов қобилиятини тиклаш Намунали режаси”, 2000 йил 22 декабрда рўйхатда ўтказилган 993-сонли “Банкрот корхонани тугатиш бўйича иш юритувни амалга ошириш түғрисида низом” ва бошқа хужжатлар шулар жумласидандир.

Тадбиркорлик субъектида банкротлик аломатлари пайдо бўлганда қарздор, унинг таъсисчилари ёки мулкдори томонидан судгача санация қўллаш масаласи кўриб чикилиши мумкин. Қарздор юридик шахснинг банкротлиги түғрисидаги иш кўрилаётганда қуйидаги таомиллар қўлланилади:

- кузатув;
- суд санацияси;
- ташқи бошқарув;
- тугатишга доир иш юритиши;
- келишув битими.

Қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг банкротлиги түғрисидаги иш кўрилаётганда қуйидаги таомиллар қўлланилади:

- келишув битими;
- тугатишга доир иш юритиши.

Суд бошқарувчиси (муваққат бошқарувчи, санация килувчи бошқарувчи, ташки бошқарувчи, тугатиш бошқарувчиси) – банкротлик таомилларини ўтказиш мақсадида иқтисодий суд томонидан тайинланадиган шахсdir.

Суд бошқарувчиси тайинлашнинг асосий мақсади корхонани иқтисодий-молиявий соғломлаштириш, кредиторлар манфаатларини химоя қилишдан иборат. Қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан пул мажбуриятлари бажарилмаган ҳолларда, (1) қарздор; (2) кредитор ва (3) прокурор мурожаат этиш хукукига эга. Мажбурий тўловлар мажбурияти бажарилмаганлиги натижасида эса ариза билан иқтисодий судга мурожаат этиш хукукига (1) қарздор; (2) прокурор; (3) давлат солиқ хизмати ва бошка ваколатли органлар эга.

Банкротлик билан боғлиқ муносабатлар илк бор XVI асрнинг ўрталарида қонун нормалари билан тартибга солинган. У пайтда кўпроқ жиноий-хукукий норма сифатида вужудга келган. Францияда Наполеон кодексига 1907 йилда ўзгартиш киритилиб, корхонани банкротликка олиб келган шахсга албатта жиноят иши кўзгатиладиган бўлган. Аммо бундай қоида тескари натижা олиб келган. Яъни банкротликка олиб келишдан кўра банкротликни яшириш жинояти кўпайиб кетган ва бу ўзгартиш тезда олиб ташланган.

Жаҳонда банкротлик тўғрисидаги қонунчиликнинг ривожи асосан 2 турли йўналишдан бормоқда. Биринчи йўналишнинг (Англия, Германия ва ҳ.к. давлатларда) моҳияти шундан иборатки, бунда банкротликка оид қонунчиликнинг моҳияти асосан ночор аҳволга тушган корхонани тезроқ тугатиб (банкрот килиб), унинг кредиторлари қарзини қайтаришга қаратилган бўлади. Қонунчилиги иккинчи йўналиш бўйича ривожланаётган давлатлардаги (АҚШ, Франция ва ҳ.к. давлатларда) банкротликка оид хукуқ нормаларида эса ночор аҳволга тушган корхонани имкон қадар сақлаб қолиб, уни ночор аҳволдан чиқаришга кўпроқ эътибор берилади. Биздаги банкротликка оид қонунчилигимиз ҳам шу йўналишда ривожланмоқда.

“Банкротлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг дастлабки қонуни 1994 йил 5 майда қабул килинган. Ушбу қонун атиги 35 та моддадан

иборат эди. Уни амалиётга тадбиқ этиш жараёни қийин кечди. 1995 йилнинг июль ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида маҳсус комиссия тузилгач, банкрот деб топилаётган корхоналарнинг сони сезиларли даражада кўпая бошлади.

2003 йил 24 апрелда “Банкротлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни янги таҳрирда қабул қилинди ва у 192 та моддадан иборат бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексида белгиланмаган алоҳида ўзига хос процессуал қоидалар ҳам акс этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2006 йил 27 январдаги «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини хўжалик судлари томонидан кўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги 142-сонли қарори (Олий хўжалик суди Пленумининг 2008 йил 30 октябрдаги 189-сонли ва 2011 йил 1 декабрдаги 235-сонли қарорлари асосида киритилган ўзгартиришлар билан)да ҳам банкротлик тўғрисидаги ишларни кўришган оид бир қанча муҳим тушунтиришлар берилди.

Юридик шахсларнинг қайта ташкил этилиши ва тугатилиши билан боғлиқ хукукий нормалар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 49-57-моддаларида акс эттирилган бўлиб, қайта ташкил этишда хукукий ворислик мавжуд бўлади, тугатишида эса мавжуд бўлмайди. Корхоналарни тугатиши ёки банкрот деб топиш бўйича иқтисодий судга даъво аризаси эмас, балки ариза берилади. Чунки бу ерда даъво йўқ. Шунинг учун тарафлар даъвогар ва жавобгар деб эмас, балки аризачи ва жавобгар ёки аризачи ва қарздор деб аталади.

Тугатишида давлат божи, бошқа суд харажатлари ва почта харажатлари тўланмайди, банкротликда энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баравари миқдорида давлат божи тўланади.

Иқтисодий судга юридик шахс мақомига эга бўлган ташкилотни тугатиши ёки банкрот деб топиш тўғрисида ариза бериш мумкин. Юридик шахс мақомига эга бўлмаган филиаллар, ваколатхоналар ва юридик шахснинг бошқа хил

бўлинмалари судда тараф сифатида иштирок эта олмаслиги сабабли уларни тугатиш ҳам мумкин эмас.

Агар юридик шахснинг фаолиятида ҳам тугатиш, ҳам банкротлик аломатлари мавжуд бўлса, аризачи хохлаганини сўраб судга мурожаат этиши мумкин. Яъни у бундай ҳолда судга факат юридик шахсни банкрот деб топиш тўғрисида мурожаат этишга мажбур эмас.

Тугатилаётган корхона кредиторларининг талабларини тўлиқ ҳажмда кондиришнинг мумкин эмаслиги аниқланган тақдирда тугатувчи корхонани банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан иқтисодий судга мурожаат килиши шарт. Корхона банкрот деб топилган вактдан бошлаб ихтиёрий тугатиш тўхтатилади ва бундан кейинги тартибот банкротлик тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Қарздорни банкрот деб топиш учун қуидаги 2 та шарт мавжуд бўлиши керак:

- 1) кредиторлик қарзини 3 ой давомида қаноатлантира олмаслик;
- 2) карзи юридик шахслар учун энг кам иш ҳақининг 500 баравари, жисмоний шахслар учун энг кам ойлик иш ҳақининг 30 бараварига етган бўлгандлик.

Баъзи хорижий давлатларнинг қонунчилигига кўра, кредиторлик қарз мажбуриятини бажариш муддати бошланган куннинг эртасидан бошлаб, корхонани банкрот деб эътироф этиш мумкин. Яъни кредиторларнинг талаблари маълум вақт мобайнида ижро этилмаётган бўлиши уларнинг қонунчилигида талаб қилинмайди. Аммо шу билан бирга уларда банкрот деб эътироф этилиши учун корхонанинг кредиторлик қарзини энг оз қиймати белгилаб кўйилган. Масалан, АҚШда 5 минг доллар, Англияда 750 фунт стерлинг, Россияда энг кам ойлик иш ҳақининг 500 (жисмоний шахслар учун 100) баравари микдорида ва ҳ.к.

Қонунга кўра, қарздорнинг кредиторлик қарзи тан олинган бўлиши керак. Яъни кредиторлар олдидаги қарз қарздор томонидан ва/ёки суд бошқарувчиси томонидан тан олинган ёхуд қонуний кучга кирган суд хужжатлари (хал килув

қарори, қарор, хукм, ажрим, суд буйруги) билан тасдиқланган, шунингдек давлат органларининг хужжатлари билан аниқланган бўлиши лозим. Агар кредиторнинг аризасида кўрсатилган талаб қарздор томонидан тан олинмаган бўлса, қарздор банкрот деб топилмайди ва аризадаги талаб рад килинади. Қарз бўйича низо мавжуд экан, кредитор бу ерда аввало ушбу қарзини ундириш учун иқтисодий судга даъво аризаси билан мурожаат этиши лозим.

Қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза иқтисодий суд томонидан қабул қилингандан кейин вужудга келган қарздорнинг кредиторлар олдидаги мажбуриятлари кредиторларнинг талаблари реестрига киритилмайди ва қарздорнинг улар олдидаги мажбуриятлари навбатдан ташқари бажарилади.

Иқтисодий судга банкротлик тўғрисидаги ариза билан қуидаги шахслар мурожаат қилишга ҳақлидир:

карздор;
кредитор;
прокурор (банкротликнинг яширилган аломатларини аниқлаганида ва кредитор манфаатларини кўзлаб);

давлат солиқ хизмати органлари (солиқдан қарзи бўлса);
банкротлик ишлари бўйича ваколатли давлат органи, яъни Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва ракобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва унинг худудий бошқармалари (устав фондида давлат улуши бўлса ёки Ўзбекистон Республикаси олдида пул мажбуриятлари бўйича қарзи бор бўлса).

Судга қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида ариза келиб тушгач, кредиторлар шу қарздорга нисбатан ўз талабларини кондириш учун якка ҳолда даъво аризаси билан судга мурожаат эта олмайди. Агар хўжалик субъекти банкрот деб топилса, кредиторлар ўз талабларини кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси орқали тугатиш комиссиясига билдиришлари керак.

Қонуннинг кўра, банкротлик тўғрисидаги иш иқтисодий суднинг мажлисида қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза иш юритишга қабул қилинганлиги ҳақида ажрим чиқарилган кундан эътиборан 2 ойдан ортиқ

бўлмаган муддатда кўриб чиқилиши лозим. Банкротлик тўғрисидаги ишни кўриш алоҳида ҳолларда 2 ойдан ошмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

Карздор раҳбари, тугатиш комиссияси аъзолари ёки тугатувчи томонидан иқтисодий судга қарздорнинг аризаси тақдим этилмаганлиги қонунда назарда тутилган 1 ойлик муддат тугаганидан кейин юзага келган қарздорнинг кредиторлар олдидағи пул мажбуриятлари ва/ёки мажбурий тўловлар бўйича карздор раҳбарининг, тугатиш комиссияси аъзоларининг ёки тугатувчининг субсидиар жавобгарлигига сабаб бўлади.

Суд бошқарувчиси (мувакқат бошқарувчи, санация килувчи бошқарувчи, ташки бошқарувчи, тугатиш бошқарувчиси) — банкротлик таомилларини ўтказиши мақсадида иқтисодий суд томонидан тайинланадиган шахсdir. Суд бошқарувчиси фақат жисмоний шахс бўлади. Унга ҳақ тўлашнинг миқдори ва тартиби кредиторлар йигилиши томонидан белгиланади ва иқтисодий суд томонидан тасдиқланади.

Қонунга кўра, суддан ташқари, яъни судгача бажариладиган таомилларга – судгача санация қилиш ёки қарздорни ихтиёрий равишида тугатиш (фаолиятини тугатиш) киради.

Судгача санация қилишда карздор фаолиятида банкротлик аломатлари юзага келган тақдирда унинг раҳбари бу хақда қарздорнинг муассисларига (иштирокчиларига), бошқарув органларига ёки қарздорнинг мол-мулки эгасига ёзма шаклда хабар қилиши шарт. Улар банкротликнинг олдини олиш мақсадида қарздорни молиявий жиҳатдан согломлаштиришига қаратилган чора-тадбирларни кўради. Карздорни молиявий жиҳатдан согломлаштиришига қаратилган чора-тадбирлар карздор билан тузилган битимга асосан кредиторлар ёки бошқа шахслар томонидан ҳам кўрилиши мумкин.

Судгача санация қилишининг асосий чора-тадбирлари куйидагилардан иборат:

а) тўлов муддати ўтказиб юборилган қарзларни тўла ёки қисман сотиб олиш;

б) ишлаб чиқаришни ракобатбардош маҳсулот чиқаришга мослаб қайта ихтисослаштириш;

в) четдан юкори малакали мутахассисларни жалб этиш; ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;

г) қарздорнинг тўлов қобилияти тикланиши ҳамда фаолиятини давом эттиришидан манфаатдор бўлган юридик ва жисмоний шахслар томонидан молиявий ёрдам кўрсатилиши;

д) қарздорнинг фаолиятини давом эттириши учун карздор билан кредиторлар ўртасида кредиторларга тўланадиган тўловлар муддатини кечикириш ва/ёки уни бўлиб-бўлиб тўлаш ёхуд қарзлардан сийлов бериш тўғрисида ахдлашувга эришишига қаратилган битим;

е) мажбурий тўлов мажбуриятини бажаришни ва кредитларни қайтаришни судгача санация қилиш муддатига кечикириш;

ж) қарздор юридик шахсни қайта ташкил этиш.

Судгача санация қилишида бошқа чора-тадбирлар ҳам бўлиши мумкин.

Судгача санация қилишни давлат томонидан ёрдам кўрсатган ҳолда ўтказиши ваколатли давлат органининг карори асосида амалга оширилади. Карздорни давлат томонидан ёрдам кўрсатган ҳолда судгача санация қилиш 12 ойдан 24 ойгача муддатга жорий этилади.

Қонунга кўра, суд томонидан, яъни қарздор юридик шахснинг банкротлиги тўғрисидаги иш кўрилаётганда куйидаги таомиллар кўлланилади:

кузатув;

суд санацияси;

келишув битими;

ташки бошқарув;

тугатишга доир иш юритиш.

Кузатув жараённида карздор, карздор муассислари (иштирокчилари) ёки карздор мол-мулкининг эгаси, шунингдек учинчи шахс (шахслар) суд санациясини жорий этиш ҳақида иқтисодий судга мурожаат қилиш тўғрисидаги

илтимоснома билан кредиторларнинг биринчи йигилишига ёхуд суд санациясини жорий этиш ҳақидаги илтимоснома билан бевосита иқтисодий судга мурожаат қилишга ҳақли. Илтимосномага суд санациясининг таклиф килинаётган муддати ва қарзни узиш жадвали кўрсатилган ҳолда қарздорнинг суд санацияси режаси илова қилинмоғи лозим.

Суд санацияси ҳам корхонани соғломлаштириш чораларидан хисобланади. Бундай чоралар турлича бўлиши мумкин. Суд санацияси иқтисодий суднинг ажрими билан кредиторлар йигилишининг қарори асосида кўпи билан 24 ойлик муддатга жорий этилади, бу муддат кредиторларнинг талабларини қондириш учун иқтисодий суд томонидан кўпи билан 6 ойга узайтирилиши мумкин. Суд санацияси жорий этилган пайтда кредиторларнинг талабларини таъминлаш юзасидан илгари қабул қилинган чоралар бекор қилинади, суд санацияси пайтида юзага келган пул мажбуриятларини ва/ёки мажбурий тўловлар бўйича мажбуриятни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун неустойка (жарима, пеня) ва бошқа иқтисодий (молиявий) санкциялар, тўланиши лозим бўладиган фоизлар қўлланилмайди. Аммо кредиторнинг талаблари суммасига Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 327-моддасида назарда тутилган тартибда ва микдорда фоизлар хисобланади. Агар узилмаган қарз қолмаган бўлса, суд санация килувчи бошқарувчининг хисботини тасдиқлайди ва банкротлик тўғрисидаги иш юритиши тугатиш тўғрисида ажрим чикаради.

Қонунга кўра, агар қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклашнинг ҳақиқий имконияти аниқланган бўлса, ташки бошқарув кредиторлар йигилишининг илтимосномаси, мол-мулкида давлат улуши бўлган корхоналар бўйича эса банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг аризаси асосида иқтисодий суднинг ажрими билан 12 ойдан 24 ойгача жорий этилади. Агар суд санацияси ҳам жорий этилган бўлса, суд санацияси ва ташки бошқарувнинг жами муддати 36 ойдан ошмаслиги лозим.

Ташки бошқарув жорий этилган пайтдан эътиборан: қарздорнинг раҳбари ўз вазифасини бажаришдан четлаштирилади, қарздорнинг ишларини

бошқариш ташки бошқарувчи зиммасига юклатилади, қарздорнинг бошқарув органлари ваколатлари тутатилади. Қарздорнинг раҳбари ва қарздорнинг бошқарув органлари ваколатлари ташки бошқарувчига ўтади. Кредиторларнинг талабларини таъминлаш юзасидан илгари кўрилган чора-тадбирлар бекор қилинади, қарздорнинг пул мажбуриятлари ва/ёки мажбурий тўловлари юзасидан кредиторлар талабларининг қондирилишига нисбатан мораторий жорий этилади.

Кредиторларнинг талабларини қондиришга нисбатан мораторий ташки бошқарув жорий этилгунга кадар бажарилиш муддати келган пул мажбуриятларига ва/ёки мажбурий тўловларга татбиқ этилади, ушбу қарзлар учун неустойка (жарима, пеня) ва бошқа иқтисодий (молиявий) санкциялар қўлланилмайди, қарздорга нисбатан кузатув ва/ёки суд санацияси жорий этилганидан кейин юзага келган пул мажбуриятлари ва/ёки мажбурий тўловлар бундан мустасно.

Мораторийнинг амал қилиши фуқароларнинг меҳнатга оид хукукий муносабатлардан келиб чиқадиган талабларига, алиментлар ундиришга ҳамда муаллифлик шартномалари асосида ҳақ тўлашга доир талабларига, шунингдек қарздор қайси фуқаронинг хаёти ёки соғлигига зарар етказилганилиги учун конун хужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлса, ана шу фуқаронинг талабларига татбиқ этилмайди.

Агар конунда ёки ташки бошқарув режасида бошқача коида назарда тутилган бўлмаса, йирик битимлар ва манфаатдорлик назарда тутилган битимлар ташки бошқарувчи томонидан фақат кредиторлар йигилишининг ёки кредиторлар қўмитасининг розилиги билан тузилади. Йирик битимларга баланс қиймати қарздорнинг кўчмас мол-мулкини ёки битим тузиш пайтидаги активлари баланс қийматининг 10 фоизидан кўпроғини ташкил этувчи бошқа мол-мулкини тасарруф этишга олиб келувчи битимлар киради. Битимни тузган тарафлардан бири ташки бошқарувчига ёки кредиторга нисбатан манфаатдор шахс бўлса, бундай битимлар манфаатдорлик назарда тутилган битимлар деб эътироф этилади. Ундан ташқари, қарздорнинг ташки бошқарув жорий

етилиши жараёнида юзага келган пул мажбуриятлари миқдори кредиторлар талаблари суммасининг 20 фоизидан ортиқрофуни ташкил этган ҳолларда қарздорнинг янги пул мажбуриятларини келтириб чиқарувчи битимлар, ташки бошқарув режасида назарда тутилган битимларни истисно этганда, ташки бошқарувчи томонидан факат кредиторлар йигилиши ёки кредиторлар қўмитаси розилиги билан тузилиши мумкин. Ушбу қоида бузилган ҳолда тузилган битимлар ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Ташки бошқарув муддати тугагач, ташки бошқарувчи ҳисобот тайёрлайди ва уни иқтисодий суд тасдиқлади. Яъни иқтисодий суд, агар барча кредиторлар талаблари қаноатлантирилган бўлса ёки *келишиув битими* тузилган бўлса, банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш ҳақида, агар қарздорнинг тўлов қобилияти тикланиши муносабати билан кредиторлар йигилишининг ташки бошқарувни тугатиш тўғрисидаги илтимосномаси кондирилган тақдирда, кредиторлар билан ҳисоб-китобларга ўтиш ҳақида ажрим чиқарди. Кредиторлар билан ҳисоб-китобларга ўтиш тўғрисидай иқтисодий суд чиқарган ажримда кредиторлар билан ҳисоб-китобларни тугатиш муддати белгиланади, бу муддат мазкур ажрим чиқарилган санадан эътиборан 6 ойдан ошмаслиги лозим.

Иқтисодий суд томонидан қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида қарор қабул қилиниши тугатишга доир иш юритишнинг бошланишига сабаб бўлади. Тугатишга доир иш юритиш муддати бир йилдан ошиши мумкин эмас. Зарурат бўлгандан, бу муддат иқтисодий суднинг ажрими билан яна бир йилга узайтирилиши мумкин.

Иқтисодий суд қарздорнинг фаолияти хусусиятидан келиб чиқиб, қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ҳал қилув қарорида кредиторлар йигилишининг ва/ёки тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг илтимосномасига кўра қарздорнинг фаолиятини тўхтатмасдан тугатишга доир иш юритиш ўтказилишини кўрсатиши мумкин.

Иқтисодий суд томонидан қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан:

- қарздорнинг мол-мулкини бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ ёки унинг мол-мулкини учинчи шахслар фойдаланиши учун топширишга сабаб бўлувчи битимлар тузишга факат белгиланган тартибда йўл қўйилади;
- қарздорнинг барча пул мажбуриятларини бажариш муддати, шунингдек кечирилган мажбурий тўловларни тўлаш муддати бошланган деб ҳисобланади;
- қарздорнинг барча турдаги карзлари бўйича неустойка (жарима, пеня) ва фоизларни ҳисоблаш тугатилади;
- мол-мулк солиги, ер солиги, шунингдек аввал ҳисобланган ва ундирилмаган мажбурий тўловлар бўйича пеня ва жарималар ҳисоблаш тўхтатиб турилади;
- қарздорнинг молиявий аҳволи тўғрисидаги маълумотлар махфий тоифага (шу жумладан тижорат сирига) мансублигини йўқотади;
- ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратишга доир барча чекловлар оид ташланади;
- ижро хужжатларини ижро этиш тугатилади (жро этилиши тугатилган ижро хужжатлари конун хужжатларида белгиланган тартибда МИБ томонидан тугатиш бошқарувчисига ўтказилади), қарздорнинг бошқарув органлари четлаштирилади, раҳбарининг ваколатлари тугатилади.

Қарздорнинг мол-мулки инвентаризация қилинганидан ва баҳоланганидан кейин очиқ кимошди савдосида сотилади. Қарздорнинг мол-мулкини сотиш тартиби ва муддатлари (жадвали) кредиторлар йигилиши ёки кредиторлар қўмитаси томонидан маъқулланади.

Конуна кредиторларнинг талабларини қондириш навбати кўрсатилган бўлиб, унга кўра суд харажатларини, суд бошқарувчиларига ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатларни, коммунал хизматлар ва фойдаланиш харажатларига оид жорий тўловларни, қарздорнинг мол-мулкини сугурта қилиш харажатларини

қоплаш, шунингдек қарздорнинг банкротлик тўғрисидаги иш қўзгатилганидан кейин юзага келган мажбуриятларига доир талабларни ҳамда қарздор қайси фуқаронинг ҳаёти ёки соғлигига зарар етказилганини учун қонун хужжатларига мувофиқ жавобгар бўлса, ана шу фуқаронинг талабларини қондириш **навбатдан ташқари тарзда** амалга оширилади. Мажбурий тўловларни ҳамда иш ҳақи тўлаш учун пул маблағлари берилишини назарда тутувчи тўлов (ижро) хужжатлари бўйича, алиментларни ундириш тўғрисидаги талабларни қондириш учун ҳисобварақдан пул маблағларини ўтказишни ёки беришни назарда тутувчи ижро хужжатлари бўйича, муаллифлик шартномалари юзасидан ҳақ тўлаш бўйича, қарздорнинг меҳнатга оид муносабатлар ва уларга тенглаштирилган ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи мажбурий тўловлар ҳамда талаблар бўйича мажбуриятлари бир хил – тенг даражада бажарилишини таъминлайдиган, шунингдек жиноят ёки маъмурӣ ҳуқукбузарлик оқибатида фуқароларнинг мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплашга доир талаблари **биринчи навбатда** қондирилади. Мажбурий сугурта бўйича талаблар, шунингдек банкларнинг кредитлари ва банк кредитлари сугуртаси бўйича талаблар **иккинчи навбатда** қондирилади. Кредиторларнинг гаров билан таъминланган талаблари **учинчи навбатда** қондирилади. Кредиторларнинг гаров билан таъминланмаган талаблари **тўртинчи навбатда** қондирилади. Акциялар эгаларининг талаблари **бешинчи навбатда** қондирилади. Қолган барча талаблар **олтинчи навбатда** қондирилади.

Хар қайси навбат бўйича талаблар олдинги навбат талаблари тўла қаноатлантирилганидан кейин қондирилади. Ундириб олинаётган сумма бир навбатнинг барча талабларини тўла қондиришга етарли бўлмаса, бу талаблар ҳар бир ундирувчи олини лозим бўлган суммага **мутаносиб равшида** қондирилади. Мол-мулк қийматининг кредиторлар талаблари қондирилганидан ва банкротлик тўғрисидаги иш юритиш харажатлари тўланганидан кейин қолдиғи, шунингдек тугатиш жараённада сотилмай қолган мол-мулк қарздорнинг муассислари (иштирокчилари) ёки тугатилаётган қарздор мол-

мулкининг эгасига берилади. Мол-мулк етмаганлиги учун қондирилмаган қарз мажбуриятлари қаноатлантирилган мажбуриятлар деб ҳисобланади.

Мажбурий тўловлар бўйича қарздорлиги мавжуд бўлган қарздорнинг сотишига таклиф килинган, лекин тугатиш мобайнида сотилмаган мол-мулки тугатиш бошқарувчиси томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари балансига қўйидаги ҳолларда ўтказилади, агар мажбурий тўловлар ва молиявий санкциялар бўйича қарздорлик миқдори қарздорнинг мол-мулки қийматига teng ёки ундан ортиқ бўлса – биринчи навбатдаги бошқа кредиторлар ушбу мол-мулкни ўз талабларини қаноатлантириш ҳисобига қабул қилишни рад этганда, қарздорнинг мол-мулки қийматидан кам бўлса – барча навбатдаги кредиторлар ушбу мол-мулкни ўз талабларини қаноатлантириш ҳисобига қабул қилишни рад этганда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари 15 кун ичida мол-мулкни қабул қиласа, тугатиш бошқарувчиси уни мазкур мол-мулкни қабул қилишга мажбураш тўғрисидаги ариза билан иқтисодий судга мурожаат этишга ҳақли.

Кредиторларнинг барча талаблари қаноатлантирилган тақдирда, шунингдек мажбурий тўловлар бўйича қарзи бўлмаган қарздорнинг сотилмай қолган мол-мулкини кредиторлар олишдан бош тортишган тақдирда, қарздорнинг сотилмай қолган мол-мулкини қарздорнинг муассислари (иштирокчилари) ёки қарздорнинг мол-мулки эгаси ҳам олишмаса, тугатиш бошқарувчиси мол-мулкни маҳаллий давлат ҳокимияти органига беради. Улар ҳам мол-мулкни қабул қилишдан бош тортишса, тугатиш бошқарувчиси ушбу органни мазкур мол-мулк қабул қилишга ундаш тўғрисидаги ариза билан иқтисодий судга мурожаат этишга ҳақли.

Тугатиш ишлари тугагач, тугатиш бошқарувчиси иқтисодий судга ҳисобот тақдим этади. Суд ҳисоботни кўриб чиқиб, тугатишга доир иш юритиш тамомланганлиги ҳақида ажрим чиқаради ва тугатиш бошқарувчиси зиммасига мазкур ажримни юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органга 10 кун ичida тақдим этиш мажбуриятини юклайди. Суднинг ажрими юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига қарздор тугатилганлиги тўғрисида ёзув

киритилиши учун асос бўлади. Юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига қарздор тугатилганлиги тўғрисидаги ёзув киритилган пайтдан бошлаб, тугатиш бошқарувчисининг ваколатлари тугатилган, *тугатишга доир иш юритиш тамомланган*, қарздор эса *тугатилган* деб хисобланади.

Қонунга кўра, банкротлик тўғрисидаги ишда аризалар, шикоятлар (илтимосномалар) ва келишмовчиликлар кўриб чиқилиб, ажрим чиқарилади ва у чиқарилган пайтдан эътиборан 10 кун ўтгандан кейин қонуний кучга киради. Ушбу ажрим устидан апелляция шикояти берилиши мумкин. Аммо ажрим кассация ва назорат тартибида қайта кўриб чиқилмайди.

Қарздор ва кредиторлар банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишнинг ҳар қандай боскичида **келишув битими** тузишга ҳақли. Келишув битими суд томонидан тасдиқланиши керак, бу ҳақда ажрим чиқарилуб, унда банкротлик тўғрисида иш юритишни тугатиш кўрсатилади. Агар келишув битими тугатишга доир иш юритиш жараёнида тузилган бўлса, ажримда қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарор ижро этилмаслиги кўрсатилади.

Келишув битими факат харажатлар қопланганидан ва қонунда назарда тутилган талаблар ҳамда иш ҳакини тўлаш учун пул маблағлари берилишини назарда тутувчи тўлов хужжатлари бўйича талаблар қондирилганидан кейин иқтисодий суд томонидан тасдиқланиши мумкин.

Келишув битими шартли бўлмаслиги, З-шахсларнинг хукук ва манфаатини бузмаслиги, қонунга хилоф бўлмаслиги керак. Келишув битими қарздор томонидан бажарилмаган тақдирда кредиторлар келишув битимида назарда тутилган ҳажмда талаблар тақдим этишга ҳақли. Қонунда айрим тоифадаги қарздор юридик шахслар (шахарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхона, кишлоқ хўжалиги корхоналари, банклар, сугурта ташкилотлари, қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчилари), шунингдек қарздор якка тартибдаги тадбиркор банкротлигининг ўзига хос хусусиятлари ҳам белгилаб берилган.

Қонунда банкротликнинг соддалаштирилган таомиллари сифатида 2 хил таомил белгиланган:

1. Тугатилаётган юридик шахснинг банкротлиги;
2. Ҳозир бўлмаган қарздорнинг банкротлиги. Қарздорни банкротликнинг соддалаштирилган таомили бўйича банкрот деб топиш (тугатилаётган ёки ҳозир бўлмаган қарздор) ҳақидаги аризани қабул қилишда кредиторлик қарзларининг миқдори аҳамиятга эга эмас.

Агар қонун хужжатларида белгиланган муддатларда молия-хўжалик фаолиятини амалга оширганлиги ва ёки ўз устав фондини шакллантирганлиги муносабати билан тугатилиши тўғрисида қарор қабул қилинган юридик шахснинг мол-мулки қиймати кредиторларнинг талабларини қондириш учун етарли бўлмаса, бундай юридик шахс қонунда назарда тутилган тартибда тугатилади. Назарда тутилган ҳолатлар аниқланган тақдирда, тугатиш комиссияси (тугатувчи) тугатилаётган юридик шахсни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан иқтисодий судга ёки қонун хужжатларида назарда тутилган тегишли чораларни кўриши учун давлат солиқ хизмати органларига мурожаат этиши шарт. Ушбу талаб бузилишига йўл қўйган тугатиш комиссиясининг раиси ёки тугатувчи тугатилаётган юридик шахснинг пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлари юзасидан қондирилмаган талаблар бўйича субсидиар жавобгар бўлади. Тугатилаётган юридик шахснинг банкротлигида кузатув, суд санацияси ва ташки бошқарув таомиллари кўлланилмайди.

Ўз фаолиятини тугатган қарздор якка тартибдаги тадбиркор ёки тугатилаётган юридик шахснинг раҳбари ҳозир бўлмаган ва уларнинг турган жойини (яшаш жойини) аниқлашнинг имкони бўлмаган тақдирда, ҳозир бўлмаган қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза, кредиторлик қарзи миқдоридан қатъи назар, кредитор, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи, давлат солиқ хизмати органи ёки бошқа ваколатли орган, шунингдек прокурор томонидан берилиши мумкин. Иқтисодий суд ҳозир бўлмаган қарздорни банкрот деб топиш ҳақидаги аризани ўз иш юритувига

қабул қилиб олган кундан эътиборан 2 ҳафталик муддат ичидаги қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қиласди. Ҳозир бўлмаган қарздорнинг банкротлигига кузатув, суд санацияси ва ташки бошқарув таомиллари қўлланилмайди. Тугатиш бошқарувчиси ҳозир бўлмаган қарздорнинг мол-мулкини аниқлаган тақдирда суд мазкур бошқарувчининг илтимосномасига биноан банкротликнинг соддалаштирилган таомилини бекор қилиш ҳамда банкротликнинг умумий таомилларига ўтиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин.

Қонунда банкротликка олиб келган гайриқонуний ҳаракатлар ҳакида тушунча берилган. *Банкротликка олиб келган гайриқонуний ҳаракатлар* – қарздорга ёки кредиторларга зарар етказган мансабдор шахсларнинг ёки қарздор мол-мулки эгасининг ёхуд кредиторлар ёки бошқа шахсларнинг қасддан қылган ҳаракатлари билан боғлиқ қоидабузарликлар:

қарздор мол-мулкининг ёки мажбуриятларининг ҳаммасини ёхуд бир кисмини яшириш;

қарздорнинг хўжалик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳисобга олишга оид ҳар қандай хужжатини яшириш, йўқ қилиш, бузуб кўрсатиш, сохталаштириш;

мол-мулкни (шу жумладан пул маблағларини) яшириш мақсадида бошқа юридик ва жисмоний шахсларга бериб юбориш;

бухгалтерия хужжатларига зарур ёзувларни киритмаслик;

қарздорнинг кредитга олинган ва ҳаки тўланмаган мол-мулкининг ҳаммасини ёки бир кисмини сотиш, йўқ қилиш, гаров сифатида кўйиш;

mansabdar shahslarning ёки қарzdor mol-mulkni egasining shahsий manfaatlariни ёхуд учинchi shahslarning manfaatlariни kўzlab қарzdonning tўlovga қobiliyatsizligini oshiriш;

айланма маблағларни қайтармай бошқа мақсадларга ишлатиш;

кредиторларга зарар етказиш мақсадини кўзлаган ҳолда қасддан банкротликка олиб келиш;

кредиторнинг талабларини бошқа кредиторларнинг зарар кўриши ҳисобига афзалроқ қондириш, шундай қондиришга розилик бериш;

карздорнинг пул мажбуриятлари ва/ёки мажбурий тўловлар бўйича мажбуриятини бажаришдан қочиш мақсадида қасддан ўзини ўзи тугатиши.

ЎзР Жиноят кодексининг 180-моддасида сохта банкротлик учун, 181-моддасида банкротликни яширганлик учун, 181-1-моддасида қасддан банкротликка олиб келганлик учун жиноий жавобгарлик жазолари белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг 2013 йил 14 августдаги 224-сонли карори билан “Сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасддан банкротликка олиб келиш алломатларини аниқлаш қоидалари” тасдиқланган. Ушбу қоидаларда куйидаги тушунчалар ҳам берилган:

Тўловга қобилиятысизлик — қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторларнинг талабларини қондириш ва/ёки мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга кодир эмаслиги, agar улар томонидан мажбуриятнинг бошланган кунидан 3 ой муддатда, шаҳар барпо этувчи ва унга тенглаштириладиган корхоналар учун эса — 6 ой мобайнида тегишли мажбуриятлар ва/ёки вазифалар бажарилмас;

Сохта банкротлик — хўжалик юритувчи субъектнинг ўз мажбуриятларини иқтисодий жиҳатдан бажара олмаслиги ҳақида била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган эълон бериши кредиторларга кўп миқдорда зарар етказилиши;

Банкротликни яшириши — хўжалик юритувчи субъектнинг ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумот ва хужжатларни тақдим этиш, бухгалтерлик ҳисботларини бузуб кўрсатиш йўли билан иқтисодий жиҳатдан ўзининг тўловга қодирлигини йўқотганлигини ёки иқтисодий ночорлигини бошқача тарзда қасддан яшириши кредиторларга кўп миқдорда зарар етказилиши;

Қасддан банкротликка олиб келиш — шахсий манфаatlari ёки бошқа шахslarning manfaatlari учун якка тартиbdagi тадбиркор ёки юридик шахsining бошқарув органи, кузатув кенгashi таркиbiga кирадигan шахs, muassis (иштирокчи) ёхуд юридик шахsining mulkdoi томонидан қасддан

тўловга қобилиятсизлигини юзага келтириш ёки ошириш содир этилиши, ушбу якка тартибдаги тадбиркорнинг ёки юридик шахснинг иқтисодий начорликка (банкротликка) олиб келиши.

Суд бошқарувчиси томонидан банкротлик тўғрисида иш қўзгатишдан олдинги 2 йилгача бўлган даврдаги фаолият таҳлил қилинади. Суд бошқарувчиси қоидаларда назарда тутилган маълумотлар ва хужжатларни ўрганиш учун аудиторлик ва баҳолаш ташкилотларини жалб қилиш хукукига эга. Таҳлил натижалари бўйича суд бошқарувчиси томонидан сохта банкротлик, банкротликни яшириш ёки қасдан банкротликка олиб келиш аломатлари мавжудлиги тўғрисидаги хулоса ёхуд ушбу аломатларнинг мавжуд эмаслиги, шунингдек таҳлил қилиш учун зарур маълумотлар ва хужжатларнинг йўқлиги тўғрисидаги хулоса тузилади. Сохта банкротлик, банкротликни яшириш ёки қасдан банкротликка олиб келиш аломатлари мавжудлиги тўғрисидаги хулоса имзолангандан кейин 10 иш кунидан кечикмай кредиторлар йигилишига, иқтисодий судга ва прокуратура органларига тақдим этилади. Агар бундай аломатлар мавжуд бўлмаса, хулоса кредиторлар йигилишига ва иқтисодий судга тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикасининг ваколатли давлат органида бундай хуносани кўриб чиқиш ва улар бўйича фикрни тақдим этиш учун доимий ишловчи комиссия ташкил қилинган бўлиб, иқтисодий суд хуносанинг асослигини ўрганиш учун ушбу комиссияга сўровнома юбориш хукукига эга. Комиссия хулоса ва унга илова қилинган материалларни *бир ой ичida* кўриб чиқиб, натижаси бўйича тақдим этилган материаллар асосида хуносани тасдиқлайди ёхуд унинг асосслигини тасдиқлайди ва иқтисодий судга тақдим этади.

Тақрорлаш учун саволлар

1. Ўзбекистон Республикасида банкротлик тўғрисидаги қонунчиликнинг ривожланишини ёритиб беринг.
2. Банкротликка оид муносабатларда кредиторлар йигилиши ва

уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиши тартибини изоҳланг.

3. Суд бошқарувчилари ва улар фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий жиҳатларини тушунтириб беринг.
4. Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича қабул қилинадиган суд ҳужжатлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

Тавсия этилаётган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси: Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: “Адолат”, 2018 й. – 376 б.
2. Эгамбердиев Э. Судга мурожаат қилиш хукуки // Ҳаёт ва қонун, 1996, 6-сон.
3. Шукуруллаев А. Банкротликка оид қонунчилик мазмун-моҳияти. // Олий хўжалик суди аҳборотномаси. 2009, № 9.
4. Оқюлов О. Сохта банкротликка оид қонунчиликни такомиллаштиришнинг айрим масалалари // Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Аҳборотномаси. 2012. № 4. – Б. 43-46.
5. Мамасиддиқов М.М. Судга мурожаат қилиш хукуки // Ҳаёт ва қонун, 2003, 6-сон. – Б. 50-51.
6. Азимов М.К. Низоларни хўжалик судларига тааллуқлилиги. «Хўжалик ва хукуқ», 1998, 2-сон.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Банкротлик тўғрисида”ги Қонунига шарҳлар. М.К.Азимов ва бошқа муаллифлар жамоаси. – Т.: НМАК БТ “Шарқ”, 2007.
8. Хўжалик (тадбиркорлик) хукуки. Муаллифлар жамоаси. Отахонов Ф.Х.нинг умумий таҳрири остида. – Тошкент: Адолат, 2007. – 466 б.
9. Тадбиркорлик соҳасида маъмурий тартиб-қоидалар бўйича қўлланма. Ф.Б.Хидоятов ва бошқа муаллифлар жамоаси. – Т.: НМАК БТ “Шарқ”, 2011.
10. Ибратова Ф.Б. Айрим тоифадаги қарздорлар банкротлигининг хукукий муаммолари. Монография. – Тошкент: ТДЮИ, 2012. – 405 б.

6-мавзу. Корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш

1. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тушунчаси ва хукукий асослари.
2. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш субъектлари ва объектлари.
3. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш усуллари.
4. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тартиби.

1. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тушунчаси ва хукукий асослари

Мулкий муносабатларни такомиллаштириш, мулкчиликни таркибий ўзгариш бозор иқтисодиёти шароитидаги мамлакатлар учун энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Шу боисдан, Ўзбекистонда мустақилликнинг илк ийларидан бошлаб мулкий муносабатларга, жумладан, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларига алоҳида эътибор қаратилди. Маълумки, тоталитар тузумда иқтисодий ҳаёт соҳта сиёсат, мағкуравий мақсадларга бўйсундирилади. Сиёсат ва мағкура иқтисодиётдан устун ҳисобланади ҳамда иқтисодиётни ривожлантириш стратегияси уларга мослаштирилади. Собиқ Иттифоқ даврида тадбиркорлик, бизнес билан шуғулланиш ниҳоятда чекланган бўлгани боис, бундай фаолият билан шуғулланганлар чайковчи сифатида жиной жавобгарликка тортилган. Шунинг учун ҳам халқда, ҳам давлатда мазкур мулкка нисбатан мулкдорлик ҳисси мавжуд бўлмаган. Бу эса, унинг талон-тарож қилинишига сабаб бўлган. Ўша вақтда амалда бўлган ушбу тизимдан фарқли равишда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг асосий моҳияти жамиятдаги мулкни ҳакиқий мулкдорлар қўлига топширишдан иборат. Бунда мулкдор ўз мулкини авайлаб-асрайди, уни ўзгалар томонидан талон-тарож этилишига йўл қўймайди ва энг асосийси ўз мулкидан даромад олиш мақсадида фойдалана олади.

Давлат тасарруфидан чиқариш – бу давлатнинг иқтисодиётдаги ҳаддан ташқари ролини қисқартиришга йуналтирилган давлатнинг мулкка эгалигини қайтадан ташкил қилишdir. Бундан ташқари, давлат тасарруфидан чиқариш хўжалик бошқаруви функцияларининг катта кисмини давлатдан четлаштириш, корхоналарга тегишли ваколатларни бериш, вертикал хўжалик алоқаларни горизонтал муносабатларга алмаштиришини англатади.

1991 йил 19 ноябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Конунига мувофиқ, **давлат тасарруфидан чиқариш** – давлат корхоналарини ва ташкилотларини хўжалик ширкатлари ва жамиятларига, оммавий мулк бўлмайдиган бошқа корхоналар ва ташкилотларга айлантиришdir.

Давлат тасарруфидан чиқаришда давлатга тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар хусусий мулкдорлар томонидан сотиб олинади. Бунда юридик шахслар каби жисмоний шахслар ҳам, уларнинг бир гурӯҳи ҳам давлат корхоналари ва ташкилотларининг мулкдорлари бўлиши мумкин. Давлат тасарруфидан чиқариш жараёни давлат эгалигини сақлаб қолади ва корхоналарнинг давлат секторида колганларини амал қилишини самарадорлигини оширишга йуналтирилган бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Конунига мувофиқ, **хусусийлаштириш** – жисмоний шахсларнинг ва давлатга таалукли бўлмаган юридик шахсларнинг оммавий мулки объектларини ёки давлат акцияли жамиятларининг акцияларини давлатдан сотиб олишидир.

Хусусийлаштириш иқтисодий тушунча бўлиб, мулкка эгалик хукукини давлатдан корхоналар ва алоҳида шахсларга берилиши, хусусий секторга давлат хизматлари кўрсатилишини чеклашни ёки хусусий ташаббускорлик учун кенг имкониятлар бериш мақсадларида давлатнинг фаолият соҳасини торайтиришни билдиради. Бу жараён янги мулкдорлар синfinи вужудга келишига кумаклашади, зеро усиз бозор иқтисодиётини шакллантириш мумкин эмас. Бошқача айтганда, хусусийлаштириш дейилгандага фуқаролар ва давлатга

тааллукли бўлмаган юридик шахсларни давлат мулки обьектларини ёки давлат акцияларини давлатдан сотиб олиши тушунилади. Ўз навбатида, хусусийлаштириш давлат хуқуқий воқеилиги сифатида давлатда мавжуд мулкий муносабатларни ўзгартериш ҳисобланади. Демак, хусусийлаштириш – бу мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва нодавлат мулк шаклларини ривожлантириши билдириб, монополлашган бозор иқтисодиётидан эркин бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ ҳодисадир. Мазкур ҳодиса давлат мулки монополиясини тугатишга қаратилган бўлиб, у антимонопол характерга эга, яъни мулқдорлар, мустақил товар ишлаб чиқарувчиларни кўпайтириб, соғлом ракобат мухитига йўл очади. Ўз навбатида, хусусийлаштиришнинг асосий мақсади мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва кўп укладли мулк шаклларини ташкил этиш эвазига мулқдор синфини шакллантириш, аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий қўллаб кувватлаш, аҳоли ўсишини хисобга олиб, аста-секин ижтимоий кафолатлар тизимига ўтиш ва аҳолини турмуш тарзини оширишдир. Давлат мулкини хусусийлаштириш тушунчаси ҳам давлатнинг ўз ихтиёридаги ишлаб чиқариш воситалари, мол-мулк обьектларини, корхоналар, уй-жой, транспорт воситалари, табиат ресурслари ва бошқаларни давлат тасарруфидан чиқариши ва фуқаролар, жамоалар, шунингдек, давлатга тегишли бўлмаган юридик шахсларга бериши ёки сотилиши, давлат мулки асосида турли (акцияли, хусусий, оиласиб, қўшма, аралаш, корпоратив) мулк шаклларини вужудга келтиришни англатади. Давлат мулкини хусусийлаштириш давлат мулкини келгусида шу мулк негизида хўжалик фаолияти юритувчи ва унинг натижалари бўйича тўлиқ мулкий масъулиятни зиммасига олувчи иқтисодий субъектларга турли шартларда бериш ёки сотиш оркали амалга оширилади ва мулк эгасини ўзгартеришни назарда тутади.

Давлат тасарруфидан чиқариши – давлат корхоналарини ва ташкилотларини жамоа, ижара корхоналарига, хўжалик жамиятлари ва ширкатларига, давлатга қарашли мулк бўлмайдиган бошқа корхоналар ва ташкилотларга айлантириши.

Хусусийлаштириши – жисмоний шахсларнинг давлатга таъбуқли бўлмаган юридик шахсларнинг давлат мулки обьектларини ёки давлат акцияли жамиятларнинг акцияларини давлатдан сотиб олиши.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш хусусида фикр юритар эканмиз, қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қартиш мақсадга мувофиқ. **Биринчидан**, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тушунчаларини ўзаро фарқлаш лозим. Давлат тасарруфидан чиқариш бу давлат мулкини жамоат ва хусусий мулкка айланиши, хусусийлаштириш эса, давлат мулкини хусусий мулкка ўтишидир. Мулкни давлат тасарруфидан чиқаришдан фарқли равишда хусусийлаштиришда хусусийлаштирилаётган мол-мулк обьекти шакли оқибатда ўзгаради – оммавий мулкдан хусусий мулкка ўтади. Бошқача айтганда, хусусийлаштириш мулкка эгаликни давлат тасарруфидан чиқариш йўналишларидан бири бўлиб, уларни фуқаролар ва юридик шахсларнинг хусусий эгалигига берилиши билан якунланади. **Иккинчидан**, адабиётларда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга берилган таъриф маълум бир тушунмочиликларни келтириб чиқаради. Масалан, айрим адабиётларда давлат тасарруфидан чиқариш дейилганда, давлат корхоналари ва ташкилотларини жамоа ижара корхоналарига, акцияли жамгармаларига, давлатга қарашли бўлмаган бошқа корхоналар, ташкилотларга айлантирилиши тушунилади,³⁶ деб қайд этилган.

³⁶ Зокиров И. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик хуқуки. – Тошкент: Адолат, 1996. – Б. 156.

Хар бир соҳа фаолиятининг ўзига хос тамойиллари бўлганидек, хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришнинг ҳам белгиланган тамойиллари мавжуд. Кўйидагилар давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг асосий принциплари ҳисобланади:

давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш шаклларини меҳнат жамоасининг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда аниқлаш;

давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш вақтида мулкни пулли ва пулсиз топшириши кўшиб олиб бориш;

пулсиз ва пулли хусусийлаштириладиган мулқдан улуш олишда фуқароларнинг хукуклари тенглиги;

давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш шароитида барча фуқаролар ижтимоий ҳимоя қилинишини таъминлаш;

ошкоралик давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тадбирларини амалга ошириш устидан давлат ва жамоат назоратини йўлга кўйиш;

ракобат тўғрисидаги қонун хужжатлари талабларига риоя этиш.

Хусусийлаштиришнинг стратегияси ва тактикаси қўйидагилардан иборат:

биринчидан, хусусийлаштириш республикада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ички мантиқига буйсундирилган бўлиб, уларнинг ўзагини ташкил этиши керак;

иккинчидан, давлат бош ислоҳотчи экан, хусусийлаштириш жараёни ҳам бошқарилиши керак;

учинчидан, мулкчилик шаклидан қатъи назар қонун устуворлигини таъминлаш керак;

тўртинчидан, хусусийлаштириш жараёнида аҳолини ижтимоий муҳофаза килиш устивор аҳамиятга эга эканлигини такидлаш керак;

бешинчидан, жаҳон тажрибасини ўрганган ҳолда инқилобий сакраларсиз, яъни эволюцион йўл билан босқичма-босқич хусусийлаштиришни амалга ошириш керак.

Сўнгги йилларда хусусийлаштириш шакл ва услубарини такомиллаштириш, корхоналарни тўлиқ ва акцияларнинг давлат пакетларини хусусий мулкка сотиш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар иқтисодиётнинг амалдаги барча соҳаларида мулкчилик муносабатларини тубдан ўзгартириш жараёнларини жадаллаштириш ва чукурлаштириш учун шарт-шароит юратди. Давлат активлари ва акциялар пакетларини нолга тенг қиймат бўйича сотиш кейинги йилларда амалга оширилган хусусийлаштириш жараёнининг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Хусусий секторни кенгайтириш, кичик бизнес, фермер хўжаликлари ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш борасида туб бурилиш амалга оширилмоқда.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг зарурити давлатнинг мулкчилик ҳамда хўжалик юритиш соҳасидаги монополиясига барҳам бериш орқали кўп укладли иқтисодиётни вужудга келтиришдир. Чунки хусусийлаштириш натижасида турли хил мулк шакллари вужудга келади ва улар асосида турли ташкилий-хукуқий шаклга эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар (акциядорлик жамиятлари, хўжалик жамиятлари, хўжалик ширкатлари ва х.к.) ташкил этилади.

2. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш субъектлари ва объектлари

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни амалга ошириш чоғида қўйидагилар оммавий мулкни сотиб олувчи субъектлар бўлиши мумкин:

1) Ўзбекистон Республикасининг, бошқа давлатларнинг фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар;

2) давлатга тааллукли бўлмаган юридик шахслар;

3) ажнабий юридик шахслар.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши ман этилган шахслар давлат тасарруфидан чиқариладиган ва хусусийлаштириладиган объектларни сотиб олишлари, танлов ва ким ошди савдосида харидор сифатида катнашишлари,

хусусийлаштирилаётган корхоналарнинг акцияларини сотиб олишлари мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси оммавий мулки объектлари тўлик равишда ёки қисман давлат тасарруфидан чиқарилади ва хусусийлаштирилади.

Куйидаги давлат мулки объектлари давлат тасарруфидан чиқарилмайди ва хусусийлаштирилмайди:

1) Ўзбекистон Республикаси худуди доирасида ер (қонун хужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно), ер ости бойликлари, ички сувлар, ҳаво ҳавзаси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси;

2) маданий мерос объектлари, давлат фондларини киритган ҳолда, шу жумладан китобларнинг, кино, фото ва фонохужжатлар, архивлар ва илмий-тадқиқот муассасаларининг фондлари, музейлар ва музей бойликлари, шунингдек муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар;

3) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг, валюта захирасининг, давлат мақсадли жамғармаларининг, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маблағлари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг олтин захираси;

4) пул муомаласи бўйича хизмат кўрсатувчи давлат ташкилотлари, қимматли қоғозларни, орденларни, медалларни ва почта тўлови белгиларини ишлаб чиқаришни таъминловчи корхоналар ва ташкилотлар;

5) Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг, Миллий хавфсизлик хизматининг ва Ички ишлар вазирлигининг корхоналари, муассасалари ва харбий-техникавий мол-мулки (саноатда қайта ишлов берилгунига қадар, шунингдек саноатда қайта ишлов берилиши мумкин бўлмаган мол-мулк);

6) ионловчи нурланиш манбаларидан фойдаланиб илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишларини олиб борувчи, рентген ускуналари, асбоб-ускуналар ва жиҳозларни ишлаб чиқиш, тайёрлаш ва реализация қилишни амалга оширувчи корхоналар ва объектлар;

7) радиоактив моддаларни кавлаб олиш, ишлаб чиқариш, ташиш, қайта ишлашни, радиоактив чиқиндиларни кўмиш, уран ва бошқа бўлинувчи материалларни, шунингдек улардан ясалган буюмларни реализация қилишни амалга оширувчи корхоналар ва обьектлар;

8) қурол-яроғ ва ўқ-дорилар, химоя воситалари, ҳарбий техника, эҳтиёт қисмлар, бутловчи қисмлар ва улар учун асбоб-ускуналар, портловчи моддалар, пиротехника маҳсулотлари, шунингдек уларни ишлаб чиқариш учун маҳсус материаллар ва ускуналар ишлаб чиқиш, тайёрлаш, таъмирлаш ва реализация қилишни амалга оширувчи корхоналар;

9) овчилик ва спорт соҳасида фойдаланиладиган ўқотар қуроллар ва ўқ-дорилар, шунингдек тиф қурол (совға тарзидағи миллий пичоқлар бундан мустасно) ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилишни амалга оширувчи корхоналар ва ташкилотлар;

10) кучли таъсир этадиган заҳарлар, гиёҳвандлик моддалари ва заҳарли моддалар ишлаб чиқарувчи, шунингдек таркибида гиёҳвандлик моддалари ва заҳарли моддалар бўлган экинлар экувчи, етиштирувчи ва уларга қайта ишлов берувчи корхоналар;

11) Ўзбекистон Республикасининг давлат захиралари. Фуқаро муҳофазаси ва сафарбарлик мақсадидаги обьектлар ҳамда мол-мулк;

12) атом энергетикаси обьектларини (ускуналари, тизимлари ва аппаратларини ўрнатиш) ва стратегик аҳамиятдаги обьектларни куриш ва монтаж қилиш ишларини олиб бориш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни таъмирлашни амалга оширувчи ихтисослаштирилган корхоналар ва ташкилотлар;

13) портлаш ҳавфи бўлган ва заҳарли моддаларни ташишни амалга оширувчи ихтисослаштирилган корхоналар;

14) умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари;

15) санитария-эпидемиология станциялари. Суд-тиббий экспертизаси бюролари. Атроф муҳит ҳолатини назорат килувчи ҳамда табиатни муҳофаза килувчи хизматлар;

- 16) даволаш-ишлаб чиқариш устахоналари, жазони ижро этиш муассасаларининг корхоналари;
- 17) маҳсус вазифаларни бажарадиган корхоналар (Республика маҳсус алоқа узели, 15361 ракамли Ҳарбий қисм, Электромагнит мослик маркази);
- 18) қабристонлар.
- Қуидаги давлат мулки обьектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига биноан амалга оширилади (Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Конунининг 7-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно):
- 1) асосий фондларининг баланс қиймати (2005 йил 1 январь ҳолатига кўра) бир миллиард сўмдан ортиқ бўлган корхоналар;
 - 2) қимматбаҳо, нодир металлар, қимматбаҳо тошларни кавлаб олиш ҳамда қайта ишлаш корхоналари;
 - 3) саноатнинг таянч тармоқлари: ёқилғи-энергетика, кончилик, машинасозлик ва пахтани қайта ишлаш мажмуаларининг корхоналари ва ташкилотлари. Нефть, газ ва кўмир қазиб чиқариш, қудуклар бургулаш корхоналари ва ташкилотлари. Магистрал нефть кувурлари ва газ кувурлари, нефть маҳсулотларини оқизма ҳолда етказиб берадиган кувурлар, электр ва иссиқлик ҳосил килувчи станциялар ва ҳудудий қозонхоналар, тизим ҳосил этадиган электр тармоқлари. Автомобилларга ёнилғи қуиши ва газ тўлдириш станциялари;
 - 4) кимё корхоналари (гербицидлар, минерал ўғитлар, синтетик толалар, қишлоқ хўжалиги зааркунандаларига қарши курашда ишлатиладиган заҳарли кимёвий дорилар ва шу кабиларни ишлаб чиқариш);
 - 5) фармацевтика саноати ҳамда тиббий-биологик дори-дармонлар саноати корхоналари;
 - 6) электр алоқаси корхоналари, телевизион, радио қабул қилиш ва радио узатиш марказлари ҳамда уларнинг муҳандислик иншоотлари;
 - 7) ракета-космик мажмуалари, алоқа тизимлари ва уларни бошқариш воситаларини ишлаб чиқиш, тайёрлаш, таъмирлаш ва реализация қилишини амалга оширувчи корхоналар ва обьектлар;
 - 8) матбаа корхоналари ва нашриётлар;
 - 9) ахборот ва телеграф агентликлари;
 - 10) шифрлашда ишлатиладиган техникини ишлаб чиқариш, таъмирлаш, реализация қилиш ва ундан фойдаланишини амалга оширувчи корхоналар ва ташкилотлар;
 - 11) стандартлаштириш ва мётрология корхоналари ҳамда ташкилотлари;
 - 12) таваккалчилик ҳавфи юқори бўлган обьектлар ҳамда ички ва ташки хавф-хатари бор ишлаб чиқариш обьектлари қуриш ҳамда улардан фойдаланишини, улар учун ускуналар, назорат қилиш ва фалокатларнинг олдини олиш тизимларини тайёрлашни амалга оширувчи корхоналар ва ташкилотлар;
 - 13) ёнғинга қарши автоматика воситаларини, кўрикловчи, ёнғиндан огоҳлантирувчи ва кўриклиш-ёнғиндан огоҳлантиришга мўлжалланган сигнал бериш воситаларини лойиҳалаш, таъмирлаш, монтаж қилиш, созлашни амалга оширувчи корхоналар ва ташкилотлар;
 - 14) сув хўжалиги ҳамда мелиорация тизимларини лойиҳалаш, қуриш, таъмирлаш ҳамда улардан фойдаланишини амалга оширувчи корхоналар ва ташкилотлар, авария-қутқарув кемалари, гидротехника иншоотларини техник назорат қилиш кемалари;
 - 15) муҳандислик инфратузилмаси обьектлари: туман марказлари ва шаҳарларнинг электр, иссиқлик ва газ таъминоти, водопровод-канализация хўжалиги, ташки ёритиш, ташки ободонлаштириш обьектлари, шунингдек бундай обьектларни лойиҳалаш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатишни амалга оширувчи корхоналар;
 - 16) темир йўл, ҳаво ва дарё транспортида йўловчилар ҳамда юклар ташишни амалга оширувчи корхоналар ва ташкилотлар;
 - 17) шаҳарда йўловчилар ташишни амалга оширувчи корхоналар ва ташкилотлар. Ҳарбий турдаги автомобиль колонналари;

18) вазирликлар, давлат қўмиталари, идораларнинг олий, ўрта маҳсус ва қасб-хунар ўқув юртлари, шунингдек умумтаълим муассасалари;

19) Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш марказининг ташкилотлари. Давлат илмий марказлари;

20) давлат наслчилик хўжаликлари ва фермалари, от заводлари, элита-уругчилик хўжаликлари, уругчилик ва селекция станциялари, давлат уругчилик инспекциялари ва қишлоқ хўжалик экинларининг технологик сифатини баҳолаш лабораториялари, нав синов станциялари ва участкалари;

21) почта алоқаси корхоналари;

22) ўрмон хўжалигининг, геология, картография-геодезия, гидрометеорология хизмати корхоналари ва ташкилотлари ҳамда уларнинг ахборот марказлари;

23) саноатнинг қаттиқ чиқиндилари ва рўзгор чиқиндилари кўмиладиган майдонлар, бинолар, иншоотлар ва кўмиш учун керакли ускуналар, чорва моллар кўмиладиган жойлар;

24) машина синаш станциялари, элеваторлар, музлаткичоналар, омбор хўжалиги обьектлари;

25) Ўзбекистон Республикаси худудидан ташқаридаги жойлашган давлат санаторий-курорт хўжаликлари;

26) концерт-томоша кўрсатиш муассасаларининг корхоналари ва обьектлари, кинолаштириш обьектлари, шунингдек кутубхоналар ва ўқув заллари;

27) соғлиқни сақлаш муассасалари;

28) ветеринария хизмати, ўсимликларни ҳимоя қилиш хизмати корхоналари ва муассасалари;

29) ногиронлар, қариялар ва фуқароларнинг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя этилмаган бошқа тоифалари қаровда бўладиган уйлар ва интернатлар;

30) болалар, ўсмирлар ва ёшларнинг соғломлаштириш муассасалари;

31) маросимлар ўтказиш бўйича хизматлар кўрсатадиган корхоналар ва ташкилотлар.

3. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш усуллари

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириши усуллари. Бозор муносабатлари кўп укладли иқтисодиёт бўлганилиги учун давлат мулкини хусусийлаштириш ҳам бир неча шакл ва усулларда амалга оширилади. Жаҳоннинг турли мамлакатларида хусусийлаштиришнинг таҳлили унинг еттита асосий усулини алоҳида ажратиб олиш имконини беради:

1. Давлат корхоналари акцияларининг очик сотувини ўтказиши. Фонд бозорлари етарли ривожланмаган мамлакатларда акцияларни очик сотиш қийин бўлиб, қимматга тушиши мумкин. Бу кенг кўламли реклама компаниясига заруриятдан келиб чиқади. Лекин бу саъй-ҳаракатлар тамомила ўзини оклади. Масалан, Ямайкада шундай компания давлат банкини сотиш бўйича ким ошди савдосида мувафақиятли ўтказилишига ёрдам берди.

2. Акцияларни ким ошди савдоси йўли орқали сотии. Хусусийлаштиришнинг кенг тарқалган бу усули ким ошди савдоси орқали амалга оширилиши керак. Бунда порахўрлик ва айрим фуқароларга устунлик берилиши олди олинади. Чунончи, Мексикада хусусийлаштиришнинг дастлабки босқичи корхоналар хукмрон партияга яқин турган шахсларга анчамунча арzon нархларда сотилишида айблаш туфайли кўплаб бахслар келтириб чиқарган эди.

3. Давлат корхоналарини хусусий инвестрларга сотии. Бу усул ёхуд обьектни тўғридан-тўғри сотиб олиш, ёхуд акциялар пакетини сотиб олиш йўли билан амалга оширилади. Хусусий инвестрларни йирик корхоналар учун самарасиз ҳисоблайдилар, чунки давлат акцияларининг назорат пакетини ўз қўлида сақлаб қолади, бу эса келгуси мувафақиятлар олдида масъулият кучли бўлган асноларда инвестиция тўғрисидаги қарорларни кабул қилишда ўз

аксини кўрсатиш мумкин. Янги инвестициялар ёхуд акцияларни очик сотиш ёхуд хусусий бадаллар билан жалб этиш мумкин.

4. Корхонанинг мулкини сотии ва кейинчалик мавжуд қарзларни тўлаши йўли билан давлат корхонасини тугатиш. Бу услубдан фақат ички қайта қуришлар йўли билан корхонани сақлаб қолишга бўлган жамики умидлар йўқка чиққанида фойдаланилади. Польшада саноат корхоналарини хусусийлаштириш чогида бу усул кенг кўлланилган.

5. Давлат корхонасини алоҳида бўлинмаларга ажратиш ёки бўлиши ва қайта қуриши йўли билан уларни қисмлар бўйича сотии. Иктисолиёт марказлаштирилган кўпгина мамлакатларда йирик корхоналар турли турдаги кўпдан кўп корхоналарни ўз ичига олади. Ҳар қандай хусусийлаштириш амалга оширилишидан аввал уларни ажратиш ва кичиклаштириш лозим бўлади. Бунда корхонанинг фойда келтирувчи бўлинмалари алоҳида корхоналар тарикасида сотилади.

6. Корхонанинг раҳбарлар ва меҳнат жамоаси томонидан сотиб олиниши. Бу ҳолда корхонани меҳнат жамоаси томонидан акционерлаш дастури (USOP) энг муҳим усул ҳисобланади. USOP шундай механизм ҳисобланадики, у корхона жамоасига бўлғуси жамгармалар ҳисобидан кайтариладиган қарзлар олиш имконини беради. Қарзлар қопланиши билан акциялар уларни сотиб олишда иштирок этган ҳар бир ходимнинг ўз мулкига айланади. Бундай мулк турини шакллантириш замирида бир томондан бозор ва фойдага йўналганлик, иккинчи томондан ходимнинг ижтимоий муҳофазаланганлиги ётадики, бу ходим ўз корхонаси мулкига эгалик қилиши билан узвий боғлиқдир. USOP дастуридан бу ҳолатда солиқ имтиёзлари берилиши туфайли АКШда тез-тез фойдаланилади.

7. Давлат корхонасининг хуёсий шахс томонидан ижарага олиниши ёки давлат ва хусусий корхоналар ўртасида корхонани бошқарши тўгрисида битим тузиш. Бундай ёндашув олис муддатдаги истиқболда кескин чекланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўгрисида”ги Конунига мувофиқ, мамлакатимизда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш куйидаги шаклларда амалга оширилади:

- 1) давлат корхонасини хўжалик ширкати ёки жамиятига айлантириш;
- 2) давлат мол-мулкини танлов йўли билан ва ким ошди савдосида давлатга тааллукли бўлмаган юридик шахсларга ва жисмоний шахсларга сотиш шаклида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига зид бўлмаган бошқа шаклларда амалга оширилиши мумкин.

Давлат корхонасини хўжалик ширкати ёки жамиятига айлантириш шакли ҳозирда амалдаги конун хужжатларига мувофиқ қуйидаги икки хил усулда амалга оширилади:

- 1) давлат корхоналари ва давлат муассасаларини акциядорлик жамияти шаклидаги хўжалик жамиятига айлантириш;
- 2) давлат корхоналари ва давлат муассасаларини масъулияти чекланган жамият шаклидаги хўжалик жамиятига айлантириш.

Давлат мол-мулкини танлов йўли билан ва ким ошди савдосида давлатга тааллукли бўлмаган юридик шахсларга ва жисмоний шахсларга сотиш шакли ҳозирда амалдаги конун хужжатларига мувофиқ қуйидаги беш хил усулда амалга оширилади:

- 1) давлатга тегишли акцияларни сотиш;
- 2) масъулияти чекланган жамиятларнинг устав фондлари (устав капиталлари)даги давлат улушларини сотиш;
- 3) давлат кўчмас мулк объектларини сотиш;
- 4) давлат мулки объектларини харидор томонидан инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар қабул қилиниши шарти билан “нул” харид қиймати бўйича сотиш;
- 5) давлат мулкини Давлат мулкини хорижий инвесторларга сотища тендер савдоларини ўтказиш бўйича Давлат комиссияси қарорлари бўйича сотиш.

Давлат корхонасини жамоа корхонасига айлантириш, меҳнат жамоаси аъзолари томонидан давлат мулкини сотиб олиниши ёки бу мулкни уларга текин берилиши йўли билан амалга оширилади. Бунда жамоа корхонасининг уставида ҳар бир ходимнинг мол-мулқдаги ҳамда фойдадаги улуши белгилаб кўйилади. Мазкур миқдор ходимларининг иш стажи, маошининг миқдори ва бошқа омиллардан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

Ўзбекистонда хусусийлаштиришнинг давлат корхоналарини хўжалик жамиятлари ва ширкатларига айлантириш усули кенг қўлланилди. Хусусийлаштиришнинг мазкур усулини кенг қўллашдан мақсад, бозор иқтисодиёти шароитида фуқароларни мулқдор килиш орқали уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш эди. Чунки, бозор муносабатларига ўтиш даврида ишсиз фуқароларнинг сони ортади ҳамда уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш долзарб муаммолардан бири бўлиб қолади. Айнан мана шундай вазиятда фуқаро бирорта корхонанинг акциясига эга бўлса ёки унинг низом жамғармасида ўз улушкига эга бўлса, у ижтимоий жиҳатдан ҳимояланган бўлади, чунки улар вакти-вакти билан дивиденд олиб туришади. Дастлаб ёпик турдаги акциядорлик жамиятлари ташкил этилган бўлса, кейинчалик фуқароларни хусусийлаштириш жараёнида фаол иштирокини таъминлаш учун, улар очик акциядорлик жамиятларига айлантирила бошланди. Бироқ, иқтисодий таҳлиллар мазкур жамият ва ширкатларда давлат улушининг сакланиб қолиши мақсадга мувоғик эмаслигини кўрсатди. Шунинг учун ҳам кейинги даврдаги иқтисодий ислоҳотлар хўжалик жамиятлари ва ширкатларидаги давлат улушларини мумкин қадар қисқартиришга ёки бўлмаса уларнинг барчасини хусусий секторга ўтказиб юборишга қаратилди. Энг ачинарлиси, мазкур корхоналарда акциядорларнинг ўз хукуқларини билмасликлари ёки уларни амалга оширмасликлари, мулқдор сифатида уларнинг манфаатларига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам, корхоналарнинг корпоратив бошқарувини тубдан ислоҳ этиш долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Давлат мулки обьектларини танлов асосида сотиши хусусийлаштиришнинг самарали усулларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бунда танловни ўтказиш шартлари, тартиби ва муддати маҳсус танлов комиссияси томонидан белгилаб берилади. Танлов шартлари **ижтимоий** ҳамда **инвестициявий** шартлардан иборат бўлади. Ижтимоий шартларга аввалги ишчи ўринларини сақлаб қолиш, қўшимча ишчи ўринларини яратиш, ходимларнинг малакасини ошириб бориш, меҳнатни муҳофаза қилиш, корхонанинг фаолият соҳасини ўзгартираслик кабилар киради. Инвестисион шартларга корхонани реконструкция қилиш, замонавий ускуналар сотиб олиш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва шу кабилар киради.

Давлат мулки обьектини ким ошди савдосида сотиб хусусийлаштиришдан мақсад, бюджетга кўпроқ маблағ туширишдан иборат. Бунда давлат мулки обьекти бир мунча юкори нарҳда сотилади ва уни сотиб оловчиларга ҳеч қандай шартлар кўйилмайди. Агарда хусусийлаштирилиши лозим бўлган корхона ҳеч кимни қизиқтирумаса ва унга харидор топилмаса, у тутатилади ҳамда унинг балансида бўлган мулклар сотиб юборилади. Хусусийлаштириши самарали амалга оширишнинг асосий шартларидан бири хусусийлаштирилаётган корхонага нисбатан хусусийлаштириш усулини тўғри танлай билишдир. Масалан, аксарият ҳолларда иқтисодий жиҳатдан самарасиз ишлаётган корхоналар хусусийлаштиришга харакат қилинади. Бироқ, мазкур тоифадаги корхоналар ҳеч кимни қизиқтирайди ёки улар жуда паст нархларда сотиб юборилади. Шунинг учун ҳам, Англияда дастлаб даромад келтирувчи корхоналар хусусийлаштирилган. Чунки, бундай корхоналарнинг акцияларига талабгорлар кўп бўлади ва ушбу корхоналар анча юкори нарҳда сотилади. Бу эса, давлат бюджетига катта даромад келтиради.

Шарқий Европа ва собиқ Иттифоқнинг кўпгина мамлакатларида, яъни Чехия, Словакия, Польша, Россия, Қозогистон ва бошқа давлатларда оммавий хусусийлаштириш давлат корхоналарининг акциялари аҳоли ўргасида ваучер тарқатиш йўли билан ё бепул, ё бўлмаса, энг кам тўловлар эвазига тақсимланишини назарда тўтган эди. Ваучерлар – бу сертификатлар ёки

олдиндан бериладиган гувоҳномалар бўлиб, улар аҳоли ўртасида тақсимланади ва ўз эгаларига улар учун ким ошди савдосида сотувга қўйиладиган давлат корхоналарини акцияларини олиш ёхуд уларни ваучерлардан фойдаланиш бўйича воситачилик вазифаларини бажаришга тайинланган инвестиция фонdlарига қўйиш хукукини беради.

Ўзбекистонда хусусийлаштиришнинг ваучерлаштириш йўли бўйича олиб борилиши учун бир қатор қатъий ички ва ташки тақлифлар бўлишига карамасдан, ушбу усуслан воз кечилди. Воз кешишнинг сабаби қўйидагилардан иборат: *биринчидан*, мол-мулкнинг қийматини баҳолаб, унинг миқдорида чеклар, ваучерлар ва бошқа шунга ўхшаш кимматли қоғозлар чиқариш ҳамда бу қоғозларни бутун аҳоли ўртасида teng тақсимлаш – ижтимоий адолат тамоилига риоя қилиш эмас, балки социалистик сунъий равишда тенглаштиришнинг бузилган бир шакли, холос; *иккинчидан*, мол-мулкни бепул тарқатиш уни асраб-авайлаш ва кўпайтириш хақида қайгуришга олиб келмайди.

Бозор ислоҳотларига ўтишнинг Ўзбекистон моделига кўра мамлакат ва халқнинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий, маданий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кўп укладли иқтисодиётни яратиш ва хусусийлаштириш дастури ишлаб чиқилган ҳамда амалиётга татбиқ этилмоқда. Шунга кўра Ўзбекистонда, *биринчидан*, давлат мулки мулкнинг янги эгасига факат сотиш нули билан берилishi мумкин. Бу мулк обьектларининг тўғри тақсимланиши ва улардан самарали фойдаланишини таъминлайди. *Иккинчидан*, давлат мулкини хусусийлаштиришининг маҳсус дастури ишлаб чиқилган ва у босқичма-босқич амалга оширилади. Хусусийлаштириш бўйича барча ишлар изчил, бир тизимда олиб борилади. Мулкка муносабатдаги узгаришлар жараёни ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган хусусийлаштиришнинг давлат дастури ва тармоқ, минтақа дастурлари асосида амалга оширилади. Учинчидан, хусусийлаштириш муаммолари йирик бошқарув ва ишлаб чиқариш тузилмаларини монополиядан чиқариш, уларнинг таркибидан савдо обьектлари ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ажратиб олиш,

шунингдек, муқобил рақобатчи ишлаб чиқариш корхоналарини яратиш йўли билан бирга ҳал этилади.

Давлат тасарруфидан чиқаришнинг асосий йўллари қўйидагилар ҳисобланади:

1) бозорни либераллаштириш;

2) тижоратлаштириш;

3) аралаш корхоналар сферасини ташкил қилиш ва кенгайтиришни рагбатлантириш;

4) денационализация.

Бозорни либераллаштириш турли хўжалик субъектлари фойдаланиши учун кенг имкониятлар очиши мўлжаллайди. Бу давлат тулик монополияси мавжуд бўлган бозорлар ва иктисадий секторларда рақобатни шакллантириш йўлидир. Давлат кичик бизнесни кўллаб-куватлайди, хорижий капитални жалб қилишдаги тўсикларни олиб ташлайди, иктисадиётни монополиядан чиқариш чора-тадбирларини қабул қиласди. Буларнинг барчаси бозорни анча эркинлаштиради. Бозорни либерализацияси давлат мулкчилигини ўзгартирмаедан давлат тасарруфидан чиқаришни англатади.

Давлат корхоналарини тижоратлаштириш, уларни бозор механизми принциплари фаолиятига асосланган тижорат ҳисоб-китобига ўтишидан иборат. Давлат тасарруфидан чиқаришни яна бир йули имтиёзли кредитланадиган ва солпкка тортиладиган мулкчилик шаклидаги субъектлар ва давлат иштирокидаги аралаш корхоналарни ташкил қилиш ҳисобланади. Бу нафақат хорижий капитал иштирокини корхоналар ташкил қилишни, балки орасида мавжуд бўлган давлат мулкчилигининг бошқа шаклларини ҳам қамраб олади.

Давлат тасарруфидан чиқаришнинг яна бир йўли – бу давлат мулкчилиги денационализациясидир. Давлат корхоналари эгалиги нафақат хусусий қўлларга, балки банкларга, давлат корхоналари жамоасига, кооперативларга ўтиши мумкин. Давлат тасарруфидан чиқаришнинг бу барча йўллари бозор

иқтисодиёти механизми хўжалигини такомиллаштириб, мулкка эгаликни умумлаштириб акс эттиради.

4. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тартиби

Турли мамлакатларда давлат корхоналарини хусусийлаштириши режалаштириш ва амалга ошириш жараёни қоида тариқасида З асосий босқич ажратилиди:

- 1) мақсадга мавофиқликни баҳолаш;
- 2) тайёргарлик тадбирлари;
- 3) амалда рӯёбга чиқариш.

Биринчи босқичда хусусийлаштириладиган корхоналар танлаб олинади ва хусусийлаштириш усуслари белгиланади. Танлов ишбилармонлик фаолиятининг умумий шарт-шароитларини бозорнинг тегишли бугимлари хусусиятини потенциал инвесторларни манфаатдорлик даражасини, молиявий ресурсларнинг мавжудлигини, корхоналар иш олиб боришнииг асосий хусусиятларини баҳолаш асосида амалга оширилади. Навбатдаги босқичда хусусийлаштирилаётган корхоналарни тайёрлаш амалга оширилади, меъёрий асослар ишлаб чиқилади, дастлабки баҳолаш бажарилади ва айрим мухим карорлар килинади.

Кўпинча корхонада ишловчиларнинг манфаатлари билан боғлик турли зиддиятили вазиятларни бартараф этиш зарурияти туғилиши мумкин. Қисқартиришлар миқдорини камайтириш, ортиқча ходимлар билан адолатли муносабат, янги иш берувчи корхонада колдирилган ходимларнинг хизмат муддатини хисобга олиши шу манфаатларга тааллуклидир.

Тайёргарлик босқичида амалга ошириладиган асосий тадбирларнинг сўнггиси қиймат баҳосини дастлабки аниқлашдан иборатdir.

Бозорнинг потенциал муносабатининг яна бир жиҳати, конкрет бозор шарт-шароитлари, тадбиркорлик фаолиятининг умумий шароитлари замирида харидорлар кайфиятини хисобга олишдан иборатdir. Харидор

манфаатдорлигини солик имтиёзлари, паст фоиз ставкалари ва шу кабилар белгилаш йўли билан рағбатлантириш зарур.

Ўзбекистон Республикасининг республика мулки обьектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида қарор қабул қилиш хукуки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки ваколат берган давлат бошқаруви идораларига берилади. Муниципал обьектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги қарор қабул қилиш хукуки маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идораларига берилади. Бундай қарорларни қабул қилишга хукуқ берилган идоралар матнда бундан кейин оммавий мулк обьектларини тасарруф этувчилар деб юритилади. Ўзбекистон Республикасининг оммавий мулкини республика мулкига ва маъмурӣ-худудий тузилмалар мулкига (муниципал мулкка) ажратишни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига биноан амалга оширади.

Корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириши ўтказиш ташаббуси билан чиқиш хукуқига фуқаролар, давлатга тааллукли бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари ва бошка давлатларнинг юридик шахслари, меҳнат жамоалари, оммавий мулк обьектларини тасарруф этувчилар эгадирлар.

Буюртма оммавий мулк обьектларини тасарруф этувчига қонун хужжатларида белгиланган тартибда берилади.

Давлат тасарруфидан чиқаришни, хусусийлаштириши ўтказиш ёки ундей қилишни рад этиш тўғрисидаги қарорни оммавий мулк обьектларини тасарруф этувчи буюртма тушган пайтдан бошлаб ўн кун ичida қабул қиласи, ҳамда уни буюртма берганга ва давлат тасарруфидан чиқарилаётган ёки хусусийлаштирилаётган корхонанинг меҳнат жамоасига ёзма равища етказади.

Давлат тасарруфидан чиқариш ёки хусусийлаштириш:

- башарти, корхона давлат тасарруфидан чиқарилмайдиган ва хусусийлаштирилмайдиган корхоналар рўйхатига киритилган бўлса;

- башарти, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг корхоналарнинг мазкур тури учун назарда тутилган хусусиятлари ҳисобга олинмаётган бўлса;

- оммавий мулк обьектларини тасарруф этувчи рад этишни асослаш билан бирга давлат тасарруфидан чиқариш ёки хусусийлаштиришни амалга ошириш мумкин бўлган шартлар ва муддатларни кўрсатмоғи зарур.

Корхонани давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга тайёрлаш иши давлат тасарруфидан чиқариладиган ва хусусийлаштирилайдиган мол-мулк таркибини аниқлашни, унинг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фондларини инвентаризациядан ўтказишни, корхонанинг активлари ва пассивларини баҳолашни, меҳнат жамоасида тушунтириш ишлари олиб боришни, бошқа масалаларни ҳал этишни, шу жумладан рақобат тўғрисидаги қонун хужжатлари талабарини инобатга олган ҳолда ҳал этишни ўз ичига олади.

Давлат тасарруфидан чиқариш комиссияси давлат тасарруфидан чиқарилаётган ёки хусусийлаштирилаётган корхона маблағи ҳисобидан пул тўлаш шарти билан ишнинг айрим йўналишлари бўйича эксперталар гурухларини тузишлари, маслаҳат берувчи, аудитор ва бошқа ташкилотларни бу ишга жалб қилишлари мумкин.

Комиссия корхона маъмурияти билан биргалиқда давлат тасарруфидан чиқарилаётган ёки хусусийлаштирилаётган корхона тўғрисида давлат тасарруфидан чиқариш ёки хусусийлаштиришда катнашаётган субъектлар учун, шунингдек жамоатчилик учун белгиланган нусхада зарур ахборот тайёрлайди.

Давлат корхонаси очик акциядорлик жамиятига айлантирилаётганда корхона раҳбари давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга доир хужжатларни тайёрлаш учун ишчи комиссия тузади. Комиссия бир ойлик муддатда зарур хужжатларни тайёрлаб, оммавий мулк обьектини тасарруф этувчига тақдим этади. Зарур хужжатлар рўйхатини Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Комиссия корхонани давлат тасарруфидан чиқариш ёки хусусийлаштириш тадбирлари режасини ишлаб чиқади ва оммавий мулк обьектларини тасарруф этувчига тасдиқлаш учун тақдим этади, бу режа:

- давлат тасарруфидан чиқаришни ёки хусусийлаштиришни ўтказиш муддатларини;

- обьектнинг қийматини;

- корхонани қайта ташкил этишнинг зарурат бўлганда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктура обьектларидан фойдаланишининг мавжуд тартиби ва шартларини саклаб қолишини ҳам назарда тутувчи лойиҳасини;

- ҳисоб-китобларнинг тавсия этиладиган шакл ва муддатини;

- имтиёзлар бериш, шу жумладан давлат тасарруфидан чиқариш қисмини бепул бериш имкониятини ўз ичига олади.

Давлат тасарруфидан чиқариш ёки хусусийлаштириш режасига бошқа масалалар ҳам киритилиши мумкин.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш обьектининг сотув нархини оммавий мулк обьектларини тасарруф этувчи белгилайди. Сотув нархини белгилашда обьектнинг давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш вақтидаги қийматига асосланилади ҳамда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ўтказилаётган пайтда қарор топган ҳақиқий баҳоси ҳисобга олиниши лозим.

Оммавий мулк обьекти қийматининг дастлабки баҳоси қонун хужжатларида белгиланган тартибда аниқланади. Ижараби оммавий мулк обьектларини тасарруф этувчининг розилиги билан ўзи ижарага олган мол-мulkини (тўлиқ ёки қисман) сотиб олиши мумкин.

Давлат корхонасини хўжалик жамият ёки ширкатига айлантириш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонунлари билан белгиланади. Куйидагилар хўжалик жамиятлари ёки ширкатларининг муассислари ёки акциялар (улуш пай) бўлишлари мумкин:

- меҳнат жамоасининг аъзолари, Ўзбекистон Республикасининг бошқа фуқаролари, ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;

- Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларнинг юридик шахслари;
- республика ва маҳаллий давлат бошқарув органлари номидан
Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва
рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ёки унинг худудий органлари.

Оммавий мулк объектлари танлов бўйича сотилиши мумкин. Танловни
ўтказиш шартлари, тартиби ва муддатини оммавий мулк объектларини тегишли
тасарруф этувчи тайинлайдиган танлов комиссияси белгилайди.

Давлат тасарруфидан чиқариладиган ва хусусийлаштириладиган
корхоналарни ким ошди савдосида сотишга кўйиш тўғрисидаги карорни
оммавий мулк обьектини тасарруф этувчи қабул қиласи. Давлат тасарруфидан
чиқариладиган ва хусусийлаштириладиган обьектларнинг ким ошди савдосини
ўтказиш учун оммавий мулк обьектларини тасарруф этувчилар ким ошди
savdosi xizmatlari tashkil etadilar, bu xizmatlar Ўзбекистон
Respublikasi Vazirlar Maҳkamasini tomonidan belgilanadigan tarтиba
muvoifik iш kўradi. Xaridor tomonidan сотиб olinmagani obъekt respublika
ёki muunicipal mulk bўlib turadi. Bunday xollarda mulk obъектlарini
tasarruf этувчи корхонани тутатиб, uning mol-mulkini bўlak-bўlak kili
sotib boriш tўғrisida karor қabul kiliши mumkin.

Оммавий мулк обьектларини тасарруf этувchi mol-mulkni янги
mulkdriga topshiraётганда unga mulkdrlik xukukini tasdiqlovchi order
beradi. Orderning nusxasasi, давлат божининг микдори ва уни тўлаш тартиbi
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Maҳkamasini tomonidan belgilanadi.

Давлат корхоналари ҳақини bўlib-bўlib tўlaш шarti bilan сотib
olinGAN taқdirda mulkdrlik xukukini tasdiqlovchi order ҳaқning birinchi
badali tўlanngach beringadi. Korxonanining қiyamati butunlai tўlab bўlingunga
kadar ommaviy mulk obъekti tасарруf этuvchi mol-mulkni tasarruf etishi
xukukini cheklab kўyiши, shu jumladan ommaviy mulk obъектlарini tасарруf
etuvchining roziliqisiz bu mulkni сотishni va tekinga beringni taқiklab
kўyiши mumkin.

Жисмоний шахсларнинг шахсий маблағлари, давлатга тааллуқли
bўlmagan юридик шахсларнинг ўз маблағлари, кредитлар, Ўзбекистон
Respublikasi қонунларiga zid bўlmagan usullar bilan olingan boшқa
moliyaviy mablaғlar mol-mulkni сотib olish учун manba bўladi.

Давлат тасарруfидан чиқariladigancha xususiy laшtiриладиган давлат
korxonaasi mehnat жамoasining aъzolari korxonani kuyidagi manbalar
xisobiga сотиб olishlari mumkin:

- soф fойданинг mehnat жамoasi aъzolari mulki bўlgan kismi;
- amortizatsiya aжratmalari hamda mehnat жамoasining mulki bўlgan va
davlat korxonasida ishlatiладigancha mol-mulkni сотишdan kelgan tushum;
- bank kreditlari va ўзга қарз mablaғlari;
- mehnat жамoasi aъzolarinining shahsий mablaғlari;
- давлат mulki bўlmagan boшқa mablaғlar.

Давлат бюджетидан aжratilgan mablaғlardan давлат mulkini сотиб
oliш manbai sifatida foydalaniш mumkin emas.

Takrorlash учун саволлар

1. *Davlat tасарруfидан чиқariши nima?*
2. *Xususiy laшtiриши nima?*
3. *Qanday obъektlar xususiy laшtiриishi mumkin emas?*
4. *Davlat tасарруfидан чиқariши va xususiy laшtiриши tushunchalari ўrtasida qanday farq mavjusud?*
5. *Xususiy laшtiriши martibi qanday?*

Tavsия этилаётган адабиётлар

1. Ўзбекистон Respublikasining Ikhtisosidij processual kodeksi:
Rasmij nashr – Ўзбекистон Respublikasi Adliya vazirligi. – T.: “Adolat”,
2018 й. – 376 б.

2. Давлетов А. Процессуал хужжатларда юридик атамалардан тўғри фойдаланиш. «Қонун ҳимоясида», 06/2004, 10-12-бетлар.
3. Ўзбекистон Республикаси: мустакил давлатнинг бунёд бўлиши / Қ.А.Ахмедовнинг умумий таҳрири остида/. – Т.: «Ўзбекистон», 1992.
4. Юридик энциклопедия. Юридик фанлари доктори, профессор У.Таджихановнинг умумий таҳрири остида. – Т.: «Шарқ», 2001.
5. Тадбиркорлик соҳасида маъмурий тартиб-қоидалар бўйича қўлланма. F.Б.Ҳидоятов ва бошқа муаллифлар жамоаси. – Т.: НМАК БТ “Шарқ”, 2011.
6. Раҳмонқулов Х.Р., Азизов Х.Т. Тадбиркорлик субъектлари хусусий мулк ҳуқукининг фуқаролик-ҳуқуқий кафолатлари. – Т.: 2013. – 181 б.
7. Дўстов У.Н. «Хўжалик (тадбиркорлик) ҳуқуқи» фанидан услубий қўлланма. – Т.: ТДЮИ, 2003.
8. Бабакулов С.Б. Тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш соҳасидаги ислоҳотлар.– Т.: ТДЮИ, 2012. – 52 б.

7-мавзу. Тадбиркорлик фаолиятининг мулкий асослари

1. Мулк ҳуқуки тадбиркорлик фаолиятининг асоси сифатида.
2. Хусусий мулк асосида тадбиркорлик фаолияти юритиш.
3. Хўжалик юритиш ҳуқуки ва оператив бошқариш ҳуқуки асосида тадбиркорлик фаолиятини юритишнинг хусусиятлари.
4. Тадбиркорлик субъектларининг мол-мулки обьектлари: асосий воситалар, пул маблағлари, қимматли қозозлар, номоддий манбаатлар.

1. Мулк ҳуқуки тадбиркорлик фаолиятининг асоси сифатида

Бозор муносабатларига асосланган жамиятда тадбиркорликка кенг йўл очилади. Ўзбекистонда бозор муносабатларига асосланган жамият барпо этилиши ва иқтисодиётнинг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этишини давлатнинг бош юридик хужжати – Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида шундай белгиланган: **“53-модда. Бозор муносабатларини ривожлантиришига қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиши эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқларигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди. (1-кисм) Демак, давлат тадбиркорлик фаолияти эркинлигини кафолатлайди. Тадбиркорликни ривожлантиришда эса **хусусий мулк** мухим роль ўйнайди. “Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин”.** (Ўзбекистон Конституцияси, 53-модда, 2-кисм)

Ўзбекистон давлат мустакиллигига эришгач, мамлакатда маъмурий-буйруқбозликка асосланган тузумдан воз кечилди. Жамиятда демократик принциплар ва қадриятларни қарор топтириш, тадбиркорликни ривожлантириш, бозор муносабатларига асосланган янгича тузумни ўрнатиш

мақсадида жиддий ўзгаришлар, иирик ислоҳотлар амалга оширилди. Хусусан, жамиятни келажақда янги асосларда барпо этишга хизмат қиладиган қонунлар қабул қилинди. Ўзбекистон мустақиллиги ҳали расман эълон қилинмаган вақтда мамлакатимизда қабул қилинган дастлабки энг муҳим қонунлардан бири 1990 йил 31 октябрда қабул қилинган Ўзбекистоннинг “Мулкчилик тўғрисида”ги Қонуни эди. Мулк барча замонларда иқтисодиётнинг негизини ташкил этган. Бирок собиқ Иттифоқ замонида мулкнинг шаклларидан бири саналмиш хусусий мулк ва унинг ривожланишига йўл берилмади, балки у инкор этилди. Қонундаги энг муҳим жиҳатлардан бири ҳам айнан мана киррада намоён бўлди – Қонун хусусий мулкни эътироф этди ва унинг ривожланишига йўл очди. Хусусий мулк мулкнинг бошқа шакллари билан бир қаторда кўрилди ва бир қаторга кўйилди, юридик жиҳатдан тенг муҳофаза қилинадиган бўлди. Хусусий мулкнинг мулкнинг бошқа шакллари қаторида юридик тенг муҳофаза этилиши мамлакатда тадбиркорликнинг кенг кўламда ривожланишига замин яратди.


1991 йил 15 февралда Ўзбекистоннинг “Тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Гарчи тадбиркорлик билан боғлиқ *барча* масалаларнинг юридик ёчимини топиб беролмаган ва ҳал этолмаган бўлса-да, у мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириша катта роль ўйнади. Ривожланиб бораётган бозор муносабатлари, илдиз отиб бораётган тадбиркорлик ва кенг кўламда қарор топиб бораётган ишбилармонлик муҳити амалда бўлган қонун ҳужжатларини жиддий тахлил этишини, уларни замон талаблари ва жамият эҳтиёжлари йўлида қайтадан кўриб чиқиш ва такомиллаштиришни тақозо этарди. 2000 йил 25 майда ўша вақтгача бўлган тадбиркорлик соҳасидаги барча қонун ҳужжатлари бекор қилинди ва Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Мазкур Қонун олдинги қонун ҳужжатларида учрамайдиган янги қоидалар билан бойитилди, мавжуд қоидаларни янада такомиллаштириди ва кенгайтириди. Бу эса тадбиркорликни янада ривожлантиришда муҳим омил бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 167-моддаси бўйича мулк шакллари:

Хусусий мулк

Оммавий мулк

Ўзбекистон Республикасининг “Мулкчилик тўғрисида”ги Қонунининг 5-моддаси бўйича мулк шакллари:



Тадбиркорликнинг иқтисодий манбалари хусусий мулк ва оммавий (давлат) мулк шаклларидан ташкил топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36-моддасига мувофиқ, ҳар ким мулк хуқуқига эга. Ушбу Асосий Қонун-Конституциянинг 53-моддасига мувофиқ, Ўзбекистоннинг иқтисодий негизини ҳар хил шакллардаги мулк ташкил этади. Тадбиркорлик барча мулк шаклларининг тенг хуқуқлилигига асосланади. Мазкур моддага мувофиқ, хусусий мулк “бошқа мулк шаклари каби” даҳлсизdir. Мулкнинг қайси шакллардан иборат эканлиги Фуқаролик кодексида назарда тутилади. ФКнинг 167-моддасига биноан Ўзбекистоннинг иқтисодий негизини хусусий ва оммавий мулк шакллари ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштиришни таъминлашга багишланган мулкчилик тўғрисида, мулкни давлат тасарруфидан

чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида, ҳамда тадбиркорлик, банклар, инвестициялар, ер, монополияга қарши кураш тўғрисидаги қонун хужжатларининг қабул қилиниши республикада мулкий муносабатларнинг моҳият ва мазмун жиҳатидан жиддий ўзгаришига ва шу сабабли тадбиркорликнинг таркиб топиши ва ривожланиши учун шароит яратди.

“Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 15-моддасига мувофиқ, тадбиркорлик фаолияти тадбиркорларнинг ўз мол-мулки асосида ва (ёки) жалб этилган мол-мулк асосида амалга оширилиши мумкин. Ўз мол-мулки асосида тадбиркорлик фаолиятини асосан якка тартибдаги тадбиркорлар амалга оширади.

Жалб этилган мол-мулк деганда олинган қарз, кредит маблағлари, ижарага олинган бинолар, транспорт воситалари ва шунга ўхшаш бошқа нарсаларни тушуниш мумкин. Қонуннинг 18-моддасига биноан тадбиркорлик фаолиятининг эркинлиги унинг иқтисодий манбаи бўлган мулк шаклларининг тенг хукуклиги ва хукукий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилиши билан ифодаланади.

Ўтмишда жамиятнинг иқтисодий негизини асосан социалистик мулкнинг икки хил шакли, яъни, давлат ва колхоз-кооператив мулки ташкил этарди. Фуқароларнинг мулки "шахсий" мулк ва алоҳида шаклдан иборат дейилса-да, лекин ушбу мулк давлат корхоналарида, жамоат ташкилотларида меҳнат килиш натижасида олинган даромадлар хисобига ташкил топиши, истеъмолий характерга эга бўлиши ва фуқаронинг шахсий моддий ва маданий эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган бўлиши лозим эди. Шахсий мулк асосида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун иқтисодий жиҳатдан етарли бўлмаса, хукукий жиҳатдан мумкин эмас эди.

Асосий ишлаб чиқариш курол-воситаларининг факат давлатга тегишли бўлиши, умумхалқ мулки деб, лекин мулкнинг эгаси шахсан ким эканлиги, ким унга жавобгар бўлиши ноаниқ бўлиши мулкка нисбатан хўжасизлик, бепарволик, жамиятда умумий дангасалик ва бегамлик кайфиятларининг вужудга келишига сабаб бўлди. Фуқароларда меҳнатга нисбатан қизиқиш,

тадбиркорлик фаолияти учун керак бўлган ташаббускорлик ҳиссиётларини тарбиялашга имкон бермади.

Давлат мулкининг жамиятда эгаллаган етакчилик ўрни қонун-коидалар моҳиятини ҳам ўзига хос равища белгилаб берди. Масалан, давлат мулкининг таркиб топиши, уни муҳофаза қилиш ва унга асосан вужудга келадиган барча турдаги муносабатларни тартибга солишга оид қоидалар колхоз-кооператив ва айниқса фуқаронинг шахсий мулкига нисбатан тубдан фарқ қилар ва анча устун турарди.

Амалдаги қонун хужжатларида Ўзбекистон Конституциясига амал килинган холда, мулкнинг ўтмишда социалистик жамиятнинг синфларга бўлинишига асосланиб шаклларга ажратилишига ва қайси шаклда, кимга тегишли бўлишига қараб ўрнатилган тентсизликка барҳам берилди. Мулкнинг кимга тегишли бўлишидан катъи назар, тенг равища ривожланиши учун имкониятларнинг мавжуд бўлиши ва уларни баб-баравар хукукий муҳофаза қилиш қоидалари ЎзР ФКнинг тегишли моддаларига назарда тутилди. Иқтисодни ташкил қилувчи асосий масала бўлиши мулк масаласининг бундай ижобий ҳал қилиниши ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ташаббускорлик ҳиссиётларининг камол топиши, ишлаб чиқаришда, хўжалик соҳасида тадбиркорлик фаолиятларини амалга ошириша фуқаролар ҳамда ташкилотлар, яъни жисмоний ва юридик шахсларнинг биргаликда баб-баравар манфаатдор бўлиши, улар ўртасида умумий мол-мулкнинг вужудга келиши ва ушбу мулқдан ҳамкорликда унумли фойдаланиш ва самарали натижаларга эришиш имкониятларини яратиб берди.

2. Хусусий мулк асосида тадбиркорлик фаолияти юритиши

Хусусий мулк бозор муносабатларининг асосий иқтисодий манбаидир. Хусусий мулк ташкил топмасдан туриб, бозор муносабатлари ҳакидаги ҳар кандай фикрлар хом хаёлдир. Хусусий мулк ва унинг асосида вужудга келадиган муносабатлар бизнинг конунчилик фаолиятимизда янгиликдир.

Хусусий мулкнинг жорий қилиниши билан фуқароларнинг хуқуқ лаёқати доираси кенгайди, улар 1963 йилдаги Гражданлик кодексининг 120, 121, 122, 128, 136-моддаларида олдинги чеклашлардан озод бўлди. Энди улар фақат шахсий моддий ва маданий эҳтиёжларини таъминлаш учун эмас, балки хусусий мулк асосида турли тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга ва ишлаб чиқариш жараёнида фақат ўз меҳнати эмас, балки ёлланма меҳнатни жалб қилиш ва унинг учун керак бўлган қурол-воситаларга эга бўлиш, уларни ижарага бериш йўли билан қўшимча даромадлар олиш каби хукуклардан фойдаланишлари мумкин.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун иктиносиди манба сифатида хусусий мулк билан бир қаторда оммавий (давлат) мулк ҳам қатнашади. Оммавий мулк тушунчasi давлатнинг барча фуқароларига ва шунинг билан бирга ҳар бир фуқаросига тегишли бўлган мулк маъносини беради. Лекин у ўтмишда давлат мулкига ўхшаш мавҳум тушунча эмас, балки унинг муайян объектлари ва уни эгаллаб турувчи, ундан фойдаланувчи ва уни тасаррuf этувчи субъектлари аниқ белгиланди.

Оммавий мулк давлатга тегишли мулкдан иборат бўлиб, у икки хил кўринишда, яъни Ўзбекистон Республикаси мулки ва муниципал мулкдан ташкил топади. ФКда ҳар бир турдаги мулк хукуқининг объектлари ва субъектларининг хукуқ лаёқати ҳакида умумий тушунча берилади.

Давлат мулк хукуки ўз мазмуни, яъни уни эгаллаш, ундан фойдаланиш, унинг тасаррuf этилиши жиҳатидан икки хил гурухга бўлиниши мумкин: а) давлат корхоналарига ва муассасаларига бириктириб қўйилган мол-мулк; б) тегишли бюджет маблаглари ва давлат корхоналари ҳамда муассасаларига бириктирилмаган, республика давлат ғазнасини ташкил қиласиган мол-мулк.

Тадбиркорлик фаолияти асосан давлат корхоналари ва муассасаларига бириктириб қўйилган мол-мулк асосида амалга оширилади. Ушбу корхона ва муассасалар уларга бириктириб қўйилган давлат мулкига нисбатан хўжалик юритиш ва оператив бошқариш хукукига эга бўлиб, тадбиркорлик фаолиятини

қонун хужжатларида, улар учун қабул қилинган Уставларда, таъсис хужжатларида белгиланган ваколат доирасида фаол амалга оширадилар.

Тадбиркорлик фаолияти умумий мулк, яъни бир неча фуқаролар ва юридик шахсларга тегишли бўлган мол-мулк асосида ҳам амалга оширилиши мумкин.

Бундай умумий мулк биргалиқдаги ва улушли мулкдан иборат бўлиши мумкин. Улушли ва биргалиқдаги умумий мулк кимларга тегишли бўлиши зарурлиги ФКда кўрсатилмайди ва бундай мулкларнинг субъектлари ҳар кандай шахсдан иборат бўлиши, иккинчидан, биргалиқдаги умумий мулкни улушларга ажратиш ёки унинг иштирокчиларидан бирининг улуш ажратishi мумкинлиги назарда тутилади (ФКнинг 216, 226-м.м.).

Биргалиқдаги умумий мол-мулкнинг барпо бўлиши, унинг хусусияти ҳисобга олинган ҳолда қуидагича белгиланади: ўз вазифасини, яъни фойдаланиш мақсадига мунособ бўлишини ўзгартирган ҳолда тақсимланиши мумкин бўлмаган (бўлинмайдиган ашёлар, яъни яхлит тарзда белгиланган мол-мулклар) ёки қонун бўйича тақсимланиши мумкин бўлмаган, иккى ёки ундан ортик шахсларнинг мулк хукукига ўтган мол-мулк биргалиқдаги умумий мулк дейилади.



Мулк хукуки эгалари ҳар бирининг, уларга тегишли бўлган умумий мол-мулкдаги улушлари (ҳиссалари) аниқ белгилаб қўйилган бўлса, бундай мулк улушли мол-мулк дейилади. Улушли мол-мулкда қонунга асосан ёки иштирокчиларнинг келишуви билан уларнинг улушлари аниқ белгилаб

кўйилмаган бўлса, улушлар teng деб хисобланади. Улушлар teng бўлмаслиги ham мумкин (ФК 217-м.). Улушли мулкни тасарруф қилишга нисбатан имтиёзли ҳукуклар белгиланади (ФК 224-м.).


Биргаликдаги мол-мулкни эгаллаш, undan фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳақида янги қоидалар ўрнатилади (225-м.). Умумий қоидага асосан биргаликдаги мулкка унинг эгалари биргалашиб эгалик киладилар ва фойдаланадилар. Лекин улар ўзаро келишиб, бошқача тартиб ўрнатган бўлишлари ham мумкин. Бундай мулкни тасарруф қилишда унинг эгаларининг розилиги талаб қилинади.

Тадбиркорлик ривожланишининг таъсири остида биргаликдаги мулк ҳукуки иштирокчиларининг ҳар бирiga уларнинг барчасининг розилиги билан ушбу мол-мулк юзасидан битимлар тузиш ҳукуки берилади. Масалан, эр хотинга умумий биргаликдаги мулк ҳукуқида тегишли бўлган мол-мулк негизида оиласиий тадбиркорлик амалга оширилаётганда, иш муомалаларида эр хотин номидан эрнинг ёки хотиннинг розилиги билан улардан бири иштирок этади, бу розилик якка тартиbdагi тадбиркор рўйхатдан ўтказилаётганда тасдиқланган бўлиши лозим.

Тадбиркорларнинг розилиги билан ваколат берилмасдан тузишган битим ҳакиқий эмас деб хисобланиши назарда тутилади. (ФК 225-м.).

Тадбиркорлик субъектлари, яъни тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи шахслар фуқаролардан, фуқароларнинг уюшмаларидан (хўжалик жамоалари ва ширкатлардан), ажнабий давлатларнинг фуқаролари ва юридик шахсларидан иборат бўлиши мумкин. Шундай экан, тадбиркорлик фаолияти турли шаклдаги мулк ҳукуки асосида ва иштирокида амалга оширилиши мумкин. Биргаликда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадида биргаликдаги корхоналар, фирмалар, акциядорлар жамиятлари тузилади. Бундай биргаликдаги тадбиркорлик уларда катнашувчи шахсларнинг мол-мулкини жалб этиш хисобига, яъни умумлаштириш асосида амалга оширилади. Умумий мулкда ҳар бир тадбиркор хўжалик жамоаси аъзосининг улуси белгиланади, яъни тадбиркорликни амалга ошириш натижасида кўлга

киритилган даромад ham улушнинг микдорига қараб, аъзолар ўртасида тақсимланади.



ФКнинг 217-моддасига мувофиқ, agar улушли мулк иштирокчиларининг улушлари конун асосида белгиланиши мумкин бўлмаса hamda унинг барча иштирокчиларининг келишуви билан белгилаб кўйилган бўлмаса, улушлар teng деб хисобланади. Тадбиркорларнинг самарали меҳнатлари туфайли улушларининг микдори ўзгариб туриши ва аниқ белгиланган бўлиши мумкин. Тадбиркорликни амалга ошириш жараёнида улушлар ҳакида низо келиб чиқкан тақдирда бундай низо умумий мулк-эгалари ҳар қайсисининг даъвоси бўйича суд томонидан ҳал қилинади.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда фуқаронинг мулки хусусий шаклдаги мол-мулқдан иборат бўлса, юридик шахснинг мулки жамоа (ширкат) мулкидан (agar у жамоалардан, уларнинг уюшмаларидан, жамоа ва кооператив ташкилотларидан иборат бўлса) ва шунингдек, давлат мулкидан (agar юридик шахс давлат корхоналаридан, ташкилотларидан, бирлашмаларидан иборат бўлса) ташкил топиши мумкин.

Бундай ҳолатларда фуқаролар билан юридик шахслар ўртасида умумий улушли мулк ҳукуки вужудга келади ва ушбу мулк асосида тадбиркорлик амалга оширилади.

Ўтмишда 1963 йилдаги Кодекснинг 136-моддасига мувофиқ, давлат (давлат корхоналари, ташкилотлари) билан фуқаро ёхуд кооператив ва бошқа жамоат ташкилоти билан фуқаро ўртасида умумий улушли мулкнинг вужудга

келишига йўл қўйилмасди. Агар мерос олиш, реквизиция ёки мусодара қилиш натижасида ёки бошқа асосларга кўра, давлат билан фуқаронинг, ёхуд кооператив ва бошқа жамоат ташкилоти билан фуқаронинг умумий мулки ташкил бўлиб қолса, у ҳолда бундай умумий мулк пайдо бўлган кундан бошлаб бир йил ичидаги қонунда кўзда тутилган усусларни қўллаш йўли билан бекор қилиниши лозим эди. Эндиликда мол-мулкларни умумлаштириш асосида биргаликда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун кенг имконият яратилди.

Факат турли шаклдаги мол-мулкни умумлаштириш асосида эмас, балки ушбу мулқдан турли шаклдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун асос сифатида фойдаланиш мумкин. Масалан, мол-мулк асосида тадбиркорликни якка тартибдаги меҳнат, ҳамкорликдаги фаолият, мулкни ижарага бериш, қарз бериш, биргаликда корхона, ширкат ташкилотлари тузиш каби шаклларини, турларини тузиш ва амалга ошириш мумкин.

Тадбиркорлик ажнабий фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг мол-мулкларини турли шаклларда жалб этиш асосида ҳам амалга оширилади. Мол-мулқдан фойдаланиш, уни тасарруф этиш, унинг асосида тадбиркорлик юритиши хақидаги Ўзбекистон фуқароларига тегишли қоидалар ажнабий фуқароларга ҳам таалуклидир. Фуқаролик кодексининг 16-моддасида кўзда тутилишича, Ўзбекистонда яшаб турувчи ажнабий давлат фуқаролари республиканинг фуқароларига тегишли бўлган хукукий лаёқатдан тенг фойдаланади. Ушбу хукуқдан фойдаланиб, зарур сармояга эга бўлган ажнабий давлат фуқаролари ўзаро манфаатдорлик асосида республикада фаол тадбиркорлик кўрсатиб, қўшма корхоналар ёки фақат ўзларига тегишли бўлган хусусий корхоналарни имтиёзли равища ташкил этишларига имкон берилади. Бунда уларнинг мол-мулклари ва мулкий хукуклари, манфаатлари қонун билан кўрикланади ва дахлсизлиги тўла кафолатланади. Улар ўзларининг хусусий сохибкорлик фаолиятини амалга ошириш учун ер, ишлаб чиқариш воситалари ва куроллари, бошқа зарурий ашёларни имтиёзли шартларда ва узок муддатларга ижара олишлари мумкин. Хорижий фуқаролар республика

худудида тадбиркорлик натижасида ортирган мол-мулкни ўз хоҳишлари билан мерос қилиб қолдиришлари, хайр-эҳсон қилишлари ёки ўзларига тегишли даромадларни Ўзбекистондан эркин олиб кетишлари қонун билан кафолатланади.

Тадбиркорлик Ўзбекистон юридик шахслари ва ажнабий юридик шахслар иштироқида, уларнинг мол-мулки асосида қўшма корхоналар, акцияли жамиятлар, хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тузиш йўли билан амалга оширилади.

Чет эл инвестициялари асосида тадбиркорликни амалга ошириш шакллари қўйидагилардан иборат бўлиши мумкин: а) Ўзбекистон тадбиркорларнинг ажнабий давлат фуқаролари ва юридик шахслари билан биргаликда корхоналар, банклар, сугурта компаниялари барпо этиш ва бошқа ташкилотларда улуш қўшиб қатнашиш; б) бутунлай ажнабий давлат фуқаролари ва юридик шахсларига қарашли бўлган корхоналар, банклар, сугурта компанияларини ва бошқа ташкилотларни барпо этиш; в) мол-мулк, акциялар ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар сотиб олиш; г) тадбиркорга мустақил равища тегишли бўлган ёки фуқаролар ва юридик шахслар иштироқидаги мулкий хукукларни, шу жумладан, ердан ва табиий ресурслардан фойдаланиш, шунингдек ижара асосида фойдаланиш хукукларини сотиб олиш йўли билан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мумкин.

Тадбиркор факат ўзига тегишли бўлган мол-мулк асосидагина эмас, балки давлат ва жамоат ташкилотларининг мол-мулки ҳамда пул маблағларини ихтиёрий равища жалб этиш асосида ҳам ўз фаолиятини амалга оширади. Бундай жалб этишлар асосан мол-мулкни ижарага топшириш ёки пул маблағларини қарзга бериш усусларида амалга оширилади.

Фуқаролик кодексининг 537-моддасига мувофиқ, мулк ижарасининг объектлари ер участкалари, ер ости бойликлари жойлашган участкалар ва бошқа алоҳида табиий объектлар, корхоналар, ва бошқа мулкий комплекслар, бинолар, иншоатлар, ускуналар, транспорт воситалари ва бошқа ашёлардан ташкил топиши мумкин. Ушбу объектлар давлат корхоналарига,

ташкилотларига, жамоат ташкилотлари, хўжалик ширкатлари ва жамиятларига тегишли мулклардан иборат бўлиши мумкин.

Мол-мулкни ижарага берувчи ўша мулкка нисбатан эгалик хукуқига ёки мулк эгаси берган ваколатга асосан фаолият юритувчи, яъни мулкни ижарага бериш хукуқига эга бўлган фуқаро ёки корхона, ташкilot, шунингдек ажнабий давлат фуқароларидан, юридик шахсларидан иборат бўлиши мумкин. Ижарага олувчилар фуқаролардан, юридик шахслардан, жумладан, кўшма корхоналар, халқаро ташкилотлар ва бирлашмалар, Ўзбекистон ва чет эл юридик шахсларининг мулклари асосида ташкил топган корхона ва ташкилотлардан иборат бўлиши мумкин. Шундай экан, мол-мулкни ижарага берувчи ва ижарага олувчини ҳам тадбиркорлар, деса бўлади. Улар фойда олиш мақсадида барча иқтисодий имкониятларни жалб қиласидар, унумли натижаларга эришиш учун фаол ташаббус кўрсатиб, ҳаракат қиласидар.

Давлат ва жамоат ташкилотларининг мол-мулкидан фойдаланиш асосида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш қарз (кредит) бериш шаклида ҳам рўй беради. Тадбиркор ўз фаолиятини бошлаш даврида ёки амалга ошириш жараёнида қўшимча пул маблағларига муҳтоҷ бўлиб қолиши мумкин. Бундай муҳтоҷликдан кутулиш учун у тегишли банклардан ўз вактида қайтариб бериш шарти билан қарз (кредит) олади.

Ўзбекистон Республикасининг "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида" ги Конунига мувофиқ, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ҳар бир фуқаро, жамоа (ширкат), ташкilot, яъни тадбиркорлар пул маблағларига бўлган эҳтиёжни тегишли банклардан олинадиган қарзлар (кредитлар) хисобига қаноатлантиришлари мумкин. Шунинг билан бирга тадбиркорларга тижорат хизмати кўрсатиш шарти билан бир-бирларига қарз (кредит) беришга ва давлат, жамоат ташкилотларидан кредит олишга ҳам рухсат этилган.

Тадбиркор асосан тижорат фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар ва корхоналар (ташкилотлар)дан иборат бўлиб, юридик шахс хисобланади. Шунинг учун ҳам улар ўртасидаги кредит муносабатлари Фуқаролик кодекси 744-моддаси 1-кисмида назарда тутилган қоидалар асосида тартибга солинади.

Мазкур модданинг ушбу қисмига кўра, кредит муносабатларида бир тараф - банк ёки бошқа кредит ташкiloti (кредитор), иккинчи тараф-қарз олувчи корхона ёки фуқаро қатнашишлари мумкин. Бундай кредит ташкилотлari бўлмаган тақдирда, мазкур модданинг 2-қисмига биноан кредит бериши тижорат ташкилотлари амалга оширишлари назарда тутилади. Бундай кредитлашга нисбатан кредит шартномаси тўғрисидаги қоидалар қўлланилади.

Демак, Кодекснинг 744-моддасига мувофиқ, тадбиркорларга кредитлар бериш банк ёки кредит ташкилотлари, шунингдек тижорат ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

Тадбиркор мол-мулкда фойдаланишнинг юқорида кайд этилган шакллари ва усууларидан фойдаланиш йўли билан ўз фаолиятини амалга оширади. У факат ўзига тегишли хусусий мулк билан чекланмай, балки шунинг билан бир қаторда Ўзбекистон ва ажнабий давлат фуқароларининг ва юридик шахсларининг мол-мулкини жалб этиш, биргаликда фаолият юритиш, кўшма корхоналар ташкил этиш йўли билан турли хўжалик фаолияти юритиш учун давлат ва жамоат ташкилотларининг мол-мулкларидан фойдаланиш каби ҳаракатларни биргаликда бажариб, ўз тадбиркорлик фаолиятини самарали амалга оширади.

3. Хўжалик юритиш хукуқи ва оператив бошқариш хукуқи асосида тадбиркорлик фаолиятини юритишнинг хусусиятлари

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун иқтисодий манба мулк хисобланади. Тадбиркор ўз фаолиятини мол-мулкка нисбатан хукуқ субъекти сифатида амалга ошириши, шунингдек бундай хукуқ субъекти бўлмасдан, бошқалар, яъни давлат ва жамоат ташкилотларига тегишли бўлган мол-мулк асосида фаолият юритishi мумкин. Тадбиркор мулк хукуқи субъекти бўлмаган тақдирда, бошқаларнинг мулкига нисбатан хўжалик юритиш ва оператив бошқариш хукуқига асосан фаолият юритади. Хўжалик юритиш ва оператив

бошқариш хукукининг мазмуни Фуқаролик кодексининг 71,72, 276-178, 181-моддаларида акс эттирилади.

Мулкий хукукка эга бўлмаган, лекин унга нисбатан хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш хукукига эга бўлган тадбиркор ўз фаолиятини мулкнинг эгаси томонидан белгиланган доирада амалга ошириши лозим. Мулкий хукукка эга бўлмаган тадбиркорга мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш хукуклари мулкдор томонидан берилади. Шундай экан, тадбиркор унга берилган хукукларни амалга оширишда факат ўзининг эрки ва манфаати эмас, балки мулкдорнинг эрки ва манбаатларини ҳам хисобга олган ҳолда ҳаракат килади. Мулкка нисбатан хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш хукукига эга бўлган тадбиркор фойда олиш мақсадида турли хўжалик фаолияти билан шуғулланади, бу борада эркин ташаббус кўрсатиб ҳаракат қилади, ўз фаолиятининг натижалари ва мажбуриятлари бўйича шахсан ўзи жавобгар бўлади.

Хар қандай шаклдаги тадбиркорлик, биринчидан, мулк эгасининг ишлаб чиқариш жараёнида шахсан бевосита иштирок этиши, иккинчидан, бошқа фуқароларнинг меҳнатини қўллаш, яъни ундан фойдаланишга асосланган бўлиши мумкин. Лекин бундан тадбиркорлик факат мулк эгасининг бевосита меҳнатига ёки факат бошқа фуқаронинг меҳнатига асосланган бўлиши мумкин, деган хulosага келиш конунда назарда тутилган қоидаларга зид бўлар эди.

Тадбиркорлик шахсан мулк эгасининг ўзининг меҳнатда қатнашишига ёки ёлланма меҳнат қўллашга ва шунингдек, ўзининг ҳамда ёлланма меҳнатнинг биргаликда қўшиб амалга оширилишига асосланган бўлиши мумкин.

Тадбиркорлик мулк эгасининг ишлаб чиқариш жараёнида, яъни, ўз фаолиятини амалга оширишда бевосита ўзининг иштирок этиши - бу тушунарли масала. Лекин унинг ёлланма меҳнат асосида, яъни, бошқа фуқароларнинг меҳнатидан фойдаланиш йўли билан фаолият юритиш ҳақидаги қоида ижтимоий ҳаётда ва шунингдек, конунчилик соҳасида янги воқеадир. Чунки ўтмишда фуқарога ёлланма меҳнатдан фойдаланишга йўл қўйилмаган,

бундай хукук корхона ва ташкилотларга берилган. Фуқароларга ёлланма меҳнатни қўллаш хукуки биринчи марта Ўзбекистон Республикасининг “Мулкчилик тўғрисида”ги Қонунида хусусий мулкчилик жорий қилиниши билан вужудга келди.

Мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган бозор иқтисодиётiga ўтища хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришни турли хил шакл ва усувларда амалга ошириши муҳим аҳамиятга эга. Улар ичиза тадбиркорлик фаолияти туфайли мулкчилик хукукий муносабатлари шаклланиб, мулкдорга даромад келтиради.

Фарб иқтисодида «тадбиркорлик» тушунчаси XVIII асрда пайдо, бўлиб, у кўпинча «мулкдор» ибораси билан бир хилда тушунилган. Хусусан А.Смит тадбиркорни фойда олиш учун қандайдир тижорат гоясини амалга ошириш мақсадини кўзлаб таваккалчилик билан иш кўрувчи мулкдор, деб ҳарактерлайди. Бу фикрга тўлиқ қўшилиб бўлмаса-да, унда маълум даражада асос бор. Чунки тадбиркор даставвал ўз мулкига асосланаб, фаолият олиб боради.

Ҳар қандай жамиятнинг иқтисодий асосини мулкий муносабатлар ташкил этади. Мулк иқтисодий категория бўлиб, жамиятнинг базисини ташкил этади. Мулк бирламчидир. Мулк моддий неъматларни ўзлаштириб олишининг юридик шакли сифатида жамиятга катта таъсир кўрсатади. Хукук эса, мулкни иқтисодий муносабатларда юридик мустаҳкамлайди.

Мулкнинг ўзи нима? Бу саволга жавоб топишдан олдин мулкчилик муносабатларига қисқача тўхталиб, уни тавсифлаб бериш ўринлидир.

Биринчидан, бу муайян ишлаб чиқариш муносабатлари, (яъни, ишлаб чиқариш жараёнида одамлар ўртасида вужудга келадиган, унинг дастлабки шарти ва натижасининг муносабатидир. *Иккинчидан*, одамларнинг моддий неъматларини, энг аввало ишлаб чиқариш воситаларини (унинг шартшароитларини), шунингдек ишлаб чиқариш фаолияти натижаларини бевосита ўзлаштириб олиш соҳасидаги иқтисодий муносабатларидир. *Учинчидан*, мазкур муносабатларнинг моҳияти моддий неъматларнинг муайян шахслар ёки

уларнинг жамоалари томонидан ўзлаштириб олинганлиги ва ўз ихтиёрига ўтказиб олганлиги ҳолатидан иборатdir.

Мулкчилик муносабатларидан келиб чиқиб, мулк ҳам бир неча маъноларда қўлланилади. *Биринчидан*, мулк-табият бойликларини ҳамда ишлаб чиқариш фаолияти натижаларини шахслар томонидан ўзлаштиришнинг ижтимоий шакли; *иккинчидан*, мулк бирор ашёга нисбатан шахслар ўртасида бўладиган ўзаро муносабатларнинг натижаси; учинчидан, мулк муайян шахсга тегиши бўлган айрим ашёлар ёки муносабатларнинг негизини ташкил этувчи мулкчилик муносабатларини муҳофаза қилиш ва уни мустаҳкамлашга қаратилган нормалардан иборатdir.

Мулкчилик муносабатларининг хуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгиланган (36, 53-55 моддалар). Конституциянинг 53-моддасига кўра, «Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган, Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилмалих шакллардаги мулк ташкил этади».

Давлат истеъмолчиларнинг хуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг хукуклилигини ва хуқукий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлади.

Мулкчилик муносабатларини хуқуқий тартибга солиш Фуқаролик кодексида ҳам мустаҳкамланган.


Ўзбекистон Республикаси «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Конуннинг 3-моддасида тадбиркорлик фаолиятига тушунча берганда тадбиркорлик субъектлари ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолият деб ифода этилган. Конунда белгиланганидек «тадбиркорлик фаолияти тадбиркорлик субъектларининг ўз мол-мулки асосида ва (ёки) жалб этилган мол-мулк асосида амалга оширилиши мумкин» (15-м).

Демак, тадбиркорлик субъектининг мулкини биз Конунга асосан иккисига ажратишимиш мумкин. Биринчиси, тадбиркорлик субъектининг мулк

хуқуки асосида ўзига тегиши бўлган мол-мулклари; иккинчisi, тадбиркорлик субъектининг тадбиркорлик фаолиятига жалб этилган мол-мулклар.

Мулк хуқуки деб (Фуқаролик кодексининг 164-моддасига асосан) шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хохиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек, ўзининг мулк хуқукини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишини бартараф этишни талаб қилиш хуқукига айтилади.

Тадбиркорлик субъектининг мол-мулкка бўлган хуқуки мулк хуқуки нормалари билан тартибга солинади. Шундай экан, тадбиркорнинг эгалигидаги мол-мулк унга мулк хуқуки асосида тегиши бўлганда, унинг обьектлари таркибига мулк хуқукининг обьектлари киритилади. Улар жумласига ер, ер ости бойликлари, бошқа табиий захиралар, бинолар, иншоотлар, транспорт воситалари, механизмлар, асбоб-ускуналар, хом ашё ва маҳсулот, пул, қимматли коғозлар ва бошқа мол-мулк, шунингдек интеллектуал мулк обьектлари киради.



Тадбиркорлик субъектларининг мулкий хуқукининг яна бир кўринишига бу бошқа ашёвий хуқуқлар асосида унга тегиши бўлган мол-мулклар бўлган титул хуқуқидир. Унда тадбиркор мулкдор бўлмаган шахсларнинг ашёвий хуқуқларидан фойдаланади: хўжалик юритиш хуқуки ва оператив бошкариш

хукуки; мерос қилиб қолдириладиган ер участкасига умрбод эгалик қилиш хукуки; ер участкасига доимий эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш хукуки;

Хўжалик юритиши ва оператив бошқариш хукуклари ашёвий хукуқнинг турларидан иборат бўлиб, мол-мулкка нисбатан татбиқ қилинади. Ушбу хукукларининг субъектлари (корхоналар) ўз ихтиёридаги мол-мулкка нисбатан мулк эгаси хукуқига эга эмаслар, лекин улар мулк эгаси тузган тартиб бўйича, ушбу мол-мулкдан фақат ўзларининг эмас, балки мулк эгасининг ҳам манфаатларини кўзлаб, уни эгаллайдилар, ундан фойдаланадилар ва уни тасарруф қиласидилар.³⁷

Булардан ташқари, тадбиркорлик субъектларининг мол-мулкка бўлган хукуклари мажбурият хукукий муносабатлар асосида ҳам вужудга келиши мумкин. Яъни, улар билан бошқа шахслар, жумладан, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида тузиладиган шартномалар асос бўлиши мумкин.

Тадбиркор ҳам мулкдор каби мулк хукукининг муддатсизлик хукуқидан фойдаланади. Яъни, тадбиркор ўз мулкидан абадий фойдаланиш, ўз мулк хукукини хоҳлаган вактда тасарруф қилиш хукуқига эга. ҳеч бир шахс тадбиркорнинг мулк хукуқидаги мулкини эгаллаб туриш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш учун муддат белгилаш хукуқига эга эмас.

Хўжалик юритиши хукуки. Бу хукуқ мулк хукуқидан келиб чиқадиган мулкдор мол-мулкидан хўжалик ва бошқа мақсадда фойдаланиши юзасидан юридик шахснинг ашёвий хукуқидир. Хўжалик юритиши хукуки асосида ихтиёрида мол-мулк бўлган унитар корхона бу мол-мулкка қонунларда белгиланган тартибда эгалик қиласиди, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади.

Хўжалик юритиши ва оператив бошқариш хукуклари ашёвий хукуқнинг турларидан иборат бўлиб, мол-мулкка нисбатан татбиқ қилинади. Ушбу хукукларининг субъектлари (корхоналар) ўз ихтиёридаги мол-мулкка нисбатан мулк эгаси хукуқига эга эмаслар, лекин улар мулк эгаси тузган тартиб бўйича

ушбу мол-мулкдан фақат ўзларининг эмас, балки мулк эгасининг ҳам манфаатларини кўзлаб, уни эгаллайдилар, ундан фойдаланадилар ва уни тасарруф қиласидилар.

Хўжалик юритиши хукуки асосида ташкил бўлган корхонага берилган мол-мулк унинг муассис-мулкдори эгалигига мулк хукуқидан чиқарилиб, корхона балансига ўтказилади. Ушбу мол-мулк корхонанинг мустакил мулкий жавобгарлигига берилади ва бошқалар, шу жумладан, мулкдор мулкидан алоҳида ажратилади. Шунинг билан мулкдор мол-мулкка бўлган ўз хукуқининг маълум қисмини хўжалик юритувчи корхонага беради.

Унга асосан хўжалик юритища бўлган мол-мулкнинг эгаси конунга мувофиқ корхона ташкил этиш, унинг фаолият соҳасини ва мақсадларини аниқлаш, уни қайта ташкил этиш ва тутагиши масаласини ҳал қиласиди, корхона директорини (раҳбарини) тайинлайди, корхонага қарашли мол-мулкдан белгиланган мақсадларда фойдаланилиши ва унинг сақланишини назорат қиласиди. Мулкдор корхонанинг хўжалик юритишида бўлган мол-мулкдан фойдаланишдан келган фойданинг бир қисмини олиш хукуқига эга.

Унитар корхона хўжалик юритиши хукуки асосида ўзига қарашли бўлган кўчмас мулкни мулкдорнинг розилигисиз сотишга, ижарага беришга, гаровга қўйишга, хўжалик ширкатлари ва жамиятларининг устав фондига хисса сифатида топширишга ёки бу мол-мулкни бошқача усулда тасарруф этишга хақли эмас.

Корхонага қарашли бошқа мол-мулкни у мустакил тасарруф этади.

Оператив бошқариш хукукининг субъектлари давлат унитар корхоналари ва муассасаларидан иборат (178-м.). Муассасалар давлатга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, юридик шахсларга тегишли бўлиши мумкин. Оператив бошқариш хукукининг обьектлари давлат корхонаси ва муассасаларининг мол-мулки хисобланади.

Оператив бошқариш хукуки мазмун жиҳатидан хўжалик юритиши хукуқига нисбатан анча тор маънода тушунилади. Оператив бошқариш хукуқига эга бўлган шахс ўзига бириктириб кўйилган мол-мулкка нисбатан

³⁷ Раҳмонқулов X. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шархлар. 1-жилд. - Т.: «Иқтисодиёт ва хукуқ дунёси» нашриёт уйи, 1997, 321-322 бетлар.

қонунда белгилаб қўйилган доирада, ўз фаолиятининг мақсадларига, мулқорнинг топшириклариға ҳамда мол-мулкнинг тайинланишига мувофиқ ҳолда эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш хукуқларини амалга оширади. Ушбу мол-мулкка нисбатан мулқорнинг хукуки эса аксинча - анча кенг. Мулқор суд тартибида эмас, балки ўз ҳоҳиши билан ортиқча бўлган, фойдаланилмаётган ёки ноўрин фойдаланилаётган мол-мулкни давлат корхонаси ва муассасасидан олиб қўйиш ҳамда уни ўзи хоҳлаган тарзда тасарруф этиш хукуқига эга. Мол-мулкнинг ортиқча эканлигини ва ундан ноўрин фойдаланилаётганлигини исботлаш вазифаси мулқор ваколат берган орган зиммасига юклатилади.

Оператив бошқариш хукуки асосида унитар корхона, муассаса, мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш хукуқини куйидагича амалга оширади:

- а) қонунда (ўрнатилган) белгиланган доирада;
- б) ўз фаолиятининг мақсадига мувофиқ равища;
- в) мулқорнинг вазифасига мувофиқ равища;
- г) мол-мулкнинг тайинланишига мувофиқ ҳолда.

Оператив бошқариш хукуки мол-мулкнинг унинг эгалигига ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади. Мулкни оператив бошқариш учун корхона билан мулқор ёки у ваколат берган орган ўртасида шартнома тузиш зарурлиги тўғрисида бирон бир коида белгиланмаган. Шунинг учун давлат мулкини бошқарувчи қўмиталар ва органлар томонидан мол-мулкни унитар корхонага оператив бошқаришга берилиши учун шартнома тузишни талаб қилиш мумкин эмас.

4. Тадбиркорлик субъектларининг мол-мулки объектлари: асосий воситалар, пул маблағлари, қимматли қоғозлар, номоддий неъматлар

Тадбиркорлик субъектлари мулкий хукуқнинг объектлари фуқаролик хукуки объектлари билан боғлиқдир. Уларнинг асосий турлари хусусиятига караб, куйидагича таснифланади:

- а) ашёлар;

- б) ишлар;
- в) хизматлар;
- г) интеллектуал (ижодий) фаолият натижалари;
- д) номоддий неъматлар.

Тадбиркорлик субъектлари мол-мулки фуқаролик хукуки обьекти сифатида кўчмас мулкка ва қўчар мулкка бўлинади.

Кўчмас мулк ер участкалари ва ер ости бойликлари, кўп йиллик довдараҳтлар, шунингдек бинолар ва ишоатлардан иборатдир. Улар ўз хусусиятига кўра ер билан боғлиқ мулк сифатида қаралади. Қонун хужжатлари билан бошқа мол-мулклар ҳам кўчмас мулк деб топилиши мумкин. Кўчмас мол-мулкларга нисбатан мулк хукуки ва бошқа ашёвий хукуклар вужудга келиши, бошқа шахсларга ўтиши, чекланиши ва бекор бўлиши албатта давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.



Кўчар мулк - бу мол-мулкнинг ўз фойдали, хўжалик хусусиятларини йўқотмасдан бир жойдан иккинчи бир жойга ўтказиш, кўчиришнинг имконияти бўлган мулклардир. Улар ер билан узвий боғлиқ бўлмаган мол-мулклардир, яъни, стол, стул, телевизор ва бошқалар.

Шунингдек, фуқаролик хукуқининг обьекти сифатида ашёлар куйидаги юридик таснифга эга:

- а) хусусий ва турга хос аломатлари билан белгиланган ашёлар (ФКнинг 87-м.);
- б) бўлинадиган ва бўлинмайдиган ашёлар (ФКнинг 88-м.);
- в) истеъмол қилинадиган ва истеъмол қилинмайдиган ашёлар (ФКнинг 89-м.);
- г) асосий ва мансуб ашёлар; (ФКнинг 90-м.).
- д) мураккаб ашёлар (ФКнинг 91-м.).

Ушбу ашёлардан келадиган ҳосил ва даромадлар ҳам мол-мулк сифатида тадбиркорга тегишли бўлади.

Мол-мулкнинг ҳукукий ҳолати (режими) деганда, мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш бўйича қонун хужжатлари билан ўрнатилган қоидалар (нормалар) йигиндиси тушунилади. Мол-мулкнинг ҳукукий ҳолати (режими) бир қанча омилларга, хусусан, мол-мулкнинг ҳукуқ субъектига тегишилигини белгиловчи юридик титулга, мол-мулкнинг нима мақсадда тайинланишига, хўжалик фойдаланишига боғлиқdir. Тадбиркорнинг мол-мулкка нисбатан мулк ҳукукининг вужудга келиши ва бекор бўлиши, уларга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишининг хусусиятлари мулк шаклларига қараб қонун томонидан ўрнатилади.

Ўзбекистонда Фуқаролик кодексига асосан мулкнинг икки шакли: хусусий мулк ва оммавий мулк шакллари белгиланган. Хусусий мулкнинг субъектлари фуқаролар ва юридик шахслар хисобланади.

Тадбиркорлик фаолиятида фойдаланишдаги мол-мулклар тадбиркор фуқароларга ва бошқа ташкилотларга тегишли бўлади. Юридик шахсларнинг филиаллари ва ваколатхоналари ташкил этилганда таркибий бўлинманинг алоҳида балансида кўрсатилади ва у мол-мулк юридик шахснинг мулк ҳукукида қолади.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари эгалигига мол-мулклар баҳоланиб турилади. Баҳолашнинг ҳар хил усувлари мавжуд: дастлабки, колдиқ, тиклаш,

бозор қиймати бўйича баҳолаш. Баҳолашнинг қайси усулининг танланиши тадбиркорлик фаолиятининг қайси босқичдалиги, мол-мулкнинг тuri, уни ўтказиш мақсадига боғлиқdir.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг мол-мулки уларнинг мажбуриятлари бўйича жавобгарлигини амалга ошириш асоси бўлиб хизмат қиласи. Амалдаги қонун хужжатларига асосан тўлиқ мулкий жавобгарлик белгиланган. Тадбиркорлик субъекти ҳисобланган «фуқаро ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига қарашли мол-мулки билан жавоб беради, қонунга мувофиқ ундирувни қартиш мумкин бўлмаган мол-мулк бундан мустасно» (ФКнинг 25-моддаси). Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган «юридик шахс ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб беради» (ФКнинг 48-моддаси.).

Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда тадбиркорлик субъектлари ўз мол-мулкidan ташқари, бошқа шахсларнинг, жумладан, давлат, муниципал мулкни, бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкларини вактнчалик фойдаланишга олиши мумкин. Ушбу муносабат ижара шартномаси орқали амалга оширилади.

Тадбиркорлар учун кўчмас мулклар ижараси алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Чунки тадбиркор кўчмас мулкни ижарага олганда бира тўла катта қийматга эга мол-мулкдан фойдаланиш имконияти яратилади. Бу унинг ташаббускор фаолиятини ривожлантиришга кенг йўл очиб беради. Шунинг учун тадбиркор ўзининг пул маблагини мол-мулк олишга эмас, балки тадбиркорлик фаолиятига сарф қиласи. Ижара шартномасини тузиш, расмийлаштириш билан боғлиқ қоидалар ФКнинг 34-35-бобларида мустаҳкамланган.

Тадбиркорлар мол-мулкининг ҳукукий ҳолати (режими)ни иккiga бўламиз: *биринчиси*, умумий ҳукукий режим, унга мулк ҳукуки, хўжалик юритиш ҳукуки ва оператив бошқариш ҳукуки тааллукли; *иккинчиси*, мол-мулкларнинг алоҳида турларининг махсус ҳукукий режими, унга фондлар, капиталлар ва захиралар киради.

Хўжалик юритувчи субъектнинг мол-мулклари ва мажбуриятлари бухгалтерия балансида ўз аксини топади. Бухгалтерия баланси тадбиркорнинг (хисобот вактигача бўлган) мулкий ва молиявий аҳволи (холати) ни тавсифлайди. Баланс тадбиркорлик субъектининг хўжалик воситалари хақида маълумот беради. У актив ва мажбуриятлардан ташкил топади.

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги 1996 йил 30 августда қабул қилинган Конунининг 4-моддасига асосан, бухгалтерия ҳисоби обьектлари асосий ва жорий активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал, захиралар, даромадлар ва харажатлар, фойда, заарлар ҳамда уларнинг ҳаракати билан боғлиқ хўжалик операцияларидан иборат.

Тадбиркорлик субъекти мол-мулкларининг хўжалик юритишида мавжуд асосий маблағлар ва номоддий активларнинг ҳамда айланма маблағларнинг ҳуқуқий режими бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчилик ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан чиқарилган Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби стандартлари 5-сони «Асосий маблағлар» (1998 йил 23 сентябрда 491-сон билан Адлия вазирлигига рўйхатга олинган) ва 7-сонли «Номоддий активлар» (1998 йил 20 октябрда 506-сон билан рўйхатга олинган) билан тартибга солинади.

“Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Конунинг 14-моддаси 2-кисмига асосан тадбиркорлик субъектлари тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишига асос ва восита бўлган мол-мулк, шу жумладан, мулкий ҳуқуқлар конун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ҳуқукларнинг белгиланиши, ўзgartирилиши ва бекор бўлиши билан боғлиқ олди-сотди, гаров, ижара ва бошқа битимлар обьекти бўлиши мумкин.

Тадбиркорлик фаолияти билан шугулланаётган тадбиркор ўзининг фуқаролик ҳуқуқларини ФКнинг 9-моддасига асосан амалга оширади. Тадбиркор фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ўз хоҳишига кўра тасарруф этади. Тадбиркорнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари маълум процессуал тартибда амалга оширилади. Фуқаролик ҳуқукини ҳимоя қилишнинг шакли

деганда, шахсларнинг субъектив ҳуқуки ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ўзаро мувофиқлаштирилган ташкилий тадбирлар, тартиблар тушунилади.

Фуқаролик ҳуқуки фанида ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг юрисдикцион ва ноюрисдикцион шакли мавжуд бўлиб, бу фуқаролик ҳуқуқларининг давлат ёки унинг ваколатли органлари томонидан ҳимоя қилинишидир. Ҳимоя қилишнинг юрисдикцион шакли фуқаролик ҳуқуқларини суд орқали ёки маъмурӣ тартибда ҳимоя қилиш мумкинлигини кўрсатади. Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ноюрисдикцион (юрисдикцион бўлмаган) шакли, ҳуқуки бузилган шахснинг фуқаролик ҳуқуқларини давлат ва бошқа ваколатли органларга мурожаат қилмасдан ўзи мустакил ҳимоя қилишидир. Ушбу фуқаролик ҳуқукининг умумий қоидалари бевосита мулкчилик муносабатларига, шу жумладан, тадбиркорнинг мулк ҳуқукини ҳимоя қилишга ҳам тааллуклидир.

Тадбиркорларга ўз ҳуқук ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний қарорлари, уларнинг мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш ҳуқуки кафолатланади.

Мулк ҳуқукини ва бошқа ашёвий ҳуқукларни фуқаролик ҳуқукий ҳимоя қилиш деганда, фуқаролик қонунчилиги нормаларида акс эттирилган, фуқаролик ҳуқуки субъектларининг мулкий ҳуқуқларини бузган, уларни амалга оширишга карши қаратилган тўқсингилларни бартараф этиш ҳамда бу ҳуқуқларни белгилаш ва ҳимоя қилишга доир фуқаролик ҳуқукий усуллар (чоралар) йигиндиси тушунилади.

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Конунинг 18-моддасига асосан, давлат иқтисодий фаолият, тадбиркорлик эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқукий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлади. Ушбу норма тадбиркорлик фаолиятининг эркинлигининг давлат томонидан кафолатланганлигини мустахкамлаб, хар бир шахс тадбиркорлик фаолияти

билан ўз хукукларини эркин амалга оширишда, ўз манфаатларидан келиб чиқиб, ташаббускор фаолият олиб бориш эркинлиги хукукини кафолатлади.

Тадбиркорлик фаолияти хусусий мулк билан узвий боғлиқ, чунки, тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий асосини мулк ташкил этади. Бу унинг хукукий асосларида ҳам ўз аксини топган. Жумладан, жамиятимиздаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи Конституциянинг 53-моддаси 2-қисмида «Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир», деб белгиланиши ва ушбу қоида Қонуннинг 18-моддаси 2-қисмида акс этиши тадбиркорлик субъектларининг хусусий мулкка асосланганлигини ва бу уларнинг асосий иқтисодий ривожланишини ташкил этишини кўрсатади.

Тадбиркор мулқдор сифатида мулкига ўз хоҳишича эгалик қиласди, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Конституцияда мустаҳкамланган юқоридаги қоида қонуннинг 23-моддасида ривожлантирилиб, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг мулки дахлсизdir ва қонун билан муҳофаза қилинади. Мол-мулк мулқдори ўз мол-мулкига нисбатан қонунга зид бўлмаган ҳар қандай харакатни қилишга ҳақли, деб берилган. Тадбиркорлик фаолияти субъектидан унинг мулкини олиб қўйишга, унинг бошқа ашёвий хукукларини бекор қилишга, шунингдек бундай хукукларни чеклашга йўл қўйилмайди, қонунда назарда тутилган баъзи ҳолатлар бундан мустаснодир. Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг мулк хукуки ва бошқа ашёвий хукуклари қонунларда назарда тутилган тартибда ҳимоя қилинади. Тадбиркорлик субъектларининг мулкий хукукларини ҳимоя қилиш Фуқаролик хукуқларини ҳимоя қилишнинг бир кўриниши бўлиб, унга фуқаролик кодексининг 11-моддасида белгиланган фуқаролик хукукларини ҳимоя қилиш усусларининг куйидагилари тегишлидир:

хукуқни тан олиш;

хукуқ бузилишдан олдинги ҳолатни тиклаш ва хукуқни бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини туғдирадиган харакатларининг олдини олиш;

битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш;

давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш;

шахснинг ўз хукукини ўзи ҳимоя қилиши;

бурчни аслича(натура) бажаришга мажбур қилиш;

зарарни тўлаш;

хукукий муносабатни бекор қилиш ва ўзгартириш;

давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қонунга зид ҳужжатини суднинг қўлламаслиги.

Шулар билан биргалиқда фуқаролик қонунчилигига назарда тутилган мол-мулкни ушлаб қолиш, гаров, ипотека каби мажбуриятларни таъминлаш усусларини тадбиркорнинг мулкий хукукларини ҳимоя қилиш усуслари категорига киритиш мумкин.

Тадбиркорнинг мулкий хукукларини ҳимоя қилиш усусларини қўйидаги гурухларга ажратиш мумкин:

1. Мулк хукукини ҳимоя қилишнинг ашёвий-хукукий усуслари. Мулк хукукини ҳимоя қилишнинг ашёвий-хукукий усуслари деб, мулкий хукукларини мутлак субъектив хукуқ сифатида ҳимоя қилиш учун мулқорнинг ўзига тегишли бўлган ашёга нисбатан эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш хукукларини тиклашга ва бу хукукларни амалга оширишга вужудга келадиган тўсиқлар ва бошқа хукуқбузарликларни бартараф этишга қаратиладиган усуслар йигиндисига айтилади.

Ашёвий-хукукий усусларнинг қўйидаги белгиларини кўрсатиш мумкин: хукуқ бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш ва хукуқни бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини туғдирадиган харакатнинг олдини олиш. Ашёвий-хукукий усусларнинг қўйидаги турлари мавжуд:

а) мол-мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олиш (виндикация);

б) мулқорнинг хукуқларини эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган хукуқбузарликлардан ҳимоя қилиш (негатор даъво);
в) мулк хукуқини тан олиш;

Тадбиркорлик субъекти мулқор сифатида ўз мол-мулкини бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олишга ҳақли.

Агар мол-мулк уни бошқа шахсга бериш хукуқига эга бўлмаган шахсдан ҳақ тўлаб олинган бўлса, оловчи буни билмаган ва билиши мумкин бўлмаган (инсофли эгалловчи) бўлса, мол-мулк мулқор томонидан ёки эгалик қилиш учун мулқор берган шахс томонидан йўқотиб кўйилган ёхуд мулқордан ёки у мол-мулкини берган шахсдан ўғирланган ё бўлмаса, уларнинг ихтиёридан ташқаридаги бошқача йўл билан уларнинг эгалигидан чиқиб кетган бўлса, мулқор бу мол-мулкни олган шахсдан талаб қилиб олишга ҳақли.

Агарда мол-мулк суд қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда сотиб юборилган бўлса, мол-мулкни юкорида кўрсатилган асослар бўйича талаб қилиб олишга йўл кўйилмайди.

Агар мол-мулк бошқа шахсга бериш хукуқига эга бўлмаган шахсдан ҳақ тўламасдан олинган бўлса, мулқор мол-мулкини барча ҳолларда ҳам талаб қилиб олишга ҳақли.

Мол-мулк бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олинганда инсофсиз эгалловчи ушбу мол-мулкка эгалик қилган бутун вакт давомида олган ёки олиши лозим бўлган барча даромадларни мулқдорга кайташиб бериши лозим (ФКнинг 229-230-моддалари).

Мулқор мол-мулкига нисбатан ўз хукуқларининг ҳар қандай бузилишини, гарчи бу бузиш эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаса ҳам, бартараф этишини талаб қилиши мумкин.

Мулк хукуқини тан олиш деб, конун хужжатларига мувофиқ бошқа шахслар ёки давлат органи томонидан мазкур мол-мулкнинг маълум бир шахсга тегишли эканлигини эътироф этишга айтилади.

Мулк хукуқини тан олиш конунда кўрсатилган асослар мавжуд бўлганда вужудга келади, масалан, мулқор бўлмаган шахсга эгалик хукуқини вужудга

келтирувчи муддат (ФКнинг 187-моддаси) асосида. Тадбиркор мол-мулкка нисбатан ўзиники каби ошкора ва узлуксиз эгалик қилганда бу мол-мулкка нисбатан мулк хукуқини олади, яъни шу мол-мулкка нисбатан мулқор деб эътироф этилади.

2. Мулк хукуқини ҳимоя қилишнинг мажбурият хукукий усуллари. Мулк хукуқини ҳимоя қилишнинг мажбурият хукукий усуллари деб, мулк хукуқини мутлақ хукуқ сифатида ҳимоя қилувчи эмас, балки фуқаролик хукуқининг бошқа институтлари нормаларидан келиб чиқкан ҳолда ҳимоя қилувчи усулларга айтилади. Ушбу усуллар қаторига қуидагиларни киритиш мумкин: хукуқ бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш ва хукуқни бузадиган ёки унинг бузилиш хавфини туғдирадиган харакатларнинг олдини олиш, битимни хақиқий эмас деб топиш ва унинг хақиқий эмаслиги оқибатларини кўллаш, бурчни аслича бажаришга мажбур қилиш, зарарни тўлаш, неустойка ундириш ва хукукий муносабатни бекор қилиш ёки ўзгартириш.

Мажбурият хукукий усуллар мулк хукуқини тўғридан-тўғри, мутлақ маънода эмас, балки нисбий хукуқ сифатида ҳимоя қиласи. Мулк хукуқини ҳимоя қилишнинг мажбурият хукукий усуллари икки кўринишда бўлади: шартномали муносабатлар - мулқор билан бошқа шахслар ўргасида тузиладиган шартномалар асосида вужудга келадиган мажбуриятларда мулқорнинг мулк хукуқини ҳимоя қилиш, шартномадан ташқари муносабатлар - конун хужжатларида бевосита белгиланган ҳолларда тадбиркорнинг мол-мулкига путур етказилганда ёки у бирон бир бошқача ҳолда шикастланганда унинг хукуқларини ҳимоя қилиш назарда тутилади. Бундай хукуқбузарликлар зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар (деликт мажбуриятлар) институтига бирлашган.

3. Мулк хукуки давлат ҳокимияти ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қарори асосида бекор қилинганда мулқорнинг манфаатларини ҳимоя қилиш. Мулк хукуки давлат ҳокимияти ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қарори асосида бекор қилинганда мулк хукуқини ҳимоя қилиш деб, мулқорнинг хукуклари давлат

ёки бошқа маъмурий органлар томонидан чиқарилган норматив хужжатларга асосан бекор қилинганида уларни химоя қилиш усуллари тушунлади. Бу усулларга куйидагилар киради: давлат органлари ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг хужжатини ҳақиқий эмас деб топиш; давлат органлари ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг конунга зид хужжатини суднинг қўлламаслиги.

Тадбиркорнинг мулкий хукуклари давлат органлари ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг қабул қилган хужжатлари асосида бузилганда, у бузилган хукукларини химоя қилиш учун суд органларига даъво аризаси билан мурожаат қиласди. Суд органлари тадбиркорнинг даъвосига биноан ноконуний қарор қабул қилган органнинг қарорини ҳақиқий эмас, деб топади.

Тадбиркор ўз мулкidan фойдаланганда экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг хукукларини ҳамда конун билан кўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.

Такрорлаш учун саволлар

1. Мулк ҳуқуқи нима?
2. Нима учун мулк тадбиркорлик фаолиятининг шартларидан саналади?
3. Хусусий мулк ва шахсий мулкнинг бир-бiriдан фарқи нимада?
4. Ҳўжалик юритиш ҳуқуқи нимани билдиради?
5. Оператив бошқарув ҳуқуқи нима?

Тавсия этилаётган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси: Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: “Адолат”, 2018 й. – 376 б.
2. Давлетов А. Процессуал хужжатларда юридик атамалардан тўғри фойдаланиш. «Қонун химоясида», 06/2004, 10-12-бетлар.

3. Ўзбекистон Республикаси: мустақил давлатнинг бунёд бўлиши / Қ.А.Аҳмедовнинг умумий таҳрири остида/. – Т.: «Ўзбекистон», 1992.
4. Юридик энциклопедия. Юридик фанлари доктори, профессор У.Таджихановнинг умумий таҳрири остида. – Т.: «Шарқ», 2001.
5. Тадбиркорлик соҳасида маъмурий тартиб-қоидалар бўйича қўлланма. Г.Б.Хидоятов ва бошқа муаллифлар жамоаси. – Т.: НМАК БТ “Шарқ”, 2011.
6. Раҳмонқулов Х.Р., Азизов Х.Т. Тадбиркорлик субъектлари хусусий мулк хуқуқининг фуқаролик-хуқуқий кафолатлари. – Т.: 2013. – 181 б.
7. Дўстов У.Н. «Ҳўжалик (тадбиркорлик) хуқуки» фанидан услубий қўлланмана. – Т.: ТДЮИ, 2003.
8. Бабакулов С.Б. Тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш соҳасидаги ислоҳотлар. – Т.: ТДЮИ, 2012. – 52 б.

8-мавзу. Тадбиркорлик шартномалари

1. Тадбиркорлик шартномаси тушунчаси.
2. Тадбиркорлик шартномаси субъектлари.
3. Тадбиркорлик шартномаларини тузиш ва бажариш.
4. Тадбиркорлик шартномаларини ўзгартириш ва бекор қилиш.

1. Тадбиркорлик шартномаси тушунчаси

Шартнома нима? *Шартнома* – бу фукаролик хукукнан икки ёки ундан ортиқ (жисмоний ёки юридик) шахсларнинг хукуқ ва бурчларини вужудга келтириш, белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги ўзаро келишувидир. Бундай келишувнинг мазмуни ёзма тарзда акс эттирилган хужжат ҳам «шартнома» деб аталади. Шартнома битимнинг бир тури (ЎзР ФК, 102-модда) бўлиб, унинг маънодоши (сионими) сифатида «контракт» сўзи ҳам қўлланилади³⁸. Шартнома – бу хўжалик юритувчи субъектларнинг (мулк шаклидан қатъи назар) ўзаро иқтисодий муносабатларини тартибга солишнинг хукукий воситасидир.

Юқорида келтирилган таърифдан келиб чиқадики, шартномада томонлар ўзаро келишув асосида маълум бир мақсадга эришиш учун ўз зиммаларига хукуқ ва мажбуриятлар оладилар.

Тарафлардан бири шартлашилган муддатда тадбиркорлик фаолияти соҳасида товарларни бериш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш мажбуриятларини оладиган, иккинчи тараф эса товарларни, ишларни, хизматларни қабул килиб олиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини оладиган келишув *хўжалик шартномаси* дейилади³⁹. Хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги шартномалар барча мулк шаклидаги корхоналар ва

тадбиркорларнинг ўзаро иқтисодий муносабатларини ўрнатувчи асосий хукукий хужжат ҳисобланади. Хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида юзага келадиган муносабатларни «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги ЎзРнинг 1998 йил 29 август Конуни тартибга солади. Хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишда юзага келадиган муносабатлар факат юқорида тилга олинган қонун билангина эмас, балки ЎзРнинг ФК ва бошқа қонун хужжатлари билан ҳам тартибга солинади. Хўжалик шартномаси фукаролик-хукукий шартнома бўлиб, унга нисбатан ФКнинг битимлар ва шартномаларга доир барча нормалари тадбиқ этилади.

«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги Конун (4-модда) ва ЎзРнинг ФКга (1-модда) кўра, хўжалик юритувчи субъектлар (юридик ёки жисмоний шахс) шартнома тузишда эркинлар. ЎзР ФКнинг 1-моддасида фукаролик-хукукий муносабатлар иштирокчиларининг тенглиги, фукаролар (жисмоний шахслар) ва юридик шахслар шартнома асосида ўз хукуқ ва бурчларини белгилашда ва қонун хужжатларига зид бўлмаган ҳар қандай шартнома шартларини аниqlашда эркин эканлиги фукаролик хукукининг асоси сифатида таърифланади. Дарҳакикат, фукаролар ва юридик шахслар шартнома тузишда эркин эканлар, улар нима тўғрисида ва ким билан шартномавий муносабатларга киришишини эркин танлашлари, мажбуриятларнинг амалдаги қонунларга зид бўлмаган ҳар қандай шартларини мустақил белгилашлари мумкин. Шартноманинг шартлари, агар қонун хужжатларида бошқача белгиланмаган бўлса, тарафларнинг хоҳиши бўйича белгиланади. Шартнома тузишда фукаролар ва юридик шахслар эркинлигининг моҳияти ФКнинг 354-моддасида ёритилган. Шартнома тузишга мажбур қилиш тақиқланади. Албатта, бунда истисно ҳолат бор. Агар шартнома тузиш мажбурияти қонун хужжатларида ёки зиммага олинган мажбуриятларда назарда тутилган бўлса, шартнома тузиш шартдир. Масалан, агар тегишли маҳсулот турига давлат бурютмаси берилган бўлса, давлат эҳтиёжлари учун

³⁸ Юридик энциклопедия. Юридик фанлари доктори, профессор У.Таджихановнинг умумий таҳрири остида. – Т.: «Шарқ», 2001, 542-бет.

³⁹ «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги Конун, 3-модда. Каранг: www.lex.uz.

махсулот етказиб бериш шартномасини тузиш мажбурийдир. Хўжалик шартномаси фуқаролик-хукуқий шартноманинг бир кўриниши бўлганлиги сабабли шартнома тузиш эркинлиги принципи ФҚда белгиланган қоидаларга ва тегишли қонун нормаларига асосланади.

Хўжалик шартномаларининг ролини оширишда 1998 йил 29 августда ЎзР Олий Мажлиси XII сессиясида қабул қилинган «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукуқий базаси тўғрисида»ги Қонун муҳим роль ўйнади. Мазкур қонун ЎзР Олий Мажлисининг карори асосида 1998 йилнинг 1 ноябридан амалга киритилди.

Мазкур қонунда хўжалик шартномаси тушунчаси (3-модда), субъектлари (5-модда), шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш (2-боб) жараёнларида юзага келадиган муносабатларни хукуқий тартибга солиши, шартномавий муносабатларнинг асосий принциплари (4-модда), субъектларнинг хукуқ (6-модда) ва мажбуриятлари (7-модда) ва шартномани бузганлик учун жавобгарлик (5-боб), талабнома ва даъво аризаларини тақдим этиши тартиби ва муддатлари (3-боб), шунингдек хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматининг ёки ишга жалб этилган адвокатларнинг шартномани тузиш ва бажаришдаги вазифалари (20-модда) белгилаб берилган.

Қонунда маҳаллий давлат ҳокимияти ҳамда давлат бошқарув органлари, прокуратура ва адлия органларининг шартномавий муносабатларга оид ва хўжалик шартномалари тўғрисидаги қонун хўжжатларига риоя этилишини назорат қилиш бўйича ваколатлари (8-9-моддалар) мустаҳкамлаб кўйилган.

Хўжалик шартномалари юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкий, номулкий ҳукуқ ва мажбуриятлари вужудга келишининг асосларидан бири хисобланади. Шунга кўра, тадбиркорлик фаолиятини тартибга солища шартномалар асосий восита саналади ва уларнинг аҳамияти ҳам шу билан белгиланади. Шартномаларсиз тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни тасаввур қилиб бўлмайди. Тадбиркор ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти жараёнида муайян шартномалар тузади.

Бозор муносабатлари субъектларининг ўзаро муносабатлари қонун

хўжжатлари ва ўзаро келишув бўйича тузилган шартнома шартлари билан тартибга солинади. Уларнинг тижорат ютуқлари, аввало, бундай келишувлар қандай тузилганлиги ва расмийлаштирилганлиги билан боғлик. Булар айнан шу шартномада тарафларнинг хукуқ ва мажбуриятлари, уларнинг жавобгарлиги, баҳоси, муддати, хисоб-китоб қилиш тартиби ва бошқаларни белгилашдан иборат.

Шартнома тарафларнинг ўзаро келишуви сифатида куйидаги белгиларига эта:

- 1) томонлар ўз эркини ихтиёрий ифодалайдилар;
- 2) шартнома мазмунини ташкил этувчи барча шартлар бўйича томонларнинг розилиги;
- 3) томонлар ўз мажбуриятлари юзасидан ҳаракатларини, қоидатарикисада, ҳақ эвазига бажарадилар;
- 4) шартнома муносабатларида томонлар тенгdir;
- 5) шартномани ижро этишининг юридик кафолати мавжуд;
- 6) шартнома мажбуриятларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланади.

Шундай қилиб, шартнома:

биринчидан – томонлар ўртасида мажбуриятлар келиб чиқишининг асосидир,

иккинчидан – барча хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолиятини режалаштиришнинг асосидир,

учинчидан – томонлар ўртасидаги мулкий муносабатларни амалга оширишнинг хукуқий шаклидир⁴⁰.

Тарафлар қонун хўжжатларидан назарда тутилмаган шартномаларни, шунингдек турли шартномаларнинг элементларини ўз ичига оладиган аралаш шартномаларни ҳам тузишлари мумкин.

⁴⁰ Хўжалик шартномаларига оид қонун хўжжатлари ва шартномалар намунавий шакллари тўплами. ЎзР Адлия вазири Сироқиддин Мирсафоевнинг таҳрири остида. Тузувчилар: Д.Р.Матрасулов, Х.М.Содиков, Ф.К.Киличев, Т.Шоҳназаров, Б.Т.Қўчкоров, Б.Эшматов. – Т.: «Адолат», 1998, 4-бет.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири – бу хўжалик шартномаларининг аҳамиятини ошириш ва шартномавий муносабатларни хукуқий тартибга солишни таомиллаштиришдан иборат. Бунинг тасдиғи сифатида ЎзРнинг ФКга мурожаат килинганда шартномалари хукуқий тартибга солишига доир моддаларнинг кенг кўламда киритилганлигига амин бўлиш мумкин. Бундан ташқари юкорида тилга олинган қонун ҳам шартнома муносабатларини мувофиқлаштириш мақсадларига хизмат қилмоқда.

Хўжалик шартномаси ўзига хос хусусиятларга эга. Булар қўйидагилардир:

- 1) Шартнома фақат тадбиркорлик фаолияти соҳасида (фойда олиш мақсадида) тузилади.
- 2) Шартнома юридик шахслар ва якка тартибда фаолият юритувчи тадбиркорлар ўртасида тузилади.
- 3) Шартнома товарларни етказиб бериш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш тўғрисида тузилади.
- 4) Шартнома фақат ёзма тарзда тузилади.

2. Тадбиркорлик шартномаси субъектлари

«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасида *хўжалик шартномасининг субъектлари* кўрсатилган. Унга кўра, юридик шахслар, шунингдек юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахслар хўжалик шартномаларининг субъектлари (тарафлари) хисобланади.

Хўжалик шартномаси томонлари қўйидаги хукукларга эга (юкоридаги қонуннинг 6-моддаси):

- 1) Хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа

хужжатларни сураш ва олиш;

2) Хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ масалалар юзасидан эксперктларнинг ёзма хulosаларини сўраш ва олиш, мутахассислар билан маслаҳатлашиш;

3) Давлат органлари ва бошқа органларга, мансабдор шахсларга илтимосномалар билан мурожаат этиш ҳамда шикоятлар бериш ва улардан асослантирилган ёзма жавоблар олиш;

4) Бошқа тарафнинг иқтисодий аҳволи, нуфузи ва ишчанлик жиҳатлари хусусидаги маълумотларни тўплаш;

5) Хўжалик юритувчи субъектларнинг хукуклари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишининг қонунда назарда тутилган воситалари ва усуулларини кўллаш.

Хўжалик шартномасининг тарафлари қонун хужжатларида ва шартномада назарда тутилган ўзга хукукларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ

Намунавий шартнома
(умумий вариант)

—сон ШАРТНОМА

«___» ____ 20 ____ й.
(шахар, туман ва кишлоқ)

(юқ юковичи идора, корхона, муассаса, ташкилот номи, жисмоний

шахснинг Ф.И.О.)

Бундан бўён матнда «Сотувчи» деб аталувчи,
номидан _____ асосан фаолиятини амалга оширувчи, бир
(мансиби, Ф.И.О.)

томондан ва

(юковичи идора

корхона, муассаса, ташкилотнинг номи, жисмоний шахснинг Ф.И.О.)

бундан бўён матнда «Олувчи» деб аталувчи,

номидан _____
(мансаби, Ф.И.О.)

асосан фаолият кўрсатувчи, иккинчи томондан, қўйидагилар тўғрисида ушбу шартномани тузиши.

1. Шартнома предмети

1.1. «Сотувчи» ўзига тегишли мол-мулкни «Олувчи»нинг мулки килиб (доимий хўжалик юритувчи ёки бутунлай бошқарувига) беради, «Олувчи» эса мол-мulkning хаки тўлангандан кейин олиш мажбуриятини олади.

1.2. Мол-мулк тўғрисида маълумот:

номи, сони ва бутлаш _____
(мезон кўрсатувчи ва техник шароитлари ва бошқалар)

тайёрловчи _____
(корхона ёки ташкилотнинг тўлик номи)

ўлчов бирлиги _____
суммаси (хар бир сонига) _____

сон бирлиги _____
фойдаланиш кафолат муддати (сақлаш, истеъмол қилиш) _____

2. Шартнома нархи, баҳоси, суммаси (қиймати)

2.1. Шартнома баҳоси _____ сўмни ташкил қилади.

2.2. Шартнома нархи ўз ичига _____

3. Тўлов шартлари

3.1. Ушбу шартнома бўйича тўлов _____
(бер вактнинг ўзида ёки олдиндан

аванс тўлаш ва бошқалар кўрсатилади)

3.2. Тўлов тури _____
(тўлов талабномаси, тўлов топширикномаси, чек аккредитив ва бошқалар)

4. Мажбуриятларниң бажарилиш муддати

4.1. Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган мол-мулк «Олувчи»га шартнома имзолангандан кейин _____ кунлик вақт ичига берилиши шарт.

4.2. «Олувчи» қўйидаги муддатларда тўловни амалга оширади:

4.3. Шартноманинг амал қилиш муддати:
да бошланди.
да тугатади.

5. Тарафлар мажбуриятлари

5.1. «Сотувчи» мажбурияти:

5.1.1. Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида «Олувчи»га мол-мулкни бериш;

5.1.2. Тегишли даражада сифатли маҳсулот юборилганлиги тўғрисида билдириш (хабарнома) олгандан сўнг сифатли бўлмаган мол-мулкни _____ кун ичига алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 2-бандига асосан сифатли бўлмаган мол-мулк баҳосини қайтариб бериш.

5.2. «Олувчи» мажбурияти:

5.2.1. Маҳсулотни қабул қилиш далолатномасини тузган ҳолда ушбу шартномада ва конун хужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига караб муддатида маҳсулотни қабул қилиб олиш.

5.2.2. Тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулк келиб тушгани аниқлангандан кейин, бу ҳадда далолатнома ёзилиб, _____ соат ичига сотувчини огоҳлантириш.

5.2.3. Мол-мulkning баҳосини ушбу шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда тўлаш.

6. Тарафлар жавобгарлиги

6.1. Мол-мулк бериш вақтига риоя қилмаганлиги учун айборд тараф бошка тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва миқдорда жарима тўлади.

6.2. «Сотувчи» мол-мулкни тўлиқ етказиб бермаганлиги учун «Олувчи»га етказиб берилмаган хар кун учун мол-мулк баҳосидан фоиз жарима тўлади.

6.3. Шартнома талабларида кўрсатилган сифатлардаги хамда бутлашдаги мол-мулк берилмаган бўлса, айборд тараф миқдорида жарима тўлади.

6.4. Тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулкни ўз вақтида алмаштиришдан бош тортса, «Сотувчи» _____ сўм

миқдорда жарима тўлади.

6.5. Мол-мулк учун сотиб олувчи ўз вақтида ёки тўлиқ тўловни маблағ миқдоридан _____ фоиз устами жарима тўлади, лекин _____ миқдордан ошиб кетмаслиги керак.

6.6. «Сотувчи» омборидан ўз вақтида мол-мулк олиб чиқиб кетилмаса, агар бу томонларнинг келишувига асосан кўзда тутилган бўлса, «Олувчи» хар бир ўтказиб юборилган кун учун «Сотувчи»га омборда сақланганлигидан келиб чиқсан зарарни ва _____ миқдорида жарима тўлади.

6.7. Неустойка (жарима) тўлаш тарафларни шартномада кўрсатилган мажбуриятларини бажаришдан озод килмайди.

7. Форс-мажор ҳолатлари

7.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгид бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Уруш эълон килиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер кимирлаши, сув тошқини, ёнгин ва бошқа табиий оғатлар шулар жумласидандир.

7.2. Савдо палатасининг ёки бошқа тегишли идоранинг берган гувоҳномаси ана шундай форс-мажор ҳолатни тасдиқловчи хужжат хисобланади.

7.3. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огоҳлантириши шарт.

7.4. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч уч ой узлуксиз давом этса, тарафлар, бир-бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиши мумкин.

8. Низони ҳал қилиш тартиби

8.1. Ушбу шартномада ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади.

8.2. Тарафларнинг келишуви билан ҳал қилиб бўлмайдиган низолар қонун хужжатларида белгиланган тартибда хўжалик суди оркали ҳал қилинади.

9. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

9.1. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар факат иккала тараф томонидан ёзма равишда тузилиб, имзо қўйилгандан кейингина юридик кучга эга бўлади.

9.2. Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

10. Бошқа ҳолатлар

10.1. Ушбу шартнома иккала тараф учун бир хил кучга эга бўлиб, икки нусхада тузилган.

10.2. Тарафларнинг бошқа талаблари: _____

10.3. Шартномага илова: _____

Тарафларнинг юридик манзили ва тўлов реквизитлари (маълумотлари)

«Сотувчи»

(индекс манзили, хисоб-китоб)

ва валюта хисоб раками,

лавозими, имзо, Ф.И.О.)

М.Ў.

«Олувчи»

(индекс манзили, хисоб-китоб)

ва валюта хисоб раками,

лавозими, имзо, Ф.И.О.)

М.Ў.

3. Тадбиркорлик шартномаларини тузиш ва бажариш

Хўжалик шартномасини тузши. Шартнома тузишида қуйидагиларга алоҳида эътибор берилиши лозим:

- 1) шартнома предмети ва унинг оқибатини аниқ тасаввур қила билиш;
- 2) етказиб бериладиган товарнинг (бажариладиган ишнинг, кўрсатиладиган хизматнинг) миқдори, сифати, ассортименти ва баҳосини акс эттириш оркали, олинган товарларни кайта сотиш ва ишлаб чиқиша зарар кўрмаслик;
- 3) шартноманинг бажарилиш муддати, ҳисоб-китоб қилиш тартиби, томонларнинг мажбуриятлари;
- 4) шартнома шартлари ва мажбуриятлари тўла ёки қисман бажарилмаганда томонларнинг жавобгарлиги, ўртада юзага чиқкан низоларни ҳал этиш тартиби ҳамда тарафларнинг реквизитлари (манзиллари), шартнома тузилган сана ва жой, қонунларга зид бўлмаган бошқа шартларни акс эттириш;
- 5) низо чишишининг олдини олиш мақсадида шартномада унинг шартлари аниқ ва равшан ифодаланиши, шартларнинг томонлар имкониятига мос келиши;
- 6) шартнома лойиҳасидаги қоидалар тўғрисида хуқукий маслаҳатчининг фикрини билиш;
- 7) шартноманинг фақат ваколатли шахс томонидан имзоланишини

таъминлаш.

Тарафлар амалиётда шартномавий муносабатларда қўлланма бўлиб хизмат қиласиган шартномаларнинг намунивий шаклларидан фойдаланадилар. Бу, албаттa муйян шартномани тузиш жараёнларини кисқартиради. Ҳар қандай шартнома қонун хужжатлари талабларига ва томонларнинг мақсад ва манфаатларига мос равишида тузилиши керак.

Хўжалик шартномасини тузилиш жиҳатидан шартли равишида тўрт кисмга ажратиш мумкин:

- 1) кириш;
- 2) шартнома предмети, тарафларнинг ҳуқук ва мажбуриятлари;
- 3) шартноманинг қўшимча шартлари;
- 4) шартноманинг бошқа шартлари.



Хўжалик шартномасининг **кириш қисмида** қўйидагилар кўрсатилиши лозим:

1. Шартноманинг номи. Шартнома, одатда, маълум бир предмет юзасидан тузилади. Шартномани тузишда шартноманинг аниқ бир турини белгилаш ва бу шартнома номида ифодаланиши лозим. Масалан, олди-сотди шартномаси, маҳсулот етказиб бериш тўғрисидаги шартнома, хизмат кўрсатиш бўйича шартнома, иш бажариш юзасидан шартнома, ижара шартномаси, кредит шартномаси, транспорт воситаларининг ижараси шартномаси, курилиш пудрати тўғрисидаги шартнома ва бошқалар.

2. Шартномани имзолаш санаси ва жойи. Ҳар бир шартномада тегишли шартноманинг тузилган санаси кўрсатилади, чунки шартномага қўйилган сана, агар унда ўзгача қоида белгиланган бўлмаса, имзоланган пайтдан кучга киришини билдиради ва бажариш муддатлари учун муҳим ўрин тутади. Шартнома тузилган вақт – белгиланган шаклдаги келишувга эришилган сана бўлиб хисобланади. Шартнома имзоланган жойнинг кўрсатилиши ҳам ҳукукий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга.

3. Шартнома тарафларининг тўлиқ номи, шартнома бўйича тарафларнинг аталиши. Шартнома матнини тузишда қулайлик бўлиши учун томонлар номланиши лозим. Масалан, маҳсулот етказиб бериш шартномасида – «маҳсулот етказиб берувчи» ва «сотиб олувчи», ижара шартномасида «ижара олувчи» ва «ижара берувчи» ва хоказо.

4. Шартномани имзолаётган шахснинг мансаби ва тўлиқ насл-наслаби. Юридик шахс номидан шартнома тузилаётганда уни имзолаётган мансабдор шахснинг фамилияси, исми-шарифи кўрсатилиши керак.

5. Шартномани имзолаётган шахсга шартномани имзолаш ҳуқукини берувчи хужжат (низом ёки ишончнома). Юридик шахс номидан шартнома тузилаётганда уни имзолаётган мансабдор шахснинг ваколатини тасдиқловчи хужжат кўрсатилиши керак. Агар корхона раҳбари томонидан ишончнома асосида шартнома тузишга ваколат берилган бўлса (корхона бош хисобчисидан ва бошқалардан ташқари), ишончнома ва бошқа тегишли маълумотлар кўрсатилади. Амалдаги қонун хужжатлари ва корхона низомига биноан шартномани тўғридан-тўғри, ишончномасиз имзолашга фақат унинг раҳбарига ҳуқук берилади. Раҳбар ўринbosарларидан бирига ва бошқа шахсларга бундай ваколат ФКнинг 138-моддасига мувофиқ, юридик шахснинг ишончномаси асосида юклатилади: «*Юридик шахс номидан бериладиган ишончнома раҳбар томонидан имзоланиб, унга уибу юридик шахснинг муҳри босилади*» (ЎзР ФК, 138-модда, 1-кисм).

Агар тарафлардан бири (контрагент) корхонанинг раҳбари бўлса, унинг ваколатини тасдиқлаш учун гувоҳномадан ташқари лавозимга тайинланганлиги

тўғрисидаги буйруқдан нусха бўлиши керак. Буйруқ нусхаси ўрнига корхона мулқорларининг мажлис баённомасини ҳам кўрсатиш мумкин.

Хўжалик шартномасининг предмети ҳамда тарафларнинг ҳуқук ва мажбуриятларига бағишлиган иккинчи қисмида куйидагилар кўрсатилиши лозим:

1. Шартнома предмети.
2. Биринчи тарафнинг шартнома бўйича ҳуқук ва мажбуриятлари.
3. Иккинчи тарафнинг шартнома бўйича ҳуқук ва мажбуриятлари.
4. Тарафларнинг ўз мажбуриятларини бажариш муддатлари.
5. Тарафлар мажбуриятларини бажариш жойи.
6. Тарафлар мажбуриятларини бажариш усуслари (харакатлар тартиби, кетма-кетлиги ва ҳ.к.).

Ушбу шартларнинг мазмуни шартноманинг турига ва унинг қандай холатга нисбатан тузилишига боғлик бўлади, ФК ва амалдаги норматив хужжатлар қоидалари асосида шаклланади.

Хўжалик шартномасининг **кўшимча шартларига** куйидагилар киради:

1. Шартномани амал қилиш муддати. Тарафларнинг шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш муддатлари кўрсатилган тақдирда ҳам хўжалик шартномаси амал қилиш муддатининг кўрсатилиши мақсадга мувофиқdir. Бу холат шартноманинг амал қилиш муддати качон тугашини билиш ва тарафлар шартномани бажаришдан бош тортганлик учун талабнома ва даъво қилиш муддати бошланишини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Бу шарт иккинчи томон шартномани бажаришни рад этган тақдирда тегишли талабнома (претензия) киритиш ва жарима, пеня ундириш, келтирилган зарарни қоплатиш учун имконият яратади. Шартномани бажариш муддатлари ЎзР ФКнинг 242-244-моддаларида белгиланган тартибда аниқланади.

2. Тарафларнинг жавобгарлиги. Шартнома шартлари бузилган тақдирда тарафларнинг ўз мажбуриятларини бажаришларини таъминлаш мақсадида шартномада тарафларнинг жавобгарлиги кўзда тутилади. Одатда, ҳар бир шартномада жавобгарлик келишилган шартларнинг бирини бажармаган

тарафга нисбатан неустойка (жарима, пеня) кўринишида жазо белгиланиши билан ифодаланади.

3. Мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуслари. Хўжалик шартномасининг кўшимча шартларидан яна бири – бу мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуслари. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ хўжалик шартномасининг бажарилиши неустойка, гаров, қарздорнинг молмушкини ушлаб қолиш, кафиллик, кафолат, закалат ҳамда конун хужжатларида ёки шартномада назарда тутилган бошқа усуслар билан таъминланиши мумкин.
4. Шартномани бир тарафлама бекор қилишнинг асослари ва оқибатлари. Одатда хўжалик шартномаси факат тарафларнинг келишувига мувофиқ бекор қилиниши мумкин, аммо тарафлар шартномада уни бир тарафнинг ташаббуси билан ҳам бекор қилиш тўғрисидаги шартларни киритишига хақли. Хўжалик шартномасини бажаришдан бир тарафлама бош тортишга йўл кўйилмайди, конун хужжатларида ёки шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.
5. Шартнома бўйича маълумотларни сир саклаш. Шартномада унинг қайси шартлари сир сакланиши ва тарафлар томонидан ошкор қилиниши мумкин эмаслиги белгилаб кўйилиши мумкин.
6. Низоларни ҳал қилиш тартиби. Республикаизда иқтисодиёт ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган низоларни ҳал қилиш хўжалик судлари судловига тааллуқлидир. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ёки келиб чиқиши мумкин бўлган ҳамда хўжалик судига тааллуқли бўлган низо тарафларнинг келишувига биноан ҳакамлар судида қуриш учун топширилиши мумкин. Қоида тариқасида, даъволар жавобгар жойлашган жойдаги хўжалик судига тақдим этилади. Аммо даъвони жавобгар жойлашган жойда тақдим этиш ва даъвогарнинг танлаши бўйича судловга тегишлилик тарафларнинг розилиги билан ўзгарилиши ҳамда низони ҳал қилиши лозим бўлган хўжалик судининг номи шартномада аниқ белгиланиши ҳам мумкин.

Хўжалик шартномасининг мазкур қисми шундай шартларни ўз ичига оладики, уларни шартномада кўзда тутиш мажбурий эмас. Аммо бундай

шартлар мавжуд бўлган тақдирда, улар тарафлар хукуқ ва мажбуриятларига, шунингдек уларни бажариш тартибига сезиларли таъсир кўрсатади.

Хўжалик шартномасининг **тўргинчи қисми** қўйидагиларни ўз ичига олади:

1. Тарафлар ўртасидаги муносабатлар шартномадан ташқари яна нималар билан тартибга солиниши. Тарафлар шартномада ўз зиммаларига олган аниқ мажбуриятларни белгилаб олиши табиий бир холдир. Унга шартнома бўйича тарафлар ўртасидаги барча муносабатларни тартибга солувчи конун нормаларини киритишнинг хожати йўқ. Шунинг учун шартноманинг бошка шарти сифатида одатда, унга қўйидаги жумла киритилади: «*Mazkur шартномада назарда тутилмаган шартлар бўйича тарафлар амалдаги қонунчиликка риоя қиласидар.*»

2. Тарафлар ўртасидаги алоқаларни ўрнатиш тартиби. Тарафлар ўртасидаги алоқаларни ўрнатиш ҳақидаги шартларда ахборот бериш ва шартноманинг бажарилишига тааллуқли бўлган масалаларни ҳал қилинга ваколатли шахслар (исмлари ёки мансаби), шунингдек алоқа турлари (телефон, факс ва х. к.) кўрсатилади.

3. Шартнома тузишдан олдин олиб борилган ишлар ва уларниң шартнома имзолангандан кейинги натижалари. Булар тўғрисидаги бандда тарафлар шартномани тузиш бўйича олиб борилган барча мулокотлар, ёзишмалар, олдиндан келишиб олишлар ва шу мақсаддаги баённомалар ўз кучини йўқотганлигини белгилайдилар. Шартноманинг ана шу бандида, «Тарафлар ушбу шартномани имзолагандан кейин у бўйича барча дастлабки музокаралар, ёзишмалар, дастлабки келишувлар ва шартнома ниятлари тўғрисидаги баённомалар ўз кучини йўқотади», - деб кўрсатилади.

4. Тарафларнинг реквизитлари. Тарафларнинг реквизитларига почта индекси, турар ёки ўрнашган жойи (манзили), хисоб-китоб рақами, банк муассасасининг номи, коди, солик тўловчининг идентификация рақами, юклаш реквизитлари киради ва улар хўжалик шартномасида аниқ кўрсатилиши лозим. Тарафлар ҳақидаги маълумотлар ўзгарган тақдирда бир-бирларини тезда

хабардор қилиш тўғрисида зиммаларига мажбурият олишлари лозим.

5. Шартнома нусхалари сони ҳақидаги маълумот. Шартнома нусхаларининг сони ва унинг ҳақиқийлиги шартномада кўрсатилади. Бу банд, одатда қўйидаги шаклда бўлади: «*Ушбу шартнома тарафлардан ҳар бирни ҳақиқий, бир хил юридик кучга эга бўлган — нусхада (керакли нусхаси кўрсатилади) тузилди.*»

6. Шартнома матнига ўзгартиришлар киритиш тартиби. Шартнома матнига ўзгартиришлар киритиш тартибининг белгиланиши шартномани калбакилаштирилишининг олдини олишга хизмат килади.

7. Тарафлар вакилларининг имзолари. Ҳар бир шартномада маълум бир шахснинг хоҳиш-истаклари баён қилиниши муносабати билан шартнома ўша шахс ёки унинг тўлиқ ваколатга эга бўлган вакили томонидан имзоланади, шунингдек, шартномада юридик хизмат ходими ёки адвокатнинг имзоси бўлиши талаб қилинади. Шартнома тузилганлиги тўғрисида ундаги тарафларнинг имзоси гувоҳлик беради. Тартибга кўра, у корхонанинг раҳбари ёхуд у ваколат берган вакилларининг шахсан қўл қўйиши билан тасдиқланади ва муҳри босилади. Муҳр шартномани имзолаган корхона раҳбарининг ваколатини тасдиқлади, акс холда шартнома ҳақиқий бўлмайди. Амалдаги конун хужжатларида шартноманинг имзоланишига ҳал қилувчи аҳамият берилади. Шунингдек, шартноманинг ваколат берилмаган шахс томонидан имзоланиб, корхона муҳри босилиши уни ҳақиқий деб хисоблашга асос бўлмайди. Шу билан бирга, шартномага муҳр босилмасдан ҳам ваколатли шахс томонидан имзоланиши шартнома тузилганлигига гувоҳлик беради (тасдиқлади). Шартноманинг имзоланиши унинг тузилганлигига тарафларнинг эрки-ихтиёрини ифодалайди ва тарафларда хукуқ ва мажбуриятлар пайдо килади.

ЎзР ФКнинг 365, 367, 370-моддаларига асосан, корхоналар орасида оферта ва акцепт тўғрисидаги қоидалар қўлланилади. Бунда шартномани бир кунда имзолаш имконияти бўлмайди. Ушбу ҳолларда шартнома охирги томон имзолаган пайтдан бошлаб тузилган хисобланади. Хўжалик шартномаси, қоида

тариқасида тарафлардан бирининг оферта (шартнома тузиш ҳақида таклиф) йўллаши ва иккинчи тараф уни акцептлаши (таклифни қабул қилиши) йўли билан тузилади.

Агар тарафлар ўртасида шартноманинг барча муҳим шартлари бўйича келишувга эришилган бўлса, хўжалик шартномаси тузилган деб ҳисобланади.

Хўжалик шартномасида ҳисоб-китоб қилиш тартиби белгиланаётганда товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини қонун ҳужжатларида белгиланганидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан тўлаб кўйиш назарда тутилган бўлиши керак. Хўжалик шартномасини тузишида тарафлар тегишли турдаги шартномалар учун ишлаб чиқилган ҳамда хуқукий экспертизадан белгиланган тартибда ўтказилгандан сўнг эълон қилинган ўзларининг намунавий ёки типовой шартларига (шаклларига) амал қилишлари мумкин.

Хўжалик шартномаси ёзма шаклда тузилади. Қонунчиликда шартнома ёзма шаклининг уч хил тури кўрсатилган. Амалиётда шартноманинг оддий ёзма шакли кенг тарқалган бўлиб, у тарафлар имзолаган битта ҳужжатни тузиш йўли билан тузилади.

Хўжалик шартномаси почта, телеграф, телетайп, телефон, электрон алоқа ёки ҳужжат шартномадаги тарафдан чикканлигини ишончли суратда аниқлаш имконини берадиган бошқа алоқа ёрдамида ҳужжатлар алмashiш йўли билан тузилиши мумкин. Агар қонун ҳужжатларига ёки тарафлардан бирининг талабларига зид бўлмаса, битим тузиш чогида имзодан факсимиле усулида нусха кўчириш воситаларидан фойдаланишига йўл кўйилади.

Хўжалик шартномасининг оддий ёзма шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади. Хўжалик шартномаси қонунда кўрсатилган ҳолларда ва тарафлардан бирининг талаби бўйича нотариал тасдиқланиши шарт. Шартномани нотариал тасдиқлаш нотариус ёки бундай нотариал харакатни амалга ошириш хукуқига эга бўлган бошқа мансабдор шахс томонидан шартномани тасдиқловчи устхат ёзиг кўйиш йўли билан амалга оширилади.

Хўжалик шартномаси тузилган пайтдан бошлаб кучга киради ва тарафлар

учун мажбурий бўлиб қолади. Хўжалик шартномасининг амал қилиш муддатини узайтириш ёзма шаклда амалга оширилади. Тарафлар ўzlари тузган хўжалик шартномасининг шартларини уларнинг шартнома тузилишидан олдин вужудга келган муносабатларига нисбатан қўлланилади, деб белгилаб қўйишга ҳақлидирлар. Хўжалик шартномаси шартнома шартларига ҳамда қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ равишда, бундай шартлар ва талаблар бўлмаган ҳолларда эса иш муомаласи одатларига мувофиқ бажарилиши лозим.

ЎзРнинг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқукий базаси тўғрисида»ги қонунида ички хўжалик шартномаларини тузиш коидалари ҳам белгиланган. Ички хўжалик шартномаси, коида тариқасида, хўжалик юритувчи субъект ва унинг таркибий бўлинмалари ўртасида ёки хўжалик юритувчи субъект ва унинг ҳодими (бир гурух ҳодимлари) ўртасида тузилади (16-модда, 1-қисм).

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, хўжалик юритувчи субъектлар маҳсулот етказиб бериш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиши юзасидан ички хўжалик шартномаларининг ўзлари бошқа хўжалик юритувчи субъектлар билан тузган хўжалик шартномаларидан кам бўлмаган ҳажмда тузилишини таъминлашлари шарт (16-модда, 2-қисм).

Ички хўжалик шартномаларига оилавий пудрат, фермер хўжалиги билан ширкат хўжалиги ўртасидаги шартномалар яккол мисол бўла олади. Ички хўжалик шартномалари ўз хуқукий табиатига кўра фукаролик-хуқукий ва меҳнат-хуқукий нормаларининг қоришмасидан иборат шартнома ҳисобланади. Агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ички хўжалик шартномаларига нисбатан ЎзР ФКнинг 353-385-моддаларининг нормалари қўлланилади (16-модда, 3-қисм).

4. Тадбиркорлик шартномаларини ўзгартириш ва бекор қилиш

Хўжалик шартномасини ўзгартириши. Хўжалик шартномаси тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши мумкин. Хўжалик

шартномаси қандай шаклда тузилган бўлса, тарафларнинг уни ўзгаририш тўғрисидаги келишуви ҳам шундай шаклда амалга оширилади. Хўжалик шартномасини бажаришни бир тарафлама ўзгариришга йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларида ёки шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Тарафлардан бирининг талаби билан хўжалик шартномаси хўжалик судининг қарорига биноан факат иккинчи тараф хўжалик шартномасини жиддий равишда бузган ёхуд конунда ёки шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда ўзгаририлиши мумкин. Тарафлардан бирининг хўжалик шартномасини бузиши иккинчи тарафга у хўжалик шартномаси тузишда умид қилишга хоҳиш бўлган нарсадан кўп даражада маҳрум бўладиган килиб зарар етказиши хўжалик шартномасини жиддий бузиш ҳисобланади. Бир тараф шартномани ўзгаририш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки таклифда кўрсатилган ёхуд конунда ёки шартномада белгиланган муддатда, бундай муддат бўлмаганида эса – 30 кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, хўжалик шартномасини ўзгаририш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

Хўжалик шартномасини ўзгаририш ҳақидаги келишувда куйидагиларнинг кўрсатилиши мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Қайси шартнома ўзгаририлади (шартноманинг раками, санаси, номи).
2. Шартномани ўзгаририш сабаблари.
3. Ўзгаририлаётган ёки кўшимчалар киритилаётган шартлар ва уларнинг янги таҳрири.
4. Ўзгаририш киритилгандан кейин аввалги шартларнинг юридик кучини йўқотиши ҳақидаги банд.
5. Ўзгаририш ёки кўшимча киритилишидан олдин мазкур шартлар бўйича юзага келган масалаларни ҳал қилиш тартиби.

Хўжалик шартномасини бекор қилиши. Хўжалик шартномаси тарафларнинг келишувига мувофиқ бекор қилиниши мумкин. Хўжалик шартномаси қандай шаклда тузилган бўлса, тарафларнинг уни бекор қилиш

тўғрисидаги келишуви ҳам шундай шаклда амалга оширилади. Тарафлардан бирининг талаби билан хўжалик шартномаси хўжалик судининг қарорига биноан факат иккинчи тараф хўжалик шартномасини жиддий равишда бузган ёхуд конунда ёки шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда бекор қилиниши мумкин. Хўжалик шартномасини бажаришдан бир тарафлама бош тортишга йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларида ёки шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Тарафлардан бирининг хўжалик шартномасини бузиши иккинчи тарафга у хўжалик шартномаси тузишда умид қилишга хоҳиш бўлган нарсадан кўп даражада маҳрум бўладиган килиб зарар етказиши хўжалик шартномасини жиддий бузиш ҳисобланади. Бир тараф шартномани бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки таклифда кўрсатилган ёхуд конунда ёки шартномада белгиланган муддатда, бундай муддат бўлмаганида эса – 30 кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, хўжалик шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин. Демак, хўжалик шартномалари конунчилик ҳужжатларида ёки шартномада белгиланган ҳолларда бир тарафлама ёки хўжалик судининг ҳал қилув карори билан бекор қилиниши мумкин.

Тарафларнинг шартномани бекор қилиш ҳақидаги келишувига эса куйидаги маълумотлар киритилиши лозим:

1. Қандай шартнома бекор қилинаётганлиги.
2. Қайси вақтдан эътиборан шартнома бекор қилинаётганлиги.
3. Шартнома бекор қилинишидан олдин мазкур шартнома юзасидан вужудга келган масалаларни ҳал қилиш тартиби.
4. Шартнома бекор қилингандан кейин тарафларнинг мазкур шартнома бўйича талаб қилиш ҳукуклари ўз кучини йўқотиши тўғрисидаги банд.

Хўжалик шартномаси тарафларининг мажбуриятлари «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳукукий базаси тўғрисида»ги конунда белгилаб берилган. Конуннинг 7-моддасига кўра, хўжалик шартномаси тарафлари:

1) Хўжалик шартномалари тўғрисидаги қонун хужжатларининг талабларига риоя этишлари;

2) Қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда хўжалик шартномаларининг ўз вақтида тузилишини таъминлашлари;

3) Тузилган хўжалик шартномалари бўйича зиммаларига олган мажбуриятларини ўз вақтида ва тегишли тартибда бажаришлари шарт.

Хўжалик шартномаси тарафлари қонун хужжатларида ва шартномада назарда тутилган бошқа мажбуриятларга хам эга бўлади.

Хўжалик шартномаси шартнома шартларига хамда қонун хужжатларининг талабларига мувофиқ равишда, бундай шартлар ва талаблар бўлмаган ҳолларда эса иш муомаласи одатларига мувофиқ бажарилиши лозим.

Хўжалик шартномасини бажариш жараёни маълум харакатлар тизимидан иборат. Бу тизимни икки босқичга ажратиш мумкин:

1. Хўжалик шартномасини бажаришнинг моддий босқичи.
2. Хўжалик шартномасини бажаришнинг ҳукуқий босқичи.

Хўжалик шартномасини бажаришнинг моддий босқичи иккита ўзаро боғлиқ харакатларни ўз ичига олади:

- а) бир тараф товарларни етказиб беради, тегишли ишни бажаради ёки хизмат кўрсатади;
- б) иккинчи тараф келтирилган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматларни қабул қилиб олади.

Шартномани бажариш муддати, шартномани бажариш жойи, шартноманинг баҳоси, шартномани бажариш усуллари ана шундай талаблар жумласидандир. Хўжалик шартномасини бажариш усули – бу унда белгиланган мажбуриятларни бажариш жараёнида тарафлар амалга оширадиган харакатлар тартибидир. Умумий қоидага кўра, агар мажбуриятларни қисмларга бўлиб бажариш назарда тутилмаган бўлса, шартнома бир мартада тўла бажарилиши керак. Шартнома бўйича тарафларнинг ўзаро мажбуриятлари бир вактда бажарилиши лозим, агар шартномада бошқа ҳолатлар кўрсатилган бўлмаса. Шунинг учун тарафлар хўжалик шартномасини тузишда вужудга келадиган ўз

мажбуриятларини бажариш тартибини аниқ ва пухта, қонун талабларига мувофиқ равишда белгилашлари шарт.

Хўжалик шартномасини бажаришнинг ҳукуқий босқичи. Бу босқичда шартнома бўйича бажарилган иш, кўрсатилган хизмат ёки етказилган товар сон ва сифат жиҳатдан текширилади, шунингдек, бажариш факти хужжат билан тасдиқланади. Шартнома бўйича бир тарафнинг иккинчи тараф олдидаги ўз мажбуриятларини моддий жиҳатдан бажариши унинг ўз мажбуриятларини юридик жиҳатдан бажарганинги англатмайди. Биринчи тараф ўз мажбуриятларини бажарганинги тасдиқловчи хужжат расмийлаштиргандан кейингина иккинчи тараф олдидаги ана шу мажбуриятларидан ҳолос бўлади. Демак, шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятни бажарилганинги тасдиқлаш уни хужжат билан расмийлаштирилишини талаб қиласди.

Хўжалик шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг бажарганинги тасдиқловчи хужжатлар қуидагилар бўлиши мумкин:

- а) товарларни (ишларни, хизматларни) топшириш – қабул қилиб олиш далолатномаси;
- б) банк муассасаси томонидан тасдиқланган ва товарлар (ишлар, хизматлар) ҳаки тўланганлиги ҳакидаги тўлов хужжати;
- в) транспорт ташкилоти томонидан берилган ва товарнинг уни олевчи манзилига жўнатилганлиги ҳакидаги юк хати;
- г) товар сотувчининг омборига топширилгани – қабул қилиб олингани ҳакидаги хужжат;
- д) тегишли бошқа хужжатлар ва гувоҳномалар.

Товарлар одатда, ҳисоб-фактура, рўйхат, ўраш ёрликлари, юк хати ва бошқа кузатув хужжатлари бўйича сонига қараб қабул қилиб олинади. Товарни қабул қилиб олевчи тараф юк ташиш пайтида товарни саклаш қандай таъминланганлигини (пломба ва идишлар бузилмаганлигини, марка белгиси мавжудлигини ва х.к.) текшириб кўради. Товарларни (ишларни, хизматларни) сифатига қараб қабул қилиш етказиб берилган товарнинг (бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматларнинг) сифатини тасдиқловчи хужжатлар – техник


паспорт, сертификат, сифат ҳақида гувоҳнома ва бошқа хужжатлар бўйича амалга оширилади.

Товарни сони ва сифати ҳақидаги қабул қилиш хужжати товар етказиб берувчига нисбатан тегишли эътиrozлар билдириш учун асос бўлиб хизмат килади. Товарларни сони ва сифати бўйича қабул қилиш қоидаларини бузилиши эса билдирилган талабнома ва даъволарни рад қилинишига олиб келади. Хўжалик шартномалари бўйича мажбуриятлар бажарилганлигини расмийлаштиришнинг яна бир усули – айни бир тарафларнинг бир-бирига боғловчи икки ёки ундан ортиқ мажбуриятларни бажариш шакли бўлган ўзаро талабларни хисобга ўтказишdir. Бунда бир тарафнинг талабларини қаноатлантириш бошқа мажбуриятдан келиб чиқувчи қарши тараф талабларини бажариш йўли билан амалга оширилади.

Куйидаги шартларга риоя қилинганда ўзаро талабларни хисобга ўтказиш мумкин бўлади:

- а) ҳар икки тарафнинг бир-бирига нисбатан талаблари бўлиши;
- б) талаблар бир-бирига ўхшаш бўлиши;
- в) мажбуриятларни бажариш муддати келган бўлини лозим. Хисобга ўтказиш тарафларнинг келишувига мувофиқ баённома ёки икки тараф ўртасида тузиладиган бошқа хужжат ёхуд тарафлардан бирининг аризаси шаклида расмийлаштирилиши мумкин.

Ҳар кандай шартномада тарафларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги шартлар тарафлардан бири шартнома шартларини бузган ҳолда кўлланилиб, улар тарафидан ўз мажбуриятлари бажарилишини таъминлайди. Одатда бундай жавобгарлик мазмунида бирон-бир келишилган шартларга нисбатан ўз мажбуриятларини бажармаганда тарафлардан бири тўлайдиган неустойканинг маълум туридаги санкция белгиланади.



Фуқаролик-хуқукий жавобгарлик вужудга келиш асосларига кўра куйидагиларга бўлинади: (а) шартномавий жавобгарлик ва (б) шартномадан ташкари жавобгарлик.

Шартномавий жавобгарлик деганда шартномавий мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарлик тушунилади. Тарафлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда бу тараф бошқа тарафга етказилган зарарни тўлайди, қонун хужжатларида ва шартномада назарда тутилган тартибда бошқача тарзда жавобгар бўлади.

Зарар деганда, хуқуки бузилган шахснинг бузилган хуқукини тикиш учун килган ёки қилиши лозим бўлган харажатлари, унинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар), шунингдек бу шахс ўз хуқуклари бузилмаганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлари (бой берилган фойда) тушунилади (ЎЗР ФК, 14-модда, 2-қисм).

Таърифдан келиб чиқкан ҳолда айтиш мумкинки, зарар тушунчаси куйидагиларни ўз ичига олади:

1. Шахснинг бузилган хуқукини тикиш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлари. Мулкка шикастни етказилганда унинг қийматининг камайиши миқдори ёки етказилган шикастни бартараф этиш харажатлари аниқланади. Бундай зарар шартноманинг идиш ва ўраш ҳақидаги шартлари бузилиши, етказиб берилаётган ускуналарнинг синиши, шунингдек, масалан, ижарага олувчи ижарага олинган мулкдан тегишли тартибда фойдаланмаганлиги

оқибатида уни зудлик билан таъмирлаш талаб қилинадиган ҳолатга келтириб қўйиши натижасида етказилиши мумкин.

2. Хакикий зарар – шахснинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши.

3. Бой берилган фойда – шахс ўз хукуқлари бузилмаганида одатдаги фукаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлари. Бу – айбор тараф шартнома мажбуриятларини бажарган тақдирда хукуқи бузилган шахс олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлар, яъни айбор тараф зарарни тўғридан-тўғри етказмаган бўлса-да, унинг айбли харакатлари ёки харакатсизлиги натижасида олиниши мумкин бўлган фойдан бой бериш натижасида кўрилган заардир.

Амалдаги қонун ҳужжатларига кўра неустойка (жарима, пеня) тўланганлигидан қатби назар, шартнома мажбуриятларини бузган тараф иккинчи тарафга ана шу зарар оқибатида ўзи етказган зарар қисмини ҳам коплайди.

Етказилган зарарни ундириш учун зарар кўрган тараф куйидагиларни;

биринчидан, мажбуриятнинг ҳақиқатдан бажарилмаганлигини;

иккинчидан, зарарнинг мавжудлигини;

учинчидан, бузилган мажбурият билан етказилган зарар ўртасида сабабий боғланиш борлигини;

тўртинчидан, етказилган зарар қанча микдорда эканлигини исботлаб бериши зарур.

Агар қонун ёки шартномада зарарни тўлашни чеклаш, яъни камроқ микдорда тўлаш назарда тутилмаган бўлса, етказилган зарарни тўла ҳажмда қопланиши зарурлиги принципига амал қилинади.

Етказилган зарарнинг нархини аниқлаш бўйича ЎзР ФКда (324-модда) янги қоида белгиланган. Зарарни аниқлашда мажбурият бажарилиши керак бўлган жойда, қарздор кредиторнинг талабларини ихтиёрий қаноатлантирган кунда, борди-ю, талаб ихтиёрий қаноатлантирилган бўлмаса, - даъво қўзгатилган кунда мавжуд бўлган нархлар эътиборга олинади. Бу масала бўйича низо судда кўрилган тақдирда суд вазиятга караб, зарарни тўлаш

ҳақидаги талабни қарор чиқарилган кунда мавжуд бўлган нархларни эътиборга олган ҳолда қаноатлантириши мумкин.

Олинмай қолган даромадга (бой берилган фойдага) мажбурият бажарилган тақдирда жабр кўрган тараф олиши мумкин бўлган барча даромадлар киритилади. Заарнинг мазкур шаклини ўзига хос хусусияти шундаки, кредитор томонидан даромад ҳақиқатда олинмаган бўлади, лекин қарздор ўз мажбуриятини тегишли тарзда бажарган тақдирда кредитор шу фойдан олиши мумкинлиги эътиборга олинади. Олинмай қолган даромадни ундириш ҳақида даъво билдирилган тақдирда, даъвогар ушбу фойдан олиши мумкинлиги ва бунга имконият мавжуд бўлганлигини, факат жавобгар ўз мажбуриятларини бузганлиги сабабли фойдан олишдан маҳрум бўлганлигини исботлаши шарт.

Бирок товарларни сотишдан тушган пул ҳисобидан фойда олиш факт шу товар тайёрланган ва истеъмолчига етказиб берилган ҳолдагина амалга оширилиши мумкин. Шу сабабли даъвогар ушбу товарни сотиш имконияти борлигини ва сотишдан тушган маблаг ҳисобидан назарда тутилган фойда олиши мумкинлигини исботлаб бериши шарт.

ЎзР ФКда мажбуриятларни таъминлаш усуслари кўрсатилган бўлиб, уларга неустойка, гаров, кафолат, закалат кабилар киради.

Муддатини ўтказиб юбориш ёки шартнома мажбуриятларини ўзгача тарзда лозим даражада бажармаслик ҳоллари учун белгиланган неустойкани (жаримани, пеняни) тўлаш ҳамда шартнома мажбуриятларини лозим даражада бажармаслик оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тарафларни мажбуриятларни асл холида бажаришдан озод этмайди, қонун ҳужжатларида ва шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Неустойкани кўллаш шартномавий жавобгарликнинг асосий шаклларидан биридир. Неустойка⁴¹ факат мажбуриятнинг бажарилишини таъминловчи восита бўлиб қолмай, балки у мажбурият бажарилмай қолганида

⁴¹ «Неустойка» атамаси рус тилидан кириб келган бўлиб, «не устоял», яъни «взял слово, обязательство, но не выполнил» деган маънони беради ва у ўзбек тилида «берган сўзинингнинг устидан чиқмадинг», яъни субутсизлик деган маънони билдиради.

ёки лозим даражада бажарилмаганида қарздорга нисбатан қўлланиши лозим бўлган юридик чора ҳамдир.

Неустойка жарима ёки пеня шаклида бўлади. *Жарима* – қарздор ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ҳолларда

```
graph TD; Neustoyka[Неустойка] --> Jarima[Жарима]; Neustoyka --> Penya[Пеня]; Jarima --> Majburiyat[мажбурият]; Jarima --> Bazari[базари]; Majburiyat --> Kechiktiyatlari[мажбуриятларининг кечикириб юборганида]; Bazari --> Tullaydigani[тўлайдиган ва қоида тарикасида]; Bazari --> Xisoblanadigan[хисобланадиган]; Kechiktiyatlari --> Yuz[бўлмаган]; Kechiktiyatlari --> Yutkazib[тўлайдиган ва ўтказиб]; Yuz --> Yoborilgan[юборилган]; Yutkazib --> Muddatning[муддатнинг]; Yutkazib --> Harekati[хар бир куни учун]; Yoborilgan --> Majburiyatning[мажбуриятнинг]; Yoborilgan --> Kismiga[қисмига]; Yoborilgan --> Foiiz[нисбатан фоиз билан]; Yoborilgan --> Xisoblanadigan[хисобланадиган]; Kechiktiyatlari --> Neustoyka[неустойка]; Tullaydigani --> Neustoyka; Xisoblanadigan --> Neustoyka;
```

тўлайдиган ва қоида тарикасида, катъий пул суммасида хисобланадиган неустойка. *Пеня* – қарздор ўз мажбуриятларининг бажарилишини кечикириб юборганида тўлайдиган ва ўтказиб юборилган муддатнинг хар бир куни учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмига нисбатан фоиз билан хисобланадиган неустойка.

Неустойканинг етказилган заардан фарқ қиласидиган хусусиятлари қуидагилардан иборат:

а) Неустойка – қонунда (ёки шартномада) олдиндан белгиланиб, тарафларга маълум бўлган ва мажбурият бажарилмай қолган такдирда қўлланиши мумкин бўлган хуқуқий чора (санкция). Етказилган заарнинг ҳажми эса аввалдан белгиланмайди, у мажбурият бузилганидан кейин маълум бўлади ва белгиланиши мумкин;

б) Неустойкани ундириш учун қарздорнинг харакати қонунга (ёки шартномага) мувофиқ бўлмаслигининг ўзи кифоя, зарарни тўлатиш учун зарур бўлган талабларни аниқлаш шарт эмас.

Шартнома тарафларининг жавобгарлиги шартномада акс эттирилиши керак, лекин кўп ҳолларда амалда шартномада жавобгарлик чоралари кўрсатилмасдан қолади. Бундай ҳолда қонун хужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, хўжалик шартномаларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун ЎзР «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунининг 25-33-моддаларида назарда тутилган жавобгарлик чоралари кўлланилади. Мазкур қонунда қуидаги ҳолатлар бўйича жавобгарлик белгиланган:

- товарларни етказиб бериш муддатларини кечикириб юборганилик, тўлиқ етказиб бермаганлик, ишларни бажармаганлик ёки хизмат кўрсатмаганлик учун (25-модда);

- сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берганлик учун (26-модда);

- бут бўлмаган товарларни етказиб берганлик учун (27-модда);

- товарларни марка белгисисиз, шунингдек товарни идишсиз ёки ўралмаган ҳолда етказиб берганлик учун (28-модда);

- аккредитивдан фойдаланмаганлик учун (29-модда);

- тўлов, товар-транспорт хужжатларини кечикирганлик учун (30-модда);

- товарларни танлаб олмаслик ёки уни рад этганлик учун (31-модда);

- товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини тўламаганлик ёки ўз вақтида тўламаганлик учун (32-модда);

- маблағларни ақцептсиз ҳисобдан чиқарганилик учун (33-модда).

Такрорлаш учун саволлар

1. Шартнома деб нимага айтиласи?
2. Хўжалик шартномаси нима?
3. Хўжалик шартномасининг ўзига хос жиҳжатлари нималардан иборат?
4. Хўжалик шартномаси тарафларининг хуқуқлари нималардан иборат?
5. Хўжалик шартномасининг бозор муносабатларида тутган ўрни қандай?
6. Хўжалик шартномалари қайси қонун хужжатлари билан тартибга солинади?
7. Хўжалик шартномаларини тузишда нималар эътиборга олинини лозим?
8. Хўжалик шартномалари тузилишини жиҳатидан қандай қисмлардан иборат?

9. *Хўжалик шартномасини бажарии усули нима?*
10. *Хўжалик шартномасини бажарии тизими неча босқичдан иборат ва улар қайсилар?*
11. *Фуқаролик-хуқуқий жавобгарлик вужудга келиши асосларига кўра қандай турларга бўлинади?*
12. *«Жарима» ва «пеня» ибораларига таъриф беринг.*

Тавсия этилаётган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси: Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: “Адолат”, 2018 й. – 376 б.
2. Давлетов А. Процессуал хужжатларда юридик атамалардан тўғри фойдаланиш. «Қонун ҳимоясида», 06/2004, 10-12-бетлар.
3. Ўзбекистон Республикаси: мустакил давлатнинг бунёд бўлиши / Қ.А.Ахмедовнинг умумий таҳрири остида/. – Т.: «Ўзбекистон», 1992.
4. Юридик энциклопедия. Юридик фанлари доктори, профессор У.Таджихановнинг умумий таҳрири остида. – Т.: «Шарқ», 2001.
5. Тадбиркорлик соҳасида маъмурий тартиб-коидалар бўйича қўлланмана. Ф.Б.Ҳидоятов ва бошқа муаллифлар жамоаси. – Т.: НМАК БТ “Шарқ”, 2011.
6. Раҳмонкулов Х.Р., Азизов Х.Т. Тадбиркорлик субъектлари хусусий мулк хуқукининг фуқаролик-хуқуқий кафолатлари. – Т.: 2013. – 181 б.
7. Дўстов У.Н. «Хўжалик (тадбиркорлик) хуқуқи» фанидан услубий қўлланмана. – Т.: ТДЮИ, 2003.
8. Бабакулов С.Б. Тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш соҳасидаги ислоҳотлар.– Т.: ТДЮИ, 2012. – 52 б.

9-мавзу. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг хуқуқий тартибга солиниши

1. Ташқи иқтисодий фаолият тушунчаси.
2. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий йўналишлари.
3. Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш.

1. Ташқи иқтисодий фаолият тушунчаси

Тадбиркорлик фаолиятининг турларидан бири ташқи иқтисодий фаолият хисобланади. *Ташқи иқтисодий фаолият* деганда, Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахсларининг хорижий давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари, шунингдек ҳалқаро ташкилотлари билан ўзаро фойдали иқтисодий алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантиришга қаратилган фаолияти тушунилади.

Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган юридик шахслар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг худудида доимий яшаш жойига эга бўлган ва якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатга олинган жисмоний шахслар ташқи иқтисодий фаолият билан шугулланишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари, agar қонун хужжатларида бошқача коида белгиланмаган бўлса, ташки иқтисодий фаолиятни амалга оширишлари мумкин.

Энг қулаги режим яратили деганда, бирор давлат ҳалқаро шартнома асосида бошқа аҳдлашувчи давлат юридик ва жисмоний шахсларига ташқи иқтисодий фаолият соҳасида учинчи давлат юридик ва жисмоний шахсларига тақдим этилган хукуқлар кабиларни тақдим этиши тушунилади. Ҳалқаро хукуқда учинчи давлат деганда, икки давлат ўртасида тузилган шартноманинг иштироқчиси бўлмаган давлат тушунилади.

Махсус режим деганда, бирор давлат ўзаролик принципи асосида бошқа аҳдлашувчи давлат юридик ва жисмоний шахсларига ташқи иқтисодий фаолият билан шугулланишга оид маҳсус хукуқлар тақдим этиши тушунилади. Бундай

режим ёпиқ иқтисодий гурух ёки ташкилотлар иштирокчиси бўлган давлатнинг хўжалик юритувчи субъектларига ўрнатилади. Махсус режим алоҳида зоналарда ташки иқтисодий операцияларни амалга оширишда, масалан, чегараолди савдони олиб бориш учун белгиланади. Бу ҳолда ушбу режим чегараолди зонасида яшаётган ёки жойлашган шахслар фаолиятига даҳлдор бўлади.

Преференциал режим деганда, бирор-бир ривожланган давлат бир томонлама тартибда халқаро хукуқ нормалари асосида ўзаролик принциписиз ривожланаётган давлатларнинг юридик ва жисмоний шахсларига алоҳида хукуклар имтиёзлар ва афзалликлар тақдим этиши тушунилади.

Тадбиркорлар учун у ёки бу режимнинг ўрнатилиши ташки иқтисодий фаолият шароитларига бевосита таъсир кўрсатади. Халқаро хукуқ нормалари билан тасдиқланган давлатларо келишувлар асосида тадбиркорликнинг хукуқий режими белгиланади. Хўжалик юритувчи субъектлар ташки иқтисодий фаолиятни юритишида халқаро шартномаларда у ёки бу шаклда ўрнатилган ва миллий қонунчиликда қабул қилинган хукуклардан, имтиёзлардан ва афзалликлардан фойдалана оладилар.

Ташки иқтисодий фаолиятни тартибга солиш ваколатига эга бўлган давлат органлари хамда бевосита ташки иқтисодий фаолиятни амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари *ташки иқтисодий фаолият субъектлари* хисобланадилар. Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари, агар қонун хужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, ташки иқтисодий фаолиятни амалга оширадилар.

2000 йил 26 майда янги таҳрирда “Ўзбекистон Республикасининг ташки иқтисодий фаолияти тўғрисида”ги қонун қабул қилинди.

Ташки иқтисодий фаолиятниң асосий принциплари куйидагилардан иборат:

ташки иқтисодий фаолият субъектларининг эркинлиги ва иқтисодий мустакиллиги;

ташки иқтисодий фаолият субъектларининг тенглиги;

савдо-иқтисодий муносабатларни амалга оширишда камситишларга йўл қўйилмаслиги;

ташки иқтисодий фаолиятни амалга оширишдан ўзаро манфаатдорлик;

ташки иқтисодий фаолият субъектларининг хукуклари ва қонуний манфаатлари давлат томонидан ҳимоя қилиниши.

Ташки иқтисодий фаолиятни амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари ташки иқтисодий фаолият субъектлари хисобланадилар.

Олди-сотди ёки айирбошлиш обьекти бўлган товарлар, ишлар (хизматлар), ҳар қандай мол-мулкка, шу жумладан, қимматли қофозлар, валюта қимматликларига, электр, иссиқлик энергияси ва бошқа турдаги энергияга, транспорт воситаларига, интеллектуал мулк обьектларига нисбатан, ташки иқтисодий фаолиятда фойдаланилиши қонун хужжатлари билан тақиқланганларини истисно этганда, ташки иқтисодий фаолият амалга оширилиши мумкин.

Ташки иқтисодий фаолият субъектлари бундай фаолиятни амалга оширишда тенг хукукларга эгадир.

Ташки иқтисодий фаолият субъектлари куйидаги хукукларга эга:

қонун хужжатлари доирасида ташки иқтисодий фаолиятда катнашиш шаклларини мустакил белгилаш, ташки иқтисодий фаолиятни амалга ошириш учун ўз хошига кўра бошқа юридик ва жисмоний шахсларни шартнома асосида белгиланган тартибда жалб қилиш;

ташки иқтисодий фаолият натижаларига, шу жумладан миллий ва чет эл валютасидаги даромадга қонун хужжатларига мувофиқ мустакил равиша эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш.

Ташки иқтисодий фаолият субъектлари қонун хужжатларига мувофиқ бошқа хукукларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Ташки иқтисодий фаолият субъектлари:

ташки иқтисодий фаолият тўғрисидаги хисботни қонун хужжатларида белгиланган тартибда тақдим этиши;

Ўзбекистон Республикаси худудига олиб кирилаётган товарларнинг Ўзбекистонда белгилаб кўйилган техникавий, фармакология, санитария, ветеринария, ветеринария-санитария, фитосанитария, экология стандартлари, талаблари, қоидалари ва нормаларига мувофиқлигини тасдиқловчи хужжатларни белгиланган тартибда тақдим этиши шарт.

Ташки иқтисодий фаолият субъектлари зиммасида конун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

2. Ташки иқтисодий фаолиятнинг асосий йўналишлари

Миллий қонунчилигимизда “ташки иқтисодий битимлар” термини учраса-да (ЎзР Фуқаролик кодексининг 1181-моддаси 2-қисми: “Лоақал иштирокчиларидан биттаси Ўзбекистон Республикасининг юридик шахси ёки Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлган ташки иқтисодий битим, каерда тузилаётганидан қатъи назар, ёзма шаклда тузилади”), бу тушунчага легал таъриф берилмаган. Мамлакатнинг халқаро олди-сотди жараёнларидаги иштироки давлатга валюта тушумининг келиб тушишига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Бунда 1980 йилги Вена Конвенциясини таъкидлаб ўтиш аҳамиятга моликдир. Мазкур Конвенцияда халқаро олди-сотди муносабатларининг ўзига хос хусусиятлари акс эттирилган. Ташки иқтисодий фаолиятнинг яна бир йўналиши сифатида инвестиция фаолияти назарда тутилади. Ўзбекистон Республикасида инвестицион иклимин шакллантиришда инвестицион муносабатларни тартибга соловчи норматив-хукукий хужжатларнинг ўрни бекиёсdir. Миллий қонунчилигимизни таҳлил этадиган бўлсак, бу борадаги норматив-хукукий хужжатларнинг салмоқли эканлигининг гувоҳи бўламиз. Ҳозирги пайтда инвестиция фаолиятининг хукукий табиатини “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги конун ўзида ифода этади. Мазкур конун дастлаб 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган бўлиб, 2014 йил 9 декабрда ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқланди. Ушбу Конуннинг мақсади инвестиция фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга

солишдан иборат деб белгиланган. Шунингдек, 2014 йил 9 декабряда Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция ва пай фонdlари тўғрисида”ги Конуни қабул қилиниб, мазкур Конуннинг мақсади инвестиция ва пай фонdlари фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатлиги назарда тутилди.

Мамлакатимизда чет эл инвестицияларини жалб этишга катта эътибор қаратилиши ва рағбатлантирилишини 1998 йил 30 апрелдаги “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги ҳамда “Чет эллик инвесторлар хукукларининг кафолатлари ва уларни химоя қилиш чоралари тўғрисида”ги конунларнинг моҳиятидан ҳам англаш мумкин. Мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий ўзгартириш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестицияларни жалб қилиш борасида бажарилаётган ишлар алоҳида эътиборга лойик. Ўзбекистон Республикасида инвестициявий муносабатларни тартибга соловчи қонунчилик нисбатан ривожланганлиги, мустакилликка эришилгандан сўнг киска муддатларда бу соҳадаги қонунчиликнинг шакллантирилганлиги таҳсинга сазовордир. Шу билан биргаликда, миллий иқтисодиётимизга хорижий инвестицияларни жалб этишда хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиб, миллий манфаатларни кўзлаган ҳолда қонунчилигимизга имплементация қилиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Ташки иқтисодий фаолиятнинг асосий йўналишлари куйидагилардир:

халқаро иқтисодий ва молиявий ҳамкорлик;

ташки савдо фаолияти;

чет эл инвестицияларини жалб қилиш;

Ўзбекистон Республикасидан ташкаридаги инвестиция фаолияти.

Халқаро иқтисодий ва молиявий ҳамкорлик ишлаб чиқариш, молия, банк ва суғурта фаолияти, таълим ва кадрларни тайёрлаш, туризм, соғлиқни саклаш, илмий-техникавий, маданий, экология, гуманитар ва бошқа соҳаларда конун хужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ташки иқтисодий фаолият субъектларининг хорижий давлатларнинг юридик ва

жисмоний шахслари, шунингдек халқаро ташкилотлар билан ўзаро фойдали алоқаларни ўрнатиши ва кенгайтиришга қаратилган ташқи иқтисодий фаолияти амалга оширишdir. Ташқи савдо фаолияти халқаро товарлар, ишлар (хизматлар) савдоси соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятидир. Ташқи савдо фаолияти товарларни, ишларни (хизматларни) экспорт ва импорт қилиш йўли билан амалга оширилади.

Товарларнинг Ўзбекистон Республикаси божхона худудидан уларни қайта олиб кириш тўғрисидаги мажбуриятни олмасдан олиб чиқиб кетилиши, агар конун ҳужжатларида бошқача коида белгиланмаган бўлса, *товарлар экспорти*дир. Товарларнинг Ўзбекистон Республикаси божхона худудига уларни қайта олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги мажбуриятни олмасдан олиб кирилиши *товарлар импорти*дир. Ўзбекистон Республикасининг юридик ёки жисмоний шахси томонидан хорижий давлатнинг юридик ёки жисмоний шахси учун ишлар бажариш (хизматлар кўрсатиш), уларнинг бажарилиш (кўрсатилиш) жойидан катъи назар, *ишлар (хизматлар) экспорти*дир. Хорижий давлатнинг юридик ёки жисмоний шахси томонидан Ўзбекистон Республикасининг юридик ёки жисмоний шахси учун ишлар бажариш (хизматлар кўрсатиш), уларнинг бажарилиш (кўрсатилиш) жойидан катъи назар, *ишлар (хизматлар) импорти*дир.

Чет эллик инвесторлар томонидан тадбиркорлик фаолияти обьектларига ҳамда конун ҳужжатларида тақиқланмаган фаолиятнинг бошка турларига киритилаётган моддий ва номоддий неъматларнинг барча турлари ҳамда уларга бўлган хукуклар, шу жумладан интеллектуал мулкка бўлган хукуклар, шунингдек чет эл инвестицияларидан олинадиган хар қандай даромад *Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл инвестициялари* деб эътироф этилади. Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги тадбиркорлик ва бошка фаолият обьектларига моддий ва номоддий неъматларни ҳамда уларга бўлган хукукларни кўйиш билан боғлиқ ташқи иқтисодий фаолият субъектлари харакатларининг йигиндиси *Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги инвестиция фаолияти* деб эътироф этилади. Ўзбекистон Республикасидан

ташқаридаги инвестиция фаолияти қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўйидаги йўллар билан амалга оширилиши мумкин:

юридик шахслар ташкил этиш ёки устав фондларида (капиталларида) улушбай асосда, шу жумладан мол-мулк ва акциялар сотиб олиш йўли билан катнашиш;

Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ваколатхоналар, филиаллар ва бошка алоҳида бўлинмалар таъсис этиш;

қимматли қоғозларни, шу жумладан хорижий давлатларнинг резидентлари томонидан тасдиқланган карз мажбуриятларини сотиб олиш;

концессияларни, шу жумладан табиий ресурсларни кидириш, излаб топиш, қазиб олиш ёхуд улардан фойдаланишга мўлжалланган концессияларни кўлга киритиш;

мулк хукуқини, шунингдек, ерга ҳамда бошка табиий ресурсларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш хукуқини кўлга киритиш.

ЎзРдан ташқаридаги инвестиция фаолияти хорижий давлатнинг қонун ҳужжатларида ва ЎзРнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошка шаклларда ҳам амалга оширилиши мумкин. ЎзРда хорижий давлатларнинг савдо-иқтисодий масалалар бўйича ваколатхоналари ЎзР тегишли хорижий давлатлар билан тузадиган халқаро шартномалар асосида таъсис этилади. Ажнабий юридик шахслар ЎзР худудида ЎзРнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколатхоналар очишига ҳақлидирлар. Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг хукуқлари ва қонуний манфаатлари таъминланишини кафолатлади.

Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилаётган фаолиятига аралашишга, шунингдек ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда улардан қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган ҳужжатларни талаб қилиб олишга ҳақли эмас. Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг қонунда белгиланган

хукукларини бузувчи хужжатлар қабул қилган тақдирда, уларга етказилган зарарнинг ўрни қонун хужжатларига мувофиқ қопланади.

Ташки иктиносидий фаолият субъектлари ташки иктиносидий фаолият соҳасидаги ўз ҳукуклари ва манфаатларига дахлдор бўлган ва маҳфий тусда бўлмаган аҳборотларни қонун хужжатларида белгиланган тартибда давлат органларидан олишга ҳақлидир. Аҳборотнинг маҳфийлиги қонун хужжатларига мувофиқ аниқланади. Ташки иктиносидий фаолиятни тартибга солувчи ва умуммажбурий тусдаги қонун хужжатлари ОАВда эълон қилиниши ва ташки иктиносидий фаолият субъектлари улардан эркин фойдалана олишлари шарт.

Чет эллик инвесторлар томонидан тадбиркорлик фаолияти ва қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа турдаги фаолият обьектларига кўшиладиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ҳамда уларга бўлган ҳукуклар, шу жумладан интеллектуал мулкка бўлган ҳукуклар, шунингдек реинвестициялар *чет эл инвестициялари* деб эътироф этилади.

Чет эллик инвесторлар томонидан Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестицияларидан олинган ҳамда Ўзбекистон Республикаси худудида тадбиркорлик фаолияти ва қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа турдаги фаолият обьектларига кўшиладиган ҳар қандай даромад, шу жумладан фойда, фоизлар, дивиденлар, роялти, лицензия ва воситачилик ҳақлари, техникавий ёрдам, техник хизмат кўрсатиш учун тўловлар ҳамда бошқа шаклдаги мукофотлар *реинвестициялар* деб эътироф этилади.

«Инвестиция» сўзи инглиз тилидан олинган бўлиб, «капитал қуйилмаси» деган маънени англатади. Инвестициялар иктиносидий ва бошқа фаолият обьектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳукуклар ҳисобланса, инвестиция фаолияти субъектларининг инвестицияларни амалга ошириш билан болжик ҳаракатлари мажмуи инвестиция фаолияти деб юритилади. Инвестиция фаолияти тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишининг бир кўринишидир, шунинг учун ҳам тадбиркорликка хос бўлган белгилар, яъни мулкий мустақиллик, ташаббускорлик ва таваккалчилик унга ҳам хос бўлган хусусиятдир.

Инвестиция фаолиятининг субъектларидан бири инвестор бўлиб, у ўз маблағларини, қарзга олинган ва жалб этилган маблағларни, мулкий бойликларни ва уларга доир ҳукукларни, шунингдек интеллектуал мулкка доир ҳукукларни инвестиция фаолияти обьектларига жалб этишни амалга оширади. Бундай ўзига хос фаолият субъектларининг яна бир катта гурухи мавжуд бўлиб, улар инвестиция фаолияти иштирокчилари деб юритилади ва уларнинг асосий вазифаси инвесторнинг буюртмаларини бажарувчи сифатида инвестиция фаолиятини таъминлаш бўлиб ҳисобланади.

Инвестор ва инвестиция фаолиятининг иштирокчилари (субъектлари) куйидагилар бўлиши мумкин:

- Ўзбекистон Республикасининг резидентлари-фуқаролари, юридик шахслари;
- маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва давлат бошқаруви органлари;
- хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ва чет эллик юридик шахслар ҳамда фуқаролар, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар ва Ўзбекистон Республикасининг чет элда доимий яшовчи фуқаролари;
- ҳамкорликда инвестиция фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жиҳоний шахслар, шунингдек давлатлар ва халқаро ташкилотлар.

Инвесторлар буюртмачи (маблағ киритувчи), кредитор, сотиб олувчи бўлишлари, шунингдек инвестиция фаолияти иштирокчиси вазифасини бажарувчи ҳам бўлишлари мумкин.

Инвестициянинг куйидаги турлари мавжуд: капитал инвестиция, инновация инвестициялар ва ижтимоий инвестиция. *Капитал инвестиция* жумласига асосий фондларни вужудга келтирувчи ва такрор ишлаб чиқаришга, шунингдек, ишлаб чиқаришнинг бошқа шаклларини ишлаб чиқаришга кўшиладиган инвестициялар киради. *Инновация инвестициялар* жумласига техника ва технологияларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва ўзлаштиришга кўшиладиган инвестициялар киради. *Ижтимоий инвестициялар* жумласига инсон салоҳиятини, малакаси ва ишлаб чиқариш тажрибасини оширишга,

шунингдек, номоддий неъматларнинг бошқа шаклларини ривожлантиришга қўшиладиган инвестициялар киради.

Инвестиция фаолияти давлат томонидан тартибга солинади. Давлат инвестиция фаолиятининг қонунчилик негизини такомиллаштириш, солик тўловчилар ва солик солиш обьектларини, солик ставкалари ва уларга доир имтиёзларни табақалаштирувчи солик тизимини қўллаш, нормалар, қоидалар, стандартларни белгилаш, монополияга қарши чораларни қўллаш, кредит сиёсати ва нарх сиёсатини ўтказишга ва бошқа табиий ресурсларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш шартларини белгилаш, инвестиция лойихаларини экспертиза қилиш механизмларини белгилаш ва бошқа йўллар билан бундай фаолиятни амалга оширади. Инвестиция киритишдан асосий мақсад-даромад олиш ва ижобий ижтимоий самарага эришишdir.

Инвестиция фаолиятининг объекти – моддий ва номоддий неъматлар, ишлаб чиқариш обьектлари ҳисобланади. Республикаизда бозор муносабатларининг вужудга келиши ва ривожланиши, тадбиркорликнинг тараққиёти мавжуд маблагларни ихтиёрий инвестициялаш асосида фаолият юритишини тақозо этади. Инвестиция, шу жумладан чет эл инвестицияларини хукукий тартибга солиш, биринчидан, миллий қонун хужжатлари билан, иккинчидан, ҳалқаро шартномалар билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси худудидаги чет эл инвестициялари деганда, Ўзбекистон Республикаси худудида чет эллик инвесторларнинг даромад (фойда) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа турдаги фаолият обьектларига қўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлари ҳамда уларга доир хукуклари, шу жумладан интелектуал мулкка доир хукуклари, шунингдек чет эл инвестицияларидан олинган ҳар қандай даромад тушунилади.

Ўзбекистон Республикасида чет эллик инвесторлар куйидагилар бўлиши мумкин:

- чет эл давлатлари, чет эл давлатларининг маъмурий ва худудий органлари;

- давлатларо битимлар ва бошқа шартномаларга мувофиқ ташкил топган ёки ҳалқаро оммавий ҳуқуқ субъектлари бўлган ҳалқаро ташкилотлар;

- чет эл давлатларининг қонун хужжатларига мувофиқ ташкил топган ва фаолият қўрсатиб келаётган юридик шахслар, бошқа ҳар қандай ширкатлар, ташкилотлар ва уюшмалар;

- чет эл фуқаролари бўлмиш жисмоний шахслар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет элларда доимий яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари.

Чет эл инвестициялари давлат ёки хусусий инвестициялар шаклида бўлиши мумкин. Биринчи шаклда давлат инвестициялари иштирок этиб, бунда бир давлат бошқа давлатга кредитлар ёки бошқача шаклдаги қарзлар бериши мумкин. Бундай муносабатларга ҳалқаро ҳуқуқ нормалари қўлланилади. Иккинчи шаклда эса, бир мамлакат хусусий фирмалари, компаниялари ёки фуқаролари бошқа мамлакатнинг тегишли субъектларига берадиган инвестициялар тушунилади. Инвестиция муносабатлари шу даражада мураккаб ва қўп кирралини, қўпинча давлатлар ўртасидаги муносабатлар хусусий шахслар ўртасидаги муносабатлар билан узвий боғланган бўлади. Бундай алоқа суброгацияда, яъни инвестор ҳуқуқ ва талабларни давлатга топширганда яққол кўринади. Ҳозирги кунга келиб, Республикаиздаги чет эл инвестициялари ва чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик базаси тўла шакллантирилган. Мазкур қонунчилик базасининг асосий вазифаси чет эллик инвестициялар ва инвесторларнинг хукуқ ва эркинликларини ва уларнинг эркин фаолият қўрсатишини таъминлаш, фаолиятидан олинган даромадларини ҳеч бир тўсиқсиз олиб чиқиб кетиш ёки қайта инвестициялаш ва бошқа масалалар юзасидан зарур ва қулай шартшароит яратиб беришдан иборат.

“Чет эл инвестициялари тўғрисида”, “Чет эллик инвесторлар хукукларининг кафолатлари ва уларни химоя қилиш чоралари тўғрисида”, “Инвестиция фаолияти тўғрисида”, “Концессиялар тўғрисида”, “Махсулот

тақсимотига оид битимлар тўғрисида”ги қонунлар ва бошқа норматив-хукуқий хужжатлар қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестицияларни жалб этишининг шакллари:

Ўзбекистон Республикасининг юридик ва/ёки жисмоний шахслари билан биргаликда ташкил этилган хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг, банклар, сугурта ташкилотлари ва бошқа корхоналарнинг устав жамғармаларида ва бошқа мол-мулкида улуш кўшиб қатнаши;

чет эллик инвесторларга тўлиқ қарашли бўлган хўжалик жамиятлари ва ширкатларини, банклар, сугурта ташкилотлари ва бошқа корхоналарни барпо этиш ва ривожлантириш;

мол-мулк, акциялар ва бошқа қимматли қоғозларни, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан эмиссия қилинган қарз мажбуриятларини сотиб олиш;

интеллектуал мулкка, шу жумладан муаллифлик хукуқлари, патентлар, товар белгилари, фойдали моделлар, саноат намуналари, фирма номлари ва ноу-хауга, шунингдек ишчанлик нуфузига (гудвилга) хукуқлар киритиш;

концессиялар, шу жумладан табиий ресурсларни кидириш, ищлаб чикиш, казиб олиш ёки улардан фойдаланишга бўлган концессиялар олиш;

савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари обьектларига, турар жой биноларига, улар жойлашган ер участкалари билан биргаликда мулк хукуқини, шунингдек ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш (шунингдек ижара асосида фойдаланиш) ҳамда табиий ресурсларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш хукуқларини сотиб олиш орқали амалга ошириш.

Чет эллик инвестор халкаро хукуқ принциплари ва Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларига мувофиқ куйидаги хукукларга эга:

инвестициялашни амалга оширишнинг хажмлари, турлари ва йўналишларини мустақил белгилаш;

инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахслар билан шартномалар тузиш;

ўзининг инвестицияларига ва инвестиция фаолиятининг натижаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш. Чет эллик инвесторнинг қарорига биноан инвестицияларга, уларнинг натижаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш, уларни тасарруф этиш хукуклари Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларида белгилangan тартибда бошқа юридик ва жисмоний шахсларга берилиши мумкин. Хукуқлар бошқа шахсга берилганда тарафларнинг ўзаро муносабатлари шартномалар асосида тартибга солинади;

Ўзбекистон Республикасидаги инвестиция фаолияти натижасида олинган ўзига қарашли ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналарини чет элларда ва Ўзбекистон Республикасида патентлаштириш тўғрисида мустақил равиша қарор қилиш;

инвестиция фаолияти натижасида олинган даромадни мустақил ва эркин тасарруф этиш (шу жумладан, уни монеликсиз репатриация қилиш);

Ўзбекистон Республикасига кредитлар ва қарзлар тариқасида пул маблағлари жалб этиш;

ўз хисобварагидаги миллий валюта маблағларидан ички валюта бозорида чет эл валютасини сотиб олиш учун фойдаланиш;

қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва шартларда ер участкаларига доир хукукларни сотиб олиш;

Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларига мувофиқ, ўзига мулк хукуки асосида қарашли бўлган мол-мулк ва хар қандай мулкий хукуклардан зиммага олган мажбуриятларнинг, шу жумладан, қарз маблағларини жалб этишга қаратилган мажбуриятларнинг барча турлари бўйича таъмин сифатида фойдаланиш;

ўз инвестициялари ва бошқа активлари реквизиция қилинган тақдирда мутаносиб равиша товон олиш;

давлат бошқарув органларининг, маҳаллий давлат хокимияти органларининг ҳамда улар мансабдор шахсларининг гайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ҳамда карорлари натижасида етказилган заарларни ундириш.

Чет эллик инвесторлар Ўзбекистон Республикаси худудида инвестиция фаолиятини амалга оширганда қўйидаги мажбуриятларини бажаришлари шарт:

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларига риоя этиш;

Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларига мувофиқ соликлар ва бошқа тўловлар тўлаш;

инвестициялаш муносабати билан ўз зиммаларига олган шартнома мажбуриятлари бўйича жавоб бериш;

инвестиция лойиҳаларида Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларидан келиб чиқадиган санитария-гигиена, экологияга оид ва бошқа талабларга риоя этилганлиги хусусида экспертиза хulosасини олиш;

ўз рақобатчиларига нисбатан қўшимча имтиёзлар ва афзалликлар олиш мақсадида инвестиция фаолияти бўйича шерикларига ёки давлат бошқарув органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига бевосита ва/ёки билвосита ноқонуний таъсир ўтказишнинг ҳар қандай шаклларидан ўзларини тийиш.

Чет эллик инвестор Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларига риоя этмаганлик учун умумий асосларда жавобгар бўлади ҳамда ўзига мулк ҳукуки асосида қарашли бўлган, Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ ундириш қаратилиши мумкин бўлган ўзининг мол-мулки билан жавоб беради.

Чет эллик инвесторлар ва чет эл инвестициялари учун адолатли ва тенг ҳукукли режим, уларнинг тўлиқ ва доимий химояси ҳамда хавфсизлиги таъминланади. Бундай режим Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномаларида белгилаб қўйилган режимга қараганда нокулайроқ бўлиши мумкин эмас. Чет эл инвестицияларининг ҳукуқий режими Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахслари томонидан амалга оширилаётган инвестицияларнинг тегишли режимига қараганда нокулайроқ бўлиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларида ҳалқаро ҳукуқнинг умум эътироф этилган нормаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлиги манфаатларини химоя этиш мақсадида иктисадиёт ва

фаолиятнинг муайян соҳаларида чет эл инвестициялари учун чеклашлар ёки тақиқ назарда тутилган бўлиши мумкин. Чет эллик инвесторларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан кафолатланган ҳукуқлари ва манфаатлари бузилганда уларни тиклаш Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари, шу жумладан, ҳалқаро шартномалари билан тартибга солинади.

Чет эл инвестицияларининг шакллари:

1. Кўшма корхона тузганда улуш қўшиб қатнашиш.
2. Мавжуд корхоналарда иштирок этиш улушларини, акцияларни, пайларни, қимматли қоғозларни сотиб олиш.
3. Хорижий юридик шахслар филиалларини тузиш.
4. Ердан ҳамда бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ҳукукларини сотиб олиш.
5. Ўзга мулкий ҳукукларни сотиб олиш.
6. Қонун хужжатлари тақиқламаган бошқа инвестиция фаолиятини амалга ошириш.

Чет эл инвесторларига миллий қонун хужжатлари берадётган имкониятлар:

- 1) қўшма корхоналар тузиш йўли билан, шунингдек, мавжуд корхоналарда иштирок этиш улушкини (пайларни, акцияларни) сотиб олиш орқали улуш қўшиб қатнашиш;
- 2) хусусийлаштиришда иштирок этиш;
- 3) чет эллик инвесторга тўла тегишли бўлган корхоналар тузиш;
- 4) хорижий шахслар иштироқида банклар тузиш;
- 5) корхоналарни сотиб олиш;
- 6) шўъба корхоналари, филиаллар, ваколатхоналар тузиш;
- 7) ердан ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ҳукукини сотиб олиш;
- 8) давлатнинг қимматли қоғозларини сотиб олиш;
- 9) маҳаллий юридик шахсларнинг қимматли қоғозларини сотиб олиш;
- 10) ўзга мулкий ҳукукларни сотиб олиш;

11) қабул килаётган мамлакатнинг юридик ва жисмоний шахслари билан шартномалар тузиш;

12) эркин иқтисодий зоналарда хўжалик фаолияти юритиши.

Чет эллик инвестор халкаро хукуқ принциплари ва Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларига мувофиқ қўйидаги хукукларга эга:

инвестициялашни амалга оширишнинг хажмлари, турлари ва йўналишларини мустақил белгилаш;

инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахслар билан шартномалар тузиш;

ўзининг инвестицияларига ва инвестиция фаолиятининг натижаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш. Чет эллик инвесторнинг қарорига биноан инвестицияларга, уларнинг натижаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш, уларни тасарруф этиш хукуклари Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларида белгиланган тартибда бошқа юридик ва жисмоний шахсларга берилиши мумкин. Хукуклар бошқа шахсга берилганда тарафларнинг ўзаро муносабатлари шартномалар асосида тартибга солинади;

Ўзбекистон Республикасидаги инвестиция фаолияти натижасида олинган ўзига қарашли ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналарини чет элларда ва Ўзбекистон Республикасида патентлаштириш тўғрисида мустақил равишда карор қилиш;

инвестиция фаолияти натижасида олинган даромадни соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин мустақил ва эркин тасарруф этиш (шу жумладан уни монеликсиз репатриация қилиш);

Ўзбекистон Республикасига кредитлар ва қарзлар тариқасида пул маблағлари жалб этиш;

ўз ҳисобварагидаги миллий валюта маблағларидан ички валюта бозорида чет эл валютасини сотиб олиш учун фойдаланиш;

қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва шартларда ер участкаларига доир хукукларни сотиб олиш;

Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларига мувофиқ, ўзига мулк хукуки асосида қарашли бўлган мол-мулк ва ҳар қандай мулкий хукуклардан зиммага олган мажбуриятларнинг, шу жумладан қарз маблағларини жалб этишга қаратилган мажбуриятларнинг барча турлари бўйича таъмин сифатида фойдаланиш;

ўз инвестициялари ва бошқа активлари реквизиция қилинган тақдирда мутаносиб равища товон олиш;

давлат бошқарув органларининг, маҳаллий давлат хокимияти органларининг ҳамда улар мансабдор шахсларининг гайриконуний харакатлари (харакатсизлиги) ҳамда карорлари натижасида етказилган заарларни ундириш.

Чет эллик инвесторлар — жисмоний шахслар, чет эллик инвесторлар — юридик шахсларнинг мансабдор шахслари чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарда ўз улушлари (хиссалари, акциялари) мавжуд бўлган бутун даврда тегишли кўп марталик визалар олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси худудига кириб келиш ва унда қолиш хукуқига эга. Чет эллик инвестор Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа хукукларга ҳам эгадир.

3. Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш

Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш қўйидаги йўллар билан амалга оширилади:

ташқи иқтисодий фаолиятнинг қонунчилик негизини шакллантириш ва тақомиллаштириш;

валюта билан тартибга солиш;

солиқ билан тартибга солиш;

тариф ва нотариф тартибга солиш;

Ўзбекистоннинг иқтисодий манфаатларига риоя этилиши учун химоя, компенсация ва демпингга қарши чораларни кўллаш;

ташқи савдо фаолиятини амалга ошириш тартибини белгилаш, шу жумладан, миқдорий чекловлар ўрнатиш ҳамда товарларнинг айrim турлари экспорт ва импорт қилиниши устидан давлат монополиясини ўрнатиш;

экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда талаб қилинадиган ҳужжатларнинг тўлиқ рўйхатини белгилаш;

ўз хосса ҳамда хусусиятларига кўра ялпи қирғин қуролини (ядровий, кимёвий, бактериологик (биологик) ва заҳарловчи қурол) ҳамда уни етказиб бериш воситаларини (ракеталар ва ялпи қирғин қуролини етказиб беришга кодир бошқа техника воситаларини), бошқа турдаги қурол-ярог ҳамда ҳарбий техникани яратишида мухим хисса қўшиши мумкин бўлган, экспорт назорати объектлари рўйхатларида кўрсатилган товарлар, асбоб-ускуналар, илмий-техника ахбороти, ишлар ва хизматлар, интеллектуал фаолият натижаларига нисбатан экспорт назоратини ўрнатиш;

олиб кириладиган ва олиб чиқиладиган товарларни сертификатлаш;

техникавий, фармакология, санитария, ветеринария, ветеринария-санитария, фитосанитария, экология стандартлари, талаблари, қоидалари ва нормаларини белгилаш;

ташқи иқтисодий фаолият субъектлари учун преференция ва имтиёзлар бериш.

Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқача усусларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси:

ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқади;

Ўзбекистоннинг иқтисодий хавфсизлигини, иқтисодий мустакиллиги ва иқтисодий манфаатлари химоя қилинишини таъминлайди;

ташқи иқтисодий фаолият соҳасида Ўзбекистоннинг халқаро шартномаларини тузади;

Ўзбекистоннинг тўлов балансини ишлаб чиқади;

чет элдан олинадиган кредитлар учун Ўзбекистон Хукуматининг кафолатларини беради;

Ўзбекистоннинг чет эллардаги мулкига эгалик қиласи, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари хисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги:

ташқи савдо фаолияти соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқади ва унинг амалга оширилишини таъминлайди;

ташқи савдо фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги давлат бошқаруви органлари ишини мувофиқлаштиради;

конун ҳужжатларида белгиланган ваколатлари доирасида ташқи савдо фаолияти субъектлари фаолиятини мувофиқлаштиради ва тартибга солиб туради;

ташқи савдо фаолияти соҳасига оид қонунчилик базасини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси:

инвестициялар бўйича ягона давлат сиёсатини шакллантиради ва унинг амалга оширилишини ҳамда чет эл инвестициялари жалб қилинишини таъминлайди;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимиюти органларининг чет эл инвестицияларини жалб қилиш бўйича асосий йўналишларни белгилаш ва уни амалга оширишга, шунингдек халқаро молия институтлари ва чет эллик инвесторлар билан инвестиция соҳасидаги ҳамкорликни амалга оширишга доир фаолиятини мувофиқлаштиради;

инвестиция фаолиятига оид қонунчиллик базасини такомиллаштириш нозасидан таклифлар ишлаб чиқади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасида қонун ҳужжатлари билан товарлар экспорти, импортини тақиқлаш ҳамда чеклаш белгиланиши мумкин ва улар қуйидаги мақсадларни кўзлайди:

миллий хавфсизликни таъминлаш;

фуқаролар ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини ҳамда атроф-мухитни муҳофаза қилиш;

ижтимоий ахлок-одобга ва ҳуқуқ-тартиботга риоя этиш;

Ўзбекистон Республикаси ҳалқининг маданий меросини сақлаш;

маданий бойликларни ноқонуний олиб чиқиш, олиб кириш ва уларга бўлган мулк ҳуқуқларини бошқага ўтказишдан ҳимоя қилиш;

Ўзбекистоннинг тўлов балансини сақлаб туриш;

Ўзбекистоннинг ҳалқаро мажбуриятларини бажариш;

тиклаб бўлмайдиган табиий ресурслар тугатилишининг олдини олиш;

Ўзбекистоннинг бошқа манфаатларини ҳимоя қилиш.

Товарларнинг айрим турларини экспорт ва импорт қилиш факат уларни олиб кириш ёки олиб чиқиш учун тегишли рухсатнома (лицензия) олинганидан кейин амалга оширилади. Товарлар айрим турларининг экспортни ва импортини амалга ошириш учун лицензиялар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколат берган органлар томонидан берилади. ЎзР Вазирлар Маҳкамаси айрим товарлар турларини экспорт ва импорт қилишга нисбатан миқдорий чекловлар (квоталар) белгилаши мумкин. Квоталарни тақсимлаш, коида тариқасида, танлов ёки ким ошди савдоси асосида амалга оширилади. Экспорт ва импорт қилинishi, лицензияланиши ҳамда квоталаниши зарур бўлган товарлар айрим турларининг рўйхати, шунингдек, лицензияларни бериш ва квоталарни тақсимлаш тартиби Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ўз хосса ҳамда хусусиятларига кўра ялпи кирғин қуролини (ядровий, кимёвий, бактериологик (биологик) ва заҳарловчи қурол) ҳамда уни етказиб бериш воситаларини (ракеталар ва ялпи кирғин қуролини етказиб беришга қодир бошқа техника воситаларини), бошқа турдаги қурол-яроғ ҳамда ҳарбий техникани яратишда муҳим хисса кўшиши мумкин бўлган, экспорт назорати объектлари рўйхатларида кўрсатилган товарлар, асбоб-ускуналар, илмий-техника ахбороти, ишлар ва хизматлар, интеллектуал фаолият натижаларига нисбатан ташки иқтисодий фаолият амалга оширилаётганда Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек ҳалқаро мажбуриятларга риоя этиш мақсадида Ўзбекистонда экспорт назорати тизими амал килади. Экспорт назорати объектлари рўйхатлари, шунингдек уларни олиб чиқиш ва улардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Хорижий давлат томонидан Ўзбекистоннинг ва ташки иқтисодий фаолият субъектларининг иқтисодий манфаатларини бузувчи чоралар қабул қилинган тақдирда, шунингдек ушбу давлат ҳалқаро шартномаларга кўра Ўзбекистон олдида қабул қилган ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда, Ўзбекистон ҳалқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормалари ва принципларига мувофиқ ташки иқтисодий фаолият соҳасида жавоб чораларини киритишига хаклидир.

Товар импортининг кўпайғанлигига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан муҳофаза чоралари қўлланилиши мумкин. Демпинг нархларидаги товар импортига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан антидемпинг божлари қўлланилиши мумкин. Субсидия билан таъминланган товар импортига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан компенсация божлари қўлланилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилаётган товарлар Ўзбекистон Республикасида белгиланган техникавий, фармакология, санитария, ветеринария, ветеринария-санитария, фитосанитария ва экология стандартлари, талаблари, коидалари ва нормаларига мувофиқ бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси худудига стандартлар, талаблар, қоидалар ва нормаларга мос келмайдиган товарларни, конун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда сертификатга, маркировкага ёки мувофиқлик белгисига эга бўлмаган товарларни олиб кириш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикасининг худудида эркин иқтисодий зоналар учун ташки иқтисодий фаолиятнинг алоҳида тартиби (божхона, валюта, солик ва бошқалар) ўрнатилиши мумкин бўлиб, у эркин иқтисодий зоналар тўғрисидаги конун хужжатлари билан тартибга солиб турилади. Ўзбекистон Республикаси божхона божлари, соликлар ва уларга тенг кучга эга бўлган йигимларни бекор қилишга, товарларни экспорт ва импорт килишнинг миқдорий чекловларига, товарларнинг эркин ҳаракат қилиши йўлидаги бошқа тўсикларни бекор қилишга қаратилган эркин савдо тўғрисида хорижий давлатлар билан халқаро шартномалар тузиши мумкин.

Ташки иқтисодий фаолият тўғрисидаги шартномани амалга ошириш натижасида юзага келадиган низолар шартномада назарда тутилган тартибда ҳал килинади. Шартномада низоларни ҳал қилишни тартибга солувчий қоидалар бўлмаган тақдирда, кўлланиладиган хукуқ ва ҳал қилинадиган жой ҳалқаро хусусий хукуқнинг умум эътироф этилган нормаларига мувофиқ белгиланади.

Тақрорлаш учун саволлар

1. Ташки иқтисодий фаолиятнинг асосий йўналишларини тавсифлаб беринг.
2. Давлат маблаглари ҳисобига молияланадиган импортнинг ўзига хос хусусиятларини тушунтиринг.
3. Ташки иқтисодий битимларни тузии тартибини тушунтиринг.
4. Якка тартибдаги тадбиркорнинг ташки иқтисодий фаолиятининг хукуқий асосларини тушунтиринг.
5. Ўзбекистонда чет эллик инвесторларга қандай шароитлар яратиб берилган?

Тавсия этилаётган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси: Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: “Адолат”, 2018 й. – 376 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – “Халқ сўзи” газетаси, 2018 йил 29 декабрь, № 271-272 (7229-7230).
3. Хўжалик судлари ҳал қилув қарорларига шархлар тўплами. Ш.З. Сайдов ва бошқа муаллифлар жамоаси. – Т.: Baktria press, 2014.
4. Азизов Х.Т., Ширинов Ж., Бакаев Ш. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини фуқаролик-хукукий тартибга солиш. Ўқув қўлланма. – Т.: Akademiya, 2013. – 114 б.
5. Бабакулов С., Ибратова Ф. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик – ижтимоий ва сиёсий барқарорлик кафолати. Ўқув услугбий мажмуа. – Тошкент, 2011. – 64 б.
6. Оқюлов О., Отаконов Ф. Тадбиркорлик субъектларини хукукий ҳимоя қилиш тизимини мустаҳкамлаш муаммолари. – Тошкент: ТДЮИ, 2010. – 200 б.
7. Рахмонқулов Х.Р., Азизов Х.Т. Тадбиркорлик субъектлари хусусий мулк хукуқининг фуқаролик-хукукий кафолатлари. – Т.: 2013. – 181 б.
8. Тадбиркорлик (бизнес) хукуки . Дарслик. 1-2 том. Ш.Н. Рўзиназаров ва бошқалар. – Тошкент: Консаудитинформ, 2002.

10-мавзу. Тадбиркорлик фаолиятида юридик хизмат

1. Юридик хизмат тўғрисидаги қонунчиликнинг ривожланиши.
2. Юридик хизматнинг ҳуқуқий ҳолати.
3. Юридик хизмат фаолиятининг асосий йўналишлари.

1. Юридик хизмат тўғрисидаги қонунчиликнинг ривожланиши

Хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқий ҳимоя тизимини яна бир бўғини – бу хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмат бўлинмалари ҳисобланади. Айниқса хўжалик шартномалари тузишда юридик хизмат бўлинмалари фаол иштирок этади. Агар тадбиркорлик субъекти ўз юридик хизматига эга бўлмаса (масалан, якка тадбиркор, фермер хўжалиги ва х.к.), у холда улар ҳақ эвазига юридик хизмат кўрсатиш шартномалари орқали адвокатлар хизматидан фойдаланишлари шарт (“Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуннинг 20-моддаси).

Ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг ўз юридик хизмати бўлиши унинг ҳуқуқий ҳимоясини ташкилий таъминловчи кафолат ҳисобланади. Юридик хизмат бўлинмалари хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг барча йўналишларида ва саналарида, барча боскичлар узлуксиз ва доимий равища, биринчидан, хўжалик юритувчи субъект фаолиятини қонунийлигини, ўз манфаатларига мослигини таъминласа, иккинчидан, бошқа ҳар қандай субъектларни хатти-харакатлари унинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига хилоф бўлмаслигини қузатиб боради ва зарур ҳолларда тегишли ҳуқуқий ҳимояни ташкил этади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 августдаги “Хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисида”ги 182-сон қарорига 2-илова қабул қилинган низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ташкил этиладиган

хўжалик бошқаруви органлари ҳамда давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари юридик хизмати фаолиятига қўйиладиган талабларни, уларнинг ҳуқуклари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгилайди.

Ҳозирги кунда давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмати ходимлари лавозимига мажбурий тартибида Адлия вазирлиги билан келишилган холда тайинланади ва озод қилинади. Бундан ташкири, адлия органларига юридик хизмат фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик талабларини бузган давлат органлари ва ташкилотларининг раҳбарларига нисбатан интизомий иш юритишини кўзғатиш ташаббуси билан чиқиши ҳуқуки берилди.

Ҳукукшунослар ёрдамига бўлган талабнинг ортиб бораётгани мазкур соҳани янада такомиллаштиришга зарурат яратди. Жумладан, мамлакатимизда бу борада туб ислоҳотлар олиб борилмоқда. Президентимизнинг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончи ҳимоя қилиши кафолатларини кучайтириши чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида давлат органларида юридик хизмат фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш вазифаси қўйилди. Давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган 2017 йил 19 январдаги “Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириши чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор бу борада мухим қадам бўлди. Жамиятда адолат баркарорлиги ҳамда конун устуворлигини таъминлаш бош тамойил ҳисобланади. Белгиланган вазифаларни амалга оширишда эса юридик хизматнинг ўрни бекиёс, албатта. Юридик хизмат ходимларининг қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш ҳамда улар бўйича ўз вақтида чоралар кўриш учун етарли ва таъсирчан ваколатларга эга эмасликлари сабабли уларнинг фаолияти кутилган самарани бермади.

Қарор билан эндиликда шундай тартиб ўрнатилдики, унга кўра давлат органлари ва ташкилотларида, шу жумладан, уларнинг ҳудудий тузилмаларида Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган минимал меъёр ва мезонларга асосан мажбурий тартибида юридик хизматлар ташкил этилади. Мазкур хизматнинг штат бирликлари кискартирилишига эса асло йўл қўйилмайди.

Қарорда юридик хизматларнинг вазифалар доираси кенгайтирилди. Яъни, юридик хизматларга мазкур органлар ва ташкилотлар иштирокида вужудга келадиган низоларни судгача ҳал этиш юзасидан мажбурий тартибда чоралар кўриши вазифаси юклатилди. Худди шундай, буйруклар, фармойишлар, шартномалар ва юридик хусусиятга эга бўлган бошқа ҳужжатларнинг лойиҳалари хуқукий экспертизани амалга ошириш учун мажбурий тартибда юридик хизматга тақдим этилишининг белгиланиши ҳам айнан конунбузилиш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган тартибdir. Бундан ташқари, давлат органларининг жисмоний ва юридик шахсларнинг хукуқ ва эркинликларини амалга оширишга таъсир этадиган қарорлари юзасидан мажбурий тартибда юридик хизматнинг хulosаси олиниши ҳам мустаҳкамлаб қўйилди. Қарор билан юридик хизматга яна бир муҳим вазифа юклатилди. Яъни, давлат органлари ва ташкилотларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги юзасидан берилган шикоятлар мажбурий тартибда давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари томонидан ҳам кўриб чиқилиши тартиби белгиланди. Юридик хизматга қўйилаётган бундай масъулитли вазифаларнинг тўлаконли бажарилиши конун устуворлиги таъминланishiга хизмат килади. Адлия вазирлиги юридик хизматлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва методик таъминлаш, ходимларини аттестациядан ўтказиш ва малакасини ошириш бўйича маҳсус ваколатли орган этиб белгиланди. Адлия вазирлиги тизимида юридик хизмат ходимлар фаолиятини мувофиқлаштириш, уларга методик ёрдам кўрсатиш бўйича алоҳида мустақил бўлинма мавжуд эмас эди. Ушбу вазифа вазирлик марказий аппарати бошкармаларидан бирига кўшимча вазифа сифатида белгиланган эди. Қарорга асосан Адлия вазирлиги тизимида Юридик хизматларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва методик таъминлаш бошкармаси ва унинг жойлардаги шўйбалари ташкил этилди. Хуоса килиб айтганда, қарорда белгиланган барча тадбирларнинг ягона мақсади — давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида



қонунийликни янада мустаҳкамлаш, демократик ва хукукий ислоҳотларни амалга оширишда юридик хизматларнинг роли ва жавобгарлигини кучайтириш орқали тадбиркорлик субъектлари ва фуқароларнинг қонуний хукуқлари ҳамда манфаатларини ишончли ҳимоя қилишдан иборатdir.

Юрисконсульт лавозимида фаолият юритаётган шахс билимли, дунёкараши кенг, замон билан ҳамнафас, қонун устуворлигини таъминлайдиган мутахассис бўлиши керак. Мазкур қарорнинг муҳим жиҳатларидан бири ҳам шундаки, унда бир томондан юридик хизматнинг мавқеи ва манфаатдорлигини ошириш ҳамда ижтимоий ҳимоясини кучайтириш белгиланса, иккинчи томондан уларнинг қонунийликни таъминлаш бўйича вазифалар доираси кенгайтирилди, масъулит ва жавобгарлиги ҳам кучайтирилди. Шу боис ҳам мазкур қарор юридик соҳани, юристларга бўлган ишонч ва эътиборни, қолаверса, юридик хизматни янги босқичга олиб чиқадиган муҳим ҳужжат. Эндилиқда юридик хизмат ходимларига ҳам адлия органлари ходимларига белгиланган мартаба даражалари бериладиган ҳамда кўп йиллик хизматлари учун устамаларни тўлаш тартиби татбиқ этиладиган бўлди. Қарор ижроси доирасида 2017 йил 28 февралда адлия вазирининг давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат ходимларини мартаба даражалари бўйича аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳакида буйруғи кабул килинди. Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат ходимларига 1-даражали адлия маслаҳатчиси, 2-даражали адлия маслаҳатчиси, 3-даражали адлия маслаҳатчиси, 1-даражали юрист, 2-даражали юрист, 3-даражали юрист каби маҳсус унвон-мартаба даражалари берилади. Юридик хизмат ходимларига мартаба даражалари бериш ижобий аттестация, малакаси ва иш стажига мувофиқ, эгаллаб турган лавозимини, олдинги иш ёки хизмат жойида берилган маҳсус унвонларни, шунингдек, қонунчиликни мустаҳкамлаш, ахолининг хуқукий саводхонлиги ва хуқукий маданиятини ошириш соҳасидаги хизматларини хисобга олган ҳолда амалга оширилади. Тартибга кўра, мартаба даражалари республика даражасидаги давлат органлари ва ташкилотларининг

юридик хизмати ходимларига давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмати ходимларига тегишли равишда Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тавсиялари бўйича, шунингдек, ўз ташаббусига кўра Ўзбекистон Республикаси адлия вазири томонидан берилади. Мартаба даражаларини бериш учун давлат органлари ва ташкилотларининг раҳбарлари томонидан тегишлилигига кўра Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирилиги ёки унинг худудий бошкармаларига тақдимнома билан мурожаат этилади. Юридик хизмати ходимларининг маҳсус унвон-мартаба даражаларига тавсия этилган номзодлар Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг буйруғига асосан тузиладиган Юридик хизмат ходимларини мартаба даражалари бўйича аттестациядан ўтказиш комиссияси томонидан аттестациядан ўтказилади. Маҳсус унвон-мартаба даражалари бўйича аттестациядан ўтказиш юридик хизмат ходимининг навбатдаги аттестациядан ўтиши деб ҳисобланмайди ҳамда аттестациядан ўтиш муддатининг узайтирилишига асос бўлмайди. Юридик хизмат ходимларига маҳсус унвон-мартаба даражаларини бериш Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг буйруғи билан расмийлаштирилади ҳамда ушбу буйрук тегишли давлат органлари ва ташкилотларига юборилади. Энг асосийси, ходим бошқа давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларига ишга ўтганда ҳам юридик хизмат ходими сифатидаги меҳнат стажи мартаба даражалари ва кўп йиллик хизмат устамаларини тўлаш учун мўлжалланган меҳнат стажи ҳисобига олинади. Юқоридаги кафолатлар эндиликда малакали, ёш мутахассисларда ҳам мазкур соҳага қизиқишини орттириб, ўз навбатида, соҳага кадрларни танлаб олиш имкониятини яратади. Бу эса, албатта, соҳа фаолияти сифат даражасининг ошишига имконият яратади. Бугунги шиддат билан ривожланиб бораётган даврда замон ўзгаришига қараб конунчилик ҳам такомиллашиб бормоқда. Бир йил давомида ўнлаб қонун хужжатлари қабул килинди. Уларни доимий ўрганиб бориш, мазмун-моҳиятини ўзлаштириш юридик хизмат ходимидан, авваламбор,

лавозимга биринчи маротаба тайнланган шахслардан доимий равиша ўз устида ишлашни ва малакасини ошириб боришин талаб этади. Шундан келиб чиқиб, бугунги кунга қадар амалда бўлиб келган беш йиллик муддат юридик хизмат ходимининг малакасини ошириш ва аттестациядан ўтиши узоқ давр деб топилди ва эндиликда юридик хизмат ходими лавозимига биринчи марта тайнланган шахслар ўз касбий билимлари, ўкув ва амалий қўникмаларини мустаҳкамлаш ва шакллантириш, шунингдек, ишнинг ўзига хослиги, тайнланнаётган лавозими бўйича функционал вазифаларини сифатли бажариши учун илгор тажрибани эгаллаб олишини таъминлаш максадида белгиланган тартибида адлия органларида иккى хафталик муддатда стажировкадан ўтади. Бунда стажировка республика даражасидаги давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларини юридик хизмати ходимлари учун — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирилигида, худудий давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларини юридик хизмати ходимлари учун — тегишлича Қорақалпогистон Республикаси Адлия вазирилиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошкармаларида ўталади.

Давлат органлари ва ташкилотлари раҳбари юридик хизмат ходими лавозимига биринчи марта тайнланган шахси стажировкадан ўтказишни сўраб, ходим белгиланган тартибида лавозимга тайнланган кундан эътиборан ўн кун ичida тегишли адлия органига мурожаат этади. Стажёр стажировкадан ўтиш вақтида юридик хизмат ходимининг функционал вазифалари ва уларни бажаришда билиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий хужжатлар, норма ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти, норматив-ҳуқуқий хужжатларнинг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш, шартномавий-ҳуқуқий ва даъво ишларни юритиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиши, шунингдек, мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий-иктисодий ислохотларнинг мазмун-моҳиятини ўрганиши лозим.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 13 апрелда “Давлат хуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ва “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини тубдан такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Дарҳақиқат, ушбу қарорда белгилаб берилган барча тадбирларнинг асосий мақсади ҳам давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида қонунийликни янада мустаҳкамлаш, демократик ва хуқуқий ислоҳотларни амалга оширишда юридик хизматларнинг роли ва жавобгарлигини кучайтириш орқали тадбиркорлик субъектлари ва фуқароларнинг қонуний хуқуклари ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишдан иборат. Чунки юридик хизматларнинг тубдан такомиллашашётганлиги уларнинг самарали фаолият юритишига, юртимизда қонун устуворлиги изчил таъминланишига хизмат килади.

2. Юридик хизматнинг хуқуқий ҳолати

Тадбиркорлар ўртасидаги ўзаро хуқуқий муносабатлардаги низоларнинг келиб чиқишига яна бир муҳим омил хусусий секторнинг шартномавий-хуқуқий муносабатларига оид қонун хужжатларининг давр талабига жавоб бермаётганлиги, юридик хизмат кўрсатиш тўғрисида яхлит тизимли хуқуқий асоснинг мавжуд эмаслигига намоён бўлади.

Юридик хизмат — давлат органи ва ташкилоти фаолиятини хуқуқий таъминлаш мақсадида қонунчиликда белгиланган меъёр ва мезонларга мувофиқ мажбурий тартибда ташкил этиладиган ёки жорий қилинадиган мустақил таркиби тузилма ёхуд лавозим. Юридик хизмат бевосита давлат органи ва ташкилотининг раҳбарига бўйсунади. Юридик хизмат юридик департамент, юридик бошқарма, юридик бўлим, юридик бюро шаклида ташкил қилиниши ёхуд битта штатдан иборат бош юрисконсульт, етакчи юрисконсульт, катта юрисконсульт ёки юрисконсультдан иборат бўлиши мумкин. Юридик

хизматнинг мавжуд штат бирликларини қисқартиришга ва уларни давлат органи ва ташкилотининг бошқа таркиби тузилмаларига қайта тақсимлашга йўл қўйилмайди.

Юридик хизмат ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, “Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисида”ги низомга ва бошқа қонун хужжатларига амал килади.

Юридик хизмат ходими ёхуд юрисконсульт лавозимида олий юридик маълумотга эга бўлган ёки Тошкент давлат юридик университети хузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиши марказида юридик мутахассислик бўйича қайта тайёрлаш курсларини тамомлаган ва белгиланган намунадаги дипломни олган шахс ишлаши мумкин. Юридик хизмат бошлиги лавозимида олий юридик маълумотга эга бўлган ёхуд Тошкент давлат юридик университети хузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиши марказида юридик мутахассислик бўйича қайта тайёрлаш курсларини тамомлаган ва белгиланган намунадаги дипломни олган, шунингдек, юридик мутахассислик бўйича камида икки йиллик иш стажига эга бўлган шахс тайинланади.

Юридик хизмат ходими лавозимида биринчи марта тайинланган шахслар белгиланган тартибда адлия органларида стажировкадан ўтадилар. Адлия органларида стажировкадан ўтиш тартиби Ўзбекистон Адлия вазирлиги томонидан белгиланади. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, шунингдек республика даражасидаги давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмати ходимлари лавозимга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда тайинланадилар. Туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари, шунингдек худудий даражадаги давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмати ходимлари лавозимга

Қоракалпогистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари билан келишилган ҳолда тайинланадилар ва озод қилинадилар. Юридик хизмат ходимини лавозимга тайинлаш ва озод қилиш масалаларини адлия органлари билан келишиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

Давлат органи ва ташкилотида юрисконсульт ёрдамчиси лавозими жорий этилиши мумкин. Юрисконсульт ёрдамчиси лавозимида олий ёки ўрта маҳсус юридик маълумотга эга бўлган ёхуд Тошкент давлат юридик университети хузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича професионал ўқитиш марказида юридик мутахассислик бўйича қайта тайёрлаш курсларини тамомлаган ва белгиланган намунадаги дипломни олган шахс, шунингдек, олий таълим муассасасининг «Юриспруденция» мутахассислиги бўйича таҳсил олаётган бакалавриат босқичининг битирувчи курси талабаси ёки магистранти ишлаши мумкин.

Белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар юридик хизмат ходими ва юрисконсульт ёрдамчиси лавозимида ишлаши мумкин эмас. Давлат органи ва ташкилотининг юридик хизмати ходимларига мартаба даражалари берилади ҳамда кўп йиллик хизмат учун кўшимча тўлов ва устамалар конунчиликда белгиланган тартибда тўланади.

Давлат органи ва ташкилоти юридик хизматининг ходими сифатидаги меҳнат стажи бошқа давлат органлари, шу жумладан ҳукуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларига ўтганда мартаба даражалари ва кўп йиллик хизмат учун кўшимча тўлов ва устамаларни тўлаш учун мўлжалланган меҳнат стажи ҳисобига олинади. Давлат органи ва ташкилоти юридик хизматлари ходимлари конунчиликда белгиланган тартибда ҳар уч йилда камида бир марта малакасини оширади ҳамда ҳар уч йилда бир марта аттестациядан ўтадилар. Давлат органлари ва ташкилотларида ҳар или мазкур давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида қонун устуворлиги ва

қонунийликка риоя этилиши ахволи тўғрисидаги юридик хизматнинг ҳисоботи эшитилади.

3. Юридик хизмат фаолиятининг асосий йўналишлари

Куйидагилар юридик хизмат фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади:

ташкилотнинг ҳукуқни кўллаш фаолиятида қонун устуворлиги ва конунийликни таъминлашни ташкил этиш;

ташкилот томонидан ишлаб чиқилаётган (қабул қилинаётган) норматив-хукукий ва бошқа хужжатлар лойиҳаларининг қонунчиликка мувофиқлиги устидан назоратни олиб бориш;

ташкилотнинг қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифларни тайёрлаш масалаларида уларнинг тузилмалари ишини мувофиқлаштириш;

ташкилот ходимларининг ҳукуқий маданияти ва ҳукуқий саводхонлигини ошириш, уларга қабул қилинаётган норматив-хукукий хужжатларнинг мазмун ва аҳамиятини, шу жумладан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари орқали етказишида иштирок этиш;

шартномавий-хукукий ва талабнома-даъво ишларини юритиш, ташкилотнинг мулкий ва бошқа манфаатларини ишончли химоя қилинишини таъминлаш.

Юридик хизмат фаолиятининг асосий йўналишларини бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

1) ташкилотнинг ҳукуқни кўллаш фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлашни ташкил этиши соҳасида:

ташкилотда, шунингдек тегишли тузилмаларда қонун бузилишларини, уларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш юзасидан таклифлар киритади, ушбу чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этади;

ташкilot раҳбариятига тақдим қилинадиган буйруқлар, фармойишлар, шартномалар ва юридик тусдаги бошқа хужжатлар лойиҳаларини уларнинг конунчиликка мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказади ҳамда улар бўйича эътиroz ва таклифлар бўлмаса, виза қўяди. Бунда лойиҳаларга юридик хизмат томонидан ташкilotning бошқа таркибий тузилмаларидан (ходимларидан) кейин виза қўйилади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хукуқ ва эркинликларини амалга оширишга таъсир этадиган ташкilotларнинг қарорлари юзасидан хulosалар беради;

мустакил равища ёки бошқа тузилмалар билан биргаликда ташkilotning буйруқлари, фармойишлари, шартномалари ва юридик тусдаги бошқа хужжатларини ишлаб чиқиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб хисоблаш тўғрисида таклифлар тайёрлайди;

ташkilotda, шунингдек тегишли тузилмалarda хукуқни қўллаш амалиётини ўрганади, таҳлил килади ва умумлаштиради, уни тacomillashiriш бўйича таклифлар тайёрлайди ва раҳбариятга киритади;

ташkilotning бошқа тузилмалари билан биргаликда давлат органи, тегишли тузилмалар ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятида конунийликнинг бузилиши кўrsatilgancha аризалар, таклифлар ва шикоятларни кўриб чиқиша iштиrok etadi;

ташkilotda boшқарув тизiminи tacomillashiriшda iштиrok etadi;

ташkilotda меҳнат ҳакидаги қонунчиликка риоя этилишини таъминлашда, шу жумладан меҳнат муносабатларини тартибга солувчи хукуқий хужжатларни (меҳнат шартномаси, жамоа шартномаси, жамоа битими ва бошқаларни) ишлаб чиқиша iштиrok etadi, ушбу хужжатлар лойиҳаларининг қонунчиликка мувофиқлигини текширади ва хукуқий хulosalар beradi;

ташkilot раҳбариятига ташkilot фаолиятида қонун устуворлиги ва конунийликни таъminлаш ахволи юзасидан хисобот тақдим etadi;

ташkilot ходимларининг касаба уюшмалари ва бошқа вакиллик органлariга ваколатларini амалга оширишда юридик ёрдам кўrsatadi;

2) ташkilot томонидан ишлаб чиқilaётган (қабул қилинаётган) норматив-хукуқий ва бошқа хужжатлар лойиҳаларининг қонунчиликка мувофиқлиги устидан назоратни олиб бориши, шунингдек ташkilotning қонун ижодкорлиги фаолиятида iштиrok этиши, қонунчиликни тacomillashiriш юзасидан таклифларни тайёрлаш масалаларида унинг тузilmalari iшини муvofiqlashiriш соҳасida:

ташkilotning норма ижодкорлиги фаолиятининг жорий ва истиқболли режаларини ишлаб чиқади ёки уларнинг ишлаб чиқилишида, амалга оширилиши ва бажарилишини назорат килишда iштиrok etadi;

ташkilot ваколатига кирадиган масалалар бўйича норматив-хукуқий хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ёхуд ишлаб чиқиша iштиrok etadi;

ташkilotning хукуқий хужжатларини ишлаб чиқади ёхуд уларни ишлаб чиқиша ҳамда хукуқий экспертизадан ўтказиш ва рўйхатига олишда iштиrok etadi;

экспертизадан ўтказиш ёки келишиш учун тақдим этилган хужжатлар лойиҳаларини мустакил ёки бошқа тузilmalari bilan bиргалиkda хукуқий экспертизадан ўтказади, уларнинг қонунчиликка, қонунчилик техникиси коидаларига, ҳавола қилувчи нормалар қўllанилишининг асослилиги ва мақсадга мувофиқлиги, шунингдек уларда коррупцияга сабаб бўладиган омилларнинг мавжуд эмаслиги юзасидан хукуқий хulosalар тайёрлайди;

хужжатлар лойиҳалари бўйича эътиroz ва таклиfлар бўлmasa, уларга виза қўяди. Бунда лойиҳалarга юридик хizmat томонидан ташkilotning бошқa таркиbий tuzilmalariidan (ходимларидан) keyin viza қўyiladi;

тизимли равища ташkilotning тегишли соҳа фаолиятидаги амалдаги хужжatlarning уларда коррупцияга сабab bўladigancha омилларни aniklashga karatilgan taҳlilni ўtказadi;

ташkilot фаолияти соҳасida давлат boшқaruvini tacomillashiriш бўйича takliflar iшlаб chиқisha iшtirok etadi;

ташкilotта келиб тушган ва ўзи томонидан чиқарилган хужжатлар, шу жумладан норматив-хуқуқий хужжатларнинг тизимлаштирилган хисобини белгиланган талабларга мувофиқ юритади, уларнинг сакланишини ва назорат холатида бўлишини таъминлайди;

ташкilotning норматив-хуқуқий хужжатлар фондни тўлдириш, шу жумладан фондни кодекслар, қонунлар, шархлар, ахборотномалар ва бошка хуқуқий нашрлар билан бутлаш чораларини кўради, давлат органи ва ташкiloti раҳбариятига хуқуқий нашрларга обуна бўлиш ҳакида таклифлар киритади;

ташкilot ваколатига кирадиган масалалар бўйича қонун хужжатлари тўпламларини нашр этишга тайёрлайди;

ташкilot тизимиға кирадиган тузилмаларнинг юридик хизматлари фаолиятини мувофиқлаштиради, келишилган ҳамкорликни таъминлайди;

ташкilot тизимиға кирадиган тузилмаларнинг хуқуқий ишларига методик ёрдам кўрсатади, юридик хизмат фаолияти йўналишлари бўйича тавсияномалар ва кўрсатмаларни ишлаб чиқади;

3) ташкilot ходимларининг хуқуқий маданияти ва хуқуқий саводхонлигини ошириш, уларга қабул қилинадиган норматив-хуқуқий хужжатларнинг мазмун ва аҳамиятини, шу жумладан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари орқали етказиш соҳасида:

ташкilot раҳбарияти учун қонунчилик масалалари бўйича тахлилий материаллар тайёрлайди;

ташкilot, шунингдек унинг тизимиға кирадиган тузилмалар ходимларининг хуқуқий билимларини ошириш тадбирларини ташкил этиш тўғрисида таклифлар киритади, ушбу тадбирларни ўтказишида иштирок этади;

ташкilot фаолиятига тегишли қонунчиликни тарғиб қилиш ишларини амалга оширади;

зудлик билан ташкilot ахборот хизматига ташкilot веб-сайтига жойлаштириш максадида қабул қилинган хужжатлар ва уларнинг мазмун ва аҳамияти тўғрисида маълумотлар киритади;

ташкilot ходимларининг мурожаатлари бўйича уларга ташкilot фаолиятига тегишли хуқуқий хужжатларни топишга кўмаклашади, зарур холларда уларнинг қоидалари бўйича тушунтиришлар беради;

конунчиликка киритилган ўзгартиришлар ҳакидаги маълумотларни, суд амалиётини, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг хуқуқий ишларга тааллукли кўрсатмаларини ташкilot тизимиға кирадиган тузилмаларга етказади;

4) шартномавий-хуқуқий ва талабнома-даъво ишларини юритии, ташкilotning мулкий ва бошка манфаатларини ишончли ҳимоя қилининишини таъминлаш соҳасида:

ташкilotлар, шунингдек фуқаролар билан низолар вужудга келганда, мустақил ёки бошка таркибий тузилмалар билан биргаликда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўради;

бошка тузилмалар билан биргаликда ташкilot томонидан шартномаларни тайёрлаш ва тузиш ишларида иштирок этади, уларнинг қонунчиликка мувофиқлигини текширади ҳамда шартномалар лойиҳаларига, агар эътироz ва таклифлар бўлмаса, виза қўяди;

шартномаларни тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг белгиланган тартибига риоя этилишини назорат қилади;

ташкilot томонидан тузилган шартномаларни зарур даражада бажариш бўйича таклифлар киритади, шартномавий муносабатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиша иштирок этади;

ташкilotning манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича талабномалар тайёрлашда ва ташкilotta нисбатан билдирилган талабномаларни кўриб чиқиша иштирок этади, ташкilotda талабномалар билдириш ва уларни кўриб чиқиша тартибига риоя этилишини назорат қилади;

тегишли тузилмалар билан биргаликда ташкilotning дебиторлик ва кредиторлик карзлари ахволини ўрганади, уларнинг микдорини камайтириш чораларини кўради;

шартномавий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар юзасидан даъво ишларини олиб боради;

ташкилотнинг мулкий ва бошқа манфаатларини ҳукуқий химоя қилиш учун зарур бўлган хужжатларни тайёрлашда ҳамда белгиланган тартибда суд мажлислида иштирок этади;

мулкни сақлаш масалалари бўйича ҳукуқий тусдаги хужжатлар лойихаларининг қонун хужжатларига мувофиқлигини текширади ва уларни тайёрлашда иштирок этади;

бошқа таркибий тузилмалар билан биргаликда ташкилотда мулкнинг талон-торож килиниши, камомад ва ноишлаб чиқариш харажатларининг келиб чиқиши сабаблари ва шароитларини таҳлил қиласи ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўради;

моддий бойликлар ва пул маблагларини хисобдан чиқариш тўғрисидаги хужжатлар лойихалари, шунингдек қонун бузилишлари ва суиистеъмоллар аниқланган аудиторлик текширувлари ва хатловдан ўтказиш далолатномалари бўйича ҳукуқий хуносалар беради.

Такрорлаш учун саволлар

1. Юридик хизмат деб нимага айтилади?
2. Юрисконсульт лавозимида кимлар фаолият юрита олади?
3. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида юридик хизматнинг роли нималарда намоён бўлади?
4. Тадбиркорлик субъекти юристининг лавозим ваколатларига нималар киради?
5. Тадбиркор учун юрист керакми ёки керак эмасми? Фикрингизни аниқ фактлар ёрдамида ҳимоя қилинг.

Тавсия этилаётган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси: Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: “Адолат”,

2018 й. – 376 б.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – “Халқ сўзи” газетаси, 2018 йил 29 декабрь, № 271-272 (7229-7230).
3. Ҳўжалик судлари хал қилув қарорларига шарҳлар тўплами. Ш.З. Сайдов ва бошқа муаллифлар жамоаси. – Т.: Baktria press, 2014.
4. Ибратов Б.И. Тадбиркорлик (бизнес) ҳукуки. – Тошкент: Молия, 2001. – 218 б.
5. Тадбиркорлик (бизнес) ҳукуки. Дарслик. 1-2 том. Ш.Н. Рўзиназаров ва бошқалар. – Тошкент: Консаудитинформ, 2002.
6. Эгамбердиев Э. Ҳимоянинг процессуал воситалари // Ҳаёт ва қонун, 2000, 9-сон.
7. www.lex.uz

11-мавзу. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари устидан давлат назорати

1. Тадбиркорлик фаолияти устидан давлат назорати тушунчаси ва аҳамияти.
2. Тадбиркорлик фаолияти устидан давлат назоратини амалга давлат органларининг асосий вазифалари.
3. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш турлари.

1. Тадбиркорлик фаолияти устидан давлат назорати тушунчаси ва аҳамияти

Мамлакатимизда мустақилликнинг ilk кунларидан бошлаб тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармонлар ва хорижий инвесторлар фаолияти эркинлигини таъминлашга қаратилган зарур норматив-хуқуқий база яратилиб, замон талабларидан келиб чиккан ҳолда мунтазам равишда такомиллаштириб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишини таъминлаш, уларни жадал ривожлантириши ўйлидаги тўсикларни бартараф этиши чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул килиниши хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ўйлидаги тўсик ва чекловларни бартараф этиш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, ялпи ички маҳсулотда хусусий мулк, жумладан, чет эл капитали иштирокидаги улушини ошириш ҳамда тадбиркорлик фаолиятига ноконуний аралашиб ва тўсқинлик килиш, хусусий мулкдорлар хуқуқларини бузганлик учун давлат, хуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари жавобгарлигини жиноий жавобгарликка тортиш даражасигача ошириш борасидаги муҳим норматив хужжат бўлди.

Мазкур фармонга мувофиқ, 2015 йилнинг 1 июлидан бошлаб, микро фирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликлари фаолиятига оид

барча текширувлар режали тартибда назорат органлари томонидан тўрт йилда бир мартадан, бошқа хўжалик субъектларида эса факат Ўзбекистон Республикаси Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши қарорига асосан уч йилда бир мартадан кўп бўлмаган тартибда амалга оширилиши, молия-хўжалик фаолияти билан боғлик бўлмаган режали текширувлар ўтказиш муддати 10 календарь кунидан ошмаслиги, тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини режали текширишлар факат сўнгти режали текширувдан кейинги давни камраб олиши кўзда тутилган.

Бундан ташки, кўзгатилган жиноий ишлар муносабати билан хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъект жалб этган адвокатлар албатта иштирок этган ҳолда (хўжалик юритувчи субъект томонидан ушбу хуқуқнинг рад этилиш ҳолатлари бундан мустасно) амалга оширилиши, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддасида назарда тутилган жиноятни (соликлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш) биринчи марта содир этган, жиноят аниқлангандан кейин 30 кун ичida давлатга етказилган зарарни тўлиқ қоплаган, пея ва бошқа турдаги молиявий санкцияларни тўлаган шахсга нисбатан жиноий иш кўзгатилмаслиги ва у жавобгарликдан озод қилиниши белгилаб кўйилди.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари устидан давлат назоратини амалга ошириш айрим давлатлар қонунчилигига кўпроқ либерал ёндошилади. Бу кўпроқ Евropa ва Америка давлатлари қонунчилигига хосdir. Бу минтақадаги давлатларда давлат тадбиркорлик фаолияти субъектларини бевосита эмас, балки билвосита, яъни электрон тизим орқали назорат қиласи. Тўғри, ушбу ҳолат тадбиркорлик субъектларининг қонунга риоя қилаётган ёки қилмаётганлигини аниқлаш имконияти чекланиши мумкин. Лекин, одатда, электрон тартибда риоя қилган ҳолда текшириш натижасида тадбиркорлик субъекти нотўғри маълумот берган тақдирда конунда нисбатан ўзида қаттиқ жазолаш турини намоён этади.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш қўйидаги йўллар билан амалга оширилади:

текшириш, шу жумладан тафтиш, мукобил текшириш, назорат тартибида текшириш;

статистика ахборотларини ва бошқа ахборотларни таҳлил қилиш; идора қарамоғидаги органларни текширишдан ўтказиш.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини статистика ахборотларини ва бошқа ахборотларни таҳлил қилиш орқали давлат томонидан назорат қилиш, шунингдек идора қарамоғидаги органларни текширишдан ўтказиш қонун хўжжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари томонидан амалга оширилади. Назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари қонун хўжжатларида белгиланган тартибида аттестациядан ўтказилишлари лозим.

Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишига текширишларни ўтказишга рухсат берилганилиги тўғрисидаги маҳсус гувоҳнома, шахсий гувоҳнома ва қонунда назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда йўл қўйилади.

Текширувга аудиторлик ташкилотлари ва/ёки эксперталар жалб этилгани тақдирда, назорат қилувчи органнинг мансабдор шахси томонидан назорат қилувчи орган ва аудиторлик ташкилоти ва/ёки эксперт ўртасидаги шартноманинг кўчирма нусхаси албатта тақдим этилади. Шартномада аудитор ва/ёки экспертнинг фамилияси, исми, отасининг исми, иш жойи ва лавозими кўрсатилган бўлиши керак. Аудитор ва/ёки эксперт хулосасининг тўғрилиги ва унинг қонун хўжжатларига мувофиқлиги учун аудиторлик ташкилоти ва/ёки экспертнинг жавобгарлиги тузиладиган шартноманинг зарурий шарти хисобланади. Аудиторлик текширувлари ва экспертизаларни ўтказиш харажатлари назорат қилувчи органлар хисобига амалга оширилади.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш маҳсус ваколатли орган томонидан амалга оширилади ва у чиқарган қарорларнинг

хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишга доир қисми назорат қилувчи органлар учун мажбурий хисобланади.

2. Тадбиркорлик фаолияти устидан давлат назоратини амалга давлат органларининг асосий вазифалари

Жамиятимизда тадбиркорлик мұхити тобора мустахкамланиб бораётгани юкори иқтисодий ўсишни таъминлаш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини оширишга замин яратмоқда. Тадбиркорлик фаолияти субъектларини назорат қилишда тегишли давлат органларининг вазифаси улар фаолиятига тўсик бўлиш уларнинг у ёки бу имкониятини асоссиз тўхтатиб қўйишга қаратилмаган бўлиши лозим. Бундан кўзлантган асосий мақсад, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини қўллаб-куватлаш тегишли ҳукуқий-амалий ёрдам беришдан иборат бўлиши лозим. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда тадбиркорлик фаолияти субъектларини текшириш ва уларни назорат қилиш билан боғлиқ қонун ва қонуности хўжжатларининг ҳаддан ташқари кўплиги, шу билан бирга, уларда белгиланган қоидаларнинг бир-бирига зид келиш ҳолатларининг мавжудлиги ҳамда ушбу қонунчиликни қўлловчи тегишли давлат орган вакилларининг тегишли билим ва кўнкимага эга бўлмаганлиги сабабли тадбиркорлик фаолияти субъектларига зарар етишига сабаб бўлмоқда.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш тегишли қонун хўжжатларига мувофиқ режали ва режали текширишларга бўлинади. Мазкур ҳолатда таснифлаган ҳолда белгилаш тадбиркорлик субъектларининг тегишли тартибида белгиланган муддатда текширишни ўтказиш ва тегишли ҳолатда тадбиркорлик субъектларининг амалдаги қонун хўжжатларини бузган ҳолда фаолияти олиб боришини хисобга олган ҳолда таснифланади. Мазкур тартиб аксарият давлатлар қонунчилигига белгиланган. Масалан Германия, Англия, Швеция давлатларида режали ва режадан ташқари текшириш тартибида амалга оширилади. Лекин юкорида таъкидлаб ўтганимиздек, режали текшириш

тегишли тартибда электрон тизим орқали амалга оширилади. Режадан ташқари текшириш эса тегишли давлат органи томонидан тадбиркорнинг қайси қонун хужжатини бузган бўлса, шу нуқтаи назардан текширилади. Бошқа фаолият турни текшириш обьекти ҳисобланмайди.

Назорат қилувчи органлар томонидан юридик шахс бўлган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини режали текшириш, шу жумладан молия-хўжалик фаолиятини текширишлар учун қўйидагилар асос бўлади:

махсус ваколатли орган ёки унинг тегишли худудий бўлинмаси томонидан берилган, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишни ўтказишнинг мувофиқлаштирувчи режасидан кўчирма;

назорат қилувчи органнинг мувофиқлаштирувчи режа асосида чиқарилган, текшириш мақсади, текширувчи мансабдор шахсларнинг таркиби ва текширишни ўтказиш муддатлари кўрсатилган буйруғи.

Прокуратура, ички ишлар ва давлат хавфсизлик хизмати органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш учун қўзгатилган жинойи иш мавжудлиги асос бўлади. Бунда текширувга хўжалик юритувчи субъектнинг факат қўзгатилган жиноят иши билан боғлик фаолияти камраб олиниши мумкин бўлиб, бу ҳақда текширувни тайинлаш тўғрисидаги карорда кўрсатилган бўлиши лозим.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини текширишлар белгиланган тартибда факат давлат солик хизмати органлари томонидан, мазкур органлар текширишлар давомида солик ва валютага оид жиноятлар аломатларини аниклаганида эса Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги тегишли департамент томонидан амалга оширилади.

Тадбиркорлик субъекти томонидан белгиланган тартибда тақдим этилган молия ва солик ҳисоботини, шунингдек тадбиркорлик субъектининг фаолияти тўғрисида давлат солик хизмати органида мавжуд бўлган бошқа хужжатларни ўрганиш ҳамда таҳлил этиш асосида ўтказиладиган камерал назорат натижалари бўйича коидабузарликлар аниқланган ҳоллардагина давлат солик хизмати органлари тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини

текшириш ташаббуси билан чиқиши мумкин. Лекин, бундай ҳолатда айрим давлатлар қонунчилигига агар солик тўловчи солик тўлаш билан боғлик қонун хужжатларини бузган ва хукуқни бузган шахс ушбу хукукбузарликни тегишли давлат органи томонидан текшириш ўтказилмасдан тан олган ва етказилган зарарни коплаган ҳолда режадан ташқари текшириш ўтказилмайди.

Ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг юридик шахс тугатилиш жараёнида эканлиги тўғрисидаги билдириши асосида давлат солик хизмати органлари томонидан амалга оширилади, текшириш муддати ўттиз календарь қунидан ошмаслиги керак.

Бозорлар, савдо комплекслари худудларида ва уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтингча сақлаш жойларида бир марталик йиғимлар, ижара ҳақи тўлиқ тушиши ва уларнинг топширилиши ҳисобга олинишига, фискал хотирили назорат-касса машиналаридан, тўловларни пластик карточкалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланишига, шунингдек савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя этилишига оид қисқа муддатли текширувлар давлат солик хизмати органларининг факат қонун хужжатларида ваколат берилган бўлинмалари томонидан мазкур бўлинмалар бошликларининг буйруклари асосида ўтказилиб, кейинчалик бу ҳақда махсус ваколатли орган ёки унинг тегишли худудий бўлинмаси қисқа муддатли текширув ўтказилган кундан эътиборан бир иш куни ичida хабардор килинади.

Текширишлар даврийлиги. Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини текширишлар махсус ваколатли органнинг карорига биноан режали тартибда кўпи билан йилига бир марта амалга оширилиши мумкин, хусусий корхоналар ва қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Белгиланган нормалар ва қоидаларга ўз вақтида ҳамда тўла ҳажмда риоя этувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини текширишлар назорат килувчи органлар томонидан кўпи билан икки йилда бир марта амалга оширилади, Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар

фаолиятини давлат томонидан назорат тўғрисида”ги Қонуннинг 10¹-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Хусусий корхоналар фаолиятини текширишлар назорат қилувчи органлар томонидан кўпи билан икки йилда бир марта, белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

Текширувлар муддатлари. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишни ўтказиш муддатлари 30 календарь кундан ошмаслиги лозим. Алоҳида ҳолларда маҳсус ваколатли органнинг қарорига биноан бу муддат узайтирилиши мумкин, бунда ушбу коида кичик тадбиркорлик субъектларига нисбатан татбиқ этилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат тўғрисида”ги қонуннинг 9 ва 12-моддаларида назарда тутилган текширишни ўтказиш учун асос бўладиган хужжатлар текширилаётган хўжалик юритувчи субъектга тилхат олинган ҳолда топширилган пайт текширишни ўтказиш бошланган пайт хисобланади. Текширилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг мазкур хужжатларни олишдан бош торганлиги текширишни бекор қилиш учун асос бўлмайди. Текширилаётган хўжалик юритувчи субъект мазкур хужжатларни олишдан бош торган тақдирда, назорат қилувчи органнинг мансабдор шахси томонидан унинг ўзи ва текширилаётган хўжалик юритувчи субъект имзолайдиган далолатнома тузилади. Текширилаётган хўжалик юритувчи субъект мазкур далолатномани имзолашдан бош торганда, далолатномага тегишли ёзув киритилади. Бу ҳолда далолатнома имзоланган пайт текширишни ўтказиш бошланган пайт хисобланади.

Текшириш натижалари тўғрисидаги далолатнома (маълумотнома) текширилаётган хўжалик юритувчи субъектга топширилган кун текширишни ўтказиш тугаган кун хисобланади. Текширилаётган хўжалик юритувчи субъект текшириш натижалари тўғрисидаги далолатномани (маълумотномани) олишдан бош торганда, назорат қилувчи органнинг мансабдор шахси бу хақда текшириш натижалари тўғрисидаги далолатномага (маълумотномага) тегишли

ёзув киритади ва шу пайтдан эътиборан текшириш тугаган ҳисобланади. Бу ҳолда текшириш натижалари тўғрисидаги далолатноманинг (маълумотноманинг) бир нусхаси хўжалик юритувчи субъектта почта орқали буюртма хат билан юборилади.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларини текшириш ва улар фаолиятини назорат қилиш билан боғлиқ ваколатли давлат органларининг тегишли қонун ва конуности хужжатларида муайян ҳуқуқ ва мажбурияти кўрсатиб ўтилади. Тадбиркорлик фаолиятини текшириш ва назорат қилиш билан боғлиқ назорат органларининг энг муҳим вазифаси ўз ваколати доирасидан кетга қилмаслик ва уларнинг фаолиятини уларга тўсик бўлмайдиган ҳолда текширилиши лозим бўлади. Айрим ҳолатларда тегишли давлат органларининг тадбиркорлик фаолияти тўсик бўладиган тарзда аралашиб ҳолатлари улар фаолиятига халақит берадиган конуности хужжатларини қабул қилиш ҳолатлари ҳам бўлиб туради. Айрим давлатларда ушбу ҳолатга йўл қўйганлик учун тегишли мансабдор шахенинг ўз лавозимидан озод қилиш билан чекланмасдан, уларга етказилган зарар учун уни қоплаш мажбурияти юкланади.

Текширилаётган хўжалик юритувчи субъектлар куйидаги ҳуқукларга эга: ўз фаолиятлари текширилиши тўғрисидаги тегишли ахборотга эга бўлиш; назорат қилувчи органларнинг текширувчи мансабдор шахсларидан маҳсус ваколатли орган ёки унинг худудий бўлинмалари қарорини, текшириш ўтказиш учун асос хисобланувчи бошқа хужжатларни талаб қилиш, текширувчиларнинг шахсини тасдиқловчи хужжатлар билан танишиш;

текшириш ўтказиш учун асосга эга бўлмаган шахсларнинг текшириш ўтказишига йўл қўймаслик;

назорат қилувчи органларнинг текширувчи мансабдор шахсларининг ваколатига кирмайдиган масалаларга оид талабларни бажармаслик ва текшириш предметига тааллуқли бўлмаган материаллар билан уларни таништирмаслик;

назорат қилувчи органларнинг текширувчи мансабдор шахсларидан текшириш тугаган куни текшириш натижалари тўғрисидаги далолатноманинг (маълумотноманинг) бир нусхасини олиш.

қонунда белгиланган тартибда текшириш натижалари устидан шикоят қилиш.

Хўжалик юритувчи субъектлар текширувчиларнинг қонуний талабига биноан текшириш ўтказиш учун зарур бўлган материаллар ва хужжатларни тақдим этишга, уларни текшириш объектларига киритишига, текширувчиларга ўз вазифаларини бажаришлари учун кўмаклашишига мажбурдирлар.

Назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш чоғида ўз ваколатлари доирасида куйидаги хукукларга эга:

текширилаётган хўжалик юритувчи субъектлардан текшириш ўтказиш билан бевосита боғлик бўлган зарур хужжатлар ва бошқа ахборотларни талаб қилиш;

текширилаётган хўжалик юритувчи субъектларга аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

тегишли давлат хокимияти ва бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектлар мулкдорлари олдига айбдор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги масалани қўйиш;

текширувга аудиторлик ташкилотларини ва ёки эксперктларни белгиланган тартибда шартнома асосида жалб этиш;

қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда молиявий ёки маъмурий жазо чораларини қўллаш;

режали текширишларни ўтказиш муддатини кўчириш тўғрисида, башарти бунга объектив асослар бўлса, маҳсус ваколатли органга тақдимнома киритиш.

Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг қонуний талаблари текширилаётган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажариш учун мажбурийdir.

Назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш чоғида ўз ваколатлари доирасида куйидагиларни бажаришга мажбурдирлар:

текширилаётган хўжалик юритувчи субъектларга текшириш ўтказиш хукукини берувчи зарур хужжатларни кўрсатиш;

хўжалик юритувчи субъектлар ишлашига халал бермаслик;

текширишларни қайд этиш дафтарига қонун хужжатларида белгиланган тартибда ёзиб қўйиш;

давлат сири, тижорат ёки бошқа сирлар сакланишини тъминлаш;

текширишлар натижаларини далолатнома (маълумотнома) билан расмийлаштириб, унинг бир нусхасини текшириш тугаган куни текширилаётган хўжалик юритувчи субъектда қолдириш;

хукуқбузарлик ҳоллари аниқланган тақдирда қонун хужжатларида назарда тутилган чораларни кўриш.

3. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш турлари

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишнинг қуйидаги шакллари мавжуд:

1) **комплекс текшириш** – бир вақтнинг ўзида икки ва ундан ортиқ назорат қилувчи органлар томонидан амалга ошириладиган текшириш. Комплекс текшириш режали текширишнинг бир тури бўлиб, текширувчилар ва текширилувчиларнинг вақтини тежаш ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига аралашувларни чегаралаш мақсадида, қоида тариқасида, икки ёки ундан ортиқ назорат қилувчи органлар томонидан амалга оширилади;

2) **молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш)** – солик ва валюта тўғрисидаги қонун хужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳамда бошқа хужжатларини ўрганиш

ва таққослаш;

3) **режали текшириш** – назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши томонидан тасдиқланган режажадвал асосида бир, икки ёки ундан ортиқ назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган текшириш;

4) **режадан ташқари текшириш** – назорат қилувчи органлар томонидан конун хужжатларида назарда тутилган тартибда ва ҳолларда амалга ошириладиган йиллик (чораклик) текширишлар режасига киритилмаган текшириш (шу жумладан, киска муддатли текшириш). Режадан ташқари текшириш режадан ташқари текшириш ўтказиш зарурати юз берганда ўтказилади. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши тарафидан режадан ташқари текшириш ўтказишга рухсат берилганилиги тасдиқловчи хужжат, режадан ташқари текшириш учун маҳсус ваколатли органнинг текширилаётган объект номини, солик тўловчининг идентификация рақами, текширув ўтказиш мақсади, муддатлари ҳамда уни ўтказиш сабабларининг асослилиги кўрсатилган ҳолда режадан ташқари текшириш ўтказиш тўғрисида чиқарган қарори, шунингдек текширишни амалга оширувчи тегишли мансабдор шахслар таркиби ва текширувни ўтказиш муддатлари кўрсатилган бўйруғи асос бўлиб хизмат қиласди;

5) **киска муддатли текшириш** – назорат қилувчи органлар томонидан бир иш куни давомида ўтказиладиган ва хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш билан боғлик бўлмаган текширув (кечки ва/ёки тунги вактларда фаолият кўрсатувчи (текшириш кунининг соат 18:00дан эртаси куннинг соат 6:00 гача) хўжалик юритувчи субъектларда киска муддатли текширишлар текшириш бошланган пайтдан бошлаб 8 соат давомида амалга оширилади);

6) **муқобил текшириш** – операциялар бирлиги туфайли ўзаро боғлик бўлган ва турли хўжалик юритувчи субъектлардаги ёки бир хўжалик юритувчи субъектнинг турли бўлинмаларидағи хужжатларни таққослашдан иборат текширув;

7) **назорат тартибда текшириш** – хўжалик юритувчи субъектларнинг илгариги текширишда кўрсатилган қоидабузарликларни бартараф этиши устидан назорат қилувчи органлар амалга оширадиган текшириш. Бундай текшириш ўтказиш назорат қилувчи органлар томонидан фақат илгари ўзлари ўтказган текшириш натижаларига доир далолатномада (маълумотномада) белгиланган ҳолатлар ва муддатлар бўйича Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши ёки унинг вилоят комиссияларининг кўшимча розилигисиз амалга оширилади.



Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Конуни (2002), ЎзР Вазирлар Махкамасининг “Кичик бизнес корхоналарининг ҳисобот беринин қисқартириши ва тартибга солини чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори (ВМК-65, 2000)га кўра, микрофирмалар ва кичик корхоналар юқоридаги органларга ҳисоботларни **хар чоракда** (хар ойда эмас!) тақдим этадилар. Ҳисобот тадбиркорлик субъектларини назорат қилишининг механизмларидан биридир.



ЎзР МЖТК, 215-модда:

Давлат статистик ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузиш
 Мансабдор шахсларнинг давлат статистика кузатувини олиб бориш учун зарур бўлган ҳисобот ва бошқа маълумотларни тақдим этмаслика ифодаланган давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузиши, ҳисобот маълумотларини бузиб кўрсатиши ёки ҳисоботларни тақдим этиш муддатларини бузиши – энгкам иш ҳақининг 7 бараваридан 10 бараваригача миқдорда жарима солишига сабаб бўлади.
 Худди шундай ҳукуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, энг кам иш ҳақининг 10 бараваридан 15 бараваригача миқдорда жарима солишига сабаб бўлади.

Қишлоқ хўялик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар **факат ишллик ҳисобот** тақдим этади.

→ ЎзР Молия вазирлиги буйруғи-140 (2002.27.12.): “Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириши бўйича қоидаларни тасдиқлаши тўғрисида” (фойда, қарздорлик, ишлаб чиқариш захиралари ва тугалланмаган ишлаб чиқариш кўрсаткичлари бўйича).

Молиявий ҳисобот.

→ “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” қонун.

→ Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳисобларни соддалаштириб юритиш ва ҳисоботларни тузиш тартиби ҳақидаги Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (20-сон БХМС) (рўйхат № 879, 24.01.2000).

→ ЎзР Молия вазирининг буйруғи (рўйхат № 1209, 2003.24.01.): «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириши бўйича қоидаларни тасдиқлаши тўғрисида».

→ ЎзР Молия вазирлиги (рўйхат № 942, 2000.03.07.): “Чораклик ва ишллик молиявий ҳисоботларни тақдим қилиши муддатларни тўғрисида Низом”.

→ ЎзР ВМҚ-227 (2002.25.06.): “Тақдим этиши даврийлиги қисқартириладиган молия ва давлат статистика ҳисоботи шаклларининг рўйхати”.



Молиявий ҳисобот бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида тузилади.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий ҳисоботи соддалаштирилган шаклда тузилади.

Молиявий ҳисоботнинг таркиби ва мазмунини ЎзР Молия вазирлиги белгилайди.


Шўба корхоналари, филиаллари ва ваколатхоналари бўлган корхоналар умумлаштирилган молиявий ҳисобот тузади. Юридик шахслар ўз филиаллари, ваколатхоналари ва бошқа таркибий бўлинмаларини мустақил балансга

ажратишлари мумкин бўлиб, уларнинг баланслари ва бошқа ҳисобот шаклларини ўзларининг умумлаштирилган ҳисоботига киритишлари шарт. Умумлаштирилган ҳисоботга бош корхона, унинг шўъба корхоналари, филиаллари ва ваколатхоналарининг молиявий ҳисоботлари илова қилинади. Умумлаштирилган ҳисобот бухгалтерия ҳисоби стандартларига мувофик тузилади. Юқоридаги талаблар вазирликлар, идоралар ва бюджет ташкилотларининг жамлама молиявий ҳисоботига нисбатан татбиқ этилмайди. 1 январдан 31 декабрга қадар бўлган календарь йил **молиявий ҳисоботнинг ҳисобот даври** ҳисобланади. Янгидан ташкил этилган юридик шахслар учун юридик шахс ҳукуки қўлга киритилган санадан бошлаб ўша йилнинг 31 декабряга қадар бўлган даври юридик шахс ҳисобланмайдиганлар учун эса, унинг давлат органларида рўйхатга олинган санадан бошлаб **биринчи ҳисобот йили** деб ҳисобланади.

Агар юридик шахс 1 октябрдан кейин рўйхатга олинган бўлса, биринчи ҳисобот йили кейинги йилнинг 31 декабрида тугайди. Рўйхатдан ўтишга ёки юридик шахс ҳукукини қўлга киритишга қадар амалга оширилган хўжалик операциялари тўғрисидаги маълумотлар биринчи ҳисобот йили молиявий ҳисоботига киритилади. Молия ҳисоботи ҳисобот йили бошдан қўшилиб борувчи жамлама тартибида йилнинг ҳар чорагида тақдим этилади. Бюджетдаги муассасалар йили чораги бўйича йиллик ҳисоботни юқори органга тақдим этадилар. Молиявий ҳисоботни тақдим этиш муддатларини ЎзР Молия вазирлиги белгилайди. Хўжалик юритувчи субъектларнинг йиллик молиявий ҳисоботи манфаатдор банклар, биржалар, инвесторлар, кредиторлар ва бошқалар учун ошкора ҳисобланади. Очик турдаги акциядорлик жамиятлари, сугурта компаниялари, банклар, фонд ва товар биржалари, инвестиция фонdlари ва бошқа молия муассасалари ҳар йилги молиявий ҳисоботни уларда кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилигини аудиторлар тасдиқлагач, ҳисобот йили тугаганидан сўнг биринчи майгача эълон қилишлари шарт. Хўжалик юритувчи субъект тугатилган вақтда якуний молиявий ҳисобот тузилади. Тугатиш бўйича операцияларни ҳисобга олиш, тугатиш баланси ва ҳисоботни

тузиш, активлар қийматини аниқлаш юзасидан жавобгарлик тугатиш комиссияси зиммасига юкланди. Умидсиз қарзлар ва зааралар тугатиш балансига киритилмайди. Мажбуриятлар уларни узиш вақтига қадар ҳисобланган фоизлари билан тугатиш балансида акс эттирилади.

Солик ҳисоботи (ЎзР Солик кодекси, 7-боб). Солик ҳисоботи солик тўловчининг солик ва бошқа мажбурий тўловнинг ҳар бир тури бўйича ёки тўланган даромадлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳамда солик декларацияларини, шунингдек ҳисоб-китобларга ва солик декларацияларига доир иловаларни ўз ичига оладиган хужжати бўлиб, у ЎзР ДСК ва ЎзР Молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шаклда тузилади. Солик ҳисоботи коғозда ва (ёки) электрон хужжатга доир талабларга риоя этилган холда электрон хужжат тарзида тузилади. Солик ҳисоботи солик тўловчи томонидан имзоланиши керак, шунингдек агар у юридик шахс бўлса, унинг муҳри билан тасдиқланади. Электрон хужжат тарзида тақдим этилган солик ҳисоботи солик тўловчининг электрон ракамли имзоси билан тасдиқланади. Юридик шахс — солик тўловчи қайта ташкил этилаётганда ёки тугатилаётганда, ҳар бир қайта ташкил этилаётган ёки тугатилаётган солик тўловчига солик даври бошланганидан эътиборан қайта ташкил этиш ёки тугатиш тугалланган кунга қадар бўлган давр юзасидан тегишинча топшириш далолатномаси, таксимлаш баланси ёхуд тугатиш баланси асосида алоҳида-алоҳида солик ҳисоботи тузилади. Мазкур ҳисобот топшириш далолатномаси, таксимлаш баланси ёки тугатиш баланси тасдиқланган кундан эътиборан уч иш куни ичидан тақдим этилади. Ушбу қоидалар ўзгартириш, шунингдек бошқа юридик шахсни қўшиб олиш орқали қайта ташкил этилаётган юридик шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди. Тадбиркорлик субъекти — юридик шахс ихтиёрий тугатилган тақдирда, унга солик даври бошланганидан то юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган тугатиш тартиб-таомили бошланганлиги ҳакида хабардор қилинган санагача бўлган муддат учун алоҳида солик ҳисоботи тузилади. Солик ҳисоботида кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилиги учун жавобгарлик солик тўловчининг зиммасига юклатилади.



Солик ҳисоботи солик түловчи томонидан СКда белгиланган муддатларда тақдим этилади. Солик ҳисоботи солик түловчи ҳисобга кўйилган жойдаги DCX органига тақдим этилади. Айрим турдаги соликлар бўйича солик ҳисоботи хам СКда назарда тутилган ҳолларда обьектлар бўйича ҳисобга кўйилган жой бўйича солик түловчи томонидан тақдим этилади. Жисмоний шахслар солик декларациясини яшаш жойдаги DCX органига тақдим этадилар. Солик ҳисоботи дастлабки тарзда камерал назорат қилинмасдан ва унинг мазмuni мухокама этилмасдан қабул қилинади. Солик ҳисоботи кўйидаги ҳолларда DCX органига тақдим этилмаган деб ҳисобланади, агар унда солик түловчининг идентификация рақами (СТИР) кўрсатилмаган ёки нотўғри кўрсатилган бўлса; солик даври ва/ёки солик ёки бошқа мажбурий тўлов суммаси кўрсатилмаган бўлса; СКнинг 43 ва 44-моддаларида солик ҳисоботини тузишга доир белгиланган талаблар бузилган бўлса. Белгиланмаган шаклдаги

солик ҳисоботи тақдим этилганда DCX органи ҳисбот олинган кундан эътиборан 3 кун ичida бу ҳақда солик түловчига ёзма билдириш юборади ва аниқ фикр-мулоҳазаларни кўрсатган ҳолда уни маромига етказиш учун қайтаради. Камчиликлари тузатилган солик ҳисоботи уни тақдим этишининг белгиланган муддати тугагунига қадар тақдим этилган тақдирда, солик түловчига нисбатан жавобгарлик чоралари кўлланилмайди. DCX органлariiga солик ҳисоботи тақдим этилган даврга тааллукли хатоларни ўзи мустакил равиша аниқлаган солик түловчи СКнинг 38-моддасида белгиланган солик мажбурияти бўйича даъво қилиш муддати ичida ўша давр юзасидан аниқлаштирилган солик ҳисоботини тақдим этиш ҳукуқига эга. Мазкур норма DCX органлари томонидан молия-хўжалик фаoliyati текшируви (тафтиши) доирасида текшириш ўтказилган давр учун соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасининг камайишини назарда тутувчи аниқлаштирилган солик ҳисоботи тақдим этиладиган ҳолларда кўлланилмайди.

Аниқлаштирилган солик ҳисоботида илгари тақдим этилган солик ҳисоботидаги маълумотлар, аниқлаштирилган маълумотлар ва улардаги тафовутлар кўрсатилиши керак. Агар аниқлаштирилган солик ҳисоботи бўйича ҳисоблаб чиқарилган солик ёки бошқа мажбурий тўлов суммаси илгари тақдим этилган солик ҳисоботи бўйича ҳисоблаб чиқарилган ва тўланган солик ёки бошқа мажбурий тўлов суммасидан ортиқ бўлса, тегишли солик ёки бошқа мажбурий тўловни тўлаш бўйича солик мажбуриятларига пеня ҳисобланган ҳолда мазкур тафовут қўшилади. Агар аниқлаштирилган солик ҳисоботи бўйича ҳисоблаб чиқарилган солик ёки бошқа мажбурий тўлов суммаси илгари тақдим этилган солик ҳисоботи бўйича ҳисоблаб чиқарилган ва тўланган солик ёки бошқа мажбурий тўлов суммасидан кам бўлса, аниқлаштирилган солик ҳисоботи тақдим этилган кундан эътиборан шахсий варакада солик ёки бошқа мажбурий тўлов суммаси тафовут миқдорига камайтирилганлиги акс эттирилади. Соликлар, бошқа мажбурий тўловлар, пеняларнинг ортиқча тўланган суммаси СКда белгиланган тартибда ҳисобга олинади ёки қайтарилиади. Солик ҳисоботи DCX органлariiga ва солик түловчига СКнинг 38-

моддасида белгиланган солиқ мажбурияти бўйича даъво қилиш муддати мобайнида сақланади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Чет эл инвестицияси иштирокчидаги хорижий корхоналарни давлат томонидан режали текшириши тартибини ёритиб беринг.
2. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини назорат қилиши ва улар фаолиятини текшириши тушунчаларининг ўзаро нисбати ва унинг ҳукуқий таҳлилини қилинг.
3. Солиқ органлари томонидан тадбиркорлик фаолияти субъектларини режали текшириши тартиби ва муддатлари ва уни уни истисно қилувчи ҳолатлар ҳақида нима биласиз?
4. Тадбиркорлик фаолиятини қонунга зид равишда текширганларга қарии прократура органларининг хатти-ҳаракатлари қандай бўлади?
5. Тадбиркорлик фаолияти қонунга зид текширилганлик учун уларга етказилган зарар ва уни қоплаш тартиби қандай?

Тавсия этилаётган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Иктисадий процессуал кодекси: Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: “Адолат”, 2018 й. – 376 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – “Халқ сўзи” газетаси, 2018 йил 29 декабрь, № 271-272 (7229-7230).
3. Азизов Х.Т., Ширинов Ж., Бакаев Ш. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини фуқаролик-ҳукукий тартибга солиш. Ўқув қўлланма. – Т.: Akademiya, 2013. – 114 б.
4. Азизов Х., Бакаев Ш., Назаров Ш. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик субъектларини химоя қилишнинг ҳукукий асослари. – Т.: Akademiya, 2014. – 188 б.

5. Ибратов Б.И. Тадбиркорлик (бизнес) ҳукуқи. – Тошкент: Молия, 2001. – 218 б.

6. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун белгиланган юридик кафолатлар. Бабакулов С.Б., Оқюлов О., Нарзиев О.С., Ходжаев Б.К. – Т.: ТДЮИ, 2012. – 50 б.

7. Отахонов Ф.Х. Тадбиркорларнинг ҳукукларни ҳимоя қилишда юридик хизматнинг роли. Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш муаммолари./Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: ТДЮИ, 2002. – 73-81-бетлар.

8. Оқюлов О., Отахонов Ф. Тадбиркорлик субъектларини ҳукукий ҳимоя қилиш тизимини мустаҳкамланган муаммолари. – Тошкент: ТДЮИ, 2010. – 200 б.

9. Оқюлов О. Тадбиркорликни ривожлантириш ва унга нисбатан тўсикларни бартараф қилишнинг ҳукуки муаммолари. Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш муаммолари. / Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: ТДЮИ, 2002. - Б. 36-39.

12-мавзу. Хўжалик низолари ва уларни ҳал қилиш тартиби

1. Хўжалик низолари тушунчаси ва уларнинг келиб чиқиш асослари.
2. Хўжалик низоларини судгача, талабнома киритиш тартибида ҳал этиши.
3. Иқтисодий судларда хўжалик низоларини кўриб чиқиш тартиби.
4. Ҳакамлик судларида хўжалик низоларини ҳал қилиш.

1. Хўжалик низолари тушунчаси ва уларнинг келиб чиқиш асослари

Хўжалик низолари деганда, ҳар қандай юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тарзда олган фуқаролар – хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳукуклари ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларининг бузилиши натижасида улар ўртасида юзага келадиган келишмовчиликлар тушунилади. Бу низолар иқтисодиёт соҳасидаги юридик шахслар, юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва якка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тарзда олган фуқаролар ўртасидаги фуқаровий, маъмурӣ ва бошқа ҳукукий муносабатлардан келиб чиқади.

Хўжалик низоларини куйидаги турларга бўлиш мумкин:

тузилиши қонунда назарда тутилган шартнома юзасидан келиб чиқкан келишмовчиликлар ёки шартнома юзасидан келиб чиқкан бўлиб, ҳал этиш учун иқтисодий судга топшириш ҳақида тарафлар ўзаро келишган ихтилофлар;

шартнома шартларини ўзгартириш ёки шартномани бекор килиш ҳақидаги низолар;

мулк ҳукукини тан олиш тўғрисидаги низолар;

мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёки тегишли даражада бажарилмаганлиги тўғрисидаги низолар;

мулкдор ёки мулкнинг бошқа қонуний эгаси томонидан мол-мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгалиgidан талаб қилиб олиш тўғрисидаги низолар;

мулкдорнинг ёки мол-мулкнинг бошқа қонуний эгасининг ҳукуклари эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда бузилганилиги тўғрисидаги низолар;

етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар. Бу турдаги низолар давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларининг гайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), шу жумладан давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳужжат чиқарилиши натижасида етказилган зарар билан боғлиқ бўлиши хам мумкин;

шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсими ҳимоя қилиш тўғрисидаги низолар;

давлат органлари ва фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган, ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳукуклари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжатларини (бутунлай ёки қисман) ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги низолар;

ундириш сўзсиз (аксептсиз) тартибда амалга ошириладиган ижро ҳужжатини ёки бошқа ҳужжатни ижро этилиши мумкин эмас деб топиш тўғрисидаги низолар;

давлат рўйхатига олишни рад этганлик ёки белгиланган муддатда давлат рўйхатига олишдан бош тортганлик устидан берилган шикоятлар билан боғлиқ низолар;

агар қонунда сўзсиз (аксептсиз) тартибда жарима ундирилиши назарда тутилмаган бўлса, текширув вазифаларини амалга оширувчи давлат органлари томонидан ташкилотлар ва фуқаролардан жарималар ундириш тўғрисидаги низолар;

текширув вазифаларини амалга оширувчи органлар томонидан қонун ҳужжатларининг талабларини бузган ҳолда сўзсиз (аксептсиз) тартибда

хисобдан чикарилган пул маблагларини бюджетдан қайтариш тўғрисидаги низолардир.

Иқтисодиёт соҳасида вужудга келадиган низолар, шунингдек банкротлик ишлари иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқилади. Гап шундаки, бундай низоларда катнашувчи тарафлар бўлиб юридик шахслар, юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва якка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тарзда олган фуқаролар иштирок этишлари мумкин.

Иқтисодий суд ўзига тааллукли ишларни, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси ташкилотлари ва фуқаролари, шунингдек чет эл ташкилотлари, чет эл инвестициялари иштирокидаги ташкилотлар, халқаро ташкилотлар, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокида кўради.

Ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари хўжалик судига, бошқалари эса умумий судларга тааллукли бўлган бир неча талаб бирлаштирилган тақдирда, ҳамма талаблар умумий юрисдиксия судида кўрилиши керак. Шундай экан, хўжалик низолари юкоридаги ҳолда иқтисодий судлар, арбитраж ёхуд ҳакамлик судлари томонидан эмас, балки умумий юрисдиксия судлари томонидан ҳам кўриб чиқилиши мумкинлигини назарда тутмок лозим.

Юридик шахс ташкил этмасдан фаолият юритадиган дехкон хўжалиги белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган пайтдан эътиборан ташкил этилган ҳисобланади. Гап шундаки, юридик шахс ташкил этмасдан фаолият юритадиган дехкон хўжаликлари иштирокидаги хўжалик низолари иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқилиб ҳал этилмасдан, балки умумий юрисдиксия судлари томонидан кўриб чиқиб, ҳал этилади, чунки иқтисодий судларда низолар низолашаётган субъектлар таркибига караб тааллукли бўлишларни белгилаб қўйган. Бинобарин юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва якка тартибдаги тадбиркорлик мақомини қонунда белгиланган тарзда олган фуқаролар иқтисодиёт соҳасида вужудга

келадиган хўжалик низоларини иқтисодий судларида кўришда тараф бўлишлари мумкин, аммо юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти юритадиган дехкон хўжалиги хўжалик низоларини иқтисодий судларда кўришда тараф бўла олмайдилар. Шунинг учун улар иштирокидаги хўжалик низолари умумий юрисдиксия судларида кўриб чиқилади. Бундан келиб чиқадики, юридик шахс ташкил этмасдан шартнома асосида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган одий ширкат иштирокидаги хўжалик низолари ҳам умумий юрисдиксия судларига тааллукли бўлиб ҳисобланади.

Маълумки, корхона ўзининг ички тузилмалари, яъни цех, ишлаб чиқариш, хўжалиқ, участка, бригада ва бошқа хўжалик бўлинмаларидан иборат бўлиши мумкин. Албатта, бундай тузилмалар ўзаро ёки тузилма асосий корхона билан хўжалик муносабатларига киришади. Бу каби хўжалик муносабатларидан кедиб чиқадиган низолар корхона маъмурияти томонидан ҳал этилиши мумкин. Шунингдек Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонунига биноан ҳоким қўйи турувчи ҳокимларнинг карорларини, башарти улар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, қонунларига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бошқа хужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси қабул килган хужжатларига, шунингдек юқори турувчи ҳалқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимнинг карорларига зид бўлса, бекор киласди. Бу ерда ҳам, биз, маъмурий тартибда айрим низолар айнан ана шундай маъмурий йўл билан бартараф этилиши мумкинлигига гувоҳ бўламиш.

Амалиётта назар солсак, ўз ҳукуқ ва қонуний манфаатига дахл этилган хўжалик юритувчи субъект ҳоким қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраб даъво тақдим этган ҳолларда, даъво ариза иш юритишга қабул қилиниб, кўриш учун тайинланган вақтга қадар ҳоким ўз қарорини бекор киласди ва натижада низо бартараф этилган ҳисобланаби, иш юритиш тугатилади.

2. Хўжалик низоларини судгача, талабнома киритиш тартибида ҳал этиш

Низони судгача ҳал этиши. Қонун хужжатлари билан низоларни судсиз ҳал этиш тартиби назарда тутилиши мумкин. Масалан, келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиқсан тақдирда томонлар, қоидага кўра, мастақил равиша ушбу келишмовчиликлар ва низоли масалаларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар. Томонлар низоли масалаларни судгача ҳал этиш жараёнида келишишга эришмаган тақдирда, иқтисодий судга мурожаат қилишга ҳаклидирлар.

Даъвогарнинг низони судгача ҳал этиши (талабнома юбориш) тартибига риоя этиши қонун ва шартномада кўзда тутилган ҳоллардагина мажбурийдир. Агарда бу тартиб низом ва қонун хужжатларида кўзда тутилган бўлса, қонунда уларнинг кўлланилиши ҳақида бевосита ҳавола этилган ҳоллардан ташқари, тарафлар учун мажбурий ҳисобланмайди. Агар қонунда айрим тоифадаги низолар учун уларни судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартиби белгиланган ёхуд бу тартиб шартномада назарда тутилган бўлса, тарафлар ўзаро муносабатларини ихтиёрий равиша ҳал этиш чораларини кўргандан сўнггина, иқтисодий судида иш қўзгатиш мумкин. Бунда прокурор, давлат органлари ва бошқа органларнинг аризалари бўйича иш қўзгатишни тарафлар юқоридаги чораларни курган-кўрмаганлигидан қатъи назар амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 384-моддаси 2-қисмига мувофик, шартномани ўзгаришиш ва бекор қилиш ҳақидаги талаблар бўйича низони судгача ҳал этиш тартиби шартноманинг ўзида кўрсатилган бўлса, тарафлар талабнома юбориш тартибини сақлаган ҳолда судда даъво кўзғашга ҳақли бўладилар.

Низони судгача ҳал этишнинг қонун ва шартномада кўзда тутилган тартибига риоя этилмагандан, судлар даъвони кўрмасдан қолдириб, даъвогарга давлат божини қайтариш масаласини ҳал этади.

Хукуклари ва қонуни манфаатларига путур етган хўжалик юритувчи субъект ўзининг хукуклари ва қонуни манфаатларини бузган хўжалик юритувчи субъектга билдирадиган талабномаси ёзма шаклда расмийлаштирилиши лозим бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги қонуннинг 17-моддасида талабнома билдириш тартиби назарда тутилган бўлиб, унга мувофик талабномада:

талабнома билдирган хўжалик юритувчи субъектнинг ва талабнома билдирилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг номи;

талабнома билдирилган сана ва унинг раками;

талабнома билдириш учун асос бўлган ҳолатлар;

талабномада бაён этилган ҳолатларни тасдиқловчи далиллар;

арз қилувчининг талаблари;

талабнома суммаси ва унинг ҳисоб-китоби, арз қилувчининг тўлов ва почта реквизитлари;

талабнома илова қилинаётган хужжатларнинг рўйхати кўрсатилган бўлиши лозим.

Талабнома хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари ёки раҳбарнинг ўринbosари томонидан имзоланади. Талабнома буюртма ёки қимматли хат тарзида, телеграф, телетайп орқали, шунингдек, талабнома жўнатилганини қайд этадиган, қабул қилиб олувчини огоҳлантирадиган бошқа алоқа воситаларидан фойдаланилган ҳолда жўнатилади ёхуд тилҳат олиб топширилади. Таъкидлаш жоизки, мазкур қонуннинг ушбу моддаси хўжалик шартномаси бўйича талабномалар юбориш билан боғлиқ муносабатларнигина тартибига солади. Бинобарин, юкларни ташиш ва алоқа хизматлари кўрсатишга доир операциялардан келиб чиқадиган талабномаларни транспорт ва алоқа хўжалик юритувчи субъектларга билдириш тартиби ва муддатлари тегишли қонун хужжатларида белгилаб кўйилади.

Хўжалик шартномаси бўйича ўзига талабнома билдирилган хўжалик юритувчи субъект талабномани олган кундан бошлаб бир ой муддат ичидан унга жавоб қайтиши шарт.

Талабномага жавоб хўжалик юритувчи субъект раҳбари ёки раҳбарнинг ўринбосари томонидан имзоланади ва муҳр билан тасдиқланади.

Талабномага жавоб буюртма ёки қимматли хат тарзида, телеграф, телетайп орқали, шунингдек талабнома жўнатилганини қайд этадиган, қабул қилиб олувчини огохлантирадиган бошқа воситалардан фойдаланилган холда жўнатилади ёки тилҳат олиб топширилади.

Талабнома тўлиқ ёки қисман тан олинган тақдирда, хўжалик юритувчи субъект арз қилувчига ўзи тан олган суммани ихтиёрий равища ўтказади.

Агар талабномани тан олиш тўғрисидаги жавобда тан олинган сумма ўтказилиши ҳақида маълумот бўлмаса, талабнома билдирилган тараф жавоб олганидан сўнг йигирма кун муддат ўтгач, банк муассасига қарздор тан олган суммани сўзсиз тартибда ўтказиш тўғрисидаги фармойишини тақдим этинга ҳақли. Фармойишига қарздорнинг жавоби илова қилинади.

Тарафларнинг келишуви. Низоларни судда ҳал этиш жараённида низо тарафларнинг келишуви билан ҳам ҳал этилиши мумкин.

Иш иқтисодий суд иш юритувида бўлган жараёнда тарафлар келушувга эришиб битим тузган ҳолларида ва келишув иқтисодий суд томонидан қабул қилинган бўлса, иш юритиши туттилаши ҳамда бу ҳақда ажрим чиқарилади. Тарафлар келишув битимини исталган суд инстанциясида тузишлари мумкин. Тарафлар аппеляция, кассация ва назорат инстанцияларида ҳам ишни келишув йўли билан ҳал этишлари мумкин. Агар, тарафларнинг келишув битими қонун хужжатларига хилоф бўлса ёки бошқа шахсларнинг хукуқлари ва қонун билан кўрикланадиган манфаатларини бузса, иқтисодий суд келишув битимини тасдиқламайди.

Келишувга эришилиб битим тузилгандан сўнг, у суд томонидан тасдиқланиб, ажрим чиқариш йўли билан иш юритиши туттилаш экан, маълум оқибатлар келиб чиқади. Иш юритиши туттилашдан сўнг, даъвогар айни ўша

предмет ва айни ўша асослар бўйича даъво билан судга қайта мурожаат қилиш хукувидан маҳрум бўлади.

Иш юритиши туттилаш тўғрисидаги ажрим устидан аппеляция, кассация ва назорат тартибида шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, мулкнинг ҳар хил шаклига асосланган иқтисодиёт соҳасида ва уни бошқариш жараённида корхона, муассаса, ташкилотлар ўртасида ҳамда тадбиркорлар ўртасида вужудга келадиган низоларни иқтисодий судлар ҳал қиласади.

Иқтисодий суд манфаатдор шахсларнинг, прокурорнинг, конун бўйича давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида иқтисодий судига мурожаат қилиш хукуқига эга бўлган ҳолларда давлат органлари ва бошқа органларнинг аризалари бўйича иш қўзғатади.

3. Иқтисодий судларда хўжалик низоларини кўриб чиқиш тартиби

Агар қонунда айрим тоифадаги низолар учун уларни судгача ҳал қилиш (талабнома юбориши) тартиби белгиланган ёхуд бу тартиб шартномада назарда туттилашни бўлса, тарафлар ўзаро муносабатларини ихтиёрий равища ҳал қилиш чораларини кўрганларидан сўнггина иқтисодий судда иш қўзғатиш мумкин. Бунда прокурор, давлат органлари ва бошқа органларнинг аризалари бўйича иш қўзғатиш тарафлар юкоридаги чораларни кўрган-кўрмаганликларидан катъи назар амалга оширилади.

Иқтисодий судларда ишлар ошкора кўрилади. Давлат сирини ёки тижорат сирини саклаш зарур бўлган тақдирда ишни ёпиқ мажлисда кўришга йўл кўйилади. Ишни ёпиқ мажлисда кўриш тўғрисида ажрим чиқарилади.

Биринчи инстанцияда иш юритиши. Иқтисодий судларда биринчи инстанция бўйича ишлар, коида тариқасида, судьянинг якка ўзи томонидан кўрилади.

Даъво аризасини қабул қилиш масаласини судьянинг якка ўзи ҳал қиласади ва қонун талабларга риоя этган ҳолда берилган даъво аризасини иқтисодий

суднинг иш юритишига қабул қиласи ёки уни рад этиш ёхуд даъво аризасини қайтариш тўғрисида ажрим чиқаради. Судья ишни юритиш тўғрисида манфаатдор шахсларни хабардор қиласи.

Ишда иштирок этувчи шахсларга, бошқа ташкилотларга, уларнинг мансабдор шахсларига муайян харакатларни бажаришни, шу жумладан низони ҳал қилиш учун аҳамиятли ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этишини таклиф этади. Ушбу боскичда судья ишда қатнашувчи шахсларга жуда хилманил ҳаракатларни бажаришни таклиф этиши мумкин. Масалан, хисобкитобларни пул талабномаларига солишириб чиқиш, ҳукукий позицияни аниқлаш ёки белгилаш, даъво аризасига жавоб бериш, бошқа томонга ёки бирбирига айрим ҳужжатларни бериш, экспертиза ўтказилишида тушунтирилиши керак бўлган масалаларни тақдим этиш ва бошқалар. У тарафларни муросага келтириш чораларини кўради.

Ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган кундан бошлаб иш бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда кўрилиши ва ҳал қилув қарори қабул қилиниши керак. Биринчи инстанция иқтисодий суди низони мазмунан ҳал қилиндида ҳал қилув қарори қабул қиласи. Суднинг ҳал қилув қарори қонуний ва асослантирилган бўлиши керак.

Ҳал қилув қарори процессуал ҳукук нормаларига тўлиқ риоя қиласи ҳолда, моддий ҳукук нормаларига амал қилиб, шу низоли ҳукукий муносабатларни кўллаш лозим ёки зарур бўлган ҳолатларда асосли равишида қонунни кўллаш, мос келадиган муносабатларни тартибга солиш, ёхуд қонунчиликнинг умумий, бosh ва мазмунидан келиб чиқадиган бўлса, қонуний ҳисобланади.

Суд низоларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, бошқа қонунчилик ҳужжатлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномаларига асосан ҳал қиласи. Агар ҳалқаро шартномада Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига назарда тутилгандан бошқача қоида ўрнатилган бўлса, бундай холларда ҳалқаро шартнома қоидалари кўлланилади.

Иқтисодий суд Ўзбекистон Республикаси қонуни ва ҳалқаро шартномаларига биноан чет эл давлатларининг ҳукуқ нормаларини қўллайди. Ҳал қилув қарори қонуний бўлиши учун иқтисодий суд норматив ҳужжатлардан низоли муносабатларни тартибга солувчи ўша ҳукукий нормаларни топиши лозим. Бунинг учун томонларнинг фактга асосланган ўзаро муносабатларини тўғри юридик баҳолаши лозим.

Биринчи инстанция иқтисодий суднинг ҳал қилув қарори Ўзбекистон Республикаси номи билан қабул қилинади. Иқтисодий суднинг ҳал қилув қарори кириш, баённома, асослантирувчи ва хулоса қисмларидан иборат бўлади. Суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан кейин ижро этилади.

Давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ҳал қилув қарорлари, шунингдек келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ажримлар дарҳол ижро этилади.

Апелляция инстанциясида иш юритши. Ишда иштирок этувчи шахслар томонидан иқтисодий суднинг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти берилиши мумкин.

Апелляция инстанциясида иш юритиш иқтисодий процессуал қонунчилигидаги янги институт бўлиб, қонуний кучга кирмаган суд ҳужжатларининг қонунийлиги ва асослигини текширишга мўлжалланган.

Қонунда белгиланган барча шахслар биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти беришлари мумкин. Прокурор эса протест киритиши мумкин.

Ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти билан мурожаат қилиш ҳукукига ишда қатнашмаган, бирок иқтисодий суд унинг ҳукуқ ва мажбуриятларига дахлдор қарор чиқарган шахслар ҳам эгадир. Қонуний кучга кирмаган қарор устидан томонларнинг ҳукукий ворислари ва учинчи шахслар ҳам шикоят қилишлари мумкин.

Апелляция шикояти объекти сифатида фақат биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори, шу жумладан, давлат идораларининг, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш идораларининг хужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги дархол ижро этилиши керак бўлган ҳал қилув қарорлари ҳам бўлиши мумкин.

Ишда иштирок этувчи шахс апелляция шикоятининг нусхасини олгач, унинг юзасидан ўз ёзма фикрини ва ёзма фикрнинг нусхалари ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга юборилганини тасдиқловчи далилларни апелляция шикояти кўриладиган кунгача етиб боришини таъминлайдиган муддатда иқтисодий судга юборадилар.

Апелляция инстанциясида иш юритиш иқтисодий судлов ишларини юритишнинг таркиби қисмидир. Шунинг учун, апелляция инстанциясида ишни биринчи инстанция иқтисодий судда кўриб чиқиши қоидалари бўйича кўриб чиқилади, бунда апелляцияни кўриб чиқишнинг моҳиятидан келиб чиқадиган айрим истиснолар бўлиши мумкин.

Апелляция шикоятини кўриб чиқишида қонунда белгиланган ишни биринчи инстанция иқтисодий судда кўриб чиқиши тартибга солувчи меъёрлар кўлланилади.

Биринчи инстанция судидан фарқли ўлароқ, апелляция суди барча ишларни коллегиал тартибда кўриб чиқади, бунда коида тарикасида суд раиси ёки унинг ўринbosари ёхуд бирор судья раислик килади.

Апелляция суди ҳал қилув қарорини тўлалигича ёки қисман бекор қилиши ва шикоятни кўрмасдан қолдириши ёки ишни юритишни тугатиши мумкин.

Биринчи инстанция суди қонунда кўрсатиб ўтилган ҳолатлар бўлгани холда иш юритишни тутатмаган ёки даъвони кўрмасдан қолдирмаган бўлса ва ишни мазмунан кўриб, ҳал қилув қарори чиқарган бўлса, апелляция инстанцияси суди бундай қарорни тўла ёки қисман бекор қилиши ҳамда ишни юритишни тугатиши ёхуд даъвони тўла ёки қисман кўрмасдан қолдириши мумкин.

Агар биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори бекор қилинmasa ва ўзгартирилmasa, ҳал қилув қарори қонуний кучга киради ва айнан у ижро этилиши керак.

Қарор қабул қилинган кунидан эътиборан беш кунлик муддатда ишда иштирок этувчи шахсларга топширилганилиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали юборилади ёки тилхат билан топширилади. Жўнатиш учун ажратилган бу муддат апелляция шикоятини кўриш учун ажратилган бир ойлик муддатга кирмайди.

Апелляция инстанциясининг қарори устидан кассация тартибида шикоят қилиниши мумкин.

Кассация инстанциясида иш юритши. Иқтисодий суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ҳамда апелляция инстанциясининг қарори устидан ишда иштирок этувчи шахслар кассация шикояти беришга, прокурор эса – кассация протести келтиришга ҳақлидир.

Қонунда кўзда тутилган текширувларнинг бошқа барча шакларидан фарқли равища суд хужжатлари кассация инстанцияси томонидан фақат қонунийлиги жиҳатидан текширилади. Шикоят қилиш ҳуқуқини амалга ошириш ишда иштирок этувчи шахсларнинг иродаларига боғлик. Қонунда белгиланган тартиб ва муддатда кассация шикоятининг берилиши ишнинг кассация инстанцияси томонидан албатта кўриб чиқилишига олиб келади.

Қарорнинг моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларига тўғри ҳавола қилинганлиги борасидаги асоссловчи қисми; чиқарилган қўшимча қарор шикоят бериш учун мустакил предмет бўлиши мумкин. Ажримлар устидан қонунда назарда тутилган ҳолатлардагина шикоят қилиниши мумкин.

Қонун ҳал қилув қарори (қарор) устидан кассация шикояти бериш ҳуқуқини даъвогар, жавобгар, низонинг предметига нисбатан мустакил талаблар билан арз қилувчи ёки арз қилмайдиган учинчи шахсларга, шунингдек қонунда санаб ўтилган, ишда иштирок этувчи барча шахсларга беради.

Давлат ва жамоат манбаатларини ҳимоя килиб даъво қўзгатувчи прокурор, давлат органлари, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари ва

бошқа органлар суднинг ҳал қилув қарори (қарори) устидан кассация тартибида тегишлича протест ва шикоят келтиришлари мумкин.

Кассация инстанцияси суд хужжатларини моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллаш ва уларга риоя этишининг тўғрилиги нуктаи назаридан текширади.

Кассация шикояти (протести) Ўзбекистон Республикаси Олий судига ҳал қилув қарори қабул қилган иқтисодий суд орқали берилади.

Кассация шикоятининг мақсади жавобгар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, кейинчалик бекор қилинган ёки ўзгартирилган ноконуний қарорни ижро этиш билан зарар етказишнинг олдини олади. Кассация инстанцияси ҳал қилув қарори (қарор)ни ўзгартириш, янги қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга. Шунинг учун, агар кассация инстанцияси қарори биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори (ёки апелляция инстанциясининг қарори) ижро этилганидан сўнг қабул қилинса, мазкур суд хужжатлари бўйича олинган барча нарсаларни қайтаришлик факатгина суд хужжатининг қайтарма ижроси институтидан фойдаланиш йўли билан мумкин бўлади. Бу эса анча мураккаб жараёндир. Бундан ташқари дастлабки даъво бўйича жавобгарга қайтарилиш лозим бўлган пул маблаги ҳам, мулк ҳам амалда қолмаган бўлиши мумкин.

Моддий ёки процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши ёхуд нотўғри қўлланилиши иқтисодий суднинг ҳал қилув қарорини ёки қарорини ўзгартириш ёхуд бекор қилиш учун асос бўлади.

Процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши ёки нотўғри қўлланилиши, агар бу бузилиш нотўғри ҳал қилув қарори ёки қарорни қабул қилинишига олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлса, ҳал қилув қарорини ёки қарори ўзгартириш ёхуд бекор қилиш учун асос бўлади.

Процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши ёки нотўғри қўлланилиши куйидаги ҳолларда ҳал қилув қарорини ёки қарорни бекор қилиш учун асос бўлади:

иш хўжалик суди томонидан ноконуний таркибда кўрилган бўлса;

иш суд томонидан ишда иштирок этувчи, мажлис вакти ва жойи тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинмаган шахслардан биронтасининг йўқлигига кўрилган бўлса;

иши кўришда суд иши юритиладиган тил тўғрисидаги коидалар бузилган бўлса;

суд ҳал қилув қарорини ёки қарорни қабул қилишда қайси қонун хужжатларига амал қилганлиги ҳал қилув қарорида ёки қарорда кўрсатилмаган бўлса;

суд ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида ҳал қилув қарори ёки қарор қабул қилган бўлса;

ҳал қилув қарори ёки қарор судьялардан бири томонидан имзоланмаган бўлса ёхуд ҳал қилув қарори ёки қарорда кўрсатилганидан бошқа судьялар томонидан имзоланган бўлса;

ҳал қилув қарори ишни кўрган суд таркибига кирмаган судьялар томонидан қабул қилинган бўлса;

иша суд мажлисининг баённомаси бўлмаса ёки у қонунда кўрсатилган шахс томонидан имзоланмаган бўлса.

Суднинг далилларни таъминлаш тўғрисидаги илтимосномани каноатлантиришни рад этиш ҳакидаги; даъвони таъминлаш ёки даъвони таъминлашни рад этиш тўғрисидаги; даъвони таъминлашни бекор қилиш тўғрисидаги; иш юритишни тўхтатиш тўғрисидаги; иш юритишни тугатиш тўғрисидаги; даъвони кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги; ўтказиб юборилган процессуал муддатни тикилашни рад этиш тўғрисидаги; жарима солиш тўғрисидаги; даъво аризасини қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги; даъво аризасини қайтариш тўғрисидаги; кўшимча ҳал қилув қарорини қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги; ҳал қилув қарорини тушунтириб бериш ва ёзувдаги хатолар, ҳарфий хатолар ва хисоб-китобдаги янглишишларни тузатиш тўғрисидаги; янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани қайтариш тўғрисидаги; янги очилган ҳолатлар бўйича ишни қайта кўриш тўғрисидаги аризани каноатлантиришни рад этиш ҳакидаги; ижро варақасини

ижрода тақдим этишнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш тўғрисидаги; суд хужжатининг ижросини кечикириш ёки уни бўлиб-бўлиб ижро этиш, ижро этиш усулини ва тартибини ўзгартириш ёки аризани қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги ажримларига кассация шикояти келтирилиши мумкин.

Бундан ташқари, апелляция шикоятини қайтариш тўғрисидаги ва кассация шикоятини (протестини) қайтариш тўғрисидаги ажримлари факат кассация тартибида шикоят қилиниши мумкин.

Агар апелляция шикояти ажрим билан эмас, балки хат билан қайтарилиган бўлса, бу ушбу хатни олган томонни унга нисбатан кассация тартибида шикоят келтириш хукуқидан маҳрум этмайди.

Амалдаги қонунда илк бор хусусий ажримларга нисбатан шикоят келтириш қоидаси назарда тутилган.

Ажримга нисбатан келтирилган кассация шикояти (протест)ни кўриб чиқиш муддатлари, тартиби суднинг ҳал қилув қарорлари ва қарорлари устидан кассация шикояти (протести) келтириш кабидир.

Назорат тартибида иши юриттиши. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судларнинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари ва қарорлари мансабдор шахсларнинг протестлари бўйича назорат тартибида қайта кўрилиши мумкин.

Суднинг ҳал қилув қарорлари ва қарорларини назорат тартибида қайта кўриб чиқиш суд хужжатларини қайта кўриб чиқиш бўйича иш юритишнинг бир тури бўлиб хисобланади. Апелляция ва кассация тартибида иш юритишдан фарқ қилган ҳолда, назорат тартибида қайта кўриб чиқишида ишда иштирок этувчи шахслар суд-назорат органи фаoliyatiни кўзғатиш хукуқига эга эмаслар.

Суд ишларини юритишнинг мазкур босқичида суд хужжатларининг қонунийлиги ва асослилгини қўшимча равишда текшириш ҳамда йўл кўйилган суд хатоларини тузатиш имконияти таъминланади. Бундан ташқари, суд амалиётини қонунга тўла мувофиқ ҳолда йўналтириш, зарур ҳолатларда суд амалиётига тузатиш киритиш, моддий ва процессуал хукуқ нормаларига қатъий ва оғишмасдан риоя этилишини ҳамда иқтисодий судлар томонидан қонунни

бир хилда ва тўғри қўлланишини таъминлаш назорат тартибида қайта кўриб чиқиш институтининг мухим вазифаси бўлиб хисобланади.

Хўжалик судларининг апелляция ва кассация инстанцияларида чиқарилган қарорлари ҳам назорат тартибида қайта кўрилиши мумкин. Олий суди Раёсатининг қарорларигина назорат тартибида қайта кўриб чиқиш обьекти бўла олмайди.

Судларнинг қонуний кучга кирган ажримлари эса қонунда улар устидан шикоят қилиш назарда тутилган, шунингдек улар ишнинг келгусидаги харакатига тўскинлик қилган ҳолларда, ҳал қилув қарорида алоҳида назорат тартибида қайта кўрилиши мумкин.

Қонун суд хужжатларини факатгина кодексда кўрсатилган мансабдор шахсларнинг протестлари бўйича назорат тартибида қайта кўрилиши мумкинligини белгилайди. Шунга кўра, иқтисодий судга суд хужжатини назорат тартибида қайта кўрилиши юзасидан келиб тушадиган аризалар назорат инстанциясида иш кўзғатилиши учун процессуал восита бўлиб хисобланмайди. Бундай аризалар мансабдор шахс томонидан назорат тартибида протест келтириш учун асослар мавжудлигини аниқлаш мақсадида кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раёсати барча иқтисодий судларнинг ҳал қилув қарорлари ва қарорлари устидан келтирилган протестлар бўйича ишларни назорат тартибида кўради.

Агар Олий суд Раёсати ҳал қилув қарори (қарор) қонуний ва асосли, протест важлари эса аҳамиятсиз деган хулосага келса, суднинг ҳал қилув қарорини (қарорни) ўзгаришсиз, протестни эса қаноатлантирмасдан қолдиради.

Суд хужжатини мажбурий ижро этиш шу хужжатни қабул қилган иқтисодий суд томонидан бериладиган ижро ва рақаси асосида амалга оширилади.

Ижро ва рақаси ундирувчига суд хужжати қонуний кучга киргандан кейин берилади. Пул маблағларини бюджет даромадига ундириш учун ижро ва рақаси карздор турадиган жойдаги солиқ органига юборилади.

Пул маблағларини ундириш учун ижро вақаси ундирувчи томонидан банкка ёки бошқа кредит муассасасига, бошқа ҳолларда эса МИБга юборилади.

Агар суд томонидан ижро вақаси берилгунча суд хужжатини ижро этишини кечикитириш ёки бўлиб-бўлиб ижро этишга рухсат берилган бўлса, унда ижро вақасининг муддати қачондан ўта бошлаши кўрсатилади.

Ижро вақасини судья имзолайди ва у иқтисодий суднинг гербли муҳри билан тасдиқланади.

4. Ҳакамлик судларида хўжалик низоларини ҳал қилиш

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 10-моддасида фуқаролик ҳукуқларини ҳимоя қилувчи органлар сифатида ҳакамлик судлари ҳам кўрсатилган бўлиб, бу хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳукуқлари ва конуний манфаатларини қўриқлашнинг турли-туман шакллари ичida муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 8 февралда “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги қонуни қабул қилиниши билан ҳакамлик суди (доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ёки муваққат ҳакамлик суди) – фуқаролик ҳукуқий муносабатларидан келиб чиқувчи низоларни, шу жумладан тадбиркорлик субъектлари ўргасида вужудга келувчи хўжалик низоларини ҳал этувчи нодавлат органи сифатида тан олинди.

Ҳакамлик судлари оркали хўжалик низоларини ҳал этиш фуқаролик ҳукуқларини қўриқлашнинг нодавлат механизми бўлиб, бу тарзда низоларни ҳал этишининг қатор афзалликлари мавжуд. Бу афзалликлар шунда намоён бўладики, *биринчидан*, низо тез кўрилса, *иккинчидан*, кам харажатли бўлади, яъни давлат божи ёки бошқа суд харажатлари давлат томонидан ўрнатилган тартибида ва миқдорда тўланиши талаб этилмайди, *учинчидан*, низо маълум ихтисосга ва малакага эга бўлган шахслар томонидан кўриб чиқилади, *тўртинчидан*, низо ўтказиладиган жой ва вакт тарафлар билан келишиб белгиланади, *бешинчидан*, ҳар бир тарафнинг ўзи низони ҳал этиш учун ҳакам танлайди ва хоказо. Бу каби афзалликлар тадбиркорлик муносабатларидан

келиб чиқадиган низоларни ҳакамлик суди томонидан ҳал этилишига кенг имкониятлар яратади.

Ҳакамлик суди икки турда, доимий фаолият кўрсатувчи ва муваққат ҳакамлик суди, яъни аниқ бир ишни кўриш учун ҳамда доимий фаолият кўрсатиш учун ташкил этилиши мумкин.

Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди юридик шахс томонидан ташкил этилиши мумкин ва унинг хузурида фаолият кўрсатади.

Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди юридик шахс доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судини ташкил этиш ҳақида карор қабул килганида, доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг қоидаларини ва ҳакамлик судъялари рўйхатини тасдиқлаганида ташкил этилган деб ҳисобланади.

Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судини ташкил этган юридик шахс унинг ташкил этилганлиги тўғрисидаги хужжатлар нусхаларини ҳакамлик суди жойлашган ердаги адлия органига юборади.

Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ўз номи ёзилган бланка ва юмалок муҳрга, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳисоб-китоб вараклари, валиота ҳисоб варакларига ҳамда бошқа банк ҳисобваракларига эга бўлиши мумкин.

Муваққат ҳакамлик суди ҳакамлик битими тарафлари ўргасида келиб чиқсан муайян низони ҳал этиш учун улар томонидан ташкил этилиб, низо кўриб чиқилганидан кейин муваққат ҳакамлик суди ўз фаолиятини тугатади. Ҳакамлик судида раислик қилувчи (низо ҳайятда кўриб чиқилаётганда) ёхуд ҳакамлик судъяси (низо якка тартибда кўриб чиқилаётганда) ҳакамлик битими нусхасини ва муваққат ҳакамлик суди ташкил этилганлиги тўғрисидаги хабарномани мазкур суд жойлашган ердаги адлия органига ҳакамлик муҳокамаси бошлангунига қадар юборади.

Демак, ҳакамлик судлари фуқаролик ҳукуқий муносабатларидан келиб чиқувчи низоларни, шу жумладан тадбиркорлик субъектлари ўргасида вужудга келувчи хўжалик низоларини ҳал этишлиги белгиланган.

Ҳакамлик судлари маъмурий, оила ва меҳнат хуқукий муносабатларидан келиб чиқувчи низоларни, шунингдек қонунда назарда тутилган бошқа низоларни ҳал этишга ҳақли эмас.

Ҳакамлик суди низоларни Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари асосида ҳал қиласди.

Агар ҳакамлик битими тарафларининг муносабатлари қонун хужжатлари ёки ҳакамлик битими тарафларининг келишуви билан тўғридан-тўғри тартибга солинмаган бўлса ва бу муносабатларга нисбатан кўлланиладиган иш муомаласи одати мавжуд бўлмаса, ҳакамлик суди шунга ўхшаш муносабатларни тартибга солувчи қонун хужжатлари нормаларини кўллайди (қонун ўхшашлиги), мазкур ҳолларда қонун ўхшашлигидан фойдаланиш имконияти бўлмаган тақдирда эса ҳакамлик битими тарафларининг хукуқ ва мажбуриятлари қонун хужжатларининг мазмунидан (хукуқ ўхшашлиги) ҳамда ҳалоллик, оқиллик ва адолат талабларидан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

Ҳакамлик битими мавжуд бўлган тақдирда, низо ҳакамлик судининг ҳал қилувига топширилиши мумкин.

Ҳакамлик битими ёзма шаклда тузилади. Ҳакамлик битими шартноманинг таркибий қисми бўлган шартнома шарти ёки алоҳида битим тарзида расмийлаштирилиши мумкин.

Ҳакамлик битимида ҳакамлик битими тарафлари ўргасида келиб чиқсан ёки келиб чиқиши мумкин бўлган барча ёхуд айрим низолар ҳакамлик судида кўриб чиқилиши кераклиги ҳақидаги қоида, шунингдек агар низо доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ҳал қилувига топшириладиган бўлса, мазкур ҳакамлик судининг номи кўрсатилиши лозим.

Йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, низонинг холис ҳал қилинишини таъминлашга кодир бўлган, низонинг пировард натижасидан бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлмаган, ҳакамлик битими тарафларидан мустақил бўлган ва ҳакамлик судьяси мажбуриятларини бажаришга розилик берган Ўзбекистон Республикаси фукароси ҳакамлик судьяси этиб сайданиши (тайинланиши) мумкин.

Низони якка тартибда ҳал қилувчи ҳакамлик судьяси олий юридик маълумотга эга бўлиши керак. Низо ҳайъатда ҳал қилинаётганда ҳакамлик суди таркибининг раиси олий юридик маълумотга эга бўлиши керак.

Ҳакамлик суди низо ҳолатлари текширилганидан сўнг ҳакамлик суди таркибига киравчи ҳакамлик судьяларининг кўпчилик овози билан ҳал қилув қарори қабул қиласди.

Ҳал қилув қарори ҳакамлик судининг мажлисида эълон қилинади. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори қабул қилинган пайтдан эътиборан кучга киради.

Агар келишув битими қонун хужжатларига зид бўлмаса ҳамда бошка шахсларнинг хуқуклари ва қонуний манфаатларини бузмаса, ҳакамлик суди ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг илтимосномасига биноан келишув битимини тасдиқлаш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қиласди. Келишув битимининг мазмуни ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорида баён қилинади.

Тарафлардан бири ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини олганидан сўнг, агар ҳакамлик муҳокамаси тарафлари бошқача шартлашмаган бўлсалар, ҳакамлик муҳокамаси давомида арз қилинган ва кўриб чиқилган, аммо қабул қилинган ҳал қилув қарорида ўз аксини топмаган даъво талаблари бўйича қўшимча ҳал қилув қарори қабул қилиш тўғрисидаги ариза билан ўн кун ичida айнан ўша ҳакамлик судига бу ҳакда бошқа тарафни хабардор қилган ҳолда мурожаат этиши мумкин. Низони ҳал қилган ҳакамлик суди таркиби мазкур ариза олинган кундан эътиборан ўн кун ичida уни кўриб чиқиши керак.

Ҳакамлик суди низонинг мазмунига дахл қилмайдиган масалалар юзасидан ажрим чиқаради.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори мазкур ҳал қилув қарорида белгиланган тартибда ва муддатларда ихтиёрий ижро этилади.

Агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорида белгиланган муддатда ихтиёрий ижро этилмаган бўлса, у мажбурий ижро этилиши керак. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш "Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш

тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, ваколатли суд берган ижро варажаси асосида амалга оширилади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Ҳўжалик низолари тўғрисидаги ишилар қандай тартибда кўриб чиқилади?
2. Ҳўжалик низоларини ҳал қилишининг тартиб-қоидалари қандай?
3. Ҳўжалик низоларини ҳал қилишида Иқтисодий процессуал кодекс қандай роль ўйнайди?
4. Ҳал қилув қарори нима ва унинг тузилиши қандай?
5. Ҳал қилув қарорининг юридик моҳияти нимадан иборат?
6. Ҳал қилув қарорини ижро этиши тартибини айтинг.
7. Суд тизими нимадан иборат?
8. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ваколатларини айтинг.
9. Иқтисодий судларнинг ваколатлари ва тузилишини айтинг.

Тавсия этилаётган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси: Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: "Адолат", 2018 й. – 376 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги Қонуни // «Ўзбекистоннинг янги қонунлари». 20-сон. – Т.: «Адолат», 1999.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – "Халқ сўзи" газетаси, 2018 йил 29 декабрь, № 271-272 (7229-7230).
4. Ҳўжалик судлари ҳал қилув қарорларига шархлар тўплами. Ш.З. Саидов ва бошқа муаллифлар жамоаси. – Т.: Baktria press, 2014.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми қарорлари тўплами. – Т.: Ўзбекистон, 2012.

6. Тадбиркорлик хуқуки. Умумий қисм. Дарслик. Таҳрир ҳайъати: X.Раҳмонкулов, Ш. М.Ниёзов ва бошқ. Масъул мухаррир: Ш.Рўзиназаров. — Т.: 2002.

7. Тадбиркорлик соҳасида маъмурий тартиб-қоидалар бўйича қўлланма. F.Б.Хидоятов ва бошқа муаллифлар жамоаси. – Т.: НМАК БТ "Шарқ", 2011.

8. Ўзбекистон Республикаси Ҳўжалик процессуал кодексига шархлар. М.Э.Абдусаломов ва бошқа муаллифлар жамоаси. – Т.: Иқтисодиёт ва хукуқ дунёси, 2002.

9. Азимов М.К. Ҳўжалик судига даъво келтириш. «Ҳўжалик ва хукуқ», 1998, 1-сон.

10. Азимов М.К. Низоларни ҳўжалик судларига тааллуқлилиги. «Ҳўжалик ва хукуқ», 1998, 2-сон.

11. Мамасиддиқов М.М. Судга мурожаат қилиш хуқуки // Ҳаёт ва конун, 2003, 6-сон. – Б. 50-51.

Глоссарий

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ — устав фонди (устав капитали) акциядорларнинг акциядорлик жамиятига нисбатан хукуқларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланган тижорат ташкилоти.

БАНК — тижорат ташкилоти бўлиб, банк фаолияти деб ҳисобланадиган фаолият турлари мажмуини (юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар қабул қилиш ҳамда қабул қилинган маблағлардан таваккал қилиб кредит бериш ёки инвестициялаш учун фойдаланишни, тўловларни) амалга оширадиган юридик шахс. Ўзбекистонда ташкил этилган ҳамма банклар банк фаолиятининг субъектларидир.

БАНК ТИЗИМИ — у ёки бу давлатда муайян бир тарихий даврда мавжуд бўлган турли шаклдаги банклар ва банк институтларининг ўзаро боғлиқ бўлган мажмуи. Банк тизимларининг ўзига хос хусусияти, банк концентрацияси билан бирга, уларнинг марказий, тижорат, инвестиция, ипотека, жамғарма ва бошқа банк ташкилотлари шаклида кенг ихтисослашуви ҳисобланади. Бир томондан, омонатларни жалб этиш, фойдали ва ишончли мижозлар ҳамда юқори даромад олиш учун банклар ўртасида ракобат юзага келиши, иккинчи томондан, банклар фаолиятини давлат томонидан тартибга солишни кучайтиришга интилиш мана шундандир.

БАНКРОТЛИК (ИҚТИСОДИЙ НОЧОРЛИК) — иқтисодий суд томонидан эътироф этилган, қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини тўла ҳажмда қондиришга ва/ёки мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини тўла ҳажмда бажаришга қодир эмаслик.

БИЗНЕС (*инг. business; рус. дело – иш, машгулот*) — таваккалчилик ва ўзининг жавобгарлиги остида хусусий ёки қарзга олинган воситалари ҳисобидан амалга ошириладиган, асосий мақсади фойда олиш ва ўз фаолиятини ривожлантиришга қаратилган ташаббускор иқтисодий фаолият.

БОЖ — Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан товарлар

олиб ўтилаётганда божхона органлари томонидан ундириладиган тўлов. Ўзбекистон Республикасида импорт божи, экспорт божи, мавсумий ва алоҳида (максус, антидемпинг, компенсация) бож қўлланилади. Импорт божи ҳалқаро шартномаларга мувофиқ белгиланади. Импорт ва экспорт божининг ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан белгиланади. Мавсумий божлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан белгиланиб, товарлар олиб кириш ва олиб чиқиши тезкор тартибга солиш учун кўлланилади. Бунда бож тарифида назарда тутилган бож ставкалари қўлланилмайди. Мавсумий божлар улар белгиланган вактдан эътиборан олти ойдан ортиқ амал қилиши мумкин эмас. Алоҳида божларнинг қўлланилиш тартиби қонун хужжатлари билан белгиланади.

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ — эркин товар пул муносабатларига асосланган, иқтисодий монополизмни инкор этувчи, ахолини ижтимоий ҳимоя қилишга ўйналтирилган ва бошқариладиган иқтисодий тизим.

БУХГАЛТЕРИЯ ХИСОБИ (*инг. acCountancy, book-keeping*) — корхоналар ва алоҳида тадбиркорларнинг узлуксиз, хужжатлар билан асосланган ва ўзаро боғлиқ бўлган мол-мулки, мажбуриятлари ва хўжалик операциялари, мазкур маблағларнинг манбалари, молия-кредит муносабатлари ҳамда хўжалик фаолиятининг натижалари ҳисоби.

БУХГАЛТЕРИЯ ХИСОБОТИ — ташкилотнинг мулкий ва молиявий ҳолати ҳамда унинг хисобот даври (ой, квартал, йил) мобайнида бухгалтерия хисоби маълумотлари асосида белгиланган шаклда тузиладиган маълумотларнинг ягона тизими тушунилади.

ВАЗИРЛИК — республиканинг марказий ижро этувчи органи. Давлат бошқарувининг тегишли тармоғига (соҳасига) раҳбарлик киласи, шунингдек конунда белгиланган доирада тармоқлараро мувофиқлаширишни амалга оширади.

ГАРОВ — фуқаролик хукуқида мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг асосий усулларидан бири бўлиб, ЎзР ФК бўйича қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятини бажармаган тақдирда кредитор бу

мажбурият бўйича ўз талабини гаровга қўйилган мол-мулкнинг қийматидан ушбу мол-мулк эгаси бўлган шахснинг қонунда белгилаб қўйилган чегиришлардан кейин бошқа кредиторларга қараганда имтиёзли суратда каноатлантиришга ҳақли.

ГИПОТЕЗА — хукуқ назариясида хукуқ нормасининг амал қилиш шартини кўрсатувчи таркибий қисми.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВ АКТЛАРИ — бошқарув фаолиятининг асосий шаклларидан бири — давлат бошқарув органлари томонидан ўз олдига қўйилган вазифаларни бажариш мақсадида чикариладиган хукукий актлар.

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ — давлат пул маблағларининг (шу жумладан давлат мақсадли жамгармалари маблағларининг) марказлаштирилган жамгармаси бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

ДАВЛАТ ОРГАНИ — давлат томонидан ташкил этиладиган, давлат номидан иш кўриб унинг манфаатини қўриклийдиган тузилма. Давлат бошқарув органи давлат аппаратининг бир қисми бўлиб, ўз ваколатларини бажариш учун давлат томонидан фармойиш бериш хукукига эга.

ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ — давлат корхоналарини ва ташкилотларини хўжалик ширкатлари ва жамиятларига, оммавий мулк бўлмайдиган бошқа корхоналар ва ташкилотларга айлантириш.

ДАВЛАТ ХИЗМАТИ — хукукий институт сифатида давлат хизматини ва давлат хизматчилари вазифаларининг бажарилишини ташкил қилувчи ҳамда ижтимоий муносабатларни тартибга солиб турувчи хукукий нормаларнинг йиғиндиши.

ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИ — давлат аппаратида доимо ёки вактинча тайинлаш ёки сайлаш асосида маълум бир лавозимни эгалловчи ва давлатдан иш ҳақи олувлечи ҳамда ўз ваколатлари доирасида давлат ҳокимияти функцияларини бажарувчи шахс.

ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ — республиканинг марказий ижро этувчи органи. Давлат бошқарувининг тегишли тармоқларида (соҳаларида) ягона давлат сиёсатини юргизади ва ушбу мақсадда қонунга кўра тармоқлароро мувофиқлаштиришни амалга оширади.

ДИСПОЗИЦИЯ (лат. dispositio — жойлашув) — хукуқ нормасининг хукуқ субъекти хатти-харакатидаги юридик аҳамиятга эга мазмунни очиб берувчи таркибий қисми.

ЖАВОБГАРЛИК — конун ёки шартномага асосан бажарилиши лозим бўлган мажбурият бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмагандага вужудга келадиган хукукий оқибат.

ЖАРИМА — мажбурият бажарилмагандиги учун қатъий белгиланган миқдорда ундириладиган молиявий жавобгарлик. Фуқаролик хукуки бўйича, неустойканинг шакли бўлган жарима қонун ёки шартномада ўрнатилган тартибда қатъий суммада ёки бузилган мажбуриятнинг суммасига фоиз билан белгиланади. Умумий коидага кўра, жарима контрагентнинг мажбуриятларини бажармаган ҳоллардагина тўланади.

ЗАКАЛАТ — шартнома тузалётган тарафлардан бири шартнома тузилганинги исботлаш ва унинг ижросини таъминлаш учун шартнома юзасидан иккинчи тарафга тўлайдиган пул суммасидан берадиган пул. Закалат мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашнинг усууларидан биридир.

ЗАРАР — шартнома мажбуриятлари бажарилмагандиги ёки лозим даражада бажарилмагандиги муносабати билан тараф килган харажатлар, унинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар), шунингдек, агар иккинчи тараф шартнома мажбуриятларини бажарганида тараф олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлари (бой берилган фойда).

ЗАРУРИЙ МУДОФАА — шахси ёки мудофааланувчининг ёхуд бошқа шахснинг хукукларини, жамият ёки давлат манфаатларини ғайрихукукий тажовузлардан шундай тажовуз килаётган шахсга зарар етказиш йўли билан химоя қилиш. Бунда зарурий мудофаа чегарасидан чикиб кетилишига йўл қўйилмаган бўлиши лозим.

ИДОРА — республика вазирлиги ёки давлат қўмитасининг ваколатлари доирасида мустақил равиша маҳсус ижро этиш ҳамда назорат функцияларини амалга оширади, шунингдек тармоқлараро мувофиқлаштириш вазифасини бажаради ёхуд давлат бошқаруви тармогига (соҳасига) раҳбарлик қиласди.

ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАР — одамлар хаёт фаолиятининг турли соҳаларида ишлатиладиган муносабатлар. Ҳуқуқий нормага солинган ижтимоий муносабатлар хуқуқий муносабатлар сифатида қабул қилинади.

ИНВЕСТОР — қимматли қоғозларни ўз номидан ва ўз ҳисобидан олувчи юридик ёки жисмоний шахс.

ИНСОФСИЗ РАҚОБАТ — хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гурухининг иқтисодий фаолиятни амалга оширишда афзалликларга эга бўлишга қаратилган, қонун хужжатларига, иш муомаласи одатларига зид бўлган ҳамда бошқа хўжалик юритувчи субъектларга (ракобатчиларга) зарар етказадиган ёки зарар етказиши мумкин бўлган ёхуд уларнинг ишchanлик обрўсига путур етказадиган ёки путур етказиши мумкин бўлган харакатлари.

ИСТЕМOLЧИ — табиий монополия субъекти ишлаб чиқараётган товарни олаётган жисмоний ёки юридик шахс.

КАМСИТУВЧИ ШАРТЛАР — маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхонанинг истеъмолчиларга шартнома моҳиятига дахли бўлмаган турли шартларни мажбуран қабул килдириш.

КАФОЛАТ — фукаролик хуқукида қонунда ёки тегишли шартномада назарда тутилган мажбурият. Кафолат туфайли бирон-бир шахс кредиторлар олдида мажбуриятини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавоб беради.

КООПЕРАТИВ МУЛК — хўжаликни биргаликда юритиш ёки бошқа фаолият билан шуғулланиш учун аъзолик асосида ихтиёрий бирлашган фукароларнинг биргаликдаги мулки.

КРЕДИТ (*лат. creditum* – ишонмок) — бошқа шахсга муддатлилик, қайтаришлилик ва фойдаланганлик учун фоиз шаклида тўловлилик шартлари асосида вақтинча бериладиган пул маблаглари, товар ва бошқа қимматликлар.

КРЕДИТ ЛИНИЯСИ (револьвер) — кредит шартномасида белгиланган муддат ва лимит доирасида, сўндирилган кредит қисми қайта ўзлаштирилиши мумкин бўлган кредит.

КРЕДИТ СИЁСАТИ — кредитлаш жараённада юзага келувчи таваккалчиликни бошқаришда банк раҳбарияти томонидан қабул қилинадиган чоралар ва услубларни белгиловчи ҳамда банк раҳбарияти ва ходимларини кредитлар портфелини самарали бошқаришга доир кўрсатмалар билан таъминловчи хужжат. Тижорат банклари кредит сиёсати алоҳида хужжат сифатида ишлаб чиқарилади ва банк Кенгаши томонидан тасдиқланади.

КУЗАТУВ — иқтисодий суд томонидан қарздор юридик шахсга нисбатан унинг мол-мулки бут сакланишини таъминлаш, қарздорнинг молиявий аҳволи таҳлилини ўтказиш мақсадида қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза қабул қилинган пайтдан эътиборан кейинги таомилга қадар кўлланиладиган банкротлик таомили.

МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАР — Солик кодексида белгиланган давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий пул тўловлари, божхона тўловлари, шунингдек ваколатли органлар ҳамда мансабдор шахслар томонидан юридик аҳамиятга молик харакатларни тўловчиларга нисбатан амалга ошириш учун, шу жумладан муайян хукукларни ёки лицензиялар ва бошка рухсат берувчи хужжатларни бериш учун тўланиши лозим бўлган йигимлар, давлат божи.

МАЖБУРИЯТ — бир шахс (қарздор) бошка шахс (кредитор) фойдасига муайян харакатни амалга оширишга, яъни мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва ҳоказо ёки муайян харакатдан ўзини саклашга мажбур бўлади, кредитор эса қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш хукуқига эга бўлади.

МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК — юридик жавобгарликнинг маҳсус тури. Айбдорга нисбатан ижро этувчи ва суд ҳокимияти органлари ва мансабдор шахслари томонидан маъмурий хуқук нормаларида кўзда тутилган доирада белгиланадиган маъмурий жазолар тизими.

МАЪМУРИЯТ — давлатнинг бошқарув фаолияти; бошқарув ишини амалга оширувчи давлат органлари мажмуи; бошқарувчи мансабдор шахслар, муассаса, корхонанинг раҳбар ходимлари.

МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТЕКШИРИШ (ТАФТИШ ҚИЛИШ) — солик ва валюта тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳамда бошқа ҳужжатларини ўрганиш ва таққослаш.

МОНОПОЛИСТИК ФАОЛИЯТ — хўжалик юритувчи субъектларнинг, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг монополияга қарши кураш ҳақидаги қонун ҳужжатларига хилоф бўлган, рақобатга йўл қўймасликка, уни чеклаш ёки бартараф этишга қаратилган ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги.

МУТЛАҚ МОНОПОЛИЯ — хўжалик юритувчи субъект товар бозорида ягона сотовчичи ёки харидор бўлган вазият.

МУҚОБИЛ ТЕКШИРИШ — операциялар бирлиги туфайли ўзаро боғлиқ бўлган ва турли хўжалик юритувчи субъектлардаги ёки бир хўжалик юритувчи субъектнинг турли бўлинмаларидағи ҳужжатларни таққослашдан иборат текширув.

НАЗОРАТ ТАРТИБИДА ТЕКШИРИШ — хўжалик юритувчи субъектларнинг илгариги текширишда кўрсатилган қоидабузарликларни бартараф этиши устидан назорат қилувчи органлар амалга оширадиган текшириш.

НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР — хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилишга қонун ҳужжатлари билан ваколат берилган вазирликлар ва идоралар.

НЕУСТОЙКА — қонун ҳужжатлари ёки шартнома билан белгиланган, қарздор мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кредиторга тўлаши шарт бўлган пул суммаси. Неустойка жарима ёки пеня шаклида бўлади.

НОМОДДИЙ АКТИВЛАР — моддий-ашёвий мазмунга эга бўлмаган, хўжалик юритувчи субъект томонидан хўжалик фаолиятида фойдаланиш ёки бошқариш учун фойдаланиш мақсадида назорат қилинадиган, шунингдек узок вакт (бир йилдан кўп) ишлатиш учун мўлжалланган мол-мулк объектлари.

НОМУЛКИЙ НЕЙМАТЛАР — фирма номи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси, товар ишлаб чиқарилган жой номи, тижорат сири ва бошқалар.

НОМУЛКИЙ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР — хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз фаолиятларида номоддий нейматлардан фойдаланиш ва ишчанлик обрўсини химоя қилиш каби жараёнларда вужудга келадиган муносабатлар.

ОХИРГИ ЗАРУРАТ — шахста ёки мазкур шахснинг ёхуд бошқа шахснинг ҳукукларига, жамият ёки давлат манфаатларига таҳдид этаётган хавфни бартараф этиш учун содир этилган ҳаракатлар. Агар хавфни ўша ҳолатда бошқача чоралар билан бартараф этиб бўлмаса, охирги заруратга йўл қўйилади. Етказилган зарап олди олинган зарапга қараганда камрок бўлиши лозим.

ПЕНЯ (лат. *peon* — жазо) — фуқаролик мулкий муносабатларда шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажармаганлик учун қўлланиладиган моддий жазо, мажбурият бажарилиши кечикирилишининг ҳар бир куни учун фоиз хисобида ундириладиган молиявий жавобгарлик.

РАҚОБАТ — хўжалик юритувчи субъектларнинг (рақобатчиларнинг) мусобақалашуви бўлиб, бунда уларнинг мустакил ҳаракатлари улардан ҳар бирининг товар ёки молия бозоридаги товар муомаласининг умумий шарт-шароитларига бир томонлама тартибда таъсир кўрсатиш имкониятини истисно этади ёки чеклайди.

РАҚОБАТГА ҚАРШИ ҲАРАКАТЛАР — рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида хўжалик юритувчи субъектлар учун ман этилган ҳаракатлар, шунингдек давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти

органлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг рақобатни чеклашга қаратилган харакатлари (харакатсизлиги).

РЕКЛАМА БЕРУВЧИ — рекламани тайёрлаш ва/ёки тарқатиш учун унга буюртмачи бўлган шахс.

РЕКЛАМА ТАЙЁРЛОВЧИ — реклама тайёрлашни тўлиқ ёки қисман амалга оширувчи шахс.

РЕКЛАМА ТАРҚАТУВЧИ — рекламани ундан фойдаланувчига етказиш учун ишлатиладиган воситалар оркали реклама тарқатишни амалга оширувчи шахс.

РЕКЛАМАДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ — реклама йўналтирилган шахс ёки шахслар гурухи.

САНКЦИЯ (лат. sanctio – қатъий қарор) — қатъий чора ва тадбир. Хукуқда санкция тўрт асосий турга: 1) жиноий-хукукий, 2) маъмурий-хукукий, 3) ижтимоий-хукукий, 4) мулкий санкцияларга бўлинади. Маъмурий-хукукий санкция (жарима, маъмурий қамоққа олиш ва бошқалар) ички ишлар ва х. к. органлар томонидан асосий ва қўшимча жазо чораси тарикасида қўлланилади.

СОЛИҚЛАР — Солик кодексида белгиланган, муайян микдорларда ундириладиган, мунтазам, қайтариб берилмайдиган ва бегараз хусусиятга эга бўлган, бюджетга йўналтирилдиган мажбурий пул тўловлари.

СУД БОШҚАРУВЧИСИ (мувакқат бошқарувчи, санация қилувчи бошқарувчи, ташки бошқарувчи, тугатиш бошқарувчиси) — банкротлик таомилларини ўтказиш мақсадида иқтисодий суд томонидан тайинланадиган шахс.

СУД САНАЦИЯСИ — иқтисодий суд томонидан қарздор юридик шахсга нисбатан унинг тўлов қобилиятини тиклаш ҳамда кредиторлар олдидағи қарзини узиш мақсадида қарздорнинг ишларини бошқариш ваколатларини санация қилувчи бошқарувчига ўтказмаган ҳолда қўлланиладиган банкротлик таомили.

СУДГАЧА САНАЦИЯ ҚИЛИШ — қарздор юридик шахснинг муассислари (иштирокчилари) ёки унинг мол-мулки эгалари, кредиторлар ва

бошқа шахслар томонидан қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш ҳамда банкротлигининг олдини олиш мақсадида кўриладиган чора-тадбирлар.

ТАБИИЙ МОНОПОЛИЯ — товар бозорининг ҳолати. Унда технологик хусусиятлар туфайли муайян товарлар (ишлар, хизматлар) турларига бўлган талабни қондиришининг рақобатли шароитларини яратиш мумкин эмас ёки иқдисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас.

ТАДБИРКОРЛИК — тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан конун хужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташабbusкор фаолият.

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ АЖРАТИБ ЧИҚАРИШ — тадбиркорлик субъектлари хукуқ ва мажбуриятларининг бир қисмини бериш йўли билан янги субъектни вўжудга келтириш, тадбиркорлик субъекти таркибидан бир ёки бир неча юридик шахсларнинг ажралиши, аввалги тадбиркорлик субъектининг ҳам мавжуд бўлиб колиши.

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ БЎЛИШ — тадбиркорлик субъектининг ўз фаолиятини тўхтатиб, икки ва ундан ортиқ юридик шахсларга бўлининиши.

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ТУГАТИШ — тадбиркорлик субъектининг хукуқ ва бурчлари хукукий ворислик тартибида бошқа шахсга ўтмасдан бекор қилиниши.

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ЎЗГАРТИРИШ — янги вўжудга келган тадбиркорлик субъектига қайта ташкил этилган юридик шахснинг барча хукуклари ва мажбуриятларини бериш йўли билан корхонанинг ташкилий-хукукий шаклини ўзгартириш, бир ташкилий-хукукий шаклдаги юридик шахснинг бошқа шаклдаги юридик шахсга ўзгариши.

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ҚЎШИБ ОЛИШ — бир ёки бир нечта корхона фаолиятини тўхтатиб, уларнинг хукуклари ва мажбуриятларини бошқа корхонага бериш.

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ҚЎШИБ ЮБОРИШ — ўз фаолиятини тугатган икки ёки ундан ортиқ корхонанинг барча хукуқлари ва мажбуриятларини янги ташкил этилган корхонага бериш.

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ (ТАДБИРКОРЛИК) — тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун хужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолият.

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ СУБЪЕКТЛАРИ (ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ) — белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслар.

ТАДБИРКОРЛИК ХУҚУҚИ — тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги тадбиркорлик муносабатларини тартибга соловчи ва бозор шароитида давлатнинг иқтисодга раҳбарлик қилиш чора-тадбирларини белгиловчи хукуқий қоидалар йигиндиси.

ТАДБИРКОРЛИК ХУҚУҚИНинг МАНБАИ — тадбиркорлик субъектлари ўртасида вужудга келадиган тадбиркорлик фаолиятига оид муносабатларни хукукий тартибга соловчи қонунчилик нормаларининг йигиндиси.

ТАШКИ БОШҚАРУВ — иқтисодий суд томонидан қарздор юридик шахса нисбатан унинг тўлов қобилиятини тиклаш мақсадида қарздорнинг ишларини бошқариш ваколатларини ташки бошқарувчига ўтказган ҳолда қўлланиладиган банкротлик таомили.

ТЕКШИРИШ — хўжалик юритувчи субъектлар томонидан конунлар ҳамда ўз фаолиятини тартибга соловчи бошқа қонун хужжатлари қандай бажарилаётгандигини назорат килувчи органларнинг бир марта назорат қилиши.

ТЕКШИРИШЛАРНИ ҚАЙД ЭТИШ ДАФТАРИ — ўтказилган текширишлар тўғрисидаги ахборот ёзиб қўйиладиган маҳсус дафтар.

ТИЖОРАТЧИ ТАШКИЛОТ — фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган юридик шахс.

ТИЖОРАТЧИ БЎЛМАГАН ТАШКИЛОТ — фойда олишни мақсад қилиб олмаган ташкилот (юридик шахс).

ТОВАР — сотиш (алмаштириш) учун мўлжалланган фаолият маҳсули. Ишлар ва хизматлар ҳам товарга киради.

ТОВАР БОЗОРИ — товарнинг ЎзР ҳудудидаги ёки унинг бир қисмидаги муомала доираси. У республиканинг маъмурий-ҳудудий бўлинишига мос келиши ёки мос келмаслиги мумкин.

ТРАНЗИТ — товарлар Ўзбекистон Республикасининг икки божхона органи ўртасида, шу жумладан чет давлат ҳудуди орқали, бож, солиқлар ундирилмасдан, шунингдек товарларга нисбатан иқтисодий сиёsat чораларини кўлланмасдан божхона назорати остида олиб ўтилиши.

ТУГАТИШГА ДОИР ИШ ЮРИТИШ — иқтисодий суд томонидан кредиторларнинг талабларини мутаносиб равишда қондириш ҳамда қарздорни қарзлардан кутулган деб эълон қилиш мақсадида банкрот деб топилган қарздорга нисбатан қўлланиладиган банкротлик таомили.

ТЎЛИҚ ШИРКАТ — иштирокчилари ўз ўрталарида тузилган шартномага мувофиқ ширкат номидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган ҳамда унинг мажбуриятлари бўйича ўзларига карашли бутун мол-мулк билан жавоб берадиган ширкат.

УНИТАР КОРХОНА — ўзига бириктириб қўйилган мол-мулкка нисбатан мулқдор томонидан мулк хукуки берилмаган тижоратчи ташкилот.

ХУСУСИЙ КОРХОНА — мулқдор ягона жисмоний шахс томонидан тузилган ва бошқариладиган тижоратчи ташкилот.

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ — жисмоний шахсларнинг ва давлатга тааллуқли бўлмаган юридик шахсларнинг оммавий мулк обьектларини ёки давлат акцияли жамиятларининг акцияларини давлатдан сотиб олиши.

ХЎЖАЛИК НИЗОЛАРИ — ҳар қандай юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тарзда олган фуқаролар-

хўжалик юритувчи субъектларнинг хукуклари ёхуд конун билан қўриқланадиган манфаатларининг бузилиши натижасида улар ўртасида юзага келадиган келишмовчиликлар.

ХЎЖАЛИК СУБЪЕКТИНИНГ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ — хўжалик субъекти хукук ва мажбуриятларининг хукукий ворислик асосида бошқа шахсга ўтиши орқали унинг тугатилиши.

ХЎЖАЛИК ШАРТНОМАСИ — тарафлардан бири шартлашилган муддатда тадбиркорлик фаолияти соҳасида товарларни бериш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш мажбуриятини оладиган, иккинчи тараф эса товарларни, ишларни, хизматларни кабул қилиб олиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини оладиган келишув.

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКTLAR — а) товарлар ишлаб чиқариш, сотиши, сотиб олиш ва хизматлар кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи барча ташкилий-хукукий шаклдаги юридик шахслар; б) хорижий юридик шахслар, уларнинг бирлашмалари; в) юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахслар.

ХЎЖАЛИК ХУКУКИ СУБЪЕКТИНИНГ ТУГАТИЛИШИ — унинг хукук ва мажбуриятларининг хукукий ворислик тартибида бошқа щахсларга ўтмасдан бекор килиниши.

ХЎЖАЛИК ХУКУКИЙ МУНОСАБАТ ОБЪЕКТИ — хўжалик хукукий муносабатда катнашувчи шахсларнинг субъектив хукуклари ва мажбуриятлари нимага қаратилганиги.

ХЎЖАЛИК ХУКУКИННИНГ СУБЪЕКТИ — хўжалик фаолиятини амалга оширувчи турли мулк шаклларига мансуб корхоналар ва уларнинг тузилмалари ҳамда якка тадбиркор мақомига эга бўлган фуқаролар.

ФОРС-МАЖОР — томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлик бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иктисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга кабул килинган мажбуриятларни бажариш имконини

бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатлар.

ФУҚАРО (ЖИСМОНИЙ ШАХС) — Ўзбекистон Республикасининг фуқароси, бошқа давлатнинг фуқароси, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахс.

ШАРТНОМА — икки ёки бир неча (жисмоний ёки юридик) шахснинг хукуклари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш хақидаги келишув.

ШАРТНОМАВИЙ ЖАВОБГАРЛИК — тарафларнинг ўз шартномавий мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун шартномада ёки конун хужжатларида белгиланган жавобгарлик.

ШАҲАРНИ ТАШКИЛ ЭТУВЧИ КОРХОНА ҲАМДА УНГА ТЕНГЛАШТИРИЛГАН КОРХОНА — ходимлари уларнинг оила аъзоларини ҳам қўшиб хисоблагандага тегишли аҳоли пункти аҳолисининг камидаги ярмини ташкил этувчи ёки ходимларининг сони камидаги 3000 киши бўлган ёхуд давлатнинг мудофаа қобилияти ва хавфсизлиги сақлаб турилишини таъминловчи ёки табиий монополиялар субъекти бўлган юридик шахс.

ЮРИДИК ШАХС — ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий хукукларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда дайвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот.

ЮРИДИК ФАКТ — қонунда назарда тутилган ва муайян хукукий муносабатлар юзага келиши (ўзгартирилиши, тўхтатилиши) учун асос бўлган ҳолат.

ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРЛИК — жисмоний шахс томонидан тадбиркорлик фаолиятини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда амалга ошириш.

ҚАЙТА МОЛИЯЛАШ СТАВКАСИ — кредит ташкилотларига ажратиладиган кредитлар учун Марказий банк томонидан белгиланадиган ийллик фоиз микдори.

ҚАРЗДОР — пул мажбуриятлари бўйича кредиторларнинг талабларини қондиришга ва/ёки мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга кодир бўлмаган юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор.

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР — хужжатлар бўлиб, улар бу хужжатларни чиқарган юридик шахс билан уларнинг эгаси ўртасидаги мулкий хукуқларни ёки қарз муносабатларини тасдиқлайди, дивидендлар ёки фоизлар тарзида даромад тўлашни ҳамда ушбу хужжатлардан келиб чиқадиган хукуқларни бошқа шахсларга ўтказиш имкониятини назарда тутади. Қимматли қоғозларнинг киймати Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида ифодаланади.

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ — юридик ва жисмоний шахсларнинг қимматли қоғозларни чиқариш, жойлаштириш ва уларнинг муомаласи билан боғлик муносабатлари тизими.

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ИШТИРОКЧИЛАРИ — қимматли қоғозлар эмитентлари, қимматли қоғозларнинг эгалари, инвесторлар, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари, шунингдек конун хужжатларида белгиланган тартибда биржалар.

ҲАРАКАТЛАР — хўжалик хукукий муносабатлarda катнашувчи шахсларнинг иродаси бўйича вужудга келадиган юридик фактлар.

ҲОДИСАЛАР — хўжалик хукукий муносабат субъектларининг эркларидан ташкари содир бўладиган фактлар.

ХУҚУҚ — давлат томонидан бутун жамият миқёсида ўрнатиладиган ва муҳофаза килинадиган ҳамда бажарилиши барча учун мажбурий бўлган тартиб-коидалар, нормалар тизими.

ХУҚУҚ ИНСТИТУТИ — бир турдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ва хукуқнинг тегишли соҳасига кирувчи юридик нормаларнинг алоҳида гурухи.

ХУҚУҚ МАНБАИ — хукукий нормаларнинг ташқи ифодаланиш шакли.

ХУҚУҚ НОРМАСИ — давлат белгилайдиган ва унинг бажарилишини тегишли органлар ёрдамида таъминлайдиган харакатларнинг барча учун

мажбурий бўлган қоидаси.

ХУҚУҚ СУБЪЕКТИ — хукуқ ва мажбуриятларга бевосита ёки ўз вакили орқали эга бўлиш ва амалга ошириш қобилиятига қонуний равишда эга бўлган жисмоний ва/ёки юридик шахс.

ХУҚУҚ ТАРМОГИ — муайян соҳага оид муносабатларни тартибга солувчи хукукий нормалар йигиндиси. Хукуқ тизимининг асосий элементларидан бири хукуқ тармоғи ҳисобланади. Хукуқ тармоғи маҳсус турдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи хукукий нормалардан иборат. Хукуқ тармоғи хукукий нормалар ва институтларнинг алоҳида гурухи бўлиб, маълум умумийликка эга бўлган ва бошқариладиган ижтимоий муносабатларни бирлаштиради.

ХУҚУКИЙ МУНОСАБАТЛАР ОБЪЕКТЛАРИ — хукукий муносабат иштирокчиларининг субъектив хукуқ ва мажбуриятлари.

ХУҚУКИЙ МУНОСАБАТЛАР СУБЪЕКТЛАРИ — хукукий муносабатларнинг иштирокчилари, яъни хукуқ ва мажбурият эгалари.

**“Тадбиркорлик ҳуқуқи” фанидан тавсия этилаётган
адабиётлар ва манбалар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида / И.А. Каримов. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011.

2. Мирзиёев Ш.М. Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халк – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараккиётнинг кафолатидир (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи, 2018 йил 7 декабрь). – “Халқ сўзи” газетаси, 2018 йил 8 декабрь, № 253 (7211).

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //”Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 23 декабрь, № 258 (6952).

4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 488 б.

5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараккиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 592 б.

6. Мирзиёев Ш.М. Ҳалқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баходир. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. – 508 б.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – “Халқ сўзи” газетаси, 2018 йил 29 декабрь, № 271-272 (7229-7230).

2. Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий хужижатлари

1. Ҳўжалик шартномалари оид қонун хужжатлари ва шартномалар намунавий шакллари тўплами. ЎзР Адлия вазири Сирохиддин Мирсафоевнинг

тахрири остида. Тузувчилар: Д.Р.Матрасулов, Х.М.Содиков, Ф.К.Қиличев, Т.Шохназаров, Б.Т.Қўчкоров, Б.Эшматов. – Т.: «Адолат», 1998.

2. Ҳўжалик судлари хал қилув қарорларига шарҳлар тўплами. Ш.З. Сайдов ва бошқа муаллифлар жамоаси. – Т.: Baktria press, 2014.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленуми қарорлари тўплами. – Т.: Ўзбекистон, 2012.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. Сборник постановлений Пленума Верховного суда Республики Узбекистан –Т.: Адолат, 2014.

5. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўгрисида»ги Конуни // «Ўзбекистоннинг янти қонунлари». 20-сон. – Т.: «Адолат», 1999.

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: Ўн иккинчи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган. – Т.: Ўзбекистон, 2018.

3. Дарсликлар, ўқув қўлланмалари, монографиялар, рисолалар

1. Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари: 100 савол ва жавоб. – Т.: «Мехнат», 2000.

2. Абдусаломов М., Отаконов Ф. Контрактация шартномаси: талабнома ва даъво аризаси. – Т.: «Адолат», 1998.

3. Азизов Х.Т., Ширинов Ж., Бакаев Ш. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш. Ўқув қўлланма. – Т.: Akademiya, 2013. – 114 б.

4. Азизов Х.Т. Ахоли фаровонлигини таъминлашда фермер харакатининг роли. – Т.: ТДЮИ, 2013.

5. Азизов Х., Бакаев Ш., Назаров Ш. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилишининг ҳуқуқий асослари. – Т.: Akademiya, 2014. – 188 б.

6. Алиев Б.А., Раҳмонов А.Н. Ўзбекистонда хукуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишнинг юксак натижалари. — “Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан” (илмий-оммабоп рисола). – Т.: “O‘qituvchi” нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011.
7. Бабакулов С.Б. Тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш соҳасидаги ислоҳотлар.– Т.: ТДЮИ, 2012. – 52 б.
8. Бабакулов С., Ибратова Ф. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик – ижтимоий ва сиёсий барқарорлик кафолати. Ўқув услубий мажмуа. – Тошкент, 2011. – 64 б.
9. Дўстов У.Н. «Хўжалик (тадбиркорлик) хукуқи» фанидан услубий кўлланма. – Т.: ТДЮИ, 2003.
10. Дўстов У.Н. Хўжалик юритувчи субъектлар банкротлиги. Ўқув кўлланма. – Т.: ТДЮИ, 2006.
11. Ибраторов Б.И. Тадбиркорлик (бизнес) хукуқи. – Тошкент: Молия, 2001. – 218 б.
12. Ибраторова Ф. Хозяйственное процессуальное право. Учебник. – Ташкент: ТДЮИ, 2011. – 705 с.
13. Ибраторова Ф.Б. Айрим тоифадаги қарздорлар банкротлигининг хукуқий муаммолари. Монография. – Тошкент: ТДЮИ, 2012. – 405 б.
14. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун белгиланган юридик кафолатлар. Бабакулов С.Б., Оқюлов О., Нарзиев О.С., Ходжаев Б.К. – Т.: ТДЮИ, 2012. – 50 б.
15. Мартемьянов В.С. Хозяйственное право. Том 1. Общие положения. – М.: БЕК, 1994.
16. Мустакиллик: изоҳли илмий-оммабоп лугат // Муаллифлар: М.Абдуллаев, М.Абдуллаева, Ф.Абдуллаева, Г.Абдураззоқова ва бошк.; Р.Рўзиев ва Қ.Хоназаров умумий таҳририда. Тўлдирилган учинчи нашри / - Т.: «Шарқ», 2006.
17. Нарзиев О. Хозяйственные (предпринимательские) договоры. Учебное пособие. Ответственный редактор: д.ю.н, проф.О.Оқюлов. – Т.: ТГЮИ, 2010. – 206 с.
18. Оиласвий тадбиркорлик – мустаҳкам оила асоси. Ш.Н.Рўзиназаров, Оқюлов О., Бабакулов С.Б., Бурханходжаева В. – Тошкент: ТДЮИ, 2012. – 52 б.
19. Отахонов Ф.Х. Тадбиркорларнинг хукуқларни ҳимоя қилишда юридик хизматнинг роли. Тадбиркорларни кўллаб-куватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш муаммолари./Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: ТДЮИ, 2002. – 73-81-бетлар.
20. Оқюлов О., Отахонов Ф. Тадбиркорлик субъектларини хукуқий ҳимоя қилиш тизимини мустаҳкамланаш муаммолари. – Тошкент: ТДЮИ, 2010. – 200 б.
21. Оқюлов О. Тадбиркорликни ривожлантириш ва унга нисбатан тўсиқларни бартараф қилишнинг хукуқи муаммолари. Тадбиркорларни кўллаб-куватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш муаммолари. / Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: ТДЮИ, 2002. - Б. 36-39.
22. Предпринимательское право Российской Федерации. /Отв. ред. Губин Е.П., Лахно П.Г. – М.: Юрист, 2003. – 1001 с.
23. Раҳмонов А.Н. Инсоннинг асосий хукуклари – олий қадрият сифатида. Ўзбекистон Фанлар академияси И.Мўминов номидаги Фалсафа ва хукуқ институти ташкил этган «Инсон манфаатларининг ҳимояланиши – фуқаролик жамияти шаклланишининг муҳим омили» мавзусидаги республика илмий-назарий конференцияси материаллари. – Т.: Фалсафа ва хукуқ институти, 2007.
24. Раҳмонов А.Н. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ўрганиш: ноюридик олий ўқув юртларининг талабалари учун схемали ўқув кўлланма. Тузатилган ва тўлдирилган учинчи нашри – Тошкент: Наврӯз, 2016.
25. Раҳмонов А.Н. Давлат бошқарувини демократлаштириш – давр талаби. “Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-хукуқий ва маънавий омиллари” мавзусида республика илмий-амалий семинари материаллари. – Т.: “Иқтисодиёт”, 2011.
26. Раҳмонқулов X. Олди-сотди шартномаси. – Т.: «Адолат», 2000.
27. Раҳмонқулов X.Р., Азизов X.Т. Тадбиркорлик субъектлари хусусий

мулк хуқуқининг фуқаролик-хуқуқий кафолатлари. – Т.: 2013. – 181 б.

28. Тадбиркорлик хуқуқи. Умумий қисм. Дарслик. Таҳрир ҳайъати: X.Раҳмонқулов, Ш. М.Ниёзов ва бошқ. Масъул мухаррир: Ш.Рўзиназаров. — Т.: 2002.

29. Тадбиркорлик (бизнес) хуқуқи. Дарслик. 1-2 том. Ш.Н. Рўзиназаров ва бошқалар. – Тошкент: Консаудитинформ, 2002.

30. Тадбиркорлик соҳасида маъмурий тартиб-қоидалар бўйича қўлланма. F.Б.Ҳидоятов ва бошқа муаллифлар жамоаси. – Т.: НМАК БТ “Шарқ”, 2011.

31. Хозяйственное (предпринимательское) право. Учебник. //под ред. Оқюлова О. – Т.: ТГЮИ, 2010. – 560 с.

32. Хўжалик (тадбиркорлик) хуқуқи. Муаллифлар жамоаси. Отахонов Ф.Х.нинг умумий таҳрири остида. – Тошкент: Адолат, 2007. – 466 б.

33. Хўжалик (тадбиркорлик) хуқуқи. Тузувчилар: ю.ф.д., проф. Бабакулов С.Б., ю.ф.д., проф. Оқюлов О., ю.ф.н. Ходжаев Б., ўқит. Бердияров Р.Т . Ўкув-услубий мажмуа. – Т.: ТДЮИ, 2011. – 150 б.

34. Юридик энциклопедия. Юридик фанлари доктори, профессор У.Таджихановнинг умумий таҳрири остида. – Т.: «Шарқ», 2001.

35. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 9-жилд. Тўйчи Ҳофиз – Шаршара. Таҳрир ҳайъати: А.Азизхўжаев, Б.Алимов, М.Аминов ва бошқ. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2005.

36. Ўзбекистон Республикаси: мустакил давлатнинг бунёд бўлиши / Қ.А.Ахмедовнинг умумий таҳрири остида/. – Т.: «Ўзбекистон», 1992.

37. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг ЎзР Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўкув-услубий мажмуа. – Т.: “Иқтисодиёт” нашриёти, 2010.

38. Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексига шарҳлар. М.Э.Абдусаломов ва бошқа муаллифлар жамоаси. – Т.: Иқтисодиёт ва хуқук

дунёси, 2002.

39. Ўзбекистон Республикасининг “Банкротлик тўғрисида”ги Қонунига шарҳлар. М.К.Азимов ва бошқа муаллифлар жамоаси. – Т.: НМАК БТ “Шарқ”, 2007.

40. Қодиров К. Хўжалик шарномаси: расмийлаштириш тартиби, бажарилишини таъминлаш усуллари ва амалиёти. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2003. – 691 б.

41. Хуқуқшуносликка оид ўзлашма терминлар. Тузувчилар: Бектемиров X., Холмедов X., Содиков С. – Т.: «Адолат», 1999.

42. Arnold J. Goldman and William D. Sigismund *Business Law: Principles and Practices* (2010).

43. Commercial Registration Law, Law – Japan, 1990, 56 с.

44. David P. Twomey and Marianne M. Jennings *Business Law: Principles for Today's Commercial Environment* (2010).

45. Henry R. Cheeseman *Business Law* (8th Edition, 2012).

46. James Morgan *Business Law*. 4th Edition (2012).

47. Jane Mallor, A. James Barnes, L. Thomas Bowers and Arlen Langvardt *Business Law* (2012).

48. Jeffrey F. Beatty and Susan S. Samuelson *Business Law and the Legal Environment* (2008).

49. Kenneth W. Clarkson, Roger LeRoy Miller and Frank B. Cross *Business Law: Text and Cases: Legal, Ethical, Global, and Corporate Environment* (2010).

50. Richard A. Mann and Barry S. Roberts *Business Law and the Regulation of Business* (2013).

51. Robert W. Emerson J.D. *Business Law* (2009).

52. Roger LeRoy Miller and Gaylord A. Jentz *Business Law Today: Comprehensive: Text and Cases* (2011).

4. Журналлар, илмий тўпламлар

1. Азимов М.К. Хўжалик судига даъво келтириш. «Хўжалик ва хуқуқ», 1998, 1-сон.
2. Азимов М.К. Низоларни хўжалик судларига тааллуклилиги. «Хўжалик ва хуқуқ», 1998, 2-сон.
3. Давлетов А. Процессуал хужжатларда юридик атамалардан тўғри фойдаланиш. «Қонун ҳимоясида», 06/2004, 10-12-бетлар.
4. Мамасиддиқов М.М. Судга мурожаат қилиш хукуки // Ҳаёт ва қонун, 2003, 6-сон. – Б. 50-51.
5. Оқюлов О. Сохта банкротликка оид қонунчиликни такомиллаштиришнинг айrim масалалари // Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Ахборотномаси. 2012. № 4. – Б. 43-46.
6. Рўзиназаров Ш. Тадбиркорлик субъектлари мулкий хукуқларини ҳимоя қилиш кафолатлари. // Олий хўжалик суди ахборотномаси, 2006. 11-12.
7. Хайтбоев М. Хўжалик юритувчи субъектларни молиявий жавобгарликка тортишнинг хуқуқий асослари. // ТДЮИ Ахборотномаси. 2007. № 5.
8. Ходжаев Б. Реклама тушунчаси: қиёсий-хукукий ёндашувлар тахлили. // ТДЮИ Ахборотномаси. 2007, № 2.
9. Ходжаев Б. Реклама хизмати ва реклама хизмати кўрсатишнинг фукаролик хукукий тавсифи. // ТДЮИ Ахборотномаси, 2008, № 4.
10. Шукуруллаев А. Банкротликка оид қонунчилик мазмун-моҳияти. // Олий хўжалик суди ахборотномаси. 2009, № 9.
11. Эгамбердиев Э. Судга мурожаат қилиш хукуки. // Ҳаёт ва қонун, 1996, 3-сон.
12. Эгамбердиев Э. Судга мурожаат қилиш хукуки // Ҳаёт ва қонун, 1996, 4-сон.
13. Эгамбердиев Э. Судга мурожаат қилиш хукуки // Ҳаёт ва қонун, 1996, 6-сон.
14. Эгамбердиев Э. Жавобгар манфаатини ҳимоя қилиш // Ҳаёт ва қонун, 1997, 2-сон.
15. Эгамбердиев Э. Ҳимоянинг процессуал воситалари // Ҳаёт ва қонун, 2000, 9-сон.

5. Электрон манбалар

1. www.gov.uz
2. www.press-service.uz
3. www.ziyo.edu.uz
4. www.performance.edu.uz
5. www.google.ru
6. www.yandex.ru
7. www.business-law.uz
8. www.lex.uz
9. www.norma.uz

Мундарижа

Кириш сўзи	3
1-мавзу. Тадбиркорлик хукуки тушунчаси, предмети ва манбалари.....	5
1. Тадбиркорлик хукуки тушунчаси, предмети ва унинг бошқа хукукий фанлардан фарқи.....	5
2. Бозор иқтисодиёти шаклланиши шароитида тадбиркорлик хукукининг роли.....	12
3. Тадбиркорлик хукуки манбалари.....	17
2-мавзу. Тадбиркорлик хукукий муносабатлар.....	20
1. Тадбиркорлик хукукий муносабатлар тушунчаси ва белгилари.....	20
2. Тадбиркорлик хукукий муносабатларнинг тузилиши ва таркибий кисмлари.....	21
3. Тадбиркорлик хукукий муносабатларнинг вужудга келиш асослари.....	25
4. Тадбиркорлик хукукий муносабатларнинг турлари.....	28
3-мавзу. Тадбиркорлик хукуки субъектлари.....	33
1. Хукук субъекти тушунчаси ва тадбиркорлик хукуки субъектлари.....	33
2. Тадбиркорлик хукуки субъектларининг турлари ва таснифи.....	35
3. Тадбиркорлик хукуки субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш.....	45
4. Тадбиркорлик хукуки субъектларининг хукукий холати.....	55
4-мавзу. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қайта ташкил этиш ва тугатиш.....	68
1. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қайта ташкил этишда хукукий ворислик.....	68

2. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қайта ташкил этишда хукукий ворислик.....	71
3. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тугатиш.....	75
4. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тугатиш босқичлари.....	80
5-мавзу. Тадбиркорлик субъектларининг банкротлиги.....	85
1. Ўзбекистон Республикасида банкротлик конунчилигининг ривожланишига умумий тавсиф.....	85
2. Банкротликка оид муносабатларда кредиторлар йигилиши ва уларнинг хукукларини химоя қилиш масалалари.....	89
3. Суд бошқарувчилари ва уларнинг фаолиятини тартибига солишнинг хукукий масалалари.....	93
4. Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича қабул қилинадиган суд ҳужжатлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.....	98
6-мавзу. Корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш.....	124
1. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тушунчаси ва хукукий асослари.....	124
2. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш субъектлари ва объектлари.....	129
3. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш усуслари.....	135
4. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тартиби.....	142
7-мавзу. Тадбиркорлик фаолиятининг мулкий асослари.....	149
1. Мулк хукуки тадбиркорлик фаолиятининг асоси сифатида.....	149

2.	Хусусий мулк асосида тадбиркорлик фаолияти юритиш.....	154		амалга давлат органларининг асосий вазифалари.....	254
3.	Хўжалик юритиш ҳуқуки ва оператив бошқариш ҳуқуки асосида тадбиркорлик фаолиятини юритишнинг хусусиятлари.....	162		3. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш турлари.....	260
4.	Тадбиркорлик субъектларининг мол-мулки объектлари: асосий воситалар, пул маблағлари, кимматли қоғозлар, номоддий неъматлар.....	169		12-мавзу. Хўжалик низолари ва уларни ҳал қилиш тартиби.....	272
8-мавзу.	Тадбиркорлик шартномалари.....	181		1. Хўжалик низолари тушунчаси ва уларнинг келиб чиқиши асослари.....	272
1.	Тадбиркорлик шартномалари тушунчаси.....	181		2. Хўжалик низоларини судгача, талабнома киритиш тартибида ҳал этиш.....	276
2.	Тадбиркорлик шартномаси субъектлари.....	185		3. Иқтисодий судларда хўжалик низоларини кўриб чиқиши тартиби.....	279
3.	Тадбиркорлик шартномаларини тузиш ва бажариш.....	190		4. Ҳакамлик судларида хўжалик низоларини ҳал қилиш.....	288
4.	Тадбиркорлик шартномаларини ўзgartiriш ва бекор қилиш.....	199		Глоссарий.....	295
9-мавзу.	Ташки иқтисодий фаолиятнинг ҳуқукий тартибга солиниши.....	211		Тадбиркорлик ҳуқуки фанидан тавсия этилаётган адабиётлар ва манбалар рўйхати.....	312
1.	Ташки иқтисодий фаолият тушунчаси.....	211			
2.	Ташки иқтисодий фаолиятнинг асосий йўналишлари....	214			
3.	Ташки иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш.....	228			
10-мавзу.	Тадбиркорлик фаолиятида юридик хизмат.....	235			
1.	Юридик хизмат тўғрисидаги қонунчиликнинг ривожланиши.....	235			
2.	Юридик хизматнинг ҳуқукий ҳолати.....	241			
3.	Юридик хизмат фаолиятининг асосий йўналишлари....	244			
11-мавзу.	Тадбиркорлик фаолияти субъектлари устидан давлат назорати.....	251			
1.	Тадбиркорлик фаолияти устидан давлат назорати тушунчаси ва аҳамияти.....	251			
2.	Тадбиркорлик фаолияти устидан давлат назоратини				